

# البيروتية

3  
1995





Акмал Нур.

«ТИЛОВАТ», 1990 й.

Ижтимоий-сиёсий ва  
бадний-безакли журнал

Журнал икки ойда  
бир марта чиқади.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,  
Абдумўмин БОЙМАТОВ,  
Жуманиёз ЖАББОРОВ,  
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,  
Абдусафихон РАҲМОНОВ,  
Михли САФАРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Шерали СОКИН  
(масъул котиб),  
Исмоил ТЎХТАМИШЕВ,  
Рустам ХЎЖАЕВ,  
Муҳсин ҚОДИРОВ,  
Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,  
Эркин ҲАЙИТБОЕВ.


Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган.

Ислом КАРИМОВ:

*«Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачигидай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак.*

*Шу муносабат билан маданият даргоҳларимиз мутасаддилари, фуқароларимизнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчи эдим: бутун дунёда бундай ноёб бойликлар биринчи галда давлат музейлари томонидан сотиб олинади ва сақланади. Биз ҳам худди шу йўлдан боришимиз, бунинг учун керакли маблағни асло аямаслигимиз даркор. Тенгсиз миллий бойликларимизнинг шунча талон-тороғ қилингани етар, энди биз бунга асло йўл қўймаймиз».*

Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг биринчи сессиясида  
қилинган матбузодан.



Муқованинг биринчи бетида:

Акмал Нур. «ФАРИШТА», 1990 й.

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАҒЖУРАСИ

Мафкура иқтисод, сиёсат, маънавият, умуман, жамиятнинг ҳамма қирраларига тегишли бўлган гоёлар тизимидан иборат бўлиб, бу гоёлар давлат билан жамиятнинг, жамият билан одамларнинг, сиёсат билан иқтисоднинг, иқтисод билан маънавиятнинг бир-бирига маҳкам боғлаб, қайси йўлдан олга бориш кераклигини кўрсатиб беради.

Мафкураси илмий ва ҳаётий гоёлардан иборат бўлган ва бу гоёларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этувчи бақувват ташкилотларга эга жамият энг кучли жамият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бирор давлат иккинчи бир давлатнинг ички ҳаётини издан чиқармоқчи бўлса, биринчи навбатда, унинг мафкурасига зарба бермоқчи бўлади. Мафкураси бунга ва изчил бўлмаган жамият ич-ичидан емириლა бошлайди.

Биз яратмоқчи бўлган мафкура ҳақиқий истиқлол мафкураси бўлиши керак. «Миллий истиқлол мафкураси,— деб ёзади Исмоил Каримов,— ҳаққимизнинг азалии анъаналарига, тилига, дилига, удумлирига, руҳиятларига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, матрифат туйғуларини онгимизга сингдириши керак».

Юртбошимизнинг бу фикрларида ўзбек миллий истиқлол мафкурасининг асосий томонлари камраб олинган. Хусусан, меҳр-оқибат, сабр-тоқат, инсоф, адолат, матрифат туйғуларини онгимизга сингдириш қанчаллик заруралиги таъкидланган.

Биз ҳозир Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси ҳақида бош қотирар эканмиз, жуда бақувват ва изчи гоёларни ишлаб чиқишимиз ва уларни амалга оширувчи кучларни аниқлаб олишимиз керак.

Ақсарият олимларнинг фикрларида, асосан, икки қараш қайд этилади. Биринчи — мафкурамиз бой миллий маданий меросимиз асосида яратилиши керак. Иккинчидан, мафкура узоқ келажакка мўлжалланган бўлиши керак.

Мафкура ҳақидаги фикрларга чуқур эътибор берсак, икки камчилик кўзга ташланади. Биринчиси, мафкуранинг моҳияти ҳақида кўп гап бор, ammo унинг асосий тизими ва тамойиллари ҳақида мулоҳазалар кам. Иккинчидан, мафкурага керагидан ортиқча юк-вазифа юклати-

лади. Миллий истиқлол мафкурасини яратиб, ҳаётга татбиқ эта бошласак, барча мушқулларимиз осон бўладигандек, ҳаёт фаровонлашиб кетадигандек таассурот қолади. Қанидэй шундай бўлса? Афсуски, бу катта муаммолар фақат мафкурага боғлиқ эмас-да.

Шу айтилган гапларни хулосалайдиган бўлсак, янги истиқлол мафкурасининг моҳияти қуйидагилардан иборат бўлади.

Биринчи навбатда истиқлол мафкураси илгор, илмий, ҳаётий гоёлар асосида шаклланиб, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган бўлиши керак.

Иккинчидан, миллий истиқлол мафкураси ўзбек халқининг бой миллий маданий меросига асосланиши, бу меросдан баҳра олиши, унинг энг илгор анъаналарини давом эттириши керак.

Учинчидан, миллий истиқлол мафкураси ўзбек тилини, миллий туйғуларини, миллий турмуш тарзини ҳар томонлама акс эттириши керак.

Туртинчидан, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яратилаётган демократик, адолатли, ҳуқуқий жамиятнинг асосий ҳимоячиси бўлиши керак.

Шу тариқа, мафкуранинг назарий асослари яратилади. Бу ҳали ярим талаба, бу назарияни амалга ошириш уни яратадиган кура анча қийинроқ. Демак, дастлаб мафкура назариясини ҳаётга татбиқ қилишнинг йўл-йўриқлари, восталари, усулларини ишлаб чиқишимиз, ундан ҳам муҳимроғи, мафкуранинг асосий тамойилларини ҳаётга татбиқ этувчи фидойи, оташқалб, тетик, дадил кўп сонли мафкурачиларни тарбиялаб етиштиришимиз керак.

Энди миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларини қараб чиқайлик:

Сиёсий соҳада: ватанпарварлик, халқпарварлик, байнаминаллик.

Иқтисодий соҳада: турмуш фаровонлиги, ижтимоий адолат, меҳнат — биринчи ҳаётий эҳтиёж.

Маънавият соҳасида: маънавиятга давлат ҳомийлиги, тарбиянинг илмийлиги, ҳаётийлиги, изчиллиги, ҳар бир шахснинг маънавий етуқлиги, баркамоллиги, ижод ва яратиб эркинлиги, уларнинг дахлсизлиги.

Албатта, истиқлол мафкурасининг юқоридаги тамойиллари тугал, охирига ҳақиқат эмас. Бу борада яна бошқа фикрлар ҳам бўлиши мумкин. Ammo биз демократик, адолатли, ҳуқуқий жамиятнинг мафкураси худди шу юқоридаги белгилардан ташкил топиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Миллий истиқлол мафкураси барча фуқаролар, хусусан, ёшлар қалби ва вужудида ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуларини камол топтириши зарур. Ватанпарварлик ва халқпарварлик ҳар бир инсоннинг яшashi ва ишлаши, курашининг бош мазмунига айланса, жамият парокандаликка учрамай, аста-секин олга силжий боради. Ваган ва халқ ҳақидаги мана шу икки тушунча қиңдик қони, она сuti, ота наса-насаби билан ёш гўдак идрокига сингиб бориши, бора-бора унинг турмуш тарзига айланиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз тараққиёт йўлидан идама-даб борар экан, одамларимизда, ёшларда ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуларини камол топтириш давлат учун, жамият учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ишдир. Мафкурамиз миллий истиқлол мафкураси деб аталар экан, демак, ватанпарварлик ва халқпарварлик ҳам миллий истиқлол асосида шаклланиши керак.

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Бинобарин, мафкура ягона бўлиши учун унда бошқа миллат манфаатлари ҳам акс этиши керак, яъни байнаминаллик мафкуранинг муҳим сиёсий тамойилларидан бири бўлиши шак-шубҳасиздир.

Мафкура иқтисодий ҳаётда, асосан, учта муҳим вазифани амалга оширишга хизмат қилиши керак. Булардан энг муҳими турмуш фаровонлигидир. Янги жамият барча фуқаролар учун турмуш фаровонлигини яратиб бермаса, қилинган барча ҳаракатлар зое кетади.

Турмуш фаровонлиги, асосан бир неча иқтисодий омилларни, жумладан, юксак техника ва технология, меҳнат унумдорлиги ва, албатта, меҳнатдан манфаатдорликни ўз ичига олади. Мафкура ўзида иқтисодий турмуш тарзининг шу хусусиятларини мужассамлаштириши лозим.

Мафкура аввало ва, биринчи навбатда, гоъвий куч бўлгани учун у одамларнинг онг-тушунчаси ва

рухиятга таъсир қилиб, уларни уюштиришни, маълум мақсад сари олга етаклашни керак. Жамият аъзолари қанчалик бир гоё атрофига уюшган ҳолда ҳаракат қилишса ва уларнинг бу ҳаракатлари юксак оқналик асосида бўлса, бундан жамият тараққиёти шунчалик камол топади.

Мафқура ҳар бир соҳада икки вазифага баб-баравар хизмат қилади. Биринчи томондан, у жамият аъзоларини маълум мақсад сари олга етаклайди, иккинчи томондан, мана шу мақсад йўлидаги барча гоёвий тўсиқларга қарши мурокасиз кураш олиб боради. Демак, у жамиятнинг ривожланиши учун йўлни ёритиб туради, одамларга руҳий куч бағишлаб, уларга мададкор бўлади.

Мафқура қамчиликларга, иллатларга, гоёвий чалкашликларга, жамият йўлидаги парокандалик турдирувчи кучларга қарши кураш олиб боради ва бу билан у одамлар турмушида, меҳнат жараёнида, хизмат кўрсатиш соҳаларида, жамиятнинг ҳар бир соқрат вакилига бўлган муносабатда ижтимоий адолатни таъминлаб туради.

Жамиятда ижтимоий адолат тантана қилиб турсагина одамларни уюштириб, олга етаклаш мумкин. Одамларнинг ҳафсаласини пир қилиб, уларни бўлиб-бўлиб юборадиган, келажакка бўлган ишончини сусайтирадиган, одамлар билан ҳокимият, одамлар билан одамлар урасида низолаб келтириб чиқарадиган гоё — бу ижтимоий адолатнинг бузилишидир.

Жамиятни қоядек юксак ва бақувват қиладиган, одамларни маълум гоё атрофига маҳкам уюштириб, муайян мақсад сари олга етак-

лайдиган омиллардан яна бири меҳнат эҳтиёжидир.

Меҳнатнинг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланиши инсониятнинг азалий орсусидир. Биров куп пул топиш учун, биров мажбуран, биров узини кўрсатиб қўйиш учун меҳнат қилиши мумкин. Бу ҳилдаги меҳнат ички қалб даъвати бўлмай, айрим сабаблар билан боғланган, маълум вақтдан сўнг ўтиб кетадиган жараёндир. Меҳнат биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланса, у бир умр давом этади, уни ҳеч ким, ҳеч нарса тўхтата олмайди.

Янги меҳнат интизомини вужудга келтириш, кишилар уртасида ижтимоий алоқанинг янги шаклларини ўрнатил, кишиларни меҳнатга жалб қилишнинг янги усулларини жорий этиш куп йиллар давом этадиган ишдир.

Инсон меҳнат қилиш орқали бир вақтнинг узида иккита вазифани бажаради. Меҳнат жараёнида табиат ва жамият буюмлари қайта ишланади, табиатнинг бағрида яшриниб ётган сирлар ошкор этилади, ижтимоий қимматга эга бўлган бойликлар яратилади. Иккинчи томондан, меҳнат жараёни инсоннинг узини ўзгартириб юборади.

Меҳнатнинг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланишида меҳнат қилишнинг завқли, қизиқари, мароқли омилга айланиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Инсон қанчалик юксак ақл-идроқли, маданиятли, маълумотли бўлмасин, агар меҳнат жараёни зерикари, маънақатли, шарқусиз бўлиб қолаверса, меҳнат кишининг асосий эҳтиёжга айланмайди. Бу ерда эстетик омилнинг роли аниқ кўза ташланади.

Мафқура маънавиятнинг муҳим томони бўлгани учун унинг бу бо-

радаги вазифалари бениҳоя каттадир. Мафқуранинг маънавий тборасидаги вазифалари ҳақида ўйлар эканмиз, биринчи навбатда, маънавиятга давлат ҳомийлигини алоҳида кўрсатиш зарурияти аниқ сезилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маънавиятга давлат ҳомийлиги жуда зарур.

Тарбия масаласи мафқуранинг асосий вазифасидир. Тарбиянинг моҳиятини чинакам илмий асосда аниқлаб олиш, унинг янгиҳа тизими, восталарини ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил татбиқ этиш мафқурачилар зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир. Ҳар бир шахснинг маънавий етуқлиги, баркамоллиги тарбиянинг асосий моҳияти ҳисобланади.

Ижод ва яратилш эркинлиги, уларнинг даҳасизлиги масалалари ҳам мафқура доирасига қиради. Мафқура ижод аҳлини ўз паноҳига олиши, турли таътиқлардан омон сақлаши керак. Ижод аҳлининг эркинлиги, ижод қилиш даҳасизлиги ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиши шубҳасиз зарур, аммо уларни гоёвий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бу йўлда бўладиган турли-туман адолатсизликка ўз вақтида тегишли зарба бериш мафқура соҳасидаги жиддий ишлардан биридир.

Мана шу тариқа илмий истиқлол мафқураси яратилса, у жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеага айланади. Мустақиллик шу тарика барқарорликка эришади.



## АМИР ТЕМУР МУЗЕЙИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарда, фан ва маданият ҳомийси, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини 1936 йилнинг куз ойларида нишонлаш тўғрисидаги Фармон халқимиз томонидан катта муминият ва ҳурсийдчилик ҳис-туйғулари билан кутиб олинди.

Фармон матбуотда эълон қилиниши биланоқ бутун ўлкамизда бу улут санага тайёргарлик ишлари қизиг бошланиб кетди.

Фармонда, жумладан, улут бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолиятини, шунингдек темурийларнинг инсоният тарихида тутган ўрнини кўрсатуви музей ташкил этиш вазифаси ҳам қўйилган эди. Тошкент шаҳар меъморчилик ва шаҳар қурилиши бош бошқармасининг бир гуруҳ ижодкорлари ана шу музейнинг лойиҳасини тайёрлаш устида қизиг иш олиб боришлар. Яратилган лойиҳа бир қанча тузатиш ва тўддиришлар киритилганидан кейин ниҳоят тасдиқланди ва ушбу музейни ташкил этиш уюсидаги ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳани тайёрлаш бўйича бош меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев бошчилигида меъморлар Қобул Муҳаммаджонов, Абдулла Қосимов, лойиҳа муҳандиси А. Ганневлар самарали ижодий меҳнат қилдилар.

Музейнинг меъморий ижросида ҳозирги замон меъморчилик услублари ҳамда халқимизнинг миллий анъаналари бир-бирлари билан узвий боғланиб кетган. Музей бутун қурилиши ва мазмунига қўра аввало Те-

мур ва темурийлар даврини кўз олдимиизга келтириши билан бирга бугунги кунимиизга ҳам уйғун бўлади. Музейнинг шакли думалоқ кўринишда. Ички кенглиги эса 60 метрга етади. Унинг ер остидаги қаватида хизмат хоналари, омборлар жойлашади. Қолган икки юқори қаватда музей экспозициялари, маърузалар зали, тутоҳона ўрин олади.

Бинонинг марказий қисми тепасида кенлиги 32 метрдан иборат ўз хил рангда товланувчи гўмбаз тикланади. Унинг тагида ниҳоятда гўзал суратларни ўзида ақс эттирган марказий панно жой олади. Бу ишни «Усто» бирлашмасининг расмолари бажарадилар.

Амир Темур музейи унинг номи билан аталган хиёбонда қад кўтарлади. Буюк саркарданинг олак улутвор сиймоси ақс эттирилган ҳайкал томонда эса унинг асосий кириш қисми жой олади.

Музей ҳар томондан яққол кўриниб турмоғи керак. Бунинг учун музей айланаси бўйлаб устулар ўрнатилш режалаштирилган. Музей дов-дарактлар оғушида бўлади.

Мазкур ёдгорлики бунёд этиш ишларини «Ташжилинвестстрой» корпорацияси қурувчилари ўз зиммаларига олдилар. Улар қўли гул халқ усталари — ёгоч ўймакорлари, ганч, мармарларга гул туширувчи ҳунармандлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боришлар. Амир Темур музейи шаҳримизнинг энг кўркам, ораста биноларидан бўлади.

Назар РАЖАБОВ,

Самарқанд давлат дорифунуи профессори

# АТАМАЛАР АНИҚ БЎЛСИН

Табиятда номсиз нарсанинг ўзи йўқ. Уларнинг айримлари номларини эса биз ҳали етарлича англаб ололмаган бўлишимиз мумкин. Инсоннинг ҳам яралгандан буён ўз номига эга бўлгани аниқдир. Бу олий ҳимматли зотнинг номи одамдир. Шундан бери 3-3,5 миллион йил ўтиб кетган. Унинг дастлабкиси фарз қилиб келинаётгани сингари Одам Ато ва Момо Ҳаво ёки одамсимон маймуналардан келиб чиққанигидан қатъи назар, улар пайдо бўлди ва юқори маданиятли даражага эришди. Ҳозирги вақтда улар авлодларининг сони бир неча миллиардни ташкил этади.

Инсоннинг ёруғ дунёга келиши билан унга узаро сузлашиш, бир-бирини тушуниши ва алоқа боғлаши учун тил ҳам ато этилган. Албатта, ибтидоий кишиларнинг тиллари жуда ҳам содда бўлган. Даврлар ўтиши билан уларнинг ўзлари ҳам, тиллари ҳам аста-секин ривожланиб, тақомиллашиб борган. Натижанда, одамлар юқори тараққиёт даражасига эришдилар. Алгоритм, медицина, лутат, товариш, қирғич, мэр-мир-амир, товар, вилоят, туман, бука, эл, юрт, қозон, хок, ага, ини каби атамаларнинг қадимийлиги ҳақида тарих гувоҳлик беради. Бу атамаларнинг қўллари халқро аҳамият касб этиб, байнаминал атамалар қаторидан кент жой олган.

Эзма манбаларимиздаги айрим атамалар, бир томондан уларнинг атамалари сифатида мавжудлиги ва, иккинчи томондан, шевадар билан алоқадорлиги билан ажралиб туради. «Девону луготит туркда кент истеъмолда бўлган адаш (дўст, урток), ала (ола, пес), атақи (отажоним), апақи (апажоним), атиз (икки ариқ орасидаги жой) каби сўз атамалар ўзбек шевадарини қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Аlisher Навоий асарларида ишлатилган умоч, кумоч, ўрмак, овуч, урт қабилар эса қипчоқ гуруҳи шевадарлари учун хос хусусиятлардан айр.

Ўзбек атамашунослиги тарихида Машриқ Юнус угли Элбек, Ҳози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Виктор Решетов, Ходи Зарифов, Собиржон Иброҳимов, Олим Усмонов, Алибек Рустамов каби машҳур олимларимизнинг хизматлари гоят қаттиқдир. Бизлар эса ўз имний-амалий фаолиятимизда уларнинг тадқиқотларига тез-тез мурожаат қилиб тураемиз.

Қисқаса, атамашунослигимиз тарихи қадимийдир. Бу тарихни баён этишининг ўзи алоҳида бир мавзу. Тарихининг далолат беришича, давлат бор экан, давлат тили ҳам бўлиши, табиийдир. Лекин унинг шакллари ўзгариб келган бўлиши мумкин.

Ишпооло, энди ўзбек эли ўзининг мустақил миллий давлати ва давлат тилига эга бўлди. Шундай экан, қатъият билан давлат тузумимиз ва она тилимизни, умуман, барча соҳаларимизни миллийлаштиришимиз лозим. Фақат шу йўл билангина узоқ йиллар кутилган мустақиллики мустақамлашга эришамиз.

Барча зибиларнинг, жумладан, филолог олимларнинг ҳам бурчи миллийлаштириш ишида фаолият кўрсатишдан иборатдир. Миллийлаштириш жараёни мактабга тарбия муассасалари, бошланғич таълим, умумий ўрта мактаб, ҳунар билим юрталари, ўрта махсус ва олий мактабларда тўла равишда амалга оширилиши керак. Бу юмуш, сўзсиз, она тилимизнинг бойликларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Атамаларни қўлашда бу ишни сабр-тоқат билан амалий ҳаётга тадбиқ этиб бориш айни муддаоидир. Шунга қўра, ҳозирги пайтда жараён (процесс), қўшимча (аффикс), шакл

(форма), маънодош (синоним), шаклдош (омоним), лутатшунослик (лексикография), вазифа (функция), хат боши (абзац), иккиланган ундош (геманация), оҳанг (интонация), оҳангдошлик (сингармонизм), байналминал (интернационал), лаҳжа (диалект), атама (термин), манзил (манзилоҳ), ўқишхона (аудитория), дарсхона (кабинет), риёзиёт (математика), тажрибахона (лаборатория), ёзув (графика), имло (орфография), маъно (семантика), услуб (стиль), услубият (стилястика), имтиҳон (экзамен), синов (заҷет), носинов (незаҷет) каби атамаларни фаол қўлаб бориш ўринлидир.

Фуқаро, вазир, гуруҳ, фармоиш, тиб иами, девон, муҳр, тиббиёт, муаммо, мутлоақ, қотиб, ҳазрат, мавлоно, минбар, фаррош, мусиқа каби атамалар ҳам тилимизнинг ҳозирги давр тараққиёти талабига мос келади. Чунки уларнинг тарихи ҳам халқимиз тарихи сингари қадимийдир.

Атамашунослик комиссияси лутатларида китобхоналарга қўлайлик яратиб мақсадида атамаларни «қозирга қўлланилган атамалар» ва «бундан кейин ишлатиладиган атамалар» деб аниқ кўрсатилган.

«Атамалар лутати»нинг 3-4 сонларида ҳуқуқшунослик, биология факультетлари, тил ва адабий фанларига оид атамаларнинг ўқув дастурига мослаб бериладиганлари ўқиш мумкин. Бу иш келгусида давом эттирилади. Лугатнинг 5-6 сонлари учун материаллар тўпланмоқда.

Маълумки, кўп сонли сўзларнинг бирини атама сифатида танлаб олишимиз лозим бўлади. Биз куйида уларнинг айримлариға намуна сифатида тўхталиб ўтамиз.

1. Ўринбосар, ёрдамчи, муовин, ноиб атамалари хусусида. Бу сўзларнинг барчаси тилимизда аралаш ҳолда қўлланилмоқда. Бизнингча, адабий тилда улардан «ўринбосар» атамаси олинши, «ёрдамчи» эса услубга қараб айрим ҳолларда ишлатилиши ўринлидир. «Муовин» атамаси эскирган. Шу сабабли унинг тарихий воқеа-ҳодисалар баёнида берилиши маъқул. Аммо бу атама тожик адабий тилида фаол қўлланилади. «Ноиб» атамаси эса айрим ҳоллардагина жонли ишлатилиб турилади. У тожик адабий тилида «муовин» билан бир хил мавқега эга. Хулоса: «ўринбосар» асосий атама ҳисобланиб, «ёрдамчи» баъзи ҳолларда нутқ услубининг ифодаси учун қўлланилади. «Муовин», «ноиб» атамаларни тарихийликини ифодалашда ишлатилмай, холос.

2. Талаба, студент, толиб, толиба атамалари ҳақида. Бу атамаларнинг учтаси Навоий ва унинг замонадошларида фаол ишлатилган. Биз «Навоий асарлари лутати» (1972), «Ўзбек тилининг имло лутати» (1987) китобларида «талаба», «толиб» атамалари урин олганлигини кўрамиз. Лекин нима учундир «толиба» атамаси Навоий лутатида алоҳида қайд этилмаган. Навоийдан сунгити давр эзма манбааларида ҳам бу учала атама турлича мавқеларга эга бўлиб келган. Ҳозирги вақтда уларнинг тўртталаси ҳам тилимизда қўлланилиб келиняпти. Ҳатто бир давра суҳбатда олимлардан бири «талаба» атамаси эмас, балки «толиб», «толиба» атамаларининг қўлланилиши ҳақида аниқ фикрни билдирган эди.

Ўзбек адабий тили асосига «талаба» асос қилиб олинши, «толиб» ва «толиба» эса эскирган атама сифатида қаралиши маъқулдир. Аслида эса «хазирга қадар «студент» атамаси адабий тилда кент истеъмолда бўлиб келди. Сунгити пайтда қатор хайрли ишлар би-

# ТИЖОРАВИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

лан бир қаторда, тарихий манбаалар, лугатлар ва жонли тил материалларига мурожаат қилишга кўпроқ аҳамият берила бошлади. Сузсиз, бу ижобий ҳол деб қаралмоқда. Бизнингча, биринчи навбатда «талаба» ва сўнгра унинг маънодоши сифатида «студент» атамаси қўлланилиши ўринлидир. «Толиб» ва «толиба» атамалари эса тожик адабий тили учун асосий норма ҳисобланади. Аммо айрим ҳолларда уларни тайёр бирикма таркибиде ишлатиш ҳоллари учрайди. Бу ҳам тарихийлик билан боғлиқдир. Масалан, «толиби кўнгил», «толиби илм» каби.

3. Атама, термин, истилоҳ атамаларининг адабий тилда берилиши. Маълумки, адабий тилимиз тарихида «истилоҳ» атамаси, асосан, Навоий давридан (бу давр асарлари лугатида ҳам қайт этилган) қўлланилиб келинар эди. «Чигатога гурунги» (1918) «атама» сузини истеъмолга киритиш масаласини қўйди. Лекин бу суз оммавий хусусиятга эга бўлмади қолди ва «истилоҳ» асосий атама сифатида кенг доирада қўлланилиб келинаверди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, «термин» деган суз дастлаб «Аланга» журнали саҳифаларида 1929 йилдан бошлаб ишлатилга бошлади. «Атама» эса фақат айрим ҳоллардагина истеъмолда бўлиб келганлигини қайд этиш ўринлидир. Демак, «термин» сузининг қўлланилиши 65 йиллик тарихни ичига олади. «Атама»нинг истеъмолга киритилиши тарихи эса 75 йилни қамраб олади.

Ҳозирги пайтда эса «атама» асосий деб олинди, «термин» эса услабий мақсадлар учун қўлланилаверди. «Истилоҳ» атамасининг қўлланилиши кузга ташланмайди. У фақат тарихийликни ифодалаш учун ишлатилади, холос.

Яна қўйилганларга ҳам эътибор берайлик: дорифунун-университет, факультет-қулайет, бўлим-шўба, кафедра-минбаргоҳ, шева-лаҳжа — диалект, девонхона-канцелярия, ҳисобчи-бухгалтер, ҳуқуқшунос-юрист, риёзиёт-математика, иқтисодиёт-экономика, босмахона-типография, кимё-химия каби атамаларнинг биринчиларини ҳаётда қўлаш тарафдоримиз.

Оқоридагилардан кўриниб турганидек, давлат тили ҳақидаги қонунининг ижроси ва атамалар танлашда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Аммо муаммолар ҳам кам эмас. Мана, уларнинг баъзилари:

1. Давлат тили ҳақидаги қонуни ижро этиш учун, албатта, «Эски ўзбек ёзуви» фани ҳамма ўзбек гуруҳларида ўқитилиши аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Бу курс ўқув жараёнига киритилиши лозим.

2. Ҳарбий кафедрамиз, жумладан, дорифунундаги кафедра давлат тилида ўқитишни ҳақи ҳам ўйлаб кўрмайпти. Бизнингча, давлат тилида ўқитишга кучиши шарт. Давлат тили комиссияси бу ҳақда кафедра бошлиғига ўзининг тавсиясини айтганди. Чунки ўз миллий давлати ва давлат тили бўла туриб, бошқа давлат тилида кадрлар тайёрлашнинг ўзи қулгилу! Шундай қилинса, ҳарбий атамаларни тартибга солиш ҳам изга тушиб кетади.

3. Атамаларни танлаб ишлатишда нуқсонлар кўп. Чунки дорифунун-университет, олий мактаб-олийгоҳ, институт-олийгоҳ, факультет-қулайет, талаба-толиб-студент, бўлим-шўба, бино-корпус, туман-ноҳия-район кабилар аралаш-қуралаш ишлатилиб келинмоқда. Қарангки, яқиндагина берилган «Ўзбекистон ахбороти» телекурсутида туман-ноҳия-район сўзлари аралаш-қуралаш ҳолда қўлланиди. Бундай мисоларни кўплаб келтириш мумкин.

Қисқаси, давлат тили қонуни қабул қилингандан бери бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо муаммолар ҳам кам эмас. Ҳозирги давра атамаларни тўри танлаш ва улардан самарали фойдаланиб иш кўриш учун адабий тилимизда мавжуд бўлган атамалар билан бир қаторда, ёзма ёдгорликларимиз ва шеваларимиздаги бойликлардан умумий фойдаланиб иш кўриш аини муддасдир. Бу муҳим ишда барчамиз бир-дай ҳаракат қилайлик.

Шу йилнинг февраль ойда Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Кўргазмалар заида республика ёш рассомларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Республика Рассомлар уюшмаси ва «Хамар» ҳалқаро алоқалар маркази томонидан уюштирилган бу кўргазма тижоравий мақсадни кўзлайди. Бу эса санъат кўргазмалари фаолияти тарихида давримизнинг руҳи билан боғлиқ узига хос бир янгиликдир.

«Ёшлар кўрсатида» деган мавзу остида уюштирилган бу кўргазмада ёшлари 17-35 уртасидаги рассомлар қатнашди. Ҳаммаси бўлиб 40 расмонинг 173 асари қўйилди. Гарчи кўргазмада мамлакатимизнинг бутун вилоятларидаги ёш ижодкорлар фаолиятининг энг яхши намуналарини йиғиб келиб кўрсатиш режалаштирилган бўлса-да, лекин унда асосан тошкентлик рассомлар ва Андижон вилоятидан икки ёш расмон ўз ишлари билан қатнашди. Ҳеч қиси йўқ. Бу, шубҳасиз, келгусида ҳал бўлиб кетадиган ташкилий муаммолардан биридир. Энг муҳими, шундай кўргазма дастлабки қадмаларини муваффақиятли қўйганидир.

Кўргазмага келганлар «Давр» ёш эстрада жамоасининг ёқимли мусиқий оҳанглари ҳамнафаслигиде заллардаги ишларни томоша қилдилар. Ёш рассомларнинг асарлари замонавий тасвирий санъатнинг турли жанр, шакл ва услубларида яратилган. Уларнинг орасида мойбўёқ ва графика, ҳайкалтарошлик ва манзаравий-амалий санъат ва бошқа турдаги ишлар ҳам бор. У Мухторовнинг «Боланинг расми», Р. Акромовнинг «Қизи олма» деган реалистик, натуралистик асарларидан тортиб Б. Виноградовнинг Шарқнинг кўп сюжетли миниатюралари услубидаги назокатли ишлари, Д. Эшматовнинг нафис куза ва гулдонали, Ж. Натбаевнинг ўз хис-туйғу ва кечинмаларини фантастик-ҳаёлий усулларда ифодалаган асарлари, З. Ботировнинг гоят камёб услубдаги «Уя» асари, И. Кулагина, З. Ган, Е. Комбина, Г. Жуманов, Д. Охунбоевларнинг мойбўёқда яратилган мавзули-композицион полотнолари дунёни ранг-баранг идорек этиш ва тасвир-ифодалаш маҳоратидан тугилган гузал ҳодисалар сифатида томошабинлар диққатини жалб этади.

Оқорида айтилганидек, бу кўргазма тижоравий мақсадларда уюштирилган. Ва бу табиий бир ҳол. Чунки ҳозирги кунда атиги битта тасвирий санъат асарини яратиш учун уртача 1000 сум маблағ сарфланади. Рассомлар навбатдаги асарларини яратишлари учун эса тайёр асарларини сотмоқлари керак. Бу эса осон иш эмас. Мазкур кўргазма ёш ижодкорларга худди шу ёрдамни кўрсатиш учун ташкил этилган. Кўргазмадаги асарлар минг сумдан бир неча минг сумгача баҳоланган. «Хамар» ҳалқаро алоқалар марказининг бош директори Феруза Раҳматуллаева ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўргазмадаги ишларнинг бир қисмини марказ сотиб олишга қарор қилганигини айтди. Бундан ташқари, кўргазмага кўпгина бизнесменлар, чет эл дипломати муассасаларининг вакиллари ва санъатсевар бой-бадавлат одамлар ҳам такиф этилди.

Дастлабки қутилган натижаларни берган бундай тижоравий кўргазмалар ташкил этилиб турилишидан ҳам санъат ривожини, ҳам халқ маънавияти, шак-шубҳасиз, манфаатдордир.



Халима Носирова невараси Гулмира билан.

**Х**АЛИМА Носирова... Ким у? Актрисами ёки ашулчи? Балки иккала илҳом парисининг ҳам меҳри тушган санъаткордир? Халима Носированинг 30, 40, 50, ҳатто 60-йилларда гоятда шўҳрат қозонганининг сир-асрорлари нимада? Уз даврини куйлагани сабабли шўҳрат қозонган, давр тақозоси билан шон-шўҳратга сазовор бўлган эдими? Ёки порлоқ истеъдоднинг замонага гузаллик бахш этишимиди бу? Лекин уни шон-шўҳратга буркаган фақат давр тақозоси эмас эди. Халима Носированинг ашулаларини тинглаган кишиларнинг қалбида ҳис-туйғулари жунбуша келиб, унинг бекиёс санъатига тасаннолар айтардилар, у табиат ато этган побё овози билан санъат даргоҳига етиб кириб келди. У куйлаганда матиниқ теран мазмунига сингиб кетар, муסיқанинг оҳангларидан руҳий завқ оларинг эди.

Халима Носирова отаси Муҳаммадносир Уз даврининг маълумотли, маданиятга кишиларидан ҳисобланиб, Қўқондаги ҳукумат идораларининг эътиборига сазовор кишиларидан бири бўлганига тўғрими? Халима Носированинг онаси Хосиятхон эрининг вафотидан сунг тўрт бола билан қолган эди. Болаларининг энг кичиклари — Халима билан Расулжонни интернатга жойлаштириб, Хосиятхон ўзи фабрикага ишга кирди. У фаол, иродали аёл бўлгани учун Қўқонда ва Андижондаги хотин-қизлар ҳаракатини жонланштириш буйича жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Интернатда татар миллатига мансуб тарбиячилар Маъсума хоним, Марзия хоним, Софа хоним, Розия хонимлар диний ва замонавий фанлардан сабоқ берардилар, улар дин ва шарият масалаларидан пухта ха-

# МУЪЖИЗА **БОР** ЭРУР

бардор эдилар. Халима ўзининг кўнги-роқдек овози ва кучли ҳофизаси билан уларнинг эътиборини ўзига тортиди, у Куръон сураларини оҳангдор тиловат қилар, шеърларни ифодали ўқир, спектаклларда ролларни сидқидидан ижро этар эди. Ёш истеъдод соҳибаси Ҳамза, Ҳайру, Муҳиддин Қорнёқубов, Йўлдош Охунбобоевлар назарига тушиди ва улар унга Тошкентда ўқишни давом эттиришни тавсия қилдилар. 1923 йил кузида интернатнинг энг яхши толиблари қизил вагонда, Собира Холдорова етакчилигида Тошкентга келдилар. Уларни хотин-қизлар билим юрти уз бағрига олди. Бу ерда латофатгай, меҳрибон Саодатхоним ўзбекистонлик ёшларни кучоқ очиб кутиб олди, улар учун иккинчи она вазифасини ўтади. Халима билим юртида Саодатхоним ижросида ажойиб татар ва рус куйларини биринчи марта эшитди, фортепиано чалиш буйича дастлабки сабоқларни кўнг билан ўрганди.

Халима бу санъат кошонасида тиришқоқлик билан ўқиди, Али Ардоубо раҳбарлик қилган бадиий ҳаваскорлик тўғарагига қатнашди. Уша даврдаги таниқли санъаткорлар, маданият арбоблари — Ғулום Зафарий, Боту, Сайфиқори ва бошқалар Ғ. Зафарийнинг «Бинафша», «Эрк болалари» каби тўғарак томонидан саҳналаштирилган муסיқий пьесаларини, Халима уз ашулалари

билан жон киритган концертларни атайин кургани келар эдилар.

1924 йил августда Халима бир гуруҳ истеъдодли йигит ва қизлар қаторида Бокуга, театр техникуми қошида очилган Ўзбек драма студиясига ўқишга юборилди. Театр ва муסיқа тарихи, сольфеджио, актёрлик маҳорати, саҳна ҳаракати, психология, адабиёт, сола яккахон ашулачилик ва бошқа фанлар буйича машгулотларга шўнгит кетди. Бундан ташқари у Ғ. Сарабский, Д. Талишинская, С. Гаджар, К. Тожиларнинг ёрдамида озарбайжон мугомлари, халқ ашулаларини мукамал ўрганди, Ш. Мамедова, Б. Мамедовлардан яккахонлик буйича сабоқ олди. Атоқли бастакор Узеир Ҳожибековнинг шахсан ўзи студия аъзоларига ҳомилийк қиларди. Халима Озарбайжон драма ва опера театри спектакллари ҳамда репетицияларига бораркан, у илк бор юк-сак баркамол даражадаги санъат оламига кириб келди. Фузулийнинг достони асосида Узеир Ҳожибеков яратган «Лайли ва Мажнун»

операси Халимани ҳайратга солди. Инсоннинг қадр-қимматига, унинг ақл-идроки маънавий юксаклигига қараб эмас, балки унинг мол-мулкига, давлатига қараб баҳо бериладиган жамиятга ошиқ-маъшўқаларнинг буюк мухаббатларининг фожиали тақдирдан у гоятда таъсирланади. «Бир вақтнинг ўзида дилим равшан ва айни вақтда дилим қон», — дерди Халима, лекин нима учун қалбида бундай тугёнар зоҳир бўлаётганини тушуниб етмас эди... Қалбни тўқинларда оқизувчи улкан киссийётлар оламининг маликаси — муסיқа унинг борлигини чулға олганди.

У капалак сингари учиниши, ашула айтиб, рақсга тушушини хоҳлар, гоҳ эса ана шу охири йўқ ва тушунардасиз дунёда ўзини эзилган ва ёлғиз ҳис этиб, йилгашни истар эди. Халима ногоҳ муסיқий сўзининг таъсир кучи нақадар теран эканлигини англаб етди, бу эса унинг учун ҳануз номатълум бўлиб келган кашфиёт бўлди, эркин, ажойиб жанрангличи ашулани эшитди.

Ана шу дақиқадан бошлаб, опера ижросисини бўлиш истаги унинг хаёлидан нари кетмади. Билим олиш, маҳоратни ошириш, озарбайжон театрининг атоқли арбоблари билан мулоқотда бўлиш ва ниҳоят, уч йиллик таҳсил унга кўп нарсалар берди.

Адабий тўғарак машгулотларида Халима К. С. Станиславский, В.

И. Немирович-Данченко, А. Я. Таиров, В. Э. Мейерхольт, Е. Б. Вахтангов, С. Ахметелилар номларини биринчи марта эшитди, турли ижодий мавзулардаги мунозараларда фаол қатнашди, улар купинча ижодий мулоқот пайтларида бир-бирини инкор қилувчи ақидаларга асосланар ва баъзан бир-бирларини кескин айбашлар билан ўз суҳбат мавзуларига чек қўядилар. «Агар ҳар қандай изланиш инсонийлик гоёси билан йўрилган бўлиб, бунёдкорлик сари йўналган бўлса, у яшаш ҳуқуқига эгадир», — деб уйлари Ҳалима. У бор овози билан «Изланишлар йўлини тўсманг! Эркин бўлмаган ижод қафасдаги қушни ёки қамишнайда чалинган симфонияни эслатади!» — деб қичқирмоқчи бўларди. Лекин уни ким ҳам тинглади... Тугарақда бақироқ ва баҳсаг уч, узини но-зик дид ва ақл соҳиби, деб билувчилар даврани бошқарардилар.

1928 йил баҳорида Ҳалима Бокудаги ўқишни тўхтатишига ва бевақт ҳалок бўлган Турсуной Саидзимованинг ўрнини босиш учун Ўзбекистонга, драма театрига қайтиб келишига тўғри келди. У жуда қисқа вақт ичда етакчи актрисанинг деярли бутун репертуарини

## ОХАНГЛАРИДА

узлаштириши керак эди. Турсуной Гулом Зафарий асарида Ҳалима, Чулпоннинг «Ерқинной» пьесасида Кумри, «Маликаи Турандот», Гольдонининг «Икки бойга бир малай», Гоголнинг «Ревизор»да қатор ёрқин сиймоаларни яратиб, эл озгига тушган санъаткор эди. Энди унинг ўрнини босиш талаб этиларди. Бу вақтда эса драма театри мунаққидлар эътиборини ўзига жалб этган, театр ҳақида завқ-шавқ билан ёзувчилар ҳам, аёвсиз танқид қилувчилар ҳам, етарли эди. Лекин Маннон Уйгур ўз жўшқин фаолияти билан бошқаларни ўз ортидан эргаштира олди. Чулпон суза ва оҳангини жаранглайтиб юборарди. Тухтасин Жалилов мусиқа учун масъул эди. Театр фаолияти кенг қучоқ ёй бошлади. Томошабинлар Ҳалимани қизгин кутиб олишди. Унинг шухрати кундан-кунга ошиб борди.

Ҳалима ашула ва ижро маҳоратининг ноёб соҳиблари бўлган Ҳожи Абдулазиз, Домда Ҳалим Ибодов, Мулла Туйчи Тошмуҳамедов, Рихис Ражабий, Шерозий, Чокар, Сафо Муганний, Содиҳон, Юнус Ражабий, Рафаъл Тоамасов, Назирахонлардан мақом сирларини ўргана бошлади. Ҳалима устозларини куйлашини тингларкан, мақомларнинг бутун бир илм, фалсафа эканлигин, авж парадсининг ажойиб ва эркин таралиши ҳақида уйлари. У бутун борлиги би-



Ҳалима НОСИРОВА, Ҳалима КОМИЛОВА ва Фотима НОСИРОВА.

лан танбур чалишга берилган Ҳайит охуннинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилиши, юксак ижодий ҳолатида ақл бовар қилмайдиган мелодик ва ритмик кашфийётлар қиладиган Абдуқодир ака, Аҳмад-Жон ака, Мадамияжон ака, Уста Олимларнинг соатлаб қуй чалиш сирларини энди англаб етди. Ана шу вақтдан бошлаб Ҳалима авж парданнинг ишқибозига айланди. Тухтасин Жалилов унинг ариалари учун авжлар ёзиб беришга ваъда берди. «Бу — жуда керак, лекин биз улардан вазиятга қараб, ботиний ҳолатни сузлар билан ифодалаш мумкин бўлмаган ҳоллардагина фойдаланамиз», — деб ўз фикрини айтди Ҳалима.

«Тўғри, бизнинг вазифамиз сенинг овозинг қанчалик баланд бўлишининга эмас, балки тасвириланётган характернинг драматини ҳам курсатишдан иборат», — деб қўшимча қилди Т. Жалилов. Бу вақтда обрўси беқиёс даражада ошиб бораётган М. Қориёқубовнинг ижоди ана шу мезон руҳига мос ке-

ларди. «Театрда айна шундай куйлаш керак. Фикр ҳам, нафосат ҳам намоён. У — юксак даражадаги моҳир санъаткор. У — янги давр куйчиси. Унинг истиқбولى порлоқ бўлади», — М. Қориёқубовни саҳнада илк бор эшитган пайтида Ҳалима шундай баҳорат қиляди.

1929 йилда Ҳалима ҳеч ким кутмаган ҳолда Андижон театрига ишга жўнади. Бу ерда у муסיқий репертуаринг Гулчеҳра (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Дилбар (К. Яшин, «Икки коммунист»), Лайли, Ширин, Ҳалима сингари етакчи муסיқий партияларини ижро этди. Ҳалиманинг қаҳрамонлари жасур, юксак мақсадлар йўлида жонини ҳам қўрбон қилишга тайёр бўлган букиламас иродали аёллар эди. Уларга ишонилари, уларни севилари, уларга эргашдилар. Бу сиймолар хотин-қизларга бошқача муносабатда бўлишга, уларнинг интилишлари ва ҳистуйтуғуларини ҳурмат қилишга, уларни баркамол шахс деб билишга мажбур этарди.



Ҳалима Носирова ва Тухфа Фозилова.

1930 йилда Ҳалима Андижон театрини ҳам тарк этди ва янги ташкил этилган, М. Қориеқубов раҳбарлик қилаётган Ўзбек давлат музыка театрига ишга кирди. М. Қориеқубовнинг янги репертуар барпо этиш, нота ижросига асосланган оркестр, театр қошида миллий кадрлар тайёрлаш учун студия ташкил этиш борасидаги улкан режалари Ҳалимани узига ром этган эди. Опера мафтун бўлган Ҳалима изланишлар ва янгилик руҳи парвоз этган, журъат ва ҳаёлот жўш урган муҳитга узини отди. Театр атрофида республиканинг энг яхши ижодий кучлари, Москва ва Ленинграддан тақлиф қилинган созандалар, педагоглар жамланган эди. Улар қандай куйлаш, муסיқани қандай ижро этиш, оркестрга қандай чолгуларни киритиш тўғрисида маслаҳатлашар, баҳслашар эдилар. «Уртоқлар», «Утдан парчалар», «Пуртана», «Ичкарда» сингари замонавий мавзудаги спектакллар шу тариқа дунёга келди.

Ҳалима 17 ёшидаёқ элнинг олқишига, эътирофига сазовор бўлди. 1933 йил Москвада бўлиб ўтган миллий театрлар Олимпиадасида Ҳалиманинг ижросида «Ул узорим» ашуласини эпшитган К. С. Станиславский «Ҳалима — муъжизадир» деб хитоб қилган эди. Бу тун зал Ҳалиманинг ашуласини олқишлаганди.

Ҳалима 19 ёшида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлди. Хуршиднинг «Лайла ва Мажнун» мусиқий драмасида Ҳалима мужассам этган Лайла сиймоси узининг эҳтироси севгиси ва тасали топмаган изтироблари, ҳиссийати дил розлари, фожиали руҳияти билан узоқ вақт томошабинлар хотирасида сақланиб қолди. Анча-мунча ҳаёт синовларидан ўтган, санъат кошонасини табаррук билган Ҳалимаҳон 1934 йил Москва Давлат катта театрида стажёр вазифасида ишлаш бошлади. Санъат жуда катта машаққатни,

заҳматкашликни ва ҳатто ташаббускорликни ҳам талаб этади. Ҳалима 1935 йилда Москва консерваторияси қошида опера студиясини ташкил этди ва ўзи ҳам унда таълим ола бошлади. Икки йил ўтар-ўтмас, Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ун кунлигида Хуршид, В. Успенский ва Г. Мушелнинг «Фарҳод ва Ширин», К. Яшин, М. Мухамедов, Р. Глиэр, Т. Содиқовнинг «Уласара» мусиқий драмаларида ижро этган Ширин ҳамда Гуласара партиялари учун у СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

Ҳалима ҳақида матбуотда шундай деб ёзишди: «Ёш артист узидики актриса ва ашуланинг ажойиб истеъдодини бириктирган — бундай бириктив жуда нодир бўлиб, доимо гоятда улкан истеъдоддан далолат беради» («Комсомольская правда», 1937 йил, 1 июнь). Ёки: «Саҳна образи ёллаб олинган ҳаракатлар ва ишоралар орқали эмас, балки ана шу образни чиндан ботиний ҳис қилиш тўғрисида яратилди» («Советское искусство», 1937 йил, 5 июнь). У шукуҳи муваффақиятга атоқли замондошлари, спектакллар муаллифи ва ишироқчилари бўлган драматурглар, композиторлар, дирижерлар, режисёрлар, балетмейстерлар, рессомлар, актёрлар — Хуршид, Чулпон, К. Яшин, Т. Содиқов, Р. Глиэр, В. Успенский, М. Ашрафий, Н. Миронов, Ҳайрулло, М. Мухамедов, Э. Юнгвальд-Хилькевич, А. Хидоятлов, М. Қориева, Уста Олим, Ш. Шораҳимов, С. Афанасьев, М. Қориеқубов, Л. Саримсоқова, В. Мирзаев, К. Зокиров ва бошқалар мадақкорлигида эришди.

Афсуски, ҳаёт ҳамиша инсонни олқишлаб турмас, унга баъзан қайгули кунларни ҳам йўлаб тураркан. 1937 йилдаги ёвузлик ва қабохатнинг кўрқинчли шарпаси нозик ва инжи да соҳибаси Ҳалиманинг юрагига ҳам таҳдид сола бошлаган эди. Унинг авлоди фахрлангани, асарларини ёшлар се-

виб ўқийдиган ижодкорлар биринкетин териб олина бошланди. Қатагонга учраган арбобларнинг рўйхати шиддат билан ўсиб борди. Улар орасида Ҳалиманинг қардон дўстлари ҳам оз эмас эди. Боту, Фитрат, Чулпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Гулом Зафарий, Элбек, Зив Саид, Сотти Хусайн, Шокир Сулаймон, Акмал Икромов, Файзулла Хужаев, Султон Сегизбоев, Акбар Исломов ва бошқалар қамалди. Энг яхши санъаткору, ижодкор эгаларини танлаб олиб қатагон қилиш механизми тинимсиз ишларди. Бу синоат Ҳалимани ҳам четлаб ўтмади, элнинг чинакам муҳаббатига сазоворлиги унга қафолат бўла олмади. Шу вақтдан бошлаб унинг ҳаёти гуё икки йўналишда давом этди: аўқуписалар, тергов, камситишлар ва иккинчи томондан олқишлар, гуллар, мукофотлар. Шу вақтда Е. Брусиловскийнинг «Эртаргин» операсидаги Оқжунус партияси устида иш бошлади. Ҳалима етүк инсон бўлиб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган талофотлар ва маънавий зарбаларини бошидан кечирган ҳолда бу сиймо устида ишлаш бошлади. У маккор, ҳиёнаткор, беор, соткин Оқжунусни Баҳодирни ҳам кулатишга қодир бир томчи заҳарга ўхшатиб тасвирлади. Баҳодирнинг олижаноблиги ва жисмоний кучи Оқжунуснинг макри олаида ҳеч нарса. Унинг эҳтироси шафқатсизлик билан сугорилаган. У елим каби Эртаргиннинг қалбига кириб олишга интилади ва рашик, ҳасадгуйлиги, аччиқ севгиси ва Ширин нафрати билан уни енгади. Оқжунус бир вақтинг узидики Эртаргинни эркалайди ва тишлайди, оч қолдириб қийнайди ва айни вақтда майга гарқ қилади. Шайтоннинг муносиб рақиби бўлган фусункор Оқжунус ана шундай образ... Уша вақтдаги сийсий вазиятда бундай талқин машмашага сабаб бўлиши мумкин эди. Хайриятки, бу асар афсона билан ниқобланганлиги тўғрисида ҳаф четлаб ўтди. Спектакль театрининг опера соҳасидаги фаолияти парочкадага учрайди деб ҳисобловчи бадибишларнинг ҳафсаласини пир қилиб, жуда катта муваффақият қозонди.

М. Ашрафий ва С. Василенконинг «Бўрон» операсидаги Норғул сиймоси Ҳалима эришган талабалардан бири бўлди. Бунда ҳам эстетик, ҳам методологик жиҳатдан муҳим масала: ўзбек операсида миллий ашулаларни анъаналари билан академик ашула тажрибасини бириштириш мумкинлиги ҳал этилди. Спектаклнинг 40 марта муваффақият билан саҳнага куйилиши республикада опера ижодининг бошланишидан ёрқин далолат берди.

Айни пайтда Ҳалима Т. Содиқов ва Р. Глиэрнинг «Лайла ва Мажнун» операсида Лайла сиймоси устида ишлаш бошлади. У бу образ учун Давлат мукофотиغا са-



Ҳалима Носирова ва  
Фотима Борухова.

зовор бўлди. Ҳақиқий Лайла — виқорли ниятлар ва ширин орзуларга чўмган киз, эҳтиросли, улдувдор, бегараз, қалби гўзал сиймо. Қайс унинг учун ҳавели, аини пайтда ҳақиқий, иситадиган, аини пайтда, музлатадиган, узга дунёга чорловчи ва бутун дунёда яшашга чақирувчи зот. Лайла ҳалок бўлади, зеро у орзусиз, илоҳий ҳақиқатга ишонмасдан яшай олмас эди.

Уруш йилларида Ҳалиманинг концерт бригадаси Кавказ ва Ленинград фронтларига, 1942 йили Эрондаги совет ҳарбий қисмига ҳамда уз дастураларини намойиш этди. Тошкентга қайтган, фронтга ёрдам учун ташкил этилган концертларда иштирок этди ва «Даврон қили», «Шерали», «Ўзбекистон қиличи» сингари ватанпарварлик руҳидаги спектаклларда қатнашди. 1942 йили А. Козловскийнинг «Улутбек» операсидаги Син-Дун-Фан ҳушқидарини ижро этиб, маҳбубининг фожиаи қисматиغا фидокорларча шерик бўлган аёнинг кучли иродаси зиддиятга туйгуларини очиб берди.

Ҳалиманинг кейинги ижоди ҳам бутун бир янги теран жиҳатлар ва ифода воситаларини бунёд этиш, изаш гоёси билан йўрналган. 1949 йилда унга яна бир Давлат мукофотини келтирган Гулсара қиёфаси 1937 йилда яратилган завқда тулик ва романтик Гулсарадан фарқи улроқ, энг яқин одамларидан ажралғач, уз курашининг чинакам қадриятлари ҳусусида шубҳалар ичида қолган аёли ифодалайди. Т. Жалилов, Б. Бровцининг «Тоҳир ва Зухра» операсидаги Зухра мавзуи нафақат муҳаббат ва садоқат, балки юксак ахлоқ ва инсонпарварлик мавзуси ҳамдир. Ҳалима Зухра, Лайли, Ширин, Гулсара сиймоларига яна кўп марта мурожаат қилди. У атрофдаги олам билан уйғунликни изловчи Зайнаб (Т. Содиқов ва Б. Зейдман, «Зайнаб ва Омон») серистеҳзо, айёр, қувноқ Майсара (С. Юдаков, «Майсаранинг иши»), беором ва жўшқин қалбли Саодат (С. Бобоев,

«Ҳамза») қиёфаларида янги мавзулар кашф этди, уларни ҳаётий ва касбий тажрибаси билан бойитди.

Ана шу йиллар давомида театрда етакчи мавқени эгаллаган, кенг миқёсли ва руҳий жиҳатдан мураккаб ролларда бетактор Ҳалима уз вазифасини бекаму куст, юксак ижодий ва инсоний маҳорат билан бажарди. Ҳалима билан бирга роль ўйнаш жуда катта ҳавас ва жасоратга эга бўлишни талаб қиларди, зеро, бунинг учун камидан камда тенг бўлиш тақозо этиларди.

У концерт саҳнасининг ҳам тўлақонли соҳибаси эди. Унинг репертуарида мақомлар, ариялар, романслар, дунё халқларининг кўшқилари, замонавий асарлар мавжуд. Дутоҳ, Сеғоҳ, Ушшоқ, Чапандози Наво, Гулёр, Феруз, Танавор каби мумтоз куйлар ижроси ва шарҳида узининг буюк мураббийлари билан баҳслаша оларди. У ҳар қандай ҳолатда янги-янги бўёқлар, жонли, ҳаққоний оҳанглари қидирарди. Зарбдор куриалшлар, фронтга жўнаш, қуриқ очини каби улдувдор ишларда у зининг шиддаткор ашулалари билан ҳам жангчи сифатида иштирок этди, катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭС, Чирчиқ ГЭС, Чоржўй-Кунгурот темир йули қурувчилари унинг қайноқ ҳаётга ва жўшқин меҳнат кучига сафарбар этувчи ашулаларидан баҳраманд бўлишди. Россия шаҳарлари ва хорижда Г. Уланова, Н. Черкасов, С. Лемешев, И. Козловский, Л. Русланова, Г. Гаспарин, А. Толстой, А. Неждановалар билан биргаликда қўшма концертларда иштирок этаркан, Ҳалима Носирова уз халқининг анъаналарини юксакликка кўтарди. У атоқли актриса ва ашулани, мумтоз ва халқ музыкаси талқинчиси, опера-концерт ижрочилиги мактаби асосчиси, Ўзбекистон опера ижодиётининг ташкилотчи ва асосчиларидан бири сифатида тарих саҳифасига кирди.

Ҳалима Носированинг ижоди нафақат утган даврининг, балки бугунги ва эртанги куннинг маънавий мукаддас айланган инсоният руҳини манзараларига мансубдир. Зеро, ришталар унга уланади ва олға қараб боради. Ҳалима Носированинг ёнида унинг умр йўлдоши, дўсти ва сафдоши К. Яшин, фарзандлари, неваралари, шоғирдлари, дўстлари, қон-қариношлари. У бахтлими? Бу саволга жавобини узидан эшитган яхши. Лекин, аёнинг бахти — уй, оила, болалар билан боғлиқ дейдилар. Истеъдодли аёнинг бахти — булардан ташқари, ижоди ва халқ эътирофи билан улчанади.

Марфуа ҲАМИДОВА,  
санъатшунослик доктори.

## АМЕРИКА ОПЕРАСИ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Мустақиллик шарофати билан она Ўзбекистонимизнинг халқаро дунё билан ҳамкорлиги тобора қўлашлай, янги-янги қирраларда намоян бўлиб борапти. Аминер Навоий номидagi Давлат академик Катта опера ва балет театрида АҚШ опера ва балет санъатининг гўтаж асарларидан бири «Порги ва Бесс» мусиқий драмасининг саҳналаштирилиши шу амалий ҳамкорликнинг янги бир далилидир.

Операни кўйин учун театрга ташқаридан дирижёр Зоҳид Ҳақназаров, саҳналаштирувчи режиссёр Владимир Шаширо каби атоқли санъаткорлар ҳам таклиф этилди. АҚШдан эса машҳур композитор, дирижёр, мусиқий асарларни саҳналаштириш устаси Маргарит Харрис хоним ташриф этди.

Мазкур асарнинг ўзбек театри саҳнасида қўйилишида АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси биричи котиби жаноб Ричард Хоагендининг кўрсатган жонбозлигини алоҳида талкилаш керак.

Опера театримиз бу машҳур асарни ўзбек томошабиларига кўрсатишга анча олдин киришган эди. Шу мақсадда унинг бутун муаллафига ҳуқуқларини уз қўлига олган Гершвинлар оиласи билан ёзишмалар олиб борилган, бироқ улар бу ишга рози бўлмаган эди. Фақат Ричард Хоагендининг аралашуви билангина бу масъала ҳал бўлди. Р. Хоагендин АҚШ театр намояндаси Маргарит Харрис хонимнинг ўзбек театри билан ҳамкорлик хизматларини ҳам (бу хизмат ҳақини Америка томони тўлашни шартли билан) йўлга қўйди. Бу муҳтарам зот театримизга «Бетмен», «Коккалола», «Ньюном майнинг», «Грайтс Уотерхауз» каби Америка компанияларининг моддий ҳўмийлик хизматларини ҳам уюштирди. Талқинчи керакки, мазкур асарни саҳналаштиришда республикамиз «Ўзбектеатрпарти» نامий ишлар қиқарини бирашмаси ҳам театрга яқиндан ҳўмийлик кўрсатиб, улга металл-қўримали декорациялар исаб берди.

Аббатга, энг катта «ташабоқорлар» театрининг уз жамоаси — артистлар, мусиқачилар, саҳнавий бевозчи рассомлар, усталар, костюмчилар ва бошқалардир. Улар қўлига-қўлга бериб меҳнат қилишди.

Асар бизнинг томошабилар учунгина эмас, балки театр санъатимиз учун узига хос янгилик. Ундаги ритмик партиялар, узатча вокал структураси, бунинг устига, хизган драматик руҳ... Бежизга Жорж Гервини АҚШнинг узидан унинг илк саҳналаштирилишида опера актёрларини кўйиб, драматик ижрога мойил санъаткорларни таклиф қилмаган. 1935 йилининг 30 сентябрида Бостон шаҳрида «Порги ва Бесс»нинг ilk марта ўйналиши Америка миллий операсининг тутилган кўни ҳисобланади.

Шу йилининг 23 февралда мазкур операнинг ўзбек саҳнасида қайта тугилиши маданий ҳаётимиз воқеаларидан биридир. Америка театри мутахассиси Харрис хоним ўзбек театридаги оркестрининг юксак маҳоратига, опера хонандаларимизнинг санъаткорона ижросига, саҳналаштирувчиларининг зарғарона меҳнатига қўйил бўлди.

XIV-XV аср мутафаккирлари меросини ўрганар эканмиз, уларнинг асарларида давлат ва жамият тузumi, уларни бошқариш ва одил подшо ҳақидаги фикрларга катта ўрин берилганлигини кўрамиз. Бундай гоялар биринчи бўлиб Форобийнинг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари ҳақида» асарида баён қилинган эди. Форобийнинг фикрича, адолатли ва билимдон подшо деб, ун икки сифатта ва табиат берган тугма қобилиятга эга кишини айтиш мумкин. Унинг татқиллашича, фозиллар шаҳри ҳокими аввало, «тўрт мучаси соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда бирор аъзосидаги нуқсон ҳалаал бермаслиги лозим, ваҳоланки, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим. Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик дидли, фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг фикрларини тез тушуниб ва илғаб олиши, шу соҳада ва суҳбат асносида умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарурдир. Учунчидан, у англаган, курган, эпитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тула-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларигача унутмаслиги зарур. Туртинчидан, унинг зеҳни ўткир, зукко бўлиши, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини ва бу аломатлар нимани англайтишини тез илғаб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар қўллай библиши зарур. Олтинчидан, у устозлардан таялми олишга, им, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур. Еттинчидан, таом ейишда, ичимлик ичишда, аёлларга яқинлаик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. Саккизинчидан, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашлардан юқори турувчи, олийҳиммат бўлиши, улуг, олий ишларга интилиши зарур. Тўққизинчидан бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қуммайдиган) бўлиши зарур. Учинчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмини, мустабид ва зомиларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ қабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи сўйган гузаликларини раво кўрувчи киши бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдига ўржалик қилмай, одил иш тутгани ҳолда, ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатга муросасиз бўлиши даркор. Ун биринчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъғатли, жасур бўлиши, ҳуркаклик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур».

Лекин, Форобий назарида бундай сифатларга эга бўлган кишининг топилиши жуда қийин ҳол. Шу боис, бундай сифатларнинг лоақал олтичасига эга бўлган кишини фозил шаҳарга бошлақ қилиш мумкин. Булар куйидагилар:

Биринчидан — донишмандлик. Иккинчидан — аввалиги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирлада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиши учун қувваи ҳофизига эга бўлиш.

Учинчидан — аввалиги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага таалуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиши учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш.

Туртинчидан — ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалиги имомлар кўзда тутмаган ва назардан қочирган воқеаларни олдидан кўра библиши учун башоратғўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини ошириш йўлида керак бўлади.

Бешинчидан — аввалиги имомлар ўрнатган қонунарга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган ва жорий қилган қонунарга ҳақ амал қилиши учун қизгин сўзлаш, нотийқлик хислатига эга бўлиш.

Олтинчидан — зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишини, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши библиши лозим.

# Мукаммал жалият ва одил шох

Одил шох ҳақидаги гоялар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам зуҳур топган. Фирдавсий ўз қаҳрамонлари орқали билимдон, зукко, адолатли, фуқароларига меҳрибон, саховатли подшоларнинг ишлари ҳақида гапирди.

Худди шу гоя ўрта аср Шарқининг ажойиб асари бўлган Низомулмулкнинг «Сийёснома» асарида ҳам алоҳида ўрин тутади. Унинг фикрича, подшо куйидаги сифатларга эга бўлиши керак: унинг ташқи ҳафаси гузал, яхши хулқли, адолатли ва халққа жонкуяр, қўрқмас ва ботир, яна санъатни севадиган, ўз вафдаларига ва унинг бажарилишига содиқ, билимдон, кишиларга гамхўр. Худого эътиқод қилиши лозим. Идеал подшо ўз фуқароларини ва қўл остидагиларни ҳурмат қилиши, яхши хислатли ва донишмандларнинг қадрига етиши керак, ноҷорларга саховатли бўлиши, хизматкорларга юмшоқ муомала қилиши ва халқни эзувчилардан ҳимоя этиши лозим.

Саъдийнинг «Улуiston», Убайд Зоконийнинг «Ахлоқ ал ашраф» («Амалдорлар ахлоқи») ва бошқа асарларда адолатли, диёнатли, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар подшолар ҳақидаги гоялар янада ривожлантирилди. XIV-XV асрларга келиб бу гоялар мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида ўзининг янада тула-роқ, кенгроқ ва мукамалроқ даражасига етди.

Бу даврдаги мутафаккирлар адолатли шохнинг энг олий сифати деб бираери адолатни кўрсатсалар, иккинчилари ақлни, учинчилари эса ахлоқий сифатларини кўрсатадилар.

Шуниси қизиқарлики, агар Форобий ўз даврида одил шох сифатларини ўзининг «идеал давлат» номига гоявий утопиясида назарий жиҳатдан таърифлаган бўлса, XIV асрга келиб Амир Темур уни амалда қўллай олди ва бундай сифатларни ўзида мужассамлаштирган адолатли одил шох сифатида майдонга чиқди. Давлатни идора қилувчи подшоҳ ҳақида гапирганда Темур ҳам худди Форобий сингари уларни икки гуруҳга — адолатли ва адолатсиз шохларга ажратди. Форобий ўз идеалига мос бўлган шаҳарни фозил шаҳар деб атаб, унга зид бўлганини шожай, беномуслар шаҳри, яри-

бошловчилар шаҳри, адашган, залолатдаги одамлар шаҳри деб атайди. Темурда эса бу жуда ихчам маънода адолатли ва адолатсиз шоҳлар ва уларнинг давлатлари маъносида баён қилинади. Адолатли подшо Амир Темур назарда, ўз халқини раنجитган адолатсиз подшоудан ҳокимият тортиб олинишга ҳақли. Чунки, унингча, Худонинг инъоми бўлган шоҳликни адолатсиз кимса ўзининг гарази, қабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланади, шунинг учун ҳам унинг қилмишлари Худонинг иродаси ва хоҳишига зиддир. Агар ундан ҳокимият тортиб олинса, бу Худого маъзул иш бўлади.

Амир Темур ўзининг одил шоҳ ҳақидаги қарашларини ўша давр қомуси бўлган «Тузуклари»да баён қилган эди. Тарихчи олим Б. Аҳмедов ўринли таъкидлаганидек, «Темур тузуқлари» подшолар турши-турмуши ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладири... Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳиларнинг маоши, мамакатларини бошқариш тартиби, давлат арбоблари, қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдига кўрсатган алоҳида хизматларини таъкидлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради.

Темур ҳам Форобий сингари одил шоҳ учун ўн икки сифат заруралигини ва уни ҳар бир шоҳликка даввогар киши тўлиқ ва мукаммал эгаллаши кераклигини, унинг ўзи ҳам ана шу ўн икки сифатни ўзига шиор қилиб тахтга ўтирганигини ёзади: «Ўз таърибаимиздан синаб билдимки, — дейди Темур, — агар қай бир подшо шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳар қолади.

Биринчидан, ўз суъига эга бўсин, ишини билиб қилсин.

Иккинчидан, султон ҳар нарсага адолатпеша бўсин, ҳошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоқ зуам қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир ҳар золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи кулайди...

Учинчидан, бутун мамакатда бунурук — фармон бериш ишлари подшонинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшо ҳар бир ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралишиб, ўзгартира олмасин.

Туртинчидан, подшоқ ўз қарорига қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунча ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшоқ ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қандай ҳукм чиқарилишидан қатъи назар, амалга оширилиши керак. Бирон кимса, гарчи ҳукмни зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин...

Олтинчидан, подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркин унга бериб қўймасиниким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўлдири. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоқ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади... Салтанат ишларини ишончли бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди.

Еттинчидан, султон салтанат ишларида ҳар кимнинг суъини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кунги хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

Саққизинчидан, салтанат ишларида, сипоҳу райятга боғлиқ масалаарга бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, муҳоҳаза билан иш тутсин.

Тўққизинчиси, подшоқ ҳайбати райят кунлига шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амири-фармонига ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этолмасин, итот ва тобелик қилсин, исён кўтармасин.

Унинчиси, подшо нима қилса ўз эркича қилсин; нима деса ўз суъида қатъий турсин, чунки, подшоларнинг ҳукм ҳурматидаган бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, райят, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ўн биринчиси, салтанат ишларида, ҳукм юргизиш-

да подшоқ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

Ўн иккинчиси, (подшоқ) мажлис аҳлидан оғоҳ ва хушёр бўсиниким, улар кўнинча айб ахтариб, гапни ташқарига ташийдилар. Подшоқнинг суъидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар...

Амир Темур ўзи яшаб турган жамиятни етук жамият қилиш учун, фаровон ҳаёт бўлиши учун курашибгина қолмай, балки бу жамиятнинг бутун дунёда тантана қилиши мумкинлигига ишонган эди. Худди шу мақсаддагина у жаҳонғирлик либосини кийган эди. Лекин, у жаҳонғирлик либосини кийиб истаги бўлган ҳар бир шоҳга асосан турт нарсани хотирасида сақлаш кераклигини ҳам уқтиради. Биринчидан, қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса, тўри тадбир ва кенгаш билан иш тутуши; иккинчидан, хатога йўл қўймаслиги учун ҳар бир ишни ўйлаб, сергаклик ва ҳэтиё-корлик билан қилиши; учинчиси, ўз атрофида аслзода эр йигитларни (амирларни) тўлаш, бирлаштириш; туртинчиси, бутунги ишни эртага қоддирмасликдир.

Кўришиб турибдики, Темур дастури ва сиёсий қарашларида мукаммал жамиятни оруз қилишдан кўра, кўпроқ уни амалга ошириш ва бу вазифани ўз зиммасига олиш яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам Темурнинг мутафаккири — саркарда сифатидаги ўзига хос томони шундаки, у ўзи ҳукмронлик қилган салтанатни тинимсолда мукаммал жамиятни кўрди ва уни ҳар томонлама мукаммаллаштиришга ҳаракат қилди. Буни биз унинг «Тузуклари»да аниқ кўришимиз мумкин. Лекин, Б. Аҳмедовнинг изоҳлашича, «Темур тузуқлари» ҳам феодализм жамияти шароитида битилган бошқа асарлар сингари ҳукмрон синфининг мақсади ва манфаатларини кўзлаб ёзилган, ўша синфининг дунёқарашини ифода этган. Масалан, Амир Темур ўз харбий юришларини бузуқ одамиар кўпайишининг олдини олувчи ҳаракат, ўз озодлиги ва ватанининг мустақиллигини ҳимоя қилган халқларни эса кофир, бузғунчи, безори («авбош») деб атайди. Тобеликдан бўйин товланган ёки шунга интиланган не-не юртларнинг халқи «оқ уйлик» қилиниб, ўзга юртларга мажбуран кўчириб юборилган. Темурнинг ўзи эса одил ва инсонпарвар подшо сифатида тасвирланади, унинг шахси кўп жиҳатдан идеаллаштирилади.

Фикримизча, агар биз Темурнинг харбий юришларини ўша давр сиёсий вазият нуқтани назаридан баҳолайдиган бўлсак, Темурнинг мукаммал жамият ҳақидаги фикрларини ва ҳаракатларини ўзгартириш қийин. Чунки, ўша даврнинг хаққор сиёсий вазияти ва умуман сиёсий жараён Темурдек адолатли шоҳнинг жаҳонғирлик либосини кийишини шарт қилиб қўйди. Акс ҳолда, бунга даввогар бўлган Турк султони Боязид ёки Миср ва Шом ҳукмдори Фараж дунёни остин-устун қилишига шубҳа йўқ эди. Оврупо халқларининг ҳозиргача Темурни ўз ҳалоскори деб эслашлари, бизнинг назаримизда, етарли далил бўла олса керак. Темурнинг дунёда мукаммал инсонпарвар жамият ўрнатишга қаратилган ҳаракатлари унинг сиёсати билан ҳеч қачон зид келмаган.

Амир Темур ўз сиёсати билан одил шоҳ бўлган. Чунки, у ижтимоий тенглик гоъсияни энг оддий услубда бўлса ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилган. Жумладан, гадоларга биринчи бўлиб ижтимоий қатлам сифатида баҳо берган. Гадолар Темурни нафратлантирган ва уларни мамлакат обрўини тўкувчи ишбўқмаслар, деб билган. Уларни ҳисобга олиш ва иш билан тазминлаш учун махсус кишилар тайинлаган. Уларнинг ишга яроқлиларига иш берилаган, ишга яроқсизларини кун кўриш учун зарур бўлган маош билан тазминлашни буюрган. Агар буларга қаноат қилмай яна гадолик қилганларни узоқ мамлакатларга қўл қилиб сотиб юборишни буюрган.

Темур кўрмоқчи бўлган жамиятда ўғри, бекорчи, эзма, бузуқ, фасодчи, қароқчиларни йўқотишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Бунда у «Ёсо» қонунларига таянган ва бундай шахсларни мамлакатдан ҳайдаган. Темур қишлоқ аҳолисиа доимо тамғурлик қилган, уларнинг талаб ва ҳэтиёжларини назардан четда қоддирмаган. Қишлоқ аҳолисини қўриқлаш учун махсус кишилар сақлаган. «Ҳар бир шаҳарга ва қишлоқ-

қа қутвол тайнластинларки, сипоҳу, райягта соқчилик қилсин ва кимнинг бирор нарсаси ўтирланса, буни масъулияти унинг зиммасида бўлсин», — дейди Темур. Ва ҳатто савдогарлар, мусофирларни қуриқлаб кузатиб қўювчи махсус кузатувчилар — «зобитлар» тайинланган. Қуриниб турибдики, Темур орзу қилган ҳар бир гуруҳ ва кишининг ижтимоий муҳофазасини тўла амалга оширишга эришган.

Уз салтанатини мукамал жамият сифатида кўрган Темур халқ арзини эшитиш учун арзибети тайинлаган ва у кундалик халқ арзини шоҳга ҳар кун итқазиб туришини энг зарур, деб билган. У салтанати қонун-қондаларини, ҳал қилинган масалаалар тафсилотини бошқа халқлар ва давлатлар учун ҳам ва умуман, авлодлар учун жуда зарур деб ҳисоблаган. Ва шу мақсада девон мажлисларида навабтан-наваб тош уриб, мажлисларда кўрилган ва ҳал қилинган ишларнинг тафсилотини дафтарга ёзиб бориш учун махсус котиблар (мажлиснависон) тайинлаган. Буларнинг ишлари фақат мажлислар баёни билан чекланмасдан, арз қилинган гаплар, чиқарилган ҳукмалар, жузъий ишларгача ва ҳатто подшонинг бошидан ўтган ишларни ҳам ёзиб бориши лозим эди.

Темур қурмоқчи бўлган мукамал жамиятнинг шох энг ишончли вазирлар ёрдамида амалга ошириш мумкин, деб билган ва шунинг учун ҳам у ишончли ва эътиборли кишилар бўлган вазирларга катта эътибор берган. Темурнинг фикрича, подшоҳ вазирларни танлашда адашмаслиги керак. Шоҳ, асосан, тўрт сифатга эга бўлган кишиларни ўзига вазир этиб тайинлаши мумкин: биричиси — аслик, иккинчиси — ақл-фаросатлилик; учинчиси — сипоҳу райяг аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалаи бўлашлик; тўртинчиси — сабр-чидамлилик ва тинчластебарлик.

Улугбек ҳам ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида одил шох ва унинг олиб бориши керак бўлган сийёсатини асослаб беради. Унинг назарида, шохнинг одиллигини белгиловчи асосий шартлар «равшан рўҳи ишбилармонлик», «фарзоналик», «фарасат қамоли», «мардоналик», «олийжаноблик», «хушмуомалалик», «хушхулқлик» бўлиб, бу сифатлар шохни замона ягонасига, хушёр сўлтонлар пешвосига айлантиради.

Улугбек Чингизхонни идеал шох сифатида улуғлайди ва у ўз асарининг қарийб ҳар саҳифасида унга мурожаат қилади. У орқали шохнинг ва салтанатни бошқаришга бўлган ўз муносабатини билдиради. Улугбек Чингизхоннинг «Ясо» қонунлар тўпламини ҳар қандай давлатни адолатли бошқариш воситаси ва дастури, деб билади. Чунки, бу қонунлар тўплами «Уз раъйидан келиб чиқиб, ҳар бир тадбирга қонун, ҳар бир гуноҳга жазо муайян қилади».

XV асрнинг йирик мутафаккири Қосимий ҳам «Мажмаъ ул-ахбор» асарида ўзи орзу қилган мукамал жамият манзарасини баён қилади. У орзу қилган жамиятда умуман бандилар, маҳкумлар бўлмайди, ҳамма озо, эркин ва ҳеч нарсадан қўрқмасдан, хайқмасдан яшайди. Чунки, бундай жамиятда зулм, эзиб, хўрлик бўлмайди. Кишилар табақаси, мансаби, ранги, тилига қараб ажратилмайди. Шундай экан, кишилар уртасидаги ҳар қандай адоват йўқолади. Бундай жамиятда кишилар ситам нимагини билишмайди.

Қосимийнинг одил шох ҳақидаги қарашларини қандайдир афсонавий шахслар мисолида эмас, балки аниқ тарихий шахслар — подполлар тисмолида баён қилади. Масалан, Султон Абу Саидни шундай шохлардан деб билади. Унинг назарида, энг улут иш Худони раво тил билан ҳамд этиш бўлса, иккинчиси, одил шох хизматига бел боғлашдир.

Қосимий шохлик ва бойлик, салтанат ва ҳукмдорлик Худонинг инъоми эканлигини ва ундан халқ учун фақат яхши ишларда фойдаланиш кераклигини уқтиради.

Қосимий одил шох бўлган Абу Саидни Нуширавон каби илоҳийлаштиради. Чунки, Нуширавон адолатни билим, ақл билан қўша олган киши эди. Шу билан бирга бу шох одилликнинг икки асоси — тоат ва адога эга киши эди:

*Алл ичиди Нуширавондир ўзи,  
Бўлди яқин нуши равоңдур сўзи.*

*Илми фаросатда эрур бекабир,  
Бахти жавон, роҳи била ақл илр...  
Жону дили маҳзани лутфи илоҳ,  
Тоат ила иддидур икки гувоҳ.*

Буёқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий орзу қилган жамиятнинг энг муҳим муаммоси — инсонлар орасида, халқ билан давлат орасида уйғунлигини яратилиши, фалокатлар туғдирувчи низоларнинг йўқотилишидир. Бундай уйғунликка эришишни Навоий одил шохнинг «халқдан бениёз» бўлишига ва ўз навабатида халқ ҳам шохдан бениёз бўлишига боғлайди ва оқибатда, инсонлар бахтли, осойишта яшашлари мумкин бўлади, дейди.

Навоий одил шохга қарама-қарши бўлган рази ва жоҳил шохни халойиқ мулкини вайрон қилувчи ва уни ёнги сингари ўз ўтида қўйдирувчи, деб ҳисоблайди ва ёнгини учирли зарур эканлигини уқтиради. Навоий ўзининг «Девони Фоний» девонига кирган бир қитъасида шундай дейди:

*Эй, фалон, суҳти халойиқро,  
Мулкору шиддати ту вайрон қард.  
Оташеро, ки чун ту сузанда аст,  
Чуз ба қуштан илож натвоп қард.*

Мазмун:

*Эй, фалончи, халойиқни қуйдирдинг,  
Зулминг мамақатини вайрон қилдинг.  
Сен каби ёңдирувчи утти  
Учиршидан бошқа чора йўқдир.*

Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларининг муҳим хусусияти шундаки, у ўзи орзу қилиб яратган ҳаёлий, мукамал жамият гоёсидан, бир томондан юракдан шод бўлса, бошқа томондан буни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб эканлигиндан иттичидан эзилди. Аммо, Навоий бундай жамият муаммосининг келажакда ҳал бўлишига ишонади ва ўзининг бу идеали амалга оширишга шубҳа қилмас эди.

Шу билан бирга, Навоий адолатли жамиятнинг фақат орзу қилиш билан чекланган эмас. У 30 йилдан кўпроқ давлат раҳбарлиги лавозимида ишлаган пайтда ҳаётда унинг амалий асосларини яратиб учун ҳаракат қилган.

Шунингдек, Навоий, барча мутафаккирлар сингари, хунрезлик урушларини қаттиқ қоралайди. Лекин Навоийнинг сиёсий қарашларини урганар эканмиз, у урушни бутунлай инкор қилмаганининг гувоҳи бўламиз. Чунки, Навоий назарида урушлар «зарарли», «оқилона» ва «адолатли» бўлади. Агар ҳар қандай урушларда халқ манфаатларини, унинг ор-номусини ва қард-қимматини тажовузкорлардан ва золим подшоҳлар зуравонлигиндан муҳофиза этиш зарурати туғилса, бундай уруш инсон манфаатларига мувофиқ келадиган адолатли урушдир. Ваҳоланки, урушлар душман юртини вайрон этишга ва халқни талашга йўнайтирилган экан, бундай урушлар зарарли урушлардир.

Шарқ мутафаккирлари ўзлари орзу қилган мукамал жамиятнинг марказлашган монархия давлати шаклида тасаввур қиладилар. Унинг тепасида турувчи одил шохни эса халқ ва давлатни бир бутун сақлаб, бир мақсадни қўлаб ҳаракат қилувчи шох, деб биладилар. Лекин бу марказлашган монархия тўла мутлақлаштирилган давлат шакли эмас, шох ҳам, ўзини мутлаққо чексиз сийёсат юргизувчи деб билимайди, балки ўз атрофидати алома ва вазирлар билан биргаликда давлатни бошқаради. Шунинг учун ҳам ҳозирги ҳуқуқий-демократик давлатнинг шарқона услуби, уш шакллантириш масалалари қизгин муҳокама этилаётган бир шароитда мутафаккирларнинг бу фикрларини ҳисобга олиш ва ўрганиш жуда муҳимдир.

Сойимназар КАРИМОВ,  
фалсафа фанлари номзоди.



рига аралашувчи, шерьиятда, соз чалишда ўз қобилиятини тараннум этиши, санъатда бошқаларга ҳомийлик қилиши шундан далолат беради. Хотин-қизларга нисбатан олиб борилаган мана шундай инсоний сийсат, дунёвий қарашлар туйғайли аёл санъаткорлар тўйларда, саймаларда, маросимларда, намойишларда эркаклар билан ёнма-ён туриб фаол қатнашганлар, муסיқа, рақс, томоша санъатлари ривожига катта хисса қўшганлар.

Оддий инсон сифатида Амир Темур ва темирлулар подшоҳларнинг ҳар қайсиси ўз феъл-атвори, эътиқоди, майллари, интижишларига эга бўлган, ниманидир ёқтирган, ниманидир хуш кўрмаган. Аммо давлатни бошқаришда, маданият, санъат соҳасида Амир Темур ўрнатган тартибот, қоидалар, расм-русумлар улар томонидан давом эттирилган, муайян анъаналарга айланган.

Ибн Арабшоҳ узининг «Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир аjoyиботлари») асирида соҳибқироннинг худқ-атвори, инсоний хислатларини батафсил ёритади. Шунга кўра, «Амир Темур азму қарори қатъий, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни хуш кўриб адолат юзасидан иш тутувчи, чуқур фикр-мулоҳазачи, вазмин, тадбиркор, жасоратли, мурувватли, олимхўм, улавувор бир шахс сифатида тавалланган». У уламолар ва фозилларни, фикҳ олимларини, мунажжимларни, табириларни, доворак ва марда кишиларни ўзига яқин тутган. Айниқса, котиб ва хунармандларга меҳр қўйган. Санъат ва спорт турларини эса ўн икки мақом куйларини, қиссағўйликни, шатранжни, паҳлавонларнинг майдонларда курашга тушишини, зўргарларнинг ўз куч-қудратларини намойиш қиладиганлари, жанговар қуроллар билан бажариладиган рақсларни, дор ўйинини ёқтирган.

Ибн Арабшоҳ соҳибқирон Амир Темурни ўйин-кулиги, кайфу сафога берилган ўғли Мироншоҳга қарама-қарши қилиб таърифлар экан, «Темур бўлса, ажиб нарсалардан ажабланмас, ўйин-кули ва муסיқа уни ўзига мафтун этмасди», — деб ёзади. Бошқа бир ўринда «У табиатан масхарабозу шoirларни хуш кўрмасди», деган фикр билдиради. Ушбу маълумотларни Амир Темур муסיқани, шерьиятни, ўйин-кулини, масхарабозликни умуман инкор этарди, деб тўшунмаслик керак. Ҳарбий юришлардаги ҳар бир музаффариятдан сўнг уюштирилган катта байрам тантаналари, невараларини ўйлантириш муносабати билан ўтказган дабдабаи тўйлар унинг муסיқага, ўйин-кулига етарли эътибор берганини исбот қилади. Гап шундаки, Амир Темур шоҳ ва ҳокимларнинг ўзларини шoirлару масхарабар билан кўрш, кунларини нуқул ўйин-кулига, машаат билан ўтказишларига қарши бўлган, чунки бундай машгулотлар уларни давлат ишларидан

чалғитиб, пировард-натижада низоларнинг куйайиши, жабр-зулмга олиб келади, деб уйлаган. Шу боси, қаттиққўл соҳибқирон Табризда салтанат тутган Мироншоҳга ёмон таъдир кўрсатаётган Хожа Абдуқодир, Мавлоно Муҳаммад Коҳий ва Устод Қўтб ал-Мосумийни ўлимга буюради. Муҳаммад Коҳий билан Устод Қўтбни қатл этадилар. Хожа Абдуқодир ўзини девоналикка солиб қочиб юради. Амир Темур Ироқда бўлганида уни тутиб келтирадилар. Аммо Хожанинг қироят имини яхши эгалагани, соҳибқирон қошида «бийик уни била кўрўон ўкумоқ бунёд қилиши» туйғайли жони омон қолиб, олий мажлисларда надим ва мулозимлик қила бошлайди. Қатл этилган Қўтб ал-Мосумийни Ибн Арабшоҳ «абеафо замоннинг мўжжизаси, мусиқа ва кўшиқлар имида устоз» деб таърифлайди. Алишер Навоий эса уни Устод Қўтб Нойи деб атайди. Амир Темур ўғли Мироншоҳни базму жамшид билан даваат ишларидан чалитган шундай кишини ҳам аяб утирмаган.

Тахтага утирган аскар Темурнинг подшоалар ва бўлак темирлушоалар соҳибқирон Амир Темур таомиллари ва одатларини ўлаштириб унинг йўлидан юрганлар, давлат ишларини биринчи ўринга қўйиб, шаддий ишларга рағбат кўрсатганлар, машаатта, ўйин-кулига ортқ берилмаганлар. Шунлардан бири Шоҳруҳ Мирзодур. Алишер Навоий «Ҳоқони Саид Шоҳруҳ Мирзоқим, авлод ва аждод орасида соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди» деб ёзади. 1397-1447 йилларда (яъни 50 йил) Хуросонда ҳукмдорлик қилиб, юрда нисбатан тинчлик ва осейишталик ўрнатган Шоҳруҳ Мирзо отаси каби шаҳарсозлик ва кураиш ишларига катта эътибор беради. Хиротни гуллатади, вайрон бўлиб ётган Марв шаҳрини тиклайди, Машҳадда мақбара, сарой, бог солдиради, пойтахтда катта кутубхона тузади, тарихчи олимларни тўллаб, уларга буюртмалар беради. Шоҳруҳ Мирзо гарчи мусиқа, томоша санъатларига шахсан рағбат кўрсатмаган бўлса-да, унинг даврида бу санъатлар яхши ривожланган.

Шоҳруҳ Мирзонинг икки ўғли — Мовароуннаҳр ҳукмдори Муҳаммад Тарагай — Улугбек ва Хуросонда салтанат тутган Бойсунгур Мирзо илм-фанга катта эътибор беради. Айниқса, Самарқанд тахтида қирқ йил (1409-1449) ўтирган Мирзо Улугбек даврида илм-фан кенг тараққий топди. Давлатшоҳ Самарқанди «Тазкират улп-шаро»да ёзади: «Олим, одил, гулор ва ҳимматли подшоҳ Улугбек Қўраган... юлдузлар имида осмон қадар юксалиб борди, маоний имида қилин қирқ ёрди. Унинг даврида олим фозиллар мартабаси ниҳоят чўққига кўтарилди». Кўрўонни етти қироят билан ёддан ўқиган, «гоҳи назгта майл» қилган, мақом муסיқасига катта қизиқинч би-

лан қараб, бир неча рисола ёзган.

Бойсунгур Мирзо адабиёт ва санъатда ҳомийлиги билан машхур бўлган. Алишер Навоий унга қўйидагича баҳо беради: «Бойсунгур Мирзо хуштааб ва сахий ва айёш ва хунарпарвар подшоҳ эрди. Ҳатот ва нақшош ва созанда ва гуяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин орога кирди, маълум эмаскин, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлгай. Бойсунгур ташаббуси билан «Нирористон» саройида бутун юртдан тўлланган 40 та хаттот ва мусавив уюшиб, кенг миқёсда китобат билан машгул бўладилар. Адабиёт-шунослик, шерьият ривожу учун шароит яратилади. Бойсунгурнинг ўзи ҳам назмда машқ қилади.

Қурилиш ишларига, санъат ривожига катта эътибор берган, раҳнамолик кўрсатган яна икки темирлу ҳукмдорни тилга олиш зарур. Шунлардан бири Амир Темурнинг ўғли Умар Шайх Мирзонинг энараси Хусайн Бойқародир. Маълумки, Хусайн Бойқаро Хуросонда 37 йил (1469-1505) ҳукмронлик қилиб, хунар, адабиёт ва санъатнинг кенг ривожланиши учун шароит яратди, туркий (ўзбек) тилини давлат тили деб эълон қилади, шахсан ўзи дўсти Алишер Навоий каби туркийда газаллар битиб, девон тузади. Манбаларнинг кўрсатишича, Хусайн Бойқаро даврида мингта яқин иходжор фаолият кўрсатган, мақомхонлик, рақс, қиссахонлик, воизлик, масхара, тақлид, майдон томошалари яхши ривожланган. Албатта, бу ишларда буюк амир, вазири аъзам, борингки оддий дуст ва мусохиб сифатида Хусайн Бойқаро қабатида турган Алишер Навоийнинг хизмати, ўрни ҳам жуда катта, қайсики бор ақли, истеъдодини, бор бисотини маданият, санъат ривожу йўлида сарф этган. Айнан шу даврда Абдурахмон Жомийнинг мусиқа ҳақидаги рисоласи, Хусан Воиз Кошифийнинг маърака ва ижрочилик санъатининг бир қатор турларини тасаввиф билан боғлиқ ҳолда шарҳловчи тадқиқоти, Паҳлавон Муҳаммаднинг кураш ва зўргарлик тўғрисидаги рисоласи ва бошқа ишолар яратилди. Бундан ҳам муҳими шуки, айнан шу даврда Амир Темур замонидаёқ шакллана бошлаган томоша санъатлари тизими ниҳояси-га етди.

Ниҳоят кеалиб чикиши Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳга бориб тақалувчи, Фаргона ҳокими Умаршайх иккинчининг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам соҳибқирондан қолган урф-одат ва тартибларга амал қилиб, туркий (ўзбек) тил, адабиёт ва санъат масалаларига етарли эътибор берди, буюк шoir, носир, хаттот, мусиқа имининг биламдони сифатида шуҳрат топди, ўз атрофига олим фозиллар, санъаткорларни тўллаб, уларга раҳнома бўлди. Афсуски, Бобур жондан азиз ватани — Фаргона водийси ва Мовароуннаҳрда

узоқ ҳукмдорлик қиломади, бу мамлакат маданиятига истаганча ҳисса қўшолмади, ammo ўзи тузган «Қобул улуси» ва Ҳиндистон салтанатига катта қурилиш ва маданий ишларни амалга оширди. Андижон, Тошкент, Самарқанд, Кешинг олимۇ фозилари, шоиру санъаткорларини ўз саройига муттасил жалб этиб бориб, ўзбек, тоjik, форс, афгон, хинду маданиятлари уртасида ўзаро таъсир ва ўзаро бойлишини янада кучайтишга замин тайёрлади. Бобурийлар даврида шу асосда янги маданиятлар вужудга келди. Томоша санъатлари соҳасида ҳам шундай жараёнлар кузатилади.

Темур ва теурийлар даври томоша санъатлари буйича махсус манбалар жуда оз. Биз асосан тўрт тоифа манбаларга таяниб, бу тўғрида фикр юритишимиз мумкин. Бир тоифаси асосан сиёсий воқеалар, жангу жадаллар таърифи бағишланган тарихий асарлар. Ҳоқизии Абури, Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд Хондамирларнинг тадқиқотлари шу жумладандир. Уларда санъатга оид қайдалар, далиллар баъзан учрайди. Иккинчи тоифа манбалар воқеий — ҳикоятлар, сафарнома ва зафарномадан иборат. Шу тоифа манбалар орасида Бобурнинг «Бобурнома», испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавиҳонинг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги», Зайниддин Восифийнинг «Бадоёул вақоеъ» асарлари томоша санъатлари хусусидаги маълумотларнинг қўлиги ва ишонарлиги билан алоҳида қимматга эга. Учинчи тоифа манбалар мусаввирлар томонидан махсус ишланган ва турли хил қўлёзмаларга лавҳалар тарзида киритилган расмлардир. Уйин ва томошалар акс эттирилган бундай расмлар томоша санъатлари буйича манба тарзида қабул қилиниши мумкин, чунки мусаввирлар ҳатто афсонавий сюжетни акс эттираётганларида ҳам ўз даврлари ва ўз тасаввурлари доирасида ижод қиладилар. Ниҳоят, томоша санъатларига оид маълумотлар шоирларнинг ижодларида сочилиган бўлади. Уларни манба сифатида қараш мумкин, зероки, шоирлар ҳам қандай мавзу устида қалам тебратмасинлар, ўзлари яшаб турган ҳаётдан, воқелиқдан, қарашлардан озиқланадилар. Бу ўринда, айниқса, Алишер Навоий ҳазратларининг асарларида инжулардек сочилиган маълумотлар инобатли ва ишонардир.

Мана шу турли хил манбаларда сочилиган маълумотларни синчиқлаб териб, бир-бирига солиштириб, Темур ва теурийлар даври томоша санъатлари хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Профессор М. Раҳмонов ўзининг «Ўзбек театри» (1975 й.) номли тадқиқотида шу йўналишдаги дастлабки умумлашма ишни амалга оширди. Ка-

мина маърузи манбаларга ва М. Раҳмонов умумлашмасига таянган ҳолда Темур ва теурийлар даври томоша санъатларини яхлит ҳолда қарашга, уларнинг таркиби, тур ва туркумлари, ўзаро муносабатлари доирасини аниқлашга ҳаракат қилман.

Манбалар аввало шуну кўрсатадики, Темур ва теурийлар даври томоша санъатларида хунармандаларнинг ўрни ва мавқеи балеанд бўлган экан. Аксарият малакаи санъаткорлар қосиб-хунармандалар орасидан этилиб чиққан. Қўпгина кишилар ҳам хунар, ҳам санъат билан шуғулланганлар. Шаҳарлар ва йирик қишлоқларда санъаткорлар ҳам хунармандалар сингари жомаларга уюшиб ижод қилганлар. Маҳаллама-маҳалла бўлиб ишланганлар. Темур ва теурийлар, аслзодалар, ҳоқимлар уларнинг хизматидан кенг миқёсда фойдаланишган. Бутун аҳоли йил давомида уларнинг санъати, маҳоратидан баҳраманд бўлган. Чунки томошалар ҳақ сайиллари ва тўйларда, давлат томонидан уюштирилган байрамларда, тор доираларда ўтадиган бозмаларда фаол қатнашганлар. Бугина эмас, санъат тирикчилик манбаи ҳисоблаган ижрочилар махсус томошаларда ёки бўламаса шаҳар ва қишлоқ майдонларида, бозор жойларида маърака тутиб ўз маҳоратларини намойиш этганлар.

Шуну алоҳида таъкидлаш керакики, байрам, сайил, тўй, маъракаларнинг тартиб-қоидалари, алоҳий асослари амалий жиҳатдангина эмас, назарий жиҳатдан ҳам ишлаб чиқилган. Чунончи, Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Футувватномаи султоний ёҳуд жавономардик тариқати» асарининг 5 бонини маърака маъноларига бағишлайди. Шунда ёзишчи, маърака аслида жанггоҳдир, лекин кўчма маънода, у — одамлар тўпланадиган ва ҳар хил шахслар ўртага қириб, қобилияти, хунарини намойиш этадиган мавзедир. Унда маърака тузувчи ва маъракада буладиган сузлар, ҳаракатлар, томошаларни қабул этадиган халойиқ бўлади, бири «файз етказса», иккинчиси «файз олади». Бу учун маърака жойи кенг, баҳаво ва тоза бўлиши керак. Маърака тузувчи маъракага покланиб яхши ният билан кириши, одамларга ёқиб учун очик юзли, ширин сухан, сартабасум бўлиши, йитилганлардан ҳиммат ва мадад тилаши, устозларни, ўша жойдан ўтган азиз-авлиёларни ёд олиши, дуои фотиҳа ўқиш, ҳаммага яхшилик тилаб, хунарини кўрсатиши лозим. Хунарини намойиш қилаётганида сузларни шундай бурро, равон ва маъноли айтсинки, «зитувчиларнинг кунгли роҳатлансин». Умуман, маърака тузувчилар имон-эътиқоди, қарамли, саховати, сабри, ҳалим, андишли, тавозеъли, хоксор бўлсинлар.

Ҳусайн Воиз Кошифий маъра-

ка тузувчиларини уч тоифага, яъни суз аҳли, зуриқи ва ўйинчиларга ажратади ва ҳар тоифага алоҳида-алоҳида таъриф-таъсиф беради. Суз аҳлига маддоҳлар ва газалхонларни, қиссагўй ва қиссасозларни, ҳатто мешкобчи, доғирӯруш, газмолдурушларни ҳам киритади. Зур аҳлига эса полволлар, тошторлар, гурзибоналар, зўрғарлар, дорбозлар, ҳатто лой ташувчилар, ҳаммолларни қўшади. Томоша кўрсатувчи ўйин аҳли уч тоифа бўлади деб қосабозлар, қуриқчоқбозлар ва соқабозларни кўрсатади. Мазкур хилма-хил ижрочи, бешлашувчи, ўйинчиларнинг маъракалари, маҳоратлари тасаввиф руҳида талқин қилинади. Кошифий шундай талқинга сира сиймайдиган масҳара ва тақлиди умуман тилга олмайдди. Ҳолбуки, Темур ва теурийлар даврида шаҳарларда юзлаб масҳаралар ва муқаллидлар яшаган. Ёис масҳара санъатидан, масалан, аввалида Ҳусайн Бойқоро, Алишер Навоий, сўнг Заҳридин Мухаммад Бобур баҳра олганлиги, муқаллид Хожа Деҳдор билан Абдулла Девона, Зариф Абдулхусеин Мушши ўз маҳорати билан Ҳусайн Бойқоро мажлисларини беаганлиги маълум.

Кошифий ўз асарида барча ижрочиларга алоҳида-алоҳида таъриф-таъсиф бериб ўтади. Шундан баъзиларини эслатиб ўтаимиз. Чунончи, у маддоҳларни тўрт тоифага бўлади: узлари бадиҳа йули билан ҳикоят ривоятларни назмага тушириб айтувчилар, бошқа шоирларни ўз шеър, ҳикоя ва бадиҳаларини ижро этиб, халққа ёд етказувчилар (яъни ровийлар), маддоҳликдан ташқари бошқа фойдала ишлар билан ҳам шуғулланувчилар, ҳар хил байталарни ёд олиб эшикма-эшик юрувчилар. Маддоҳлар найза, тавқ (хилқа, белбор), суфра, чироқ ва болта олиб юришар экан, «Найза ўзини ҳимоя қилиш белгиси, тавқ маддоҳнинг қайси маргабада эканини кўрсатувчи белги, остирхон — саҳийлик ва қўли очтиқди аломати, чироқ — кўнгли равшанлиги, болта — ҳожагбарорлик нишониси».

Курашга «илм билан богланган куч, амалга лийвад йули, одамлар кўп қизикқадиган ҳамда султонлар, шоҳларга мақбул бўлган хунарлардир», деган таъриф берилади. Курашни икки турдан иборат деб кўрсатилади: биринчиси — қабз усули, яъни қўл ушлаб кураш тушиш, иккинчиси — истирор, яъни эркин кураш. «Агар кимни паҳлавон дейиш мумкин, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, — деб ёздаи Кошифий, — биринчидан, бакувват жусса — гавдали, иккинчидан, ширин тилли, учинчидан, қўрқмас юракли, тўртинчидан, етуқ ақлли, бешинчидан, сабри, барқамло, имам, олтинчидан, доимий жанду ҳақд қилувчи, яъни ҳаракатчан, худ-шахлоқ, ҳаромдан ҳазар қилувчи, саҳий, ноз-неъмат дастурхончи очик одам паҳлавонлик номига сазовор

қишди».) Мана шундай паҳлавон қомиди устоз бўлиши ва кураш илмини шоғирдларига ўргатиши мумкин. Кураш илми эса ўз навбатида уч юз тугун ва бандлар (усула ва тадбирлар)дан иборатдир, ушбу усуллари бартарф этиш йўллари ҳам кўп, уларнинг ҳаммаси бир миңг саккиз юз усунни ташкил этади. Устоз мана шу усулларнинг барчасини ўзи мукамал билиши, ўз фаолиятида амал қилган бўлиши билан бирга шоғирдларига ўргата олиши керак. Бу учун у яна тиб илмидан, мунажжимликдан, рамал (фол) илмидан, давват ва фаросат имидан ҳам хабардор бўлиши лозим.

Зўргарлар одам кўтариб, тош ва сувик сиңдириб, тош отиб, тегирым тошини кўтариб, фил билан олишиб, ўз куч ва маҳоратларини намойиш этганлар. Кошифий камондан ўқ узиш, сакраш ва ҳатто дорбозликни ҳам шу тоифага қўшади. Ҳақиқий зўргар куч-қувватга умчаслиги, нафс давлатини воз кечиши лозим, дейди.

Кошифий маълумотига қараганда, қосабозлар жубба (тўн) кийилган ва айланиб туриб, тосни жубба ичиде яшириб, яна топиб олиб томоша кўрсатишган. Қосабозлик ҳами, ҳуққабозлик ҳам тасаввуф гоғлари руҳида талқин этилади. Ҳатто кўтирчоқ ўинни тасаввуф билан боғлаб талқин қилинади. «Эй, азиз — деб мурожаат қилади Кошифий, — соҳибдил даррешламан кўтирчоқ ўинини кўп рамзу ишоратлар ўқиб, дунёнинг сир-синаотларини фаҳмлаб, хийла ҳақиқатларини кашф этибдираман. Шунни билиш лозимки, шакула шамойил, сурат оламида зуҳур этадиган нарсалар ҳазил-мутойиба бўлса-да аммо моҳият-мазмунига кўра, улар жиҳдий ҳақиқатларини аңглатадилар».

Манбаларда Темур ва теурийлар давридаги давлат байрамлари муносабати билан уюштирилган сайиллар ва намойишлар ҳақида аңчагина маълумотлар сақланиб қолган. Мазъракаларда ҳар тоифа ижрочилар алоҳида-алоҳида, тарабхона ва хос хоналарда санъаткорларнинг аралаш гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, театрлашган сайиллар ва намойишларда минглаб ҳар хил ижрочилар қатнашган ва узаро тортишган. Хунар ва санъатни бор бўйича, тўлиқ намойиш этишга хизмат қилувчи бундай намойишлар, ўйинлар ва томошалар Амир Темур ҳукмронлиги даврида кенг миқёсда боғланиб, қарийб бир ярим аср мобайнида давом этиб келган.

Шарафиддин Али Яздий 1394 йилда Кичик Осиёдан қайтган Шохруҳ Мирзонини Амударёдан ўттишда, Шаҳрисабзда, Самарқандда тантанали кўтиб олиш маросимлари ва унда хўнарманчлар билан бирга санъаткорларнинг катта ўрин тутганлиги ҳақида ёзади. Айниқса 1396 йилда Кеш ва Самарқандда Амир Темурнинг ўзини кўтиб олиш, унинг шаънига ўтказил-

ган тантаналар, базмлар зўр булган кўринади. Шаҳарлар безатилган, ҳар ёнда жозибали кўшклар ва чортоқлар қурилган, уларда санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этганлар.

Афсуски, томошалар таърифи берилмайди. Аммо кўтиб олиш маросимларида кўпроқ хўнарманчлар қатнашганидан келиб чиқиб, томошалар асосан майда ва кулгили рақслардан, тақлидлардан, масҳара ўйинларидан, лапарлардан ташкил топган, деб фараз қилиш мумкин. Али Яздийнинг бутун олами «куги» — ўйин ва шодликка» тўлди дейиши ҳам шунга ишорадир.

1404 йилда Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, Самарқандда бешта неварасини, жумладан, Мирзо Улугбекни ўйлантириши ва шу муносабат билан Самарқанд ва унинг атрофларидаги қасрлар ва майдонларда уюштирилган байрам ва сайиллар, уларда намойиш этилган томошалар ҳақида аңчагина маълумотлар сақланиб қолган. Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо бу тўғрида шавқ-завқ билан ёзадилар.

Булардан ташқари, Амир Темур, Сароймулкхоним, шаҳзодалар хузурида ҳам махсус томошасоз гуруҳлар иш қўрган.

Ҳофиз Абу мана шу минглаб томошасоз санъаткорларнинг турли иқдим, турли мамлакатлардан келган хўнарманчлар сингари ўз жойларининг одати бўйича ҳар хил кийинганлари ва санъатда ҳам узларига хос куй ва усулар билан намёнён бўлганлари ҳақида гувоҳлик беради. Форс оҳанглари, араб куйлари, турк тароналари, мўғул овозлари, чин-мочин айтим усуллари, олтой зарблари янраган. Рақс, масҳара, тақлид, найранғбозлик, муаллақ, чинни ўйин, майдон томошаларида ҳам турли миллий намояндалар қатнашган, абадгата. Ҳинду масҳарабозлари (бҳандлар), муаллақчилари, раққослари, чин-мочин қилич ютарлари, чинни ўйнатувчилари, найранғбозлари, араб раққосалари, мўғул ва қалмоқ чавандозлари ва полбонлари, эрони сондалар ва хофизлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда муттасил бўлиб, томошалар кўрсатиб, маҳаллий санъаткорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаб туришган.

Амир Темур ҳаётлигида расм бўлган байрамлар ва сайиллар, намойишлар ва томошалар унинг вафотидан кейин ҳам давом этган. Негаки, аксар теурий шоҳлар соҳибқирон расм-русумлари ва одатларига содиқ қолишган. Чунончи, Ҳиротда 1412, 1469 йилларда Шохруҳ Мирзо ва Хусайн Бойқоро томонидан, 1462 йилда Самарқандда Абустид Мирзо томонидан катта байрамлар ва томошалар уюштирилган. Умуман, истеъдодли, хўнарманч кишиларни қадрлаш, узга юртлардан келадиган санъаткорларни яхши қабул қилиб, уларга шароит яратиб бериш, ижодий изланишлар, янгиликларга кенг йўл

очиб бутун теурийлар ҳукмдорлиги давомида атиянга айланган.

Бу давр томоша санъатлари уч тоифага бўлинган: шаҳар хўнарманчлари ва зиёлилари орасидаги ўйин ва томошалар, қишлоқлардаги ўтроқ деҳқон ва соҳибқорлар орасидаги ўйин ва томошалар, чорва билан шуғулланувчи кўчманчи қабилалар орасидаги ўйин ва томошалар. Шундан деҳқонлар билан чорвадорларнинг ўйин ва томошаларида умумийлик кўп бўлиб, бахшларнинг чиқишлари, отлар билан бажариладиган чавандозлар ўйинлари (кўпқаран, чавгон, қоқоб ўйини каби), кураш, камон отиш сингари майдон томошаларини хуш қўрганлар. Бу ўринда санъат ва спорт бир-бири билан қатишиб кетади. Айтиш керакки, лашкарлар орасида ҳам кўпгина моҳир чавандозлар, камонбоз ва қиличбозлар, паҳлавон ва зўргарлар, қиссахон ва бахшилар бўлиб, улар ҳам деҳқонлар ва чорвадорлар орасидаги томошасозларга яқин туришган. Шаҳар ўйинчилари ва томошасозлари ўзларининг уюштиб яшашлари ва ижод қилишлари, сўз, соз ва тана ҳаракатларидан фавол фойдаланган ҳолда сахнавий образлар яратишлари, ўйин ва томошаларнинг ранг-баранглиги билан улардан кескин фарқ қилишган.

Шундай қилиб, Темур ва теурийлар даври томоша санъатлари таркибида шаҳар, қишлоқ ва саҳро унсурлари яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари, ҳийла жонланган ва қисман тикланган қадимий аңғаналар ҳамда четдан кириб келган маданиятлар таъсири ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Қадимий аңғаналар деганда, биз мажусийлик ва зардуштийлик билан боғлиқ булган театрлашган маросимлар ва намойишларни, алақачонлар дунёвий тус олган ўйинлар ва томошаларни назарда тутамиз. Амир Темур Кониғида уюштирилган сайил ва тўйларда ниқоб ва гилофлардан фойдаланган ҳолда хилма-хил ҳайвонлар ва қушлар кифёсида томошалар кўрсатган ижрочилар шундан даолат беради. Шубҳа йўқки, бу даврда Анахита, Сиёвүш ва Рустам тимсоллари, уларнинг йўдошлари бўлимиш девлар, парилар ва бошқа афсонавий мавжудотларнинг қиёфалари (юкориде тилга олинган олтин шохли эчкилар аслида афсонавий Сиёвүшнинг йўдошлари), шулар билан боғлиқ ҳолда майдонга келган ниқобли томошалар, рақслар кўп бўлган.

Умуман бу даврда сахнада инсон ва уни қуршаб турган ҳаётий воқеали ҳамда афсонавий-хаёлий дунёни тасвирлаш ажл олган. Самарқанд ва Ҳиротда Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, зафарлари акс эттирилган деворий тасвирларни, Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган портретларни эслаш қиёф.

Айнан шу даврда томоша санъатлари бутун бир тизим сифатида шакланган. Унинг умумий тарки-

би театрлашган маросимлар, намойишлар, майдон томошалари, анъанавий театр, рақс санъати, халқ циркидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси яна ўз навбатида бир қатор тур ва туркумларга бўлинган.

Театрлашган маросимлар дунёвий ва диний туркумлардан ташкил топган бўлиб, дунёвий маросимларга навруз ва меҳржон билан боғлиқ хилма-хил қизилари, уюшган оммавий сайиллар, урф-одатларни, уйланиш маросимларини, қизил гул байрамни киритиш, диний маросимларга эга зардуштийлик билан боғлиқ, Анаҳитага ва Сивёвүш тимсолларига алоқадор баъзи сайиллар, уйин ва томошаларни, шунингдек келиб чиқиши ҳийла қадимий даврларга бориб тақалувчи, кейинроқ ислом дини ва тасаввуф тариқатлари билан боғланиб кетган зикри жаҳрия ва садр йиғинларини киритиш мумкин. Бундай маросимларнинг аксарияти оммавий шақлларда бўлиб, юзлаб ижрочилар ва томошабинларни қамраган. Уларнинг юқори нуқтаси жаҳр бўлиб, шу қадамда томошабин қўлмайд, ҳамма битта руҳий ҳолатда яшай бошлайди.

Театрлашган намойишлар ҳам дунёвий ва диний руҳдаги туркумлардан иборат. Диний дунёқарашлар билан боғлиқ театрлашган намойишларга авваломбор зардуштийлик эътиқодларидан келиб чиққан «Сус хотин», «Хуббим» маросимларини исломга алоқадор дарвеш ва қаландарларнинг махсус либосларда тўда-тўда бўлиб, байт ва қўшиқ айтиб юришларини киритиш мумкин. Аммо дунёвий театрлашган намойишлар устуналик қилган бу даврда соф дунёвий руҳдаги ҳунар ва санъатнинг биргалликдаги умумхалқ намойишлари юқорида кўриб ўтилди.

Темур ва темирйилар даврида уйин ва томошалар силсиласида майдон томошалари алоҳида ажралиб турган. Зардуштийлик эътиқоди, Анаҳита ва Сивёвүш тимсолари билан боғлиқ баъзи томошалар ҳам майдонларда кўрсатилган. Аммо аксар майдон томошалари туркий уруғ ва қабилааларнинг турмуш тарзи, эътиқоди, эстетик майллари билан, Темур ва темирйилзодаларнинг лашқари, навкарлари ва зобитларининг жанговар ҳаёти, руҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан майдон томошалари орасида от билан бажариладиган пойга, улоқ чопиш (қўнкари), қиз қуввиш, отдан ағариши, чавгон, қабоқ уйин кабилар, ҳаққоний куч синови ҳисобланмиш кураш (қуштирилик), қилич, найза, турзи, дубулга ва бошқа жанговар қуроллар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек, кўчқор, ҳуроз, бедана уриштириш каби қадимий уйин ва мусобақалар етакчилик қилган. Умуман, майдон томошалари кўп сонли чавандозлар, паҳлавонлар, қамонбоз ва қиличбозларни, бошқа уйинчиларни, томошабин сифа-

тида бола-чақа, хотин-халаж, кексаю ёш — бутун аҳолини жалб этиш, ҳаммаларига ҳам яхши кайфият, кўтаринки руҳ, янгилиниш ва яшарини завқи бағишлаши билан қимматлидир. Томошабинлар ўта фаол бўлишган: ҳар гуруҳ, жамоа ёки уруғ майдонда куч ёки моҳирлигини синаётган вақлини (ёхуд ургатган оти, қўчқори, ҳурози, беданасини) қувватлаб, тарафини олиб, руҳлантириб турган: бутун уйин-томоша жараёнини у билан бирга кечирган, ютуғидан қувонган, мағлубиятидан ачинган.

Бир гуруҳ уйин ва томошалар бўлгани, уларни ҳозирги туپунча билан «анъанавий театр» деб аташ мумкин. Улар ўтча тоифага бўлинади: кулгили томошалар («кулги маданияти»), кўтирчоқ уйин, ҳикоя услубларида олиб бориладиган томошалар.

Бу даврда айниқса, рақс санъати кенг ривож топган. Бу қадар ранг-баранглик ҳеч бир санъатда бўлмаган. Унда ов билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган оддий тақлидий уйиндан тортиб нафис мажозий рақсларга, навруз байрамлари ва зардуштийлик маросимларида вужудга келган уйинлардан тортиб мақом куйларида ижро этиладиган мураккаб рақсларга учрайди. Аҳолининг касби-кори, наса-насаби, жинси ва ёши билан боғлиқ бўлган, шунингдек, маросимлар таркибига кирган мавсумий ёки бўлмасга бирон бир дарёе ва тоғ, дев ва пари, сув ва олов тимсолари билан бирга ижро этиладиган уйинлар ва рақсларни айтмасизми. Бунга яна жанговар уйинларни, буюмлар (қайроқ, занг, пиёла, қошиқ каби) ёки қарсақ билан ижро этиладиган рақсларни қўшиб тасаввур қиламиз. Ижро нуқтани назаридан уларни икки тоифага, яъни халқ рақси ва мумтоз рақсга ажратиш мумкин. Бу даврда ҳам эркаклар, ҳам аёллар орасидан рақс усталари етилиб чиққан. Шу жиҳатдан XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошида ном қозонган Сайд Бадр, Тоҳир Чакка, Моҳучуқ, Мақсудалларнинг номини алоҳида тилга олиш керак. Раққосалар, умуман жамиятда, фақат саройларда эмас, халқ туйлари ва базмларида ҳам кенг фаолият кўрсатишган, маросимларда, мавсумий сайилларда эса эригитлар билан бирга аралаш уйнашган.

Ниҳоят ҳозирги атама билан «халқ цирки» деса бўладиган ранг-баранг томошалар ҳам бу даврда кўп бўлган. Улар орасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда қадимдан истеъмода бўлиб келганлари ҳам, четдан, жумладан Ҳиндистон, Хитой ва Эрондан кириб келганлари ҳам бор. Айниқса, дор уйинининг эътибори балеанд бўлган экан, биронта ҳам байрам узис ўтмаган. Аслзодалар ҳам, халқ ҳам дорбозлиқни мардлик ва покиж намунаси деб унга эътиқод қўйган. Дорлар катта майдонлар, бозор

жойларида тикилиб, минглаб одамларни тўлаган, томошабинларда матонат, ҳиммат, меҳр-муруват туйғуларини уйотган. Дор уйинлари диний руҳдаги байтлар, қизилари таърифлар ва яхши тилаклар билан олиб боришган. Дор устида, чигириқларда дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этсаалар, дор тағида шўбабабозлар, олов пуқровчилар, ханжақ ютувчилар, коса ва ликочча уйнатувчилар, ёғочот ва ёғочоёқ ижрочилари, муаллақчилар, чамбардан сакровчилар, бесуяқлар уйин кўрсатганлар. Дор уйин шу жиҳатдан кўлаб цирк томошаларини қамраб олиб, уларни яхлит бир бадийий дастурга бирлаштирувчи куч вазиёфасини бажарган. Санаб ўтилган турларнинг ижрочилари алоҳида-алоҳида ҳам томоша кўрсатган, албатта. Чунончи, мужаббидлар, олов уйинчилар, ханжақ ютувчилар алоҳида, муаллақчилар, коса ва ликочча уйнатувчилар, ёғочот ва ёғочоёқчилар алоҳида маърақа тузганлар. Шунга ўхшаш уй ва ёввойи ҳайвонлар, қўшларни уйнатувчилар ҳам ўз ҳолларида, мустақил томошалар беришган. Шу тоифа уйинлар орасида, айниқса, айёқ уйин, эчки уйин, маймун уйин кенг ёйилганиги билан ажралиб туради. Бу даврда Ҳиротда фаолият кўрсатган Бобо Жамол, масалаан, бир ўзи шатранжбоз маймунни, «ўтри»ни топиб берувчи кўк эчкини, Чамандар исмли эшакни, сепоя устига чиқиб нагма кўрсатувчи туяни, отилган тангаларни ҳавода илби олувчи қушни гапта қолиб, турли мураккаб топшириқларни бажартириб, маърақани қизитган. Шунингдек, майдонларда, туйхоналарда, сайлгоҳларда сурнай қолиб илон уйнатувчилар, «ҳазил китоби»да ҳар хил суратлар пайдо қилувчи ҳамда шишадан ва тунуқадан ясаган ҳар хил идишлар ёрдамида йўқ нарсаларни пайдо, бор нарсаларни гойиб қилувчи қоз боғловчилар, одамларни турли ҳолатларда қотириб қўювчи, маълум топшириқларини бажартирувчи афсунгарлар, мис қосачалар остида соққаларни ўта қаққонлик билан биридан бирита ўткази олувчи қўқабозларни кўлаб учратиш мумкин.

Темур ва темирйилар даврида Марказий Осиё ҳудудида яратилган шароит, бунёдкорлик ишларининг авж олиши туйғайли, маданиятнинг барча соҳаларида бўлганидек, томоша санъатларида ҳам кескин кўтарилиш ўз берган, бутун бир тизим шакланган. Дадди айтадиган ҳулосамиз шу ҳозирча. Нега десангиз, томоша санъатларининг доирасини, андомини аниқлардик, ҳолос. Кўп нарсалар фараз ҳолида. Ҳали аниқланмаган, чала урганилган қанчадан-қанча тур ва туркумлар, уйин ва томошалар бор. Қанчадан-қанча қўлабозлар саҳнашуносларни кутиб турибди. Бинобарин, шу йўналишда иш олиб боришга тўғри келади.



Жумшиёв ЖАББОРОВ

## АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА ТАТАББУ

Мен нечун шоир бўлурман, ўз сўзимни топмасам,  
Ўз сўзим билан, демакким, ўз юзимни топмасам.

Дейдилар, ҳар кимсанинг оламада ўз ёғуси бор,  
Тинмагайман шуълавор ўз юдузимни топмасам.

Ишқу ижод, бахту омад келмагай бирдан ўзи,  
Гар бу йўлда меҳнату сабру тўзимни топмасам.

Бермиш Аллоҳ ақлу қалб, икки жаҳонни онгла деб,  
Касбу санъат не керак ризқу рўзимни топмасам.

Аввало, айтдим ўзимга, мен ўзимни кашф этгай,  
«Эл нечун толгай мениким, мен ўзимни топмасам».

## АМИР ТЕМУР СЎЗИ

Бермак улусга меҳр эди аҳду саховатим,  
Етди жаҳонга, шукрим, аду адолатим.

Нажот этиб тангим Соҳибқирон аталдим,  
Олам элиб тутиб бутқул ҳифзу маҳобатим.

Илму ижод аро шараф қўчди авлодим,  
Очиб аларга кўксини арзу самоватим.

Сарою кошона неча бунёд айладим,  
Жиола топиб ҳар нақшида қўрку салобатим.

Шиор этиб ҳақни, бурдим юз ахшиларга,  
Асло бесабаб бўлмади ёвга адоватим.

Жаҳон ичра пойдор агар мулки Туроним,  
Ушбу абад этиқоуду орзу, саодатим.

Эгам даргоҳи масканим бўлса не ажаб,  
Аъмолим халқимга бўди сунмас садоқатим.

## МАРҒИЛОН БОЗОРИДА

Марғилон бозори. Бир зўр дўшнга мойил эдим,  
Душпичи қизнинг ва лекин хўсинга қойил эдим.

Отабек кўнглин ёритган нозанин шулдирму, ё  
Ногаҳон бир мўъжизот дунёсига дохил эдим.

Юз Кумуш рухсори акс этмишдан ул ой кўркида,  
То ҳануз бунча назокатдан нечун гофил эдим?

Кўз бу янглиг, қош бу ҳолат, сўз бу тахлит, юз бу  
тарз,

Душпи истаб, бир жаҳон гулзорга, оҳ, восил эдим.

Худди тоғлар кўксидан келгувчи сойдек шўху шан,  
Мен ҳамон ҳайратда лол қотган ўшал соҳил эдим.

Айта олдим, қай чамандан дўшингиз гул нусхаси  
Кулди қиз нодонлигимга. Лол эдим, жоҳил эдим.

Не учун бийрон бу тил бирдан йўқотди сайрашин,  
Эл билур, нозик бу ишда моҳиру комил эдим.

О, гўзал халқ, санъатингиз сайқалингиз бул санам,  
Нурли чеҳранг қошида тиз чўккидек қобил эдим.

Душпийо атлас билан оламга машҳур Марғилон,  
Қизларинг дунёда тенгсиздир, десам, одил эдим.

Хўб ярашмиш бу қаду қомат сенга,  
Мангу ёр бўлсин бу бахт, омад сенга.

Тонгда айларман дуоин хайрлар,  
Дил сўзим етгай дебон шояд сенга.

Мен эмас, борлиқ сенинг маҳзинг ўқир,  
Ҳар сўзин айлаб улуғ оят сенга.

Билмадим, етгайму шунча натижа,  
Бул муножот, арзи ҳол, тоат сенга.

Сен-чи, беларво ўтарсан ноз ила,  
Ҳам ярашгай бул итоб тоят сенга.

Неча вақтким ушбу аҳвол бардавом,  
Бўлди бизни ёндириш одат сенга.

## ИНТИЛУРМАН СЕН ТОМОН

Қай томон бормоқчи бўлмай, сен томон юргим келур,  
Қўрганимга лаҳза бўлди, тез яна қўргим келур.

Сузларинг жондан эшитдим, лутфу эҳсондир менга,  
Кўзларингга термулиб, ёнишда ўлтургим келур.

Нозларинг-ку неча ўлдурди жонимдан ўтказиб,  
Во ажаб, жонимни ул ўтларга боз ургим келур.

Сен буюрсанг, жон фидо айлаб югурсам сен томон,  
Айтганинг айлаб бажо, ҳар ишда улгургим келур.

Бир мурданин натижою шайхдан бир марҳамат,  
Толлибу содиқлигимга ёрни кўндургим келур.

Сен ҳаётимнинг, ҳаёлимнинг ажиб гулдастаси,  
Бул нажиб даваатни доим бошга қўндургим келур.

Икки дилда бир улуғ қудрат — муҳаббат муштарак,  
Неъматни олий билан давру сафо сургим келур.

## ЮЗИНГГА БОҚДИЮ

Юзингга боқдию кўзлар қамашди,  
Ақллар ҳам йўқотиб йул, адашди.

Қуёш садқанг булиб бошингда турди,  
Тун-оқшом ою юдузлар қарашди.

Жаҳон барнолари кўргач жамолнинг,  
Хижолатданми, ерга кўз қадашди.

Бу ҳусну нозу ишва, шўх-шанлик,  
Сенга, дилбар, ярашгандан ярашди.

Сени Барчин ёхуд Шириин десам оз,  
Неча Фарҳод йўлинида жон талашди.

## МАРД ОНАЛАРСИЗ

Фарзандлар улғайган мард оналарсиз,  
Ҳаёт майдонида мардоналарсиз.

Сиз Темур, Навоий, Бобурга она,  
Улутбек бошида парвоналарсиз.

Меҳрингиз яратмиш ҳаёт кўкламин,  
Кўнгишлар мулкида дурдоналарсиз.

Хайри Дуонгиз бўлди мустажоб,  
Сиз бугун хуршиди замоналарсиз.

Ижодингиз эрур соғлом, ҳур насл,  
Кўкси фарзандларга кошоналарсиз.

Фахр этар сиз билан миннатдор авлод,  
Тилларда қўшиқсиз, тароналарсиз.



## ИККИ ҲОЛАТ

Жамиятнинг дардларин йиглаб айтди бир шоир,  
Қувончларин узгаси қўшиқ қилди шўх, қувноқ,  
Иккисин шеърда ҳам халқ кўншли эди зоҳир,  
Иккиси ҳақиқатдан асло эмасди йироқ.

Адолатни кўзлаган соғлом ақл, порлоқ дил,  
Сен улар қалбини тушуи, изламагил зиддият.  
Турт фасл жилосидан йўтрилғай-ку, ахир йил,  
Гарчанд шакллар рангин, танҳо эрур моҳият.

## ОТАШИН ҚУШ

Оҳу воҳ, ивир-сивир шеърлардан кўнгила қолди,  
Тил учи фахриялар жонга солмағай гулу.  
Шеърингнинг илоҳий кучи қаён йўқолди,  
Қайда у қайнаб турган оҳиррабо дард, туйғу?

Ҳақиқатнинг сўзлари кескир, лўнда, тик, улут,  
Сохта безаклар уни дарҳол сўлдириб қўяр.  
Шеър оташин бир қўшдир инсоний дардга тўлиқ,  
Бўлар-бўлмас сайратган уни ўлдириб қўяр.

## ЧЎЛ КЕЧАСИ

Чўл кечаси... жануб гузалин  
Сочларидай тим қора кеча.  
Юдуз сайри аро кўзларим  
Кезиб юрар кўчама-кўча.

Қалб қулоғи бирла сиз тинглаб,  
Қалб кўзи-ла уларни кўринг.  
Осмон бағрин тўлдириб, минглаб  
Давра тузиб, қурмишлар гурунғ.

Поёнсизлик, тубсиз теранлик  
Хабдан ҳам чексиз ва олис.  
Дўстим, тунга қулоқ берайлик,  
Юрагини тинглайлик холис.

Нақадар кенг осмону олам,  
Бир заррадек ҳузурда Ер.  
Инсонга хос қувончу алам,  
Умр, ҳаёт, ташвиш, севги, шەър —

Абадият рубарўсида  
Ёниб учган шамдек туюлар,  
Космоснинг ўт кўрасидан  
Юрагинга юдуз қуюлар.

Сукулатга, дўстим, қулоқ ос,  
Билажаксан шахсинг кимлигин,  
Бузиб қўйма сўз айтиб беҳос  
Бу илоҳий кеча жимлигин.

## ФАРДЛАР

Борми десанг агар фаришта,  
Дерман, улар бизнинг Форишда!

Ҳаёт қатли — ядро кечаси,  
Шу кечадир ядро кечаси.

Ҳар нарсадан олма хавотир,  
Хавотир — бу бадбуй ҳаводир.

Дунё кўриб, билганим шулки,  
Кўп омонат бу дунё мулки.

Асал лабдан сочиб дурлар,  
Хайлими сочибдурлар.



ҚУШИҚ—  
ҚУНТУМ  
МЕХРОБИ

*Куй ва қушиқ... Уйғуликда нисор этилган завқ ва шавқ шодалари кишининг қалб кўзини мунаввар этади. Ботийий туйғулар сийасиасида руҳларимизга ёруглик улашади.*

*Ғайритабiiий илоҳiiий садолагушида қалб ларзага келади. Эптикасан, ҳузурланиб талин-насан — қушиқ саждагоҳига. Зеро, у тиркликнинг энг тап-сиқ неъматларидандир.*

*Қушиқ бугун бораигини бахшида этади тингловчига. Бизнинг руҳларимиз ҳам тобора унга — қушиққа юкиниб боради...*

*Дарвоқе, мусиқа инсон хотираси ва туйғусини поклар экан, унинг қудратини, инсон ҳаётндаги ўрнини ҳеч ким инокор эта олмайди.*

Айниқса, келажакимиз эгалари қалбида эстетик ҳис-туйғуни жўш урдиршида, уларни юксак дидди, маданиятга кишилар қилиб ўстиришда мусиқанинг аҳамияти бениҳоядир. Ёшлигиданоқ соз чалиб, қушиқ айтган ҳар бир ўспирин гузалликни теран ҳис этади, қалбидаги энг нозик туйғуларни эъозлашга ҳаракат қилади.

Аммо бугунги замондошларимизнинг миллий созларимизга бўлган қизиқиши кўнгилдагидай эмас. Ваҳоланки, гижжак, най, танбур, дутор, сато, уд каби созларнинг ҳар бири ўзбек халқининг бугун бир тарихини, унинг ўтмиш ҳаётини, асрий орау-умидларини ҳикоя қилувчи ноёб санъат дурдоналаридир. Бу созларни тарғиб қилиш, уларда ижро этишни урганиш, ёшларимиз қалбида Ваганни севиш, тарихга ҳурмат қўзи ила муносабатда бўлиш, фахрланиш туйғусини англашга.

Самарқанд азал-азаддан машҳур қушиқчию чолғучилар, бастакорлар-у рессомлар, кулочилар-у нақшошлар юрти булган. Санъаткорларимиз миллий чолғу асбобларида маҳорат билан куйлар ижро этганлар, мақомлар, қушиқлар куйлаганлар. Микрофонсиз, овоз кучайтиргичларсиз ҳам минг-минглаб мухлислар қалбини завқ-шавққа тўлдирганлар. Бу борада Шашмақомнинг машҳур билимдони Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ва Юнус Ражабийларнинг хизматларини эсламасдан иложимиз йўқ. Ҳожи бобо дуторини қўлга олиб, майин чертиб «Гул узорим», «Бозургоний», «Бебоқча», «Куча боғи», «Ушшоқи Ҳожи» каби қушиқларни ижро этганда, уни тинглаган одамнинг мусиқа ва қушиқ сеҳ-

ридан юраклари тўлқинланиб кетарди.

Қўпгина мухлислар мени куча-куйда учратиб:

— Ҳозир ҳам чиройли овозга эга бўлган, мароминга етказиб қушиқ ижро этадиган ҳофизларимиз бор, нима учун улар Ҳожи бободек шухрат орттирмаёттирлар? — деб савол беришади. Тўғри, ҳозир қизгин ижод қилаётган забардаст ҳофизларимиз, хушовоз хонандалару созадларимиз бор. Биз улар билан фахрланамиз. Аммо масаланинг бошқа томони бизни қийин аҳволга солиб қўяёттир. Ҳожи бобонинг қушиқчилик ва бастакорлик соҳасидаги улкан хизмати шундан иборатки, у киши қушиқни бир неча мураккаб авжлар, ярим авжлар қўшиб, нолали буровард-фуровардларни жойига етказиб ижро этганлар. Масалан, Зебуннисога газали билан айтиладиган «Ушшоқи Самарқанд» қўшигини бир неча бор катта авжлар қўшиб куйлаганлар. Шунинг учун бу қушиқ ҳозирги кунда ҳам хонандаларимиз тилидан тушгани йўқ.

Аксинча, айрим замондош хонанда, бастакорларимиз яратган қушиқлар жуда бўш. Уни диққат билан тинглаган тингловчи қушиқ қандай яқунланишини тезда илғайди, яъни унда юракни жезиллатувчи авжлар йўқ; жуда нари борса овоз бир жам октава баландлигига етади-ю, яна ярим авж орқали яқунланади. Ахир қушиқда балад авжлар, қочиримлар, буровлар, нолалар бўлмаса, унинг оддий шеърхонликдан фарқи қолмайди-ку?! Шунинг учун ҳам бундай бўш, саёз қушиқлар халқ оғзидан тезда тушиб кетиб, унутилмоқда. Бундан ташқари, айрим бастакорларимиз шеър танлашда жуда ҳам гўрлик қилмоқдалар. Маънан қашшоқ, олди-қочди сўзлардан иборат шеърни куйга солиб, уни қушиқ қилиб юрган «санъаткор»лар ҳам топилмади. Ахир шеър қушиқнинг юраги, куй эса унинг жисму жони ҳисобланади-ку? Шеър ёки газали кўкка парвоз қилдиришда бастакор ва ҳофизнинг ҳиссаси каттадир. Шунинг учун бастакорларимиз қушиқ яратишда мазмунан теран, юқори савиядаги газал ва шеърларни куйга солсалар, бундай қушиқ умрбоқий бўлиб янграйди. Шу борада Шарқнинг машҳур ҳофизи, Шашмақом билимдони, бастакор-хофиз Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ниҳоятда зукко, нозиктаъб булганлар. У киши яратган қушиқ ва куйлар то ҳануз сайқаланиб, куйланиб келмоқда. Асримизнинг машҳур ҳофизлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Очиахон Стаҳонов, Ориф Алмаҳсумов, Берта Довидова ва бошқалар устоз Ҳожи Абдулазиз



Абдурасулов анъаналарининг да-  
вомчиси сифатида халқ олқиши-  
ни олиб келмоқдалар.

Мана, ҳозирда Самарқанд вилоя-  
тида машҳур ҳофиз Ҳожи Абдула-  
зиз Абдурасуловнинг ижодий мак-  
табини тиклаш, уни ривожланти-  
риб, халқ орасида тарғиб этиш бо-  
расида кўпгина ишлар олиб бори-  
моқда. Жумладан, Имомжон Ик-  
ромов, Набижон Ҳасанов, Толиб-  
жон Содиқов, Дони Зокиров, Ша-  
рифжон Акрамов каби забардаст  
ижрочилар ижодида бағишлаб ке-  
чалар, танловлар уюштирилади. Бун-  
дан ташқари, Ҳожи Абдулазиз Аб-  
дурасулов, Юнус Ражабий хотира-  
сига бағишлаб танловлар ўтказил-  
ди. Бу танлов уч босқичдан ибор-  
ат бўлди. Бунда Самарқанд ша-  
ҳар, Боғишамол туман ҳокимияти  
қошида ташкил этилган «Шукро-  
на» дастасининг яккахон хонанда-  
си Фарҳод қори Ҳалимов юксак  
мукофотга эга бўлди. У Ҳожи бо-  
бининг «Ушшоқи Калон» кўшигини  
устоз услубига монанд ҳолда  
ижро этди. У республика миқёси-  
даги кўрик-танловда ҳам иштирок  
этиб, устоз Ҳожи бобининг руҳи-  
ни шод қилди. Халқ артисти Саод-  
ат Қобулова Фарҳод қори ҳақида  
қуйдагича фикр юритди: «Мен  
овози икки жамдан иборат ашула-  
ларни ижро этишда «до-диез»ни  
забт этишда матонат кўрсатган ука-  
ми Фарҳод қори Ҳалимовнинг хо-  
нишларини тинглаб, бетакрор  
санъаткор пири комилемиз Ҳожи  
Абдулазиз Абдурасулов ҳали бар-  
ҳаёт экан, деб суюндим». Дарҳа-  
қиқат, Фарҳоднинг танбур журали-  
гида ижро этган «Бебоқча», «Гул-  
лар боғи», «Бозиргоний», «Насрул-  
лойи» каби кўшиқларни эшитган  
киши Ҳожи бобони тинглагандай  
булади. Албатта, Фарҳод шундай  
муваффақиятга осонликча эришган  
ийўқ: тинмай ижод қилди, дои-  
мо изланишда бўлди, айниқса,  
Шашмақом куй ва кўшиқларини  
ўзлаштириш ва тарғиб этишда  
жонбозлик кўрсатмоқда.

Энди туй ва маъракаларда «бе-  
миннат» хизмат қилаётган ҳавас-  
корлар ҳақида фикр юритсак.  
Яқинда 56 киши бўлиб бир дўс-  
тимнинг тўйига таширф буюрдик.  
Тўйхона жуда шинам қилиб бе-  
затиелан, дастурхонларда турли ноз-  
неъматлар. Бизни дастурхонга так-  
лиф қилдилар. Бир пайт ўртароқ-  
даги стол теграсига жойлашиб ол-  
ган санъаткорлар куйлай бошлаш-  
ди. Азбаройи овоз кучайтиргич ба-  
лаңд қилиб қўйилганидан ёнимда-  
ги ҳамкасбим билан бир оғиз ҳам  
суҳбатлаша олмадим. Шунинг учун  
куйлаётган ҳофизнинг кўшиги ма-  
тини диққат билан кузатдим: Мав-  
лоно Навоий газали билан айтила-  
диган машҳур «Гул узорим» кўши-  
гини куйлаётганди. У кўшиқнинг  
мазмунини бузиб, жумлаларни но-

тўтри куйлаганини қуриб жуда фа-  
фа бўлдим. Масалан:

*Мен ҳавойини нетонг кўргузсалар  
бир-биргаким,  
Эгма қоши қайрилиб андоқ ҳилол  
этмиш мани.*

Во ажабо, у ашулачи пастки  
мисрани бузиб айтди. Хуллас,  
тўйхонадан жуда гаранг бўлиб чи-  
қиб кетдик. «Микрофонини сал  
пастроқ қилиб кўшиқ айтмайсиз-  
ларми?» деган саволимга ҳалиги хо-  
нанда: «Паст қилиб айтсам, кўшиқ  
куйлагандай бўлмайман», — деб  
жавоб берди.

Кўпгина олимлар, шифокорлар  
билан суҳбатда бўлганимда улар  
ҳақдан ташқари билан овоз асаб-  
га салбий таъсир этишини, умрни  
қисқартиришини таъкидладилар.  
Балаңд товушининг киши руҳига  
салбий таъсир этиши ҳақида Са-  
марқанд республика касалхонаси-  
нинг неврология бўлими бошлиги,  
профессор Матбул Солибоев ҳам-  
да вилоят онкология диспансери  
бош врач, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган шифокор Раҳимжон Ша-  
рипов билан шу хусусда суҳбатда  
бўлдим. «Кўшиқ — жон озиги, у  
киши қалбини гўбордан тозалаш  
қудратига эгадир. Бундан ташқари,  
бемор кишини кўшиқ ва куй  
воситасида даволаш ҳам мумкин.  
Масалан, Шарқнинг буюк аллома-  
си ва табиби Абу Али ибн Сино  
ўзининг «Тиб қонунлари» китоби-  
да хафакон касалини «Сувора»  
куйи билан даволаш ҳақида ўз  
фикрини билдирган. Демак, ҳалқ  
қандай мусиқани киши қанчалик  
нозик ва майин ижрода тингласа,  
шунчалик кайфияти кўтарилиб, ро-  
ҳатланади.

Халқимиз азал-азалдан туй ва  
маъракаларга ҳофизларни таклиф  
этиб, улар ижросида куй ва кў-  
шиқлар тинглаган. Айни пайтда  
ҳам худди шундай бўлаётир. Ҳат-  
токи, айрим кишилар санъаткор-  
нинг буш вақтини билиб, кейин  
тўйни бошлайдилар, чунки улар  
ўша ҳофизларнинг санъатига муш-  
тоқдилрлар. Кўпгина туй ва маъра-  
каларга кириб борсангиз, ҳофиз-  
ларнинг хонишидан роҳатланасиз,  
тўйдан чиқиб кетгиниз ҳам кел-  
майди. Айрим тўйларда замонавий  
созларнинг тарақ-туруқидан эсан-  
гиз қотади, на мусиқани, на унинг  
матнини англаб булади.

Фурсатдан фойдаланиб, эстрада  
дасталари ҳақидаги мулоҳазаларим  
билан ўртоқлашмоқчи эдим. Рес-  
публикамизда кенг фаолият кўр-  
сатаётган «Ялла» вокал-чолгу даст-  
еси менга жуда маъқул. Жамоа  
ижросида кўпгина халқ кўшиқла-  
ри ва куйларини неча-неча карра  
жон деб эшитганман. Ансамбль  
танбур, доира, уд каби миллий чол-  
гу асбобларини истеъмолга кирит-

ди. Ансамбль ижро этган куй ва  
кўшиқларнинг миллий руҳда экан-  
лигини айтмайсизми? «Фигонким»,  
«Юзингни кўрсатиб аввал» каби  
мумотоз кўшиқлардан иборат бўл-  
ган сюиталар ҳар биримизнинг  
қалбимиздан жой олгандир.

Вилоятимизда ташкил этилган  
бир неча эстрада ансамбллари фао-  
лиятини кузатганимда, улар тарки-  
бида биронга ҳам миллий чолгу ас-  
бобларини қўрмаганман. Билъакс  
бу жамоаларда гитара, икки кла-  
вишли орган, ритм-блок, аккордеон  
каби Оврупто мусиқа асбоблари  
кенг урин олган. Лекин улар иж-  
ро этаётган куй ва кўшиқлар, асо-  
сан, Шарқ халқлариники. Агар  
улар ансамблга миллий чолгу со-  
зларидан рубоб, най, гижжак каби-  
ларни қўшса, нур устига аъло нур  
буларди.

Республикамизда, хусусан, Са-  
марқанд шаҳрида маҳоратли  
санъаткорлар куп. Ишонамизки,  
улар вазифанинг нақадар долзарб-  
лигини теран тушунадилар, ёшлар-  
имизни санъатга опуфта этишга  
астойдил бош қўшадилар. Нияти-  
миз холис: хонадонларимизда пу-  
маъно кўшиқлар, ажойиб мусиқа-  
лар оҳанги тинмасин. Туй устига  
тўйлар уланиб, кўшиқлар юксал-  
версин, зеро, кўшиқни бежиз кун-  
ги меҳробни демайдилар.

Равшан ҲАМРОҚУЛОВ,

Самарқанд Давлат  
дорилфунуни халқ  
чолгу асбоблари кафедраси  
доценти,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими.





Суратда: чапдан (ўтирганлар) Гани Тулаганов, Виктор Веригин, Собир Карим ҳожи ва (тик турган) Зоҳид Ҳақназар. 1971 йил.

## КОМПОЗИТОР КАРИМҲОЖИНИНГ ИЖОДИЙ ФАЛСАФАСИ

*«Ким била олур ўзин ва  
ўз кучининг чекин?  
Фақат дошюракларгина  
юрарми мардона йўлдан?  
Вақтгина ҳақамдир сенга:  
нималарга эриша олдинг?»*

Буюк оломон мутафаккир шоири И. В. Гётенинг ушбу шеърини мисралари таниқд қомпозитор Собир Исомиддинович Каримҳожининг ижодий йўлини ёритишга доир мақсадимиз учун йўли юдауз бўла олади.

Уз ҳаётининг 60 йиллик довоидан ўтган ажойиб саъваткорнинг ижоди қомпозиторлик бобидан бир қатор катта ютуқлар билан йўтрилган. Ўзбекистоннинг кенг равиш топган мусиқа оламида Каримҳожининг ўзига хос ўрни бор. Унинг мусиқаси ёрқин демократик руҳи, тинчловчиларнинг кенг доирасига тушундарилиги, ифодалиш воситагарига, шу жумладан энг янги воситагарига бўйлиги билан муҳлислар қалбига йўл тоқди. Қомпозиторнинг ижодий йўли қандай шаклдан, унинг шаклланиш сарчашмаларида қиммат турар?

Каримҳожининг ўзи қомпозитор сифатида шаклланишида бошланғич ва ўрта мусиқа тълғими катта роль ўйнаганини эътироф этади. Маълумки, шахсинг ва мусиқий дунёқарарининг шаклланиши ҳамда ривожланиши боалиқдан бошланади. Ҳаёт йўлининг бошланишида фортепиано ижросида А. В. Попова, М. С. Мурави, И. В. Волкова, назарий фаиларда А. Ш. Шахназарова сингари чинакам мураббийлардан сабақ олди.

Маълумки, Каримҳожини саъватдаги йўлини пианино ижрочилигида бошлаган эди. Душанбе мусиқа билим юртида ўқиб юрган пайтларидаёқ мусиқий ижод билан шуғуллаана бошлади. Албатта, бу асарлар ҳақи баркамол бўлмасда, айни улар Каримҳожининг истиқболга дастлабки пойдевор бўлган эди.

Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олиш чоғида у композиция билан жиддий шуғуллаана бошлади. Атоқли педагоглар Б. Б. Наҳажид ва Б. И. Зейдмавлар қўлида таҳсил олиб, ўзига, ўз тажрибасига ишонч ҳосил қилди, фикр доираси кенгайди. Каримҳожининг ижодий қобилияти собитқадам ривожланиб борди. У саъбат сари борадиган ўз йўлини тезда тоқди. Табиийки, ёш қомпозиторнинг илк босқичдаги ижод услуби ўз устозларининг ижодига хос бўлган баъзи хусусиятлар: баёндаги бор бўйи билан ва-

моён бўладиган жушқинак, оҳангларнинг экспрессив ифодалилиги, фактуранинг кўп овозлилиги ўткир гармоник «алитра»дан холи бўлиб, ижодда миллий сарчашмалар чуқур намоён бўла борди. Унинг мусиқаси ҳақ куй-оҳангларининг кенг доирасини ўзига сингдирди.

Каримҳожини ўз асарларида тожик ва ўзбек халқларига хос мусиқий оҳангларини сақлаб қолади. У нафақат халқ ижодини, халқ чолу асбобларининг ўзига хос жиҳатларини, балки ҳозирги ўзбек қомпозиторлари ижодига улардан фойдаланишга доир бой тажрибани ҳам қўли билан ўргана бошлади. Лекин бу билан чекинмади. У Опрону мусиқий маданиятини, унинг турли миллий қомпозиторлик мактабларини, аввало, В. А. Моцарт, А. Ветховен, Ф. Лист, М. Равель ижодини, шунингдек М. де Фолья, Б. Барток, А. Хачатурян, С. Баласагян асарларини ўрганди. Айниқса, Равель асарларидан у жуда кўп нарсга олинди.

Консерваторияда ўқини даврида қомпозитор самарани ижод қилди. Фортепиано учун айрим пиесаалар ва вариациалар, труба учун «Элегик поэма», тожик мўлтот шоири Камол Ҳўжадий сўзига кили романс, шунингдек, «Восе хотирасига» симфоник поэмаси, Мирзо Турсунзоданинг достони бўйича «Осиё садоси» дилломо иши — симфониясини яратди. Кейинчалик қомпозитор ўзининг дастлабки асарларини қайта ишлаб, бошқа вариантларини ҳам яратди. Ҳар қайси ижодкор ҳам шундай иш тутганмайдди. Жуда кўли билан ишлаовчи, шубҳаланувчи (албатта, ижобий маълода олақанда), ўзига ўзи таниқдий баҳо берувчи кишигина ҳар бир тактиги, ҳар бир оҳангши бошқатдан кўлиб чиқиш мумкин. Бундан ижодий жараённинг бутун йўналиши қисмдан — бутунга, мусиқий «атом»дан мусиқий «олам»га, бошланғич товуш «лазма»сидан — «космогоник» оркестр оҳангларига ўтиб боради. Қомпозитор Каримҳожининг ҳаёт ва ижод фалсафаси ана шундай.

Билнобарин, қомпозиторнинг мусиқий жанрларга мойиллиги таҳсил олган йилларидаёқ шаклланиб улуғтур. Унинг ижодига инструментал характер ўзининг ёрқин ифодасини тоқди. Симфоник ва камер-чолу мусиқаси унинг ижодининг негизини ташкил этади. Биринчи йўналишида «Восе кўзголини» симфоник поэмаси, «Осиё садоси» симфонияси, «Морис Равель хотирасига» хореографик поэмаси, оркестр билан флейта учун «Тог фантазияси», оркестр билан труба учун концертлар, оркестр билан виолачөлөөч учун симфония-концерт ижод этди. Соф чолу мусиқасини таърифлаб ёзиш жуда қийин. У, аввало, ҳиссиётлар ифодаси, шунингдек, фикрлар таъсирдир. Лекин муайян сузларда мужассамланмаган, бир ерта жамаан-

ган фикрларди, бинобарин, адабий баён чоғида уларни турлича тавсифлаш мумкин. Шу тўғрисида композиторнинг баъзи симфоник асарларигагина тўхтаб ўтмоқчимиз.

«Морис Равель хотирасига» хореографик поэмасининг негизда симфоник вариациялар тамойили ётади, уларнинг ҳаракатлангирувчи омили эса тембр, фактура, динамика ва маълум даражада тонал модификациялардан иборат. Бу ҳолат эса француз композиторининг бутун дунёга машҳур «Болероси» ни эсга туширади. Асар XV аср буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг газаллари билан йўрилган. Поэманинг мавзу ўзагини уч мавзу — Алишер Навоий, Гули ва Ҳусайн Бойқаронинг музикий характеристикалари ташкил этади, улар сезилари ориентал руҳ касб этган. Симфоник партитура зарб билан чақинувчи асбоблар сонини кенгайтириб, жумладан, доира, зарб билан чақинадиган асбоб сифатида фортепианодан фойдаланган ҳолда оркестрнинг уч хисса куй таркибини тақозо этади. Қаримхожи оркестр партитурасини новаторларча бойитиб, Ўзбекистонда биринчи бўлиб оркестрга саксофон-альт, саксофон-тенорни киритди. Лекин бу шунчаки ўқ дубий новаторлик эмас эди. Қўйнинг соддалиги, ўзбек тоналмақомауларига яқин ашула-рақс оҳанглари орасидан ривожланишида чинакам элик руҳ касб этадиган самимий, чуқур туйғулар намойиш бўлади. «Морис Равель хотирасига» хореографик поэмаси дарҳол муҳаббат эътиборини ўзига жааб этади.

Оркестр билан труба учун концертлар энг оммавий симфоник асарлар жумласига кирди. Бунда ҳам Қаримхожи биринчи булагини таъкидлаш ўринадир. Чунки ў Ўзбекистонда композиторлари ичидан биринчи бўлиб труба оркестрга киритди. Бунда болалик хотиралари ижод учун туртки берганлиги сир эмас. Зеро, Қаримхожи Тожикистон Республикаси Вазирилар Кенгаши қолдиғи мусиқа мактаб-интернатда тахсил олган чоғида пуфлама оркестр қатнашичи бўлиб, баритон партиясини ижро этарди. Труба оҳангларининг ёрқин таштанаворлиги, даъваткорлиги ёш Собирни ўзига маҳлиб қилган эди.

Шарқ куй оҳангларица сахийомк билан йўрилган, оркестр садолари қизиг полифоник ривожлантирилган труба учун биринчи концертли симфония-концерт деб аташ мумкин. Маълумки, композитор ўз ижодида бундай синтезга оркестр билан виолончель учун композицияда яна бир марта мурожаат қилди. Муסיқий шакл мантқиқ, гармоник оҳанг ўткирлиги, техник «алпаозон» кенглиги нуҳтан назаридан олганда иккинчи концерт янада баркамол бўлди.

Умуман олганда, Қаримхожининг симфоник композицияларини тинглаганда унинг муסיқиси «кура олиши»дан ҳайратланасиз, болалик чоғларида у бошловчи расомларнинг устаконаларида соатлаб қолиб кетиши ёрдам берганини ҳис эта сиз. Унинг рангтавсир тарихини, ўтмишда яшган ва ҳозирги маҳаллий расомлар ижодини пухта билашдан воқиф бўласиз. Мажор ва минор оҳанглари, янғроқ секунда интонациялари ранг-баранг бўёқларга айланади, гармоник уюшқоқ ритмлар суратларнинг рангли юзасига монандлашади. Лекин бу қилсанга жуда шартлидир. Зеро, Қаримхожининг «оҳанглар тўқимаси»да ҳеч қандай овоз тавсири, ҳеч қандай «табиат овозлари» мавжуд эмас. Унда муסיқа компонентларини ранг да кура бириш маҳорати мавжуд.


Композитор бутун умри давомида мурожаат қилиб келаётган камер-чолу жағрида бир қатор қизикорали асарлар яратган. Улар орасида афғон рубоби ва фортепиано учун «Газал» (Алишер Навоий газали асосида), труба ва фортепиано учун «Надежди хотирасига» элегик поэмаси, скрипка ва фортепиано учун соната-фантазия, най ва фортепиано учун Паг жон халқ оҳангарида «Фантазия», дутор-альт ва фортепиано учун 8 пьесадан иборат «Жилга бўйида» ва бошқа асарлар бор. Гоҳида тингловчи учун гоҳида одалатишмаган оҳангларни қатъий билан танлаш, муסיқа драматургиясининг сезирлиги — буларнинг ҳаммаси Қаримхожиге, шубҳасиз, ўзбек камер-чолу муסיқаси хазинасидан ўрин олган асарлар яратиш имконини берди.

Композитор ўз ижодида фортепианога ҳам мурожаат қилди. Унинг томонидан «Олти портрет» вариациялари, тўрт пьеса, «Тог афсоналари» туркуми (5 пьеса), «Ёшлик рақси» бадиҳа-этнод яратилган. Теравликни, мутлақ эстетик қимматни, ҳатто абдийликни даъво қилмайдиган гоҳида мўъжаз пьеса ҳам эл оғзига тушадиган асар бўла олишини ана шу асарларнинг кўпи исботлади. Зеро, бир олам музикий асарлар ичида айни шу камтарона асар эсга тушади, чунки унда давринг қандайр аломатлари ҳаққоний ва тулиқ ёритилгандир. Ижрочи муҳаббат ҳукмига қайта-қайта ҳавола қилишни хоҳлайдиган асар умрибоқий асардир.

Мақолани буюк оламон шoirи Гетедан иқтибос келтириб бошлаган эдим, уни яна бир буюк ижодкор — рус адаби А. П. Чеховнинг сўзлари билан якуламоқчиман: «Севгида, сивсагда, тибийиёта ёлгон сўзлаш мумкин, кишиларни ва ҳатто Парвардигорни ҳам адаш мумкин, — бундай ҳодисалар ҳам юз берган, — лекин сангада алаб бўлмайдир». Қаримхожи нинг ижоди ўзига хос ижод бўлиб, теран самимият билан йўрилган. Айни шу хусусиятлар унинг муסיқасига умрбоқийлик бахш этади.

Марина ЗОРИНА

## Тоғиб Йўлдош



## ТўРТЛИКЛАР

*Минг йиллик умрни қўйсанг-да гаров,  
Ёшликнинг бир дамин топмаклик маҳол.  
Ёшлиқда қозонган шон-шўҳратингни,  
Қайта бир ёшлиқда қурсанг, эҳтимол.*

*Сен элда қанчалар топма эътибор,  
Ўзиндан ўзгари зарра кам тутма.  
Заррада атомлар мавжуд эканин  
Ҳамиша ёдинда сақла, унутма.*

*Меҳнатсиз тириклик —  
Бу бўлмаган гап.  
Сен учун булас ҳам  
Ўзгага йўқ нақа.*

*Сени ер қилсалар мулзам бўлма ҳеч.  
Шукур қил осмон бўлмаганингда.  
Ўзингни унутиб ҳаволар бўласанг.  
Ким яқин йуларди сенинг ёнингда.*

*Белинга ишонма, филча бўлсанг ҳам,  
Элига ишон сен, эл суягувчинг.  
Элдан айри тулсанг, эл бўлганин  
Ўзингни тутмакка, етмайди кучинг.*

*Яшариб кетаман, ёшларни қурсам,  
Бирласта утганим, қайта бошланар.  
Ёшлик — ўз меҳрига қонгани қўймас.  
Қуёшта боққандек кўзим ёшланар.*

*Гоҳ туналар сўроқда тутиб ўзимни,  
Яшадан мақсадинг дея сўрайман.  
Шунда ипак курти мисол ўзимни  
Ширин орзуларим билан урайман.*

*Ёшлиқда жон койитганин,  
Қарликда жон роҳати.  
Уч-тўрт кунлик ҳою-ҳавас.  
Битмас юрак жароҳати.*

*Кекса дерлар, гашим келади,  
Олтиқмасак дейман бунчалик.  
Кеча бола эдим, сизнинг ҳам,  
Ёшланинғиз ҳам, бугунчалик.*



# ХАЛҚНИНГ ЖОНЛИ ОВОЗИ

Мақоллар халқнинг узоқ замонлардан бери яшаб келаётган жонли овозидир. Мақолларни халқ оммаси яратади, шунинг учун ҳам уларда халқнинг муштарак фикр ва қарашлари ўз ифодасини топади. Якка ақл ва заковат билан яратилган ҳикматли сўз кўпчиликнинг фикрини ифода этсагина мақол бўлиб қолади. Маълумки, халқ мақолларининг асосий мақсади доимо тарбия бўлган ва улар азал-азалдан ёшларни вояга етказишда педагогик восита бўлиб хизмат қилиб келади. Мақоллар мазмунда икки жиҳат бор: бир томондан, улар умуминсоний гоёни ўз ичига олади, иккинчи томондан, муайян шахсга тарбиявий таъсир ўтказишга қаратилган бўлади. Мақолларда таълимий материал, турмуш юзасидан амалий маслаҳатлар кўп. Шунингдек, уларда насиҳатнинг анъанавий шакллари: қўрқитиш, қоралаш, таъна қилиш, шама, ишоралар, гина-қудуратлар ва ҳоказолар ўз аксини топган.

Барча халқлар мақолларида болаларни тарбиялаш бўйича катталарга бериладиган маслаҳатлар муҳим урин олган. Шу билан бирга, уларда тарбия натижалари ҳам қайд қилинади. Буни педагогик тажрибани умумлаштиришнинг ўзига хос шакли деса бўлади.

Мақолларнинг, хусусан, ўзбек халқ мақолларининг хусусияти шундан иборатки, улар одатда маслаҳат, насиҳат, ибрат олишга қақариш шаклида берилади. Педагогик нуқтаи назардан маслаҳат ва насиҳатларнинг уч тури муҳимдир: болалар ва ёшларни яхши ҳуқли бўлишга қақарувчи насиҳатлар, катталарни одоб сақлашга ўргатадиган, болаларни тарбиялаш билан шугуланишга ундайдиган маслаҳатлар.

Мақоллар халқнинг текса авлоди сақлаб келаётган мўъжабар фикрлардир. Инсон тарбияси аҳамиятини ошириш учун яхшилик, тўғрилиқ, олижаноблик, имон-эътиқодини улуғловчи бир қатор мақоллар туқиб, бу та-

факкур дурдоналарига асрлар оша юксак баҳо бериб келган. Чунончи, «Эл сўзи — дил сўзи», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Нақл — ибрат учоғи, ақл — фикр учоғи», «Каттанинг нақли — кичикнинг ақли», «Отанинг соқолига қарама, айтган мақолига қара» ва бошқалар.

Мақоллар, энг аввало, юксак ахлоқийликни тарғиб этишга қаратилган. Бунга мисол тариқасида ҳалоллик ва текинхўралик, тўғрилиқ ва эғрилиқ, донолик ва нодонлик, мардлик ва номардлик, яхшилик ва ёмонлик, дўстлик ва душманлик, одоблиқлик ва одобсизлик, камтарлик ва манманлик каби бири иккинчисига зид ахлоқий сифатларни улуғлайдиган ёки қоралайдиган мақоллардан баъзи бирларини келтирамиз: «Диля покнинг иши пок», «Ишлаб топганинг оши лаззатли», «Ишламай еган оғримай улар», «Тўғри юрдим — етдим мурудга, эгри юрдим — қолдим уятга». «Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар». «Вафоли дўст йўлга солар, ивгогар дўст пайдан олар». «Ақлига айтсанг билади, аҳмоққа айтсанг қулади», «Камтарга камол, манманга завол».

Мақолларда болалар тақдирига оид муаммолар катта урин тутди. Бу, табиий ҳол, албатта.

Болаларсиз ҳаёт йўқ. Халқ бахт ва хурсандлик ҳақида сўрашдан олдин уйдаги ўғил ва қизларни санайди. «Болали уй бозор, боласиз уй мазор», — дейди халқимиз. Фарзанд оиланинг бойлиги, қувончи, ота-онанинг таянчи. Бу моҳият кўпгина мақолларда ўз аксини топган: «Бола — оиланинг гули, ҳам бўлави», «Тогнинг кўрки лола билан, уйнинг кўрки бола билан», «Боласи кўп уйда кунда тўй» ва ҳоказо. Шунинг билан бирга, халқ бир туркум мақолларда боласизлик катта бахтсизлик эканини ўқтиради: «Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг қадрини йўқ», «Болаликнинг бели тинар, боласизнинг бели синар». Бу билан болаларимиз бола бўлса тез фурсатда ўсиб-улғаяди, қўлти-

рингга тиргак бўлади, юмушларингга қарашади, белинг тинади, боланг бўлмаса, ула-улғунча ишини ҳаммасини ўзинг қиласан, белинг синади» демоқчи бўлади.

Халқ тарбияни қачон бошлаш кераклиги ҳақида ҳам аниқ фикр билдиради: «Бола тарбияси бешикдан», «Болани бошдан, қизни ёшдан ўргат», «Болани бошдан асра, ниҳолни ёшдан», «Қотган новда эғилмагандек, қотган гавада ҳам эғилмайди».

Мана шу каби ва бошқа мақолларда болани ёшлиқдан оқ тарбия қила бошлаш зарурлиги, акс ҳолда, тарбия таъсир қилмай қолиши кўрсатилган. «Бола туққанники эмас, тарбиялаганники» мақоли билан халқимиз фарзанд кўриш бахт, бироқ янада муҳими уни тарбиялашдир, демоқчи. Фақат шундай қилингандагина ота-она ўз улуг номларини оқлаган ва муқаддас бурчини бажарган бўлади.

Тарбияда ота-оналарнинг юксак масъуляти ҳам мақолларда ўз ифодасини топган. «Қуш уясида кўрганини қилади» дегандек, фарзандлар ота-она бағрида ўсиб-улғаярканлар, уларнинг юриш-туруши, хатти-ҳаракати, касб-коридан ибрат олиб, тажриба ва ҳунар орттириб, қузи пишиб боради.

Мақолларда, айни пайтда, ота-оналар обрўси улуғланади. «Давлатинг — ота-онанг», «Олтин-кумушнинг эскиси, ота-онанинг баҳоси бўлмас», «Дунёда ҳар нарса топилар, ота-она топилмас», «Она — меҳрибон, ота — рамгузор», «Ота — ақл, она — идрок».

Мақолларда кексалар, қариялар энг яхши тарбиячи сифатида улуғланади. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қарилук уй мактаб», «Ақлли қария — оқиб турган дарё», «Отанг ўргатса, доно бўласан». Ёш авлод билан катта авлод ўртасидаги муносабатлар ҳам халқ мақолларида мавжуд: «Катталар айтсин, кичиклар эшитсин», «Каттага салом бер, кичикка калом», «Каттага ҳурмат, кичикка шафқат», «Кичикни мақта, каттани сақла» ва ҳоказо.

Мақолларнинг яна бир етакчи гоёси меҳнатсеварликни тарбиялашдир. Бу гоё ўзбек халқ мақолларида ўзининг атрофлича аксини топган. Бу эса халқнинг тарихий ва педагогик тажрибасидан, шахннинг ахлоқий, ақлий ва жисмоний ривожланишининг асосий манбаи меҳнат эканлигидан гувоҳлик беради: «Емиш гўзалигининг бири — меҳнат». «Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», «Ер бойлигининг онаси бўлса, отаси — меҳнат». Бу гоёларни авлоддан-авлодга етказиш билан халқ меҳнатнинг улакан имкониятларига алоҳида ургу беради.

Мақолларда меҳнат ахлоқий омил сифатида қаралиб, унинг психологик аҳамияти алоҳида татқиқланади. Яъни меҳнат наинки ер юзюдаги ҳаётнинг манбаи балки инсон руҳиятининг ҳам қаноти экани курсатилади: «Меҳнат — роҳатнинг пойдевори», «Роҳатнинг онаси — меҳнат», «Одамни иш танитади», «Юк кутарган юзга чиқар», «Ота уруги бирлаштирмас, меҳнат йуриги бирлаштиради», «Ҳалол меҳнат — ҳузур-ҳаловат», «Ҳалол меҳнат — мўл даромад», «Ҳалол меҳнат яхши одат, берур сенга саодат», «Ҳалол ишла — ҳалол тишла», «Заҳмат чекмай роҳат топилмас», «Хурматинг — савлатинг, меҳнатинг — давлатинг», «Сени иш енгмасин, сен ишни енг», «Тер тўкиб топган мол, ҳуснга хол», «Элнинг кўрки эр билан, эринг кўрки тер билан», «Бугунги қора тер, эртанги оқ дур», «Тер тўкканга қоп-қоп дон, тўкмаганга қайда дон?», «Тиришган тоғдан ошар, тер тўккан бахтли яшар» сингари мақоллар ҳеч қандай шарҳларсиз кўпчиликка тушунарлидир.

Халқ қадимдан бекорчилик, ишқмаслик ва дангасаликни ўз турмуш тарзига бутунлай ёт нарса сифатида қоралаган: «Бекорчилик — бемазачилик», «Бекорчининг бети йўқ, қозон осар эти йўқ», «Бекорчидан эл безор, сўзидан кўнгил озар», «Роҳат топмас иш ёқмас, ишқмасга сўз ёқмас».

Айниқса, меҳнатсеварлик, ҳар қандай ишни бажаришга тайёр туриш халқ орасида энг муҳим сифатлардан бири ҳисобланган ва бундай сифатларни болаларда тарбиялаш талаб қилинган: «Ешиқда меҳнатга ўрганган, қариганда роҳатга йулиқади», «Ешиқдаги меҳнат, қариликда давлат келтиради», «Ешиқда ишла қатор, қариганда асқотар», «Меҳнат билан қарисан, роҳат билан яшарсан», «Марднинг марди — майдонда синалар, йигитнинг йигити — меҳнатда».

Мақоллар халқ педагогик донолигининг асосий ўзагини ташкил қилади. Аса мақоллар халқнинг ўзига хос ахлоқий-педагогик қоидалари десак муболага бўлмайди. Уларни халқ барча майда тафсилотларига пухта уйлаб яратган: «Эрка тутса онаси, талаятаи боласи, тўғри тутса онаси, юртга эга боласи», «Улгини севсанг, қуддек ишла», «Ёмонни қилгил яхши, яхши шундоқ ҳам яхши», «Ётган илоннинг бошини кўзатма», «Жаҳл — душман, ақл — дўст», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Ёмон билан юрсанг — ёмон бўласан, яхши билан юрсанг — омон бўласан», «Доно билан юрсанг — доно бўласан, аҳмоқ билан юрсанг — расво бўласан», «Дононинг ўзини олмасан ҳам, сўзини ол», «Беш панжангни оғзингга тикма», «Олдин ўзингни тутат, кейин бировни кўзат», «Уямай десанг — ёлгон гапирма», «Ешаингга одатлансанг — қариганда кўникасан: қариганда одатлансанг — кўникунча кўмиласан», «Ошқора дўқдан кўркма, яширин тўхматдан кўрк», «Сиҳат тиласанг — кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема», ўзбек халқ мақоллари меросида бундай асл педагогик насиҳатлар жуда кўп. Мақолларда одамлар ва уларнинг шахсий хусусиятларини баҳолаш ҳам муҳим педагогик маъно касб этади: «Ботирдан ўлим ҳам кўрқади», «Бозор билган оч қолмас, йўл билган кеч қолмас», «Доно қариса ҳам, донолиги қаримас», «Доно — минг яшар, нодон — бир яшар», «Донода меҳр бўлади, нодонда захр», «Бахилдан тош сўрагунча, гадойдан ош сўра». Бахилдан тош, яъни ўзига кераксиз, арзмаган бир нарса ни сўрасанг ҳам бермайди. Ундан кўра гадойдан, яъни ҳеч нарса си йўқ, фақир одамдан ош сўраганинг яхшироқ, дейилмоқчи. «Шухратпараст — ҳамиша пасткаш», «Номардага асло сўнма бўйингни, пуч ёнгоққа тўлдирди кўйингни», «Жоҳил улфат — бошинга кулфат», «Ёлгончининг рости ҳам ёлгон», «Ёлгончининг уйи куйса ҳам ҳеч ким ишонмайди». Бу мақол билан боболаримиз демоқчики, ҳамма вақт ёлгон гапириб, ёлгончилик билан ном чиқарган одам, рост гапирган тақдирда ҳам унинг сўзига ишонмайдилар. Кези келганда, у бундан қаттиқ панд ейди, ҳатто хонавайрон бўлади, ҳалокатга йулиқади. «Порахўрнинг тавбасидан кўрк, мугомбирнинг йигисидан», «Нокаснинг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас», «Виждонсиз кишидан ўп-калама», «Чақимчи — чипор илон, захри илондан ёмон», Бунда халқ чақимчиликни ва чақим-

чиларни қоралайди, уларнинг устидан захарҳандалик билан кулади. Юқорида келтирилган мақолларнинг қизиқарли томони шундаки, уларда шахннинг хислатлари, хулқ-атвори ҳатти-ҳаракати асосида баҳоланади ва тарбияга боғлаб хулоса қилинади. Нотўғри шакланган нодон одамларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш ниҳоятда мушкул иш: «Аҳмоққа айтган билан гап ўқмас, харсанга қоққан билан миҳ ўтмас», «Урганган кўнгига ўрганганга қўймас», «Урганган қилиқ ўлганга қолади».

\* Халқ мақолларининг тарбиявий моҳити замонавий маънавиятни тарбиялашда бебаҳо аҳамиятлидир. Биз ушбу кичкинагина тадқиқот билан ўзбек халқ педагогикасининг асрлар мобайлида яратилган нодир манбаиридан ҳисобланган халқ мақолларини Ўзбекистон миллий истиқлолини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялашда амалий фойдаланиш ҳозирги педагогика фани зиммасида турган долзарб вазифаларидан бири эканлигига жамоатчилик эътиборини қаратмоқчимиз, чунки миллий асосга қурилган замонавий педагогика фанигина келавақда ҳақиқий ватанпарвар, инсонпарвар, ҳар томонлама камол топган авлодларнинг таркиби топишига хизмат қила олади.



80-ЙИЛЛАРГА келиб ўзбек тасвирий санъатида авваллари ҳам бўлган, ammo маълум ижодий таъми сифатида ҳаракат йўналишини чуқур ва кенг намоён эта олмаган бадий-эстетик жараён жиддий тус ола бошлади. Аллақачон умумжаҳон санъати бадий изланишлари гирдобига тушган саҳоятга ўз миллий анъаналарнинг эстетик моҳиятини янгилаш адрок этиш йўлига ўтган эди. Рўзи Чориев ижодига хос тошқин ранглар шиддати, Гарик Зильберман полотноларига жон киритган этнографик ҳақчилик, Владимир Бурмакин бадийдаги композицион яхлитлик, Жавлон Умарбеков номи билан боғлиқ, авангард санъатининг изланиш усуллари, Баҳодир Жалолов мўйқаламини тебратган тасвирий тиниқлик, Мақсуд Тухтаевнинг реал ва нореал тасавурлар муштараклиги, Алишер Мирзаевнинг миллий ва ҳақчилик декоративизми ва ҳоказо изланиш ҳамда топидиқлар санъатимизнинг услуб жиҳатидан кенгайиб бораётганидан дарак берарди.

Одатда, санъат саройи эшигиндан ичкарига қадам ташлаган ҳар бир ижодкор бу ердан кўнглига яқин маскан ва ўзига яраша ўрин эгаллашга интилади. Тақдир кимгадир ўз маскани ва ўринини топишни, кимгадир бировларнинг соясида юришни, кимгадир бошқаларнинг ўринини эгаллашни ато этади. Қайси ижодкор бу саройига мустақил қадам ташлаб ўз руҳияти, саҳоятини ва умидини баралла айта оладиган маскан топа ола, бу маскан бора-бора ҳақ, миллат ва даврнинг гузаллик мулкига, ҳазинасига айланади қолади. Адашган кимсалар тақдирини, ижодини, умидини эса саробдек изсиз йўқолади.

Акмал Нуриддинов (Акмал Нур) худди ана шу санъатимиз чавабдорлари пойғаси авж олган, бир замонда санъат саройини дарвозасидан ичкарига ишонч билан кириб келди. У 1984 йили М. Уйғур номидаги санъат институтини тамомлади.

— Домламиз Раҳим Аҳмедовнинг бир фазилагини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди Акмал, — Узлари анъанавий реалист расм бўсаалар ҳам устаҳонада эркин ижод нафаси ҳукмрон эди. Талабаларнинг барча қизиқиш ва интишларига кенг йўл қўйиб берардилар. Ижодий торлиқ, биқиқликда ўралашиб қолишимизни ёқтирмас эдилар. Владимир Бурмакин эса ҳар биримиздан янгилик ва шаклий изланишларни талаб қиларди. Дунёга кўзимизни каттароқ очиб қарашни, санъат оламиди намалар бўлаётганини чуқур ҳис қилишимизни истарди.

Акмални, бир томондан, замонавий санъатимиздаги янги нафас, янги нуқтаи назарлар ўзига торгас, иккинчи томондан, у хоржий мамлакатлардаги санъат тараққиётига бефарқ бўлмади. Ҳар бир чинакам ижодкорга хос бўлган ўз йў-



Акмал Нур. Йўлда.

Тилаб МАҲМУДОВ

## ХАЁЛОМ БАҲРИДАТИ

лини қидириш ва топиш нияти билан яшай бошлади. Тасвирий санъатда йўлларнинг қўлиғи аниқ, улардан юриш осон бўлса ҳам, ҳар қалай, бу йўллар ўзингники эмас, кўнглинг чопган манзилга олиб бормаслиги мумкин. Ахир ўз она қишлоғингга ҳам шу масканга олиб борадиган йўлдан борасан-да! Бировнинг сўймоғи унинг ўз уйига қилиб боради. Бу уй сеники эмас, бу уй қошона бўлса ҳам ўз уйинг-улан тушагинг эмас!

Акмал учун яна бир буюк ҳазина бор эди. У ҳам бўлса Шарқ санъати анъаналари, Шарқ фалсафаси ва Шарқ бадий-эстетик тафаккур тарзи. Унинг кўз олдиди биринчи бўлиб буюк Камолиддин Бехзод гавдаланди, Болалиқтепа, Варахша, Панжакент, Қушон дари, Афросиёб топималари унинг бутун ақлу ҳушини чирмаб олди. У Овруро санъати эришган ҳаётини ва абстракт тасвирий тароналардан кўра, кўнглига мовий осмон каби чуқур ва беада шарқона лавҳалар яқин эканлигини ҳис қилди бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ учинчи курс талабасининг «Бобур Самарқанда» деган курс иши пайдо бўлди.

Акмал кўнглига яқин алақандай эстетик чаманзор ичига кириб қолгандай бўлди. Бу чаманзор ичра гуллар ранг-баранг, руҳлар кўп эди. У П. Қодировнинг «Бобур» рома-

нида ҳикоя қилинган Бобурнинг меъмор Фазиладдиндан бино қурилиши тарҳини қабул қилиб олаётган пайтнинг ўзининг дипломи иши учун мавзу этиб таналади.

Қадимги меъморий обидалар деворларига ишланган, замондошимиз Чингиз Аҳмаров асарларига монанд маҳобатли руҳдаги расм пайлод бўлди. Диплом ишини муваффақиятли якунлаган Акмалнинг кўнгли таскин топмади. Унинг санъат ва ижодга муносабати, ўз тасвирий машқларида нимадир етишмаётганини ҳис қилар, ammo нима етишмаётгани ва қандай йўл тўлишини ҳам аниқ тасаввур қила олмас эди. Кўнгли юксак парвозни истар, тасвир қўниятлари эса уни мато қаршисига михлаб қўяди. 1985 йили Акмал армия сафига қақриди ва Москвада расмдон дўсти Абдуҳаким Турдиев билан бирга хизмат бурчини бажарди. Бир ярим йил давомида у Москва бадий ҳавосидан нафас олди, оламга ва санъатга бўлган муносабати янада теранлашди. Москвадаги турли-туман ижодий изланишлар, баҳс ва мунозаралар бекор кетмади, аксинча, унинг ўз юртига, халқига ва ўсиб-ўлагайган она қишлоғига тобора ҳавас уйғотди.

1987 йилги Тошкентда очилган «Ёшлар курсатида» кўргазмасида Акмал Нурнинг «Ёшлардаги дўстларим» ва «Қушон тизмалари»

асарлари намойиш этилди. Мана шу икки асар Акманнинг изланиш, иккиланиш ва узлигини қидириш даврига яққол мисол бўла олади. Рассом ҳали ўз йўлини аниқ топиб олмаган, унинг муйқаламида ўтмиш ва замонавий мусаввирлар таъсирининг изи сезиларди.

1987-88 йиллари «Сунгги қор», «Чашма», «Ниҳоллар», «Ҳаёт остонасида» сингари унинг ижодига хос бир поғонадан иккинчи поғонага, бир кайфиятдан бошқа кайфиятга, бир ҳил ижодий изланишдан ижодда турланиш даврига ўтиш ҳолатларини ифодаловчи асарлар майдонга келди. Аввало, бу асарларнинг барчасига муштарак бўлган хусусият — рассомнинг картина яратиш иқтидори кўзга ташланди. Одам билан ёхуд одамсиз манзаралар ҳам яхлит бир ҳаётий кўриниш тарзида ифода этилди. Шунингдек, бу полотноларда рассомнинг ўтмиш ва замонавий муйқалам устагарининг йўлини ўзича давом эттириш руҳи ҳам бор эди. Брейгелга хос мудроқ кайфият изҳори, Муҳаммад Нуриддинов картиналарида ифодаланган миаллий ҳолат ва жиҳатларнинг сода ва камтарона рамзи, Вячеслав Охуновга хос оғир ва йирик шакллар залвори Акмал асарларида сезилиб турарди.



Акмал Нур. ХИЗР БИЛАН УЧРАШУВ.

малари», «Эски шаҳар — бешигим маним» каби асарларида яққол намён бўлади.

Рассомнинг «Эски шаҳар — бешигим маним» картинасида Алишер Мирзаев ижодидан таъсириланганлик кўзга ташланади. Унда Эски Жўва бозорининг кўриниши ёшлик романтикаси ва ижодкор қалбининг гўзалликка ташналиги тарзида намён бўлади. Картинада гарчи биронта одам тасвири кўринмаса ҳам, унда инсон руҳияти, миаллий анъанавий эстетик тасаввур тафти сезилиб туради. Акмал ижодида бор нарсаларнинг тасаввурда йиғилган бадиий образларини ифодалаш хусусияти кучади.

Акмал ижод оламига тобора чуқур кириб борган сари бир нарсани аниқ ҳис қилди: тасвирий санъатнинг таниш сўқмоқларидан фақат тасаввур қанотида учиб ўтиб бўлмайди. Таниш сўқмоқлар устозлар устахонасига олиб боради, холос; тасаввур эса янги лавҳалар ва мушоҳадалар билан бойимаса, нурсизланиб қолади. Бинобарин, ҳаётга мушоафат этиш керак, уни севиш билан кифояланиб бўлмайди, уни ҳис қилмоқ, тушуноқ ва тушунтирмоқ лозим бўлади.

Акмал Наманган сари, ўзи тугилиб, вояга етган қишлоғи сари йўл олди. Узоқдан туриб она қишлоқни эслаганда пайдо бўладиган илқ хотиралар сингари, Акмал асарларида ҳам она қишлоқ тарихи билан боғлиқ манзаралар вужудга келди. У Наманганнинг гаройиб Гова қишлоғида ўз ёшлиги, ўспиринлик даври орзу ва идеалларига ҳамдоғдир лавҳалар изади, натижада «Хутик ва булутлар» деган картинаси майдонга келди.

Бу картинада ҳали ҳаётий таасуротлар изи кучли, рассом тўлиқ тасаввур дунёсига кириб кетмаган эди. У аста-секин шартли ифода воситалари томон силжиса-да, образлар моҳияти, бадиий ният асосида ҳаёт жони ва қони жуш уриб туради. Рамзийлик кўпроқ ният ва мақсадда кўринади.

— Гова қишлоғини айланиб юрсам, девор орқасига боғлаб қўйилган оппоқ хутикин учратиб қолдим, — дейди рассом. — Менга жуذا таъсир қилди. Умуман, жониворларни, ҳайвонларни яхши кўриман. Хутикин — айниқса. Шундай фараҳли кунда, осмонда пагапага оқ булутлар эркин сузиб юрганда оппоқ хутикнинг боғлаб қўйилгани менга галати туюлди. Жониворнинг итоткорлиги, «тақдирга тап бериши» мени тўқинлантириб юборди. Лой деворлар, янголч дарахтлар, мовий осмон, муароқ ховли-жойлар мени табиатимиз, ҳақимиз тарихи, удулари, умуман, Шарқ халқлари ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга ҳавас ўйота бошлади. Мен қишлоғим ҳақидаги тасаввурларга асосланиб, Шарқ халқлари тарихи ва тақдирига, инсон ҳаётига доир муаммолар томон зехнимни буриб юбордим.

Шарқ фалсафаси — инсон умри ва қисматино асосий мезон этиб олган фан. Унга етишмоқ учун, унинг барча чуқур ва кенг қатламларини ҳис қилиб, идрок этмоқ учун олам ва инсон ҳақидаги умумий тасаввурдан ташқари, яна аниқ воқеаларга суянадиган мушоҳадалар ҳам зарур эди. Бу мушоҳадалар Акмада Намангандаги Сафид Билол қишлоғига борганда

## ҲАЁТ

Акмал, гарчи миллий ҳаётий лавҳаларга қўл урган, анъанавий ўзбек турмуш тарзига хос белгиларнинг лиро-романтик томонларига эътибор қаратган бўлса-да, сюжет йўналишида, тасвир тарзида фалсафий мушоҳада биринчи ўринга кўчади. Жумладан, «Кўчатлар» картинасидаги ёш йигит образи ва нозик ниҳоллар, уфқ этагининг ёришиб туришида инсон ва дунё ҳақидаги мушоҳада мавжуд. «Ҳаёт остонасида» йигит ва ҳомиладор келинчақ қиёфаларида истиқболдаги бахтли турмуш орзулари биринчи ўринга қиқади. «Орзу» — нафақат ёш кизнинг келажак ҳақидаги ўйлари, шунингдек, ёш rassомнинг табиат бағридаги хаёллариининг ҳам инъикосидир.

Акмал реал бораикда алақандай сирли ва пинҳоний жиҳатлар мавжудлигини ҳис қила бошлайди. Одий қизнинг орзусида, «Чашма»нинг товганишидан, «Ёшлиқдаги Дўстларидан катта ҳаёт ичига кириб бораётган рассом миллий эстетик ва бадиий идеаллар тароватини сеза бошлайди.

Бу асарларда ҳаётдан олинган дастлабки таъсирот ва тасаввур ус-туналик қиларди. Бу асарлар Акмал-нин миллий ҳаёт лавҳалари сари етакловчи эстетик шаққалар, фалсафий мушоҳадалар бўлди. Бу мушоҳада ўзининг бор кучи ва йўналишини «Сунгги қор», «Купон тиз-

янада кучайди ва унинг маънавий оламига чуқур сингиб кетди.

Сафид Билолда расом фалсафий мушоҳадалар билан йўрилган қатор манзара — картиналар ишлади. «Қабр», «Қабр тошлари», «Абадият», «Аждодлар назари», «Пайшанба — арвоҳлар куни», «Жума — зиёрат куни», «Қурбонлик» сингари асарлар вужудга келди.

Рассом халқ хотираси ва ривоятлари билан қизиқади. Ҳар бир қабр тошларининг ўз ўрни ва маъноси бор эканлигини билиб олади. Масалан, қадим замонларда бевафот вафот этган ёшлар қабри устига юмалоқ тош қўйганлар, япалоқ тош эса кекса одам ҳақида маълумот берган. Рассом турли-туман тошлар орқали тошдай мустақкам абадият қонуни — тугилмоқ ва ўлмоқ қонуниятини ифода-лашга интилади. Бу тошлар тириклик дунёсининг одамларига беварқ ва аллақандай соvuқ назар билан қараб тургандай туюлади.


Ёш рассом инсон ҳаётининг энг мураккаб жумбоги ҳақида тасвирий сўзга яратилиши мақсад қилиб олган эди. Бир жиҳатдан, халқнинг тарихий хотираси унга илҳом бағишласа, иккинчи томондан, азалий ва абадий муаммони ҳис қилишнинг ўзи анча мушкул эди. Бунинг учун ижодкордан янада кўп изланиш ва мушоҳада юри-тиш талаб этиларди.

Рассом Сафид Билолини кезиб юрар экан, ер бағирлаб ётган ҳар бир хазон барглари узилган бир шпирин жондай, бақатеракларнинг кесилган шохлари ўрни эса одам кўзларига айланиб, теварак-атрофга нигоҳ ташлаётгандай, қисқаси, шу бутунги ҳар бир одам боласини авлодлар назари кузатиб тургандай бўларди.

Рассом ҳаёлида кеча бошлаган бу жараёни «тасаввур қайнаши» деса бўлади. Тасаввурга эрк бериш натижаси ўлароқ, ҳаёлий ва ҳаётий лаъзаларнинг бадий-эстетик бириккуви юзга келади.

— Фақат қабрларда ётган одамлар руҳи билан эмас, тирик одамлар билан ҳам кўп суҳбатлашдим, — дейди рассом. — Пайшанба куни — арвоҳлар куни бўлиб, арвоҳлар капалак бўлиб учиб келиб, биз, тирикларни кузатишар экан. Жума куни номоздан сўнг кишилар қабристонни зиёрат қилиб, яқин биродарлари қабри устида тиловат қилмишлари бежиз эмас, ўлганлар руҳи ўзи яқинларини кутиб ётар экан... Мана шунга ўхшаш тасаввур ва таълимотлар мени ўзга бир оламга етказди. Мен тарихимиз, динимиз ва дилимиз овозига кўлқуттишни ёқтириб қолдим.

Сафид Билол қишлоғидан сўнг рассомнинг олам фаҳмини янги мавзу ва янги тасаввурларга эгалай бошлади. Акмал ўз руҳиятида қўзғалган бадий-эстетик ва диний-фалсафий туйғулар йўналишини тушунишга интиди. Бу туйғулар уни миллат тарихи ва тақдири, тур-



Акмал Нур. ТУТАШМОҚ.

муш тарзи ва руҳият олами билан боғлиқ фалсафий мушоҳадалар томон олиб кетди.

Сафид Билолдан қайтгач, Акмал «Тиловат» деган картина яратди. Бу картина энди рассомнинг шу давргача яратган асарларидан ҳам мавзу, ҳам мазмун, ҳам тасвирий услуби жиҳатидан фарқ қиларди. Унда номоз ўқиётган кекса кишининг аниқ, жонли қиёфаси эмас, тиловат палласидаги руҳият асосий мақсад қилиб олинган эди. Шарҳли рассом мўйқаламини ҳаракатлантирувчи омига айланганини кўришиб турарди. Бу ерда нотабиний ҳолда бўйни кўкка чўзилиб, узини бутунлай Аллоҳ-таоло билан кечаётган руҳий мулоқотга бағишлаган кекса одам қиёфаси акс этган. Тун қоронғилигида коинотга ёғду сочаётган ой мусулмонлик рамзи, осмон қаърида йилтираётган нур эса учиб юрган инсон руҳи сифатида талкин этилади. Худди шу аснодаги ижодий тулғанишлар рассомнинг руҳият майдонига бутун мавжудот соқиналик дунёсига бош қўйган, сирай сукунат ҳўкм сурган олам ҳақидаги фалсафий мушоҳадани тугдирган эди.

Акмал Нурнинг диний-фалсафий мушоҳадалар билан сугорилган «Туташмоқ», «Маккатилога йул», «Хизр билан учрашув» сингари картиналари пайдо бўлади. Бу картиналар, қайсибир жиҳатлари билан мультфильмларга ишланган ил-

люстрациялар бўлиб ҳам туюлади, лекин уларда ёш рассомнинг абадият қонуниятлари ҳақидаги ўйлари тобора чуқурлашиб бораётгани, инсон ўтмиши ва келажаги ўртасидаги маънавий кўприкни бадий-эстетик жиҳатдан ядрок эттишга интилиши сезилади.

Одамод ёшлиқда эмас, аксинча, умр ўтган сари тобора узини ўтмиш авлодлар билан, қандак қони томган замин ва унинг қалбини тўлдирган ўлка ҳавоси, нафаси билан қанчалик маҳкам боғланганини ҳис қила бошлайди. Кексалик инсон умрининг сўнги дақиқаларини ифодалайдиган палла, ҳар бир одам маълум ёшга етиб олгач, у дунё ҳақида, охират, дўзах ва жаннат ташвишлари билан банд бўлади. Ана шу руҳият парвозига етиб борган сари инсонда аллақандай сирли ва илоҳий кайфиятлар юз беради. Ойга қўлини яқинлаштириб, бўй чўзган кекса одам гўё у дунё билан тўқнаш келиб, туташиб кетаётгандай тасвир этилади. Сирли абадиятга йўл олган ошпоқ яқтакли чолнинг бутунлай ўзалигини йўқотиш ва бошқа дунё одамига айланиш ҳолати акс этади.

Картинада символ-тояни, мақсад шартли тасвирий ифодани белгилайди. Бу ерда афсона тасаввурни эмас, тасаввур афсонавийлигини билдиради.

Рассомнинг «Маккатилога йул» ва «Хизр билан учрашув» карти-

налари ҳам юқоридаги покланиш гоёрашининг турлича тасвирий ифода-ларидир. Бу иккала картина асоси-да халқ тасаввурига ўрнашиб қолган воқеалар тасвирланади. Маккага боришдан мақсад — покланиш ва руҳий-маънавий са-ломатлиқни қўлга кириштириш экан, расом ана шу гоёрашининг рамзий тим-соллар орқали ифодашга бел бола-ган. Хизр билан учрашув ҳам ҳар бир одамнинг покланиши йи-луда учрайдиган гаройиб воқеа эканлигини расом таъкидлашга интилади.

Ёш мусавирнинг «Мажнун» ва «Дарвиш» картиналари ҳам унинг ижодига хос бўлган асосий бадий-эстетик мезон ва хусусиятларни яққол кўрсатади: мавзуда диний-фалсафий тугунни аниқлаш, Шарқ халқлари, хусусан, мусулмон динининг маънавий муҳига хос ай-рин лавҳаларни тасвирий тилга кў-чириш, бу жараёнда ўзининг шартли, рамзий ва ассоциатив та-факкур хусусиятига содиқ қолиш; ҳаёлотнинг тафаккурга, тафаккур-нинг тасаввурга айланиш лаҳзалари-ни бадийлаштириш; мураккаб ҳаёт-ий муаммоларни инсон бола-ниги ва тасаввурда ўрнашиб қол-ган тимсоллар тизими орқали и-дрок этиш; табиат ва инсон умри-нинг ибтидоси ва интиҳоси бўй-ича шарқона тасвирий латифа тў-қиш ва ҳоказо.

Акмак Нур қатор картиналари-да тасвирий эртак ва латифа дара-жаси билан чегараланиб қолганда унинг асарларидаги бадий — э-моционал куч соҳибдор қолади, у шарқона тафаккур чирогои билан ўз ижодий жараёни йилани ёри-тадигани «Анор», «Тиловат», «Си-ла», «Фаришта» сингари оригинал асарлар майдонга келади.

Акмак Нурнинг диний-фалсафий мавзудаги асарлари хусусида яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, у мусавирларимиз орасида биринчи-лардан бўлиб бу мавзуга қўл урди ва диний-фалсафий тасаввурлар ин-соннинг покланиш ва маънавий юк-салишида катта омил эканлигини кўрсатишга муваффақ бўлмоқда.

Оврупо расомлари бир неча ас-рлардан бунён инсон маънавияти ва покланиш жараёнларини диний мавзулар орқали қўлаб тараннум этиб келадилар. Шарқ халқлари эса бу мавзу бўйича асар яратиш ин-кониятидан бебаҳра эди. Акмак Нур бошланган бу хайрли иш келажакда инсониятнинг маънавий қадриятла-рини чуқур идрок этишда ўз ҳа-мияти ва қимматига эга бўлади.

Ёш расомни одамзод ҳаёти ва у-лими билан боғлиқ мураккаб ке-чинмалар тобора чирмаб олмақда. Унда бурчанинг ҳаёли ва тафакку-рини ўқитин-ўқитин эгаллайдиган жаннат ва дўзах, фаришта ва шай-тон ҳақидаги тушунчаларга ўз му-носабатини билдириш иштиёқи ту-гилди. Натигада, Акмакнинг ни-ҳоятда нозик, романтик кайфият билан сурориладан «Фаришта» кар-тинаси яратилди.

... Қанотли гузал малак сиймо-сидаги фаришта гуё одамларнинг гуноҳу савобларини ўлчовчи таро-зи билан осмону фалақда учиб ў-тмоқда. Биринчи планда аллақандай махлуқ тимсолидаги шайтон. Узоқ-узоқлардаги қабристонда нарвон тикка қилиб қўйилган. Ҳанг одам руҳи осмон сари унинг зиналари-дан кўтарилиб кетар экан...

Расом картинанинг бадий ечи-мида сюрреалистик тафаккур тар-зига, символик ва шартлилик қо-нуниятларига асосланиб, колорит бирлигида эса декоративлик, очик ранглар бирлигини сақлаб қолади.

Диний мавзуларга бўлган қизи-қиш расомни Туркистон тарихи ва ундаги турли диний таълимот-лар билан таништига олиб келди. Унинг исломгача бўлган давргаги турли нарзаларга, тош ва сув, олов ва дарахталарга ситиниш билан бо-ғлиқ даврлар фалсафасини ифода-лашга қаратилган «Маббуда» кар-тинаси пайдо бўлади. Лекин узоқ ўтмиш ва ўзининг мураккаб ди-ний-фалсафий негизига эга бўлган у даврларнинг тимсоллар олами расомни узоқ тутиб турмади. Ак-мак ўзи кўпроқ ҳис қила олади-ган, шунингдек, ҳозирги замон одамлари руҳиятига муштарак лав-ҳалар, тасаввурлар тасвирга ди-ққатини кучайтиради.

90-йилларнинг бошларида рас-омнинг «Оила», «Анор», «Оқ-шом» сингари картиналари пайдо бўлди. Тугри, бу картиналарни яри-тишда расом Усто Мумин (Нико-лаев) асарларидан таъсирланиб, унинг Шарқ мавзусини лиро — ро-мантик кайфиятга ифодалаш ус-лубини ўзича идрок этгани сезила-ди. Шу билан бирга, Акмак Нур-нинг ўзига хос бўлган ижодий жи-ҳатлари ҳам яққол намоён бўлди. Бу ўзига ҳосликнинг икки томони бор эди. Биринчидан, Акмак ўзбек халқи турмуш тарзи ва урф-ода-тларини билган, ҳис қилган ҳолда, иккинчидан, миллий санъатимиз ва маданиятимиз тарихини идрок эт-ган мусавир сифатида иш тутайди. У ўз асарларига мавзу ташлашда Оврупо расомлари сингари Шарқ ҳақидаги умумий романтик тасаввурларга асосланса-да, улар-дан фарқли ўлароқ, бировлар ёки бошқа миллат вакиллари чуқур ҳис қилиши қийин бўлган жиҳатлар-ни теъза итаб олиш хусусияти би-лан ҳам ажралиб туради.

«Оила» картинасидаги эру хо-тиннинг ўтириши ва ташқи қиё-фаларида, бундай қараганда, та-биийлик етишмайди. Ҳаётини лав-ҳалар одатада бошқача кечади. Ле-кин расом услуби нуқтан назари-дан асарга қаралса, бу ерда мақ-сад оила аъзоларининг ҳар бирига хос бўлган инсоний ва руҳий кайфиятлар асосий роль ўйнаши сезилмади. Картинада ҳуроз қучоқ-лаб олган, дўшиси пешонасига қийшайган, гардани чузиқ, терда-ий ўтирган чанани йигит. Унинг ёнида қизли куйлакли, анор уш-лаб ўтирган аёл.

— Аёл эғнидаги қизли куйлак ва қўлидаги анор тимсолида, — дейди расом, — мен оилани бир-лаштирувчи илиқ туйгуларни ифо-далашни истайдим.

Акмакнинг рамзий тимсоллар орқали фикрлаш салоҳиятига унинг «Анор» деб аталган кар-тинаси яққол мисол бўлади. Бунда расом аввалги картиналарида эришган пластик маданиятни да-вом эттирган ҳолда мавзу магзига яширинган миллий тароналарни ҳам кўрсата олган. Муҳаббатда ўз-бекона самимият, меҳр, ҳаё ва садоқат каби тушунчалар бунда ўзи-нинг тасвирий ечимини топади.

Картина ҳозирги ёшларимиз-нинг бир-бирига муҳаббат изҳор этиш кайфиятининг бевосита ифо-даси эмас. Ҳаёт ўзгариб кетди, ёш-лар қиёфаси ўзгача, муҳаббат из-ҳор этиш йўллари ҳам бўлақча. Ле-кин ёшлар ўртасида пайдо бўлади-ган Муҳаббат, Ҳаё, Лағотат аба-дийдир. Расом ана шу абадийлик-ни халқимиз миллий хусусиятлари-ни ифодаловчи, гарчи архаик бў-са ҳам ўз бадий-эстетик ва ахлоқ-ий қийматини йўқотмаган қадрият сифатида кўрсатишга интилади. Бу йигит-қиз куруниши худди ўзбек-она муҳаббат изҳорининг тимсоли тарзида тасаввур уйғотади.

Ана шу тариқа Акмак ижодига хос бўлган, Шарқ ёки Ўзбекистон-нинг бевосита тасвири эмас, Шарқ ҳақидаги тасаввурини бадий-эстетик ифодалаш тамойили шак-лана бошлайди.

Шарқни ўз сир-асрорларига эга бўлган гаройиботлар ўлкаси сифа-тида тасаввур этиш тобора Акмак Нур бадий тафаккурининг асосий йўналишига айланади. Бундай та-саввурда образлар нотабийи ҳо-латларнинг эстетик жиҳатдан асослан-ган бадий мантиги сифатида ку-ринади.

Расомнинг «Оқшом» ва «Учра-шув» сингари картиналари ҳаёб би-лан ҳаёт, эртак билан борлиқнинг бир-бирига улайдиган нуқталарини топишга қаратилган. Бу асарлар умуман Шарқ ҳақидаги романтик тасаввурларни кенгайтиради, бой-тади ва унга нисбатан қизиқини кучайтиради. Шу жиҳатдан Акмак Нурнинг асарлари чет элик сайёҳ-лар диққатини ўзига тортмоқда. Унинг асарлари сайёҳлар тасаввур-ларидаги Шарқ образини ўзгача бир кайфият ва бадий руҳда жон-лангиргандай, уларнинг ҳаёб ва та-саввурларини тўлдиргандай бў-лмоқда.

Акмак Нур тасаввур образлари-ни миллий замин ва халқ ривоят-лари, диний тушунчалар билан бо-лган чоғда унинг мўйқалам таро-ватини кўрсатувчи рамзий — ро-мантик лавҳалар пайдо бўлмоқда, қачонки у рамзийлик ва шартли-ликни асосий ифода мезонига айлантирганда «Ҳутиш» ва «Девор» сингари сюрреалистик руҳдаги по-лотнолар ҳам иншо этилмоқда.

(Давоми 33-бетда.)

Матәқуб ҚҰШЖОНОВ



ОЙБЕК. Ҳайкалгарош И. Клиницкий.

ДУНЁ халқлари орасида Алишер Навоий энг машҳур тарихий шахслардан бири. У дилларни мафтун этган шеърят султони. Инсонпарварлик гоҳларини талқин қилишда у ўз даврида тенги йўқ мутафаккир эди. Халқ маданий ҳаётини тиклаш йўлида ҳам ўз замондошларининг саркардаси ҳисобланарди.

Алишер Навоий ҳақида кўпгина тарихий асарлар яратилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бадиий асарлар бағишланган. Улуг шоир ҳақида халқ орасида тарқалган афсоналарнинг сон-санови йўқ! Бироқ бу улуг сиймо ҳақида ҳали йирикроқ реалистик полотно яратилмаган эди. Фақат бизнинг асримизнинг 40-йилларига келибгина бу ишга қўл урилди.

Алишер Навоийга тегишли ҳислатларнинг ўзи кўрсатиб турибдики, бу улуг сиймо ҳақида йирик реалистик полотно яратиш осон иш эмас эди. Уни қандай кўрсатиш керак? Даврнинг, шоир сиймосининг қайси томонларига кўпроқ эътибор бериш керак? Унинг ҳаётига тегишли қайси муҳитни биринчи планга олиш лозим? — булар у ҳақда асар яратмоқчи ҳар бир ижодкор олдига турган муҳим муаммолар эди. Бу масалаларга ёндашишда умумҳаётий мантқиқни, шоир бошқарган ишларнинг моҳиятини тўғри белгилэй олган ижодкоргина реалистик полотно яратиши мумкин эди. Энг муҳими, китобхонни мафтун қиладиган санъат асарини яратиш биринчи даражали иш ҳисобланар эди. Ойбек «Навоий» романини яратиш ниятида қўлига қалам олар экан, масъулиятни тўла равишда ҳис қилган ҳолда иш бошлади.

Романининг бошланишига назар ташланг: Алишер Навоий илм-фан ва маданий ҳаёт муҳитида. Бунга тегишли қатор манзаралар яратилади, бу ҳақдаги шоир орзу-интижишлари баён қилинади. Кейин манзараманзара, бомба-боб шоир ўша давр зиддиятлари сари кириб боради — ўша даврга хос узаро урушлар, сарой аҳли орасидаги қарама-қаршиликлар, халққа ўтказилаётган жабр-зулмлар. Ҳар бир манзара, ҳар бир боб бу улуг зотнинг китобхонга номаълум булган би-

## «НАВОИЙ» РОМАНИ ТАРИХИДАН

роқ томонини очиб беради. Фақат шу йўл билан даврнинг реалистик манзарасини яратиш мумкин эканини адиб яхши билар эди.

Ҳар бир шахсники сингари эътибор қозонган бадиий асарнинг ҳам ўзига хос таржимаи ҳоли бўлади. Шу нуқтага назардан қарайдиган бўлсак, «Навоий» романининг «таржимаи ҳоли», унинг бадиий асар сифатида ўзга-қесил тан олиншининг тарихи бор.

20-30-йиллардаги турли-туман баҳслардан кейин 40-йилларга келиб Алишер Навоий ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири, урта асрнинг етук гуманисти экани тан олинди ва собиқ Иттифоқ адабий жамоатчилиги унинг 500 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўра бошлади. Шу йўсинда Навоий образини яратиш ўзбек ёзувчилари олдига турган долзарб масалалардан бири бўлди. Драматурглар у ҳақда драма яратишни, кино мутахассислари фильм яратиш устида ўйлай бошладилар. Улуг шоир ҳақида роман ёзиш Ойбек зиммасига тушди. Бу ҳол табиий эди. Бу ишни Абдулла Қодирий ва Чўпонлардан сабоқ олган, насрда Садриддин Айний ва Абдулла Қаҳҳорлар билан баробар қадам ташлаётган, «Кутул қон» романини яратиб, китобхон муҳаббатини қозонган Ойбек қилиши мумкин эди. Уша вақтларда Ойбек тарихий ҳужжатларни урганишга қудрати етадиган, тарихий воқеа ва ҳодисаларга диалектик қараш тамойилларини ўзлаштириб олган адиб ва аломалардан бири эди. Демак, «Навоий» романининг яратилиши учун объектив ва субъектив асослар мавжуд эди.

«Навоий» иккинчи жаҳон уруши даврида яратилди. Бу пайтларда уруш ва тинчлик биринчи даражали масала эди. Алишер Навоий яшаган давр эса мамлакатда тахту тож ва еру бойлик талаш, узаро урушлар авжига чиққан бир давр ҳисобланарди. Алишер Навоий ҳаёти ва у яшаган давр фашизмга қарши олимб борилаётган уруш масаласига муносабат билдириш учун қўлай имконият берди. Бу ҳол адибнинг учун олий мақсадлардан бири бўлди.

Бошқа бир вазиятни ҳам Ойбек ҳис қилмасдан илжи йўқ эди. Роман ўқинишга одатлана бошлаган ўзбек китобхони жақонидан севиқли китоблар — «Уттан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз», «Сароб»лар социалистик мафкурага ёт асарлар сифатида тортиб олинган эди. Унинг эҳтиёжини мафкуравий жиҳатдан тўғри ҳисобланган айрим асарларгина қондира олмасди. Китобхон ман қилинган романлар даражасидаги асарларга муҳтож эди. Ҳақиқий истедод фақат нималар тўғрисида ёзишни эмас, балки китобхон талабига қандай асарлар мувофиқ эканини ҳам ҳис қиладди. Ойбек бу талабни ҳис қила билган адиб эди.

«Навоий» бадиий жиҳатдан ҳам ўзига хос роман сифатида майдонга келади. Унда «Уттан кунлар»дагидек воқеаларнинг кутилмаганда кескин бурилишлари йўқ. Еки ўша романга хос романтизмнинг куюқлаштирилган бўёқларини ҳам кўрмаймиз. «Қулар»дагидек тарихнинг асрга баробар ҳар хил босқичлари ҳам қа-

ламга олинмаган. Роман соқ реалистик услубда яратилди. Воқеалар оқими софиф бир маромда боради, драматизм ҳам ортиқча қабартирилавермайди. Поже ҳодисалар уринсиз эхтиросни уйғотадиган даражада бурттиримайди. Ойбек тарихийликка қатъий риоя қилади. Қаҳрамонларни ҳам, воқеаларни ҳам кўпроқ тарихнинг узидан олади. Шу маънода, тарих унинг учун фақат муҳит эмас, балки асосий материалнинг ўзи эди. Бош қаҳрамон образи тасвирида тарихда маълум воқеалар — Навоийнинг давлат арбоби сифатида халқ гамида амалга оширган ишлари, мамлакатни тинчлантириш, улқада осойишталик ўрнатиш, маданый тараққийни ривожлантириш йўлидаги сыйи-ҳаракатлари асос қилиб олади.

Ойбек шoirнинг инсонпарварлик гоёларини улуғлади. Бу ишда ҳам адиб тарихий ҳақиқатни асос қилиб олади. Алишер Навоий инсонпарварлигини умумшарқ инсонпарварлигидан келтириб чиқаради, унинг уша даврга соқ чекланишларини, ҳаёт билан бу гуманистик қарашлар орасидаги зиддиятларни тўғри ва объектив курсата олади. Шу асосда у XV аср ўзбек ҳаётига соқ чиркин ҳолатларни қоралади. Яхшилик билан ёмонлик орасидаги конфликт моҳиятини очиб берди, «шоҳ ва гадо» хусусидаги шoir дунёқарашига соқ чекланишларни ҳам объектив курсата олади. Шу хислатлари билан «Навоий» романи ўзбек адабиётида тарихий-биографик жанрни бошлаб берган новатор асар сифатида майдонга келди.

Табиий, «Навоий»ни китобхонлар қизгин кутиб олади. Тил ва ифода бироз уша тарихий даврга мослаштирилган бўлишига қарамасдан худди «Уттан кунлар» сингари бу роман ҳам қўлдан-қўлга ўтиб ўқилди. Уша кезлари дорилфунун талабаси бўлганимдан ҳар бир зиёли қўлида «Навоий» романини курганими ва у ҳақда қизгин баҳслар бўлганини шахсан ўзим яхши эслайман. Бу ҳолнинг сабаблари ҳам бор эди. Юқорида қайд қилганимиздек, китобхон йирик ва салмоқдор полотноларга чанқоқ эди. Иккинчидан, икки омил — Алишер Навоий шухрати, Ойбек меҳнати бир нуқтада мужассам бўлган эди бу романда. Хуллас, Ойбек ўз романи билан мана шу реал эҳтиёжларни қондиради, китобхон талабларига жавоб берди. Бошқача қилиб айтганда, «Навоий» романи ҳаёт талаби билан ўз вақтида яратилган асар бўлди.

Ҳажм жиҳатдан «Навоий» романи И. Тургенев романларини эслатади. Куп вақт сарф қилмасдан бир-икки марта қўлга олганда ўқиб чиқилмадиган романлар типидан бўлди. Унда психологизм сунғий равишда бураб чийраллавермайди, балки воқеалар оқимидан, қаҳрамон билан муҳит зиддиятдан чиқарилади. Шу маънода «Навоий» характер билан муҳит орасидаги мутаносибликни сақлай олган романлардандир. Унда сюжет ҳаёт воқеликлари билан қаҳрамонларнинг диалектик бириктидан ҳосил бўлади.

Адабий танқидчилик уша кезлари «Навоий» романин мамнуғини билан кутиб олади. «... Ойбекнинг бу романи пайдо бўлиши ўзбек адабиётида катта воқеа-

дир». Асарнинг биринчи муҳокамасида айтилган К. Яшиннинг бу сўзлари адиб меҳнатига берилган умум-баҳо эди. У вақтларда бу баҳога қўшилмайдиган бир-рор кимсани топиш қийин эди.

Расмий доираларда ҳам роман объектив баҳоланди. Асар собиқ СССР Давлат мукофотида сазовор бўлди. Алишер Навоий ижодининг билимдони М. Шайхзода «Ойбекнинг ажойиб китоби» номида мақоласида муаллифининг бу мукофотга сазовор бўлиши муносабати билан уни қўлаб ёзган эди: «Ойбек «Навоий» романида замондошлари учун улуг Алишер Навоийнинг аниқ, йирик ва жонли образини яратиб беришни мақсад қилиб қўйди. Адиб бу ишнинг удадасидан чиқди».

Асар бир неча бор рус тилида нашр қилинган бўли, фақат ўзбек китобхонининг эмас, балки собиқ Иттифоқ бадиияти мулкига айланди. Роман етук тарихий асар сифатида рус мунаққидчилиги томонидан ҳам тан олинган эди. Ҳатто Шарқ адабиётининг катта мутахассиси, етук олим В. Э. Бертельс роман эндигина ёруг дунёни курган пайтларда «Роман Навоий даврини ажойиб акс эттирган ва Навоий образини ҳаққоний тасвиралаган» асар деб баҳолади. У романинг муваффақиятини унга киритилган барча воқеаларнинг «бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланшида» ва унинг «катта бадиий қиммати билан ажралиб» туришида курди.

Булар ҳаммаси табиий ва асил ҳақиқат эди. Бироқ, афсуски, 50-йилларнинг бошларида руй берган қатагонлик сиёсати натижасида «Навоий» романига муносабат кескин ўзгарди. «Қўшчинор», «Олтин водийдан шабадалар», «Ўқитувчи» романларини асоссиз танқид қилиб «донг» чиқарган, зиёлиларни нималаргадир тан олдириш, бўйин эгдириш, тавба қилдиришга одатланган аўрувон мунаққидлар учун ҳеч нарса писанд эмас эди — на тарихий ҳақиқат, на бадиий қиммат! Аксинча, танқид объекти қай даражада баобру бўлса, улар учун бу иш шу даражада «фахрли» ва «шарафли» ҳисобланар эди. Қисқаси, «сурхо-ур» навбати «Навоий» романига келиб қолган эди. Масала йирик, назарга олинган асар беҳад доврўқди. Йирик масалами «ками-кустини қолдирмасдан» ҳал қилиш учун йирикроқ йул ва тадбир ҳам зарур эди. Шу сабабдан бу гал масала собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг I Пленумида куриладиган бўлди.

Пленум 1952 йаниннг бошларида қақириди. Бу республика партия Марказий Комитетининг X Пленуми эди. Шу ном билан у «тарихга кирди». Пленумда Марказий Комитетнинг биринчи секретари А. Э. Ниёзов доклади қилиб умуммафкура ишлари хусусида батафсил гапириб, адабиёт ишларини ҳам «тахлил» қилган бўлди. Табиийки, бу таҳлил бошдан-охиригача уша даврларда ҳукм сурган шахсга сийғиниш ақидаларига бўйсундирилган эди.

Доқлада аввало назарий асос яратилади. Бу жиҳатдан доқлада топиб ишлатилган сўзлар, иборалар янглик эмас эди. Уларни биз уттинзинчи йилларнинг «сурхо-ур», «сурхо-сур» даврларидаги ҳужжатлардан ўқитганимиз, азобини тортганлардан эшитганимиз. Булар шунчаки танқид эмас, балки кескин айбномалар эди. Мана, айрим иборалар: «ўтминш воқеаларига мурожат қилиш», «Феодал ўтминши идеаллаштириш», «Қолоқлик, патриархаликни безақларга ўраб, ялтиратиб курсатиш», «миллатчилик куришилари», «халқларни бирлаштирадиган белгиларни кўрмаслик» ҳоказо ва ҳоказолар...

Бирор «кампания» муносабати билан ишлатиладиган, анчагина истеъодлар бошига оғир тўқмоқ бўлиб тушган, даҳшатли хатарлардан дарак берадиган иборалар эди булар.

Назарий «асосдан» кейин доқлада қатор шoir ва ёзувчиларга муносабат бидирилиб, Ойбекнинг «Навоий» романига ўтилади:

«Ёзувчи Ойбек ҳам ўз ижодида ва мақолаларида жиддий идеологик бузилишларга йул қўйди. Унинг «Навоий» романида феодал ўтминш идеаллаштириб курсатилиди. Кенг оммага тушунарли бўлмаган жуда куп, араб-форс сўзлари ишлатилади».

«Жиддий идеологик бузилиш...» Бу сўзларни бугун кўчириб ёзиш ва ўқиш осон. У вақтларда эса даҳшату



«НаВОИЙ» романи жаҳон тилларида.

офатнинг ўзи эди. Бу хидаги айбномалар ижодкорнинг қисматини ўз-ўзидан ҳал қилиб қўя қолар эди. Шахсга ситининг даврининг оддий ҳақиқати эди бу.

Қани энди гап шу билан тугаса! Бунинг давоми булар, давомининг ҳам давоми буларди. Партия матбуоти, ёхуд бирор партия анжуманида айтилган энг мухтасар айбнома ўша соҳанинг қатор арбоблари томонида матбуотда кетма-кет эъозланар, шарҳланар ва ҳар гал уларнинг маъноси «чуқурлаштирилади», янги-янги қирралар ихтиро қилиниб, мухтасар иборанинг зарби оширилалар эди. Бу ўша даврга хос удулардан бири эди. X пленумдан кейин «Навойий» романи хусусида қатор шарҳловчи, тўдирувчи «фикрлар» айтилади. Масалан, «Қизил Узбекистон» газетасида ҳали адабиёт-шуносликда бирор иш қилиб улгурмаган, ўша кезлари аспирантлик мутлоаси билан баъд булиб юрган, эндиликда марҳум Б. Файзиевнинг номидан «Навойий» романига қарши махсус мақола эълон қилинди, романга қатор айблар қўйилди. Мана, улардан айримлари: Ойбек «...Навойий образини идеаллаштириб ақс эттиргандир... Биз Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасида юз берган жиддий ҳаёт конфликтини кўрмаймиз».

Бу фикрга ўша вақтнинг ўзида ҳам ҳеч ким ишонмаган бўлиши керак. Умуман роман сюжетини ҳаракатта келтириб, бош образнинг асл хислатларини юзага чиқариб турган Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро оралиридаги зиддият умуман романда бор ва бу шубҳа уйғотмайдиган ҳақиқат эди. Аммо бу билан на мунаққиднинг, на газета муҳарририятининг иши бўлди.

Ёш мунаққид фикрини давом эттириб: «Ойбек «Навойийнинг халқпарварлик, ватанпарварлик фазилатларини ошириб юборган...» деб давосини яна ҳам ривожлантирди. Бу фикрда ҳам мангич йўқ эди. Борди-ю, Алишер Навоийнинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги романда тасвирланган даражада бўлмаса, у ҳақда асар ёзишнинг нима ҳожати бор. Шоир ижодида ватанпарварлик, халқпарварлик рўҳи устун бўлмаса, жилд-жилд қилиб унинг асарларини чоп этиш зарурмиди? Ахир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг асл моҳиятини ўша халқпарварлик, ватанпарварлик ташкил этадик-ку. Романда ҳам адиб шуларни асос қилиб олган эди-ку!»

Ёш мунаққид бу билан ҳам қаноатланмайдми. У энди Алишер Навоийнинг «йирик феодад эканлиги тула кўрсатиб берилмаган» деган давосини олга суради.

Бир зум тасаввур қилиб, Ойбек улут Алишернинг гуманистик ва ватанпарварлик хислатларини иккинчи ўринга тушириб, бунинг ўрнига уни «йирик феодад» сифатида тасвирлади, дейлик. Бу ҳолда Алишер Навоийнинг улут ижодкорлигиндан ниҳона ҳам қолмаган булар эди. Бундай ҳолда, такрор айтмамиз, Навоий ҳақида роман ёзишнинг ҳожати бўлмас, бугина эмас, уни ижодкор сифатида ўрганишнинг ҳам зарурати бўлмас эди.

Шахсга ситинишнинг авжига чиққан пайтларида аҳвол шундай эдики, бирор партия анжуманида ўртага ташланган айбномадан кейин албатта сиёсий хулосалар чиқарилади. «Қизил Узбекистон» газетаси ҳам X пленум материалларидан бир қадм «олга босиб», қуйидагича сиёсий яқун эди: «Бу ҳол (яъни «Навойий» образининг идеаллаштирилиши — М. Қ.) буржуа миллатчиликнинг бир вақтлар Ойбекка бўлган таъсири шу қулнаргача сақланиб қолганидан дарак беради».

Бу жиддий сиёсий айбнома эди. Бундан кейин Ойбек қисматининг нима билан яқунлигини англаб олиш қийин эмас эди. Адиб партиявий назардан четлаштирилди, айбдор сифатида адабий-илмий муҳитдан узоқлаштирилди. Натижада баъдий ижода тажриба орттириб, қаламини ўктираб олган ва ўзбек китобхонасига етук асарлар яратиб бериши мумкин бўлган адиб бир умрик дардага қалинди, тилдан қолди, ўз қўли билан асар ёзиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Бироз вақт ўтди. Партиянинг XX съезди булиб, унда шахсга ситиниш оқибатлари кескин фош қилинди. Илҳиққил йиллари бошланди. Ижодий ишларга қарашлар ҳам бироз ўзгарди. «Навойий» романига ҳам муносабатнинг ўзгаришини кутишга ҳақли эдик. Афсуски,

«Қизил Узбекистон» газетасида эълон қилинган Б. Файзиевнинг мақоласи 50-йилларнинг бошларида авжга чиққан адабиёт ва санъат ишларига андозавозлик, догматик қарашнинг охири нафаси бўлмади. Бу қарашлар «Навойий» романининг қатор фазилатларини тан олган ҳолда ўзбек адабиётшунослигида анча вақтларгача, ҳатто шахсга ситиниш оқибатлари фош қилингандан кейин ҳам ҳўкм суриб келди. Ёш мунаққид фикрлари билан ҳамоҳанг баҳолар кейин ҳам эълон қилинаверди. Ойбекка сафдош мунаққидлардан бири шундай ёзди: «Романинг яна бир муҳим камчилиги тарихий процесснинг социал-синфий қарама-қаршиликни кенг образлар галереяси орқали етарли гавдалантириб бермаслигидадир.» (Шарҳ юлдузи» журналда, 1955 йил, 5-сон, 106-бет).

Давр қарама-қаршиликлари романда ақс эттирилганидан ҳам ортиқча бўлса, бу хидаги асарнинг қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин. Бундай ҳолда адиб реал ҳаётга тўғри келмайдиган воқеаларни сунъий равишда тўғийверган ва тарихийлик ақдасини тамоман бузган булар эди. Қолаверса, уни Навоийга бағишланган асар сифатида қабул қилиш ҳам мушкул бўларди.

Адибга сафдош мунаққид фикрининг давомида қарийб ёш мунаққид билан баробарлашиб қолади. «Натижада... Ўзади у... асар қарама-қарши синфлар курашини эмас, балки давлат, маданият доираларидаги илгор ва реакциян интилишлар курашини кўпроқ бўрттирган».

Савол туғилади: мунаққидлар тасаввурларидаги синфий кураш Навоий даврида бормиди? Бор, деб ҳисобланганда ҳам у даврдаги синфий кураш беҳад ибтидий шаклда бўлган-ку! Булардан ташқари «давлат маданият доираларидаги илгор ва реакциян интилишлар кураши» нега роман учун материал бўлмаслиги керак?! Ойбекнинг қудрати ўша замонга мувофиқ ижтимоий зиддият меърибини сақлай билмишда эди.

Бу кўчирмани яна бошқа томондан ҳам шарҳлаш керакка ўхшайди. Гап шундаки, Алишер Навоийни «маданият доирасидан, реакциян интилишлар курашидан чиқариб юборишга Ойбекнинг ҳаққи бормиди? У даврда ижтимоий зиддиятлар кўпроқ шу доирада намоён бўлмасмиди? Зиддиятни бу доирадан чиқариб юбориш тарихини сохталаштиришга олиб келиши турган гап эди. Шундай ҳолда ҳам шоир Султонмурод, Арслонкул, Дилдорлар орқали ўзи фаолият кўрсатган доирадан чиқади. Оддий халқ ҳаётига яқинлаштирилади. Бу табиий эди. Мунаққидларни бу яқинлик қаноатлантirmайди.

«Қарама-қарши синфлар кураши!». Бу иборани уринли-уринсиз ишлатавериш қатъдан-қатъан ижодкорларга путур етказмади дейсиз шахсга ситинишнинг авжга чиққан давларида.

Бу ҳам етмагандек кўпни кўрган мунаққид ёш танқидчи кетидан бориб Навоий образини, «идеаллаштирилган» ҳисоблайди. Бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Ойбек Алишер Навоийнинг гуманистик, халқпарварлик, инсонпарварлик, тараққийпарварлик томонларини жамгарди, бир нуқтага йиғди, қатта қилиб кўрсатадиган кўзгудагидек (бу адабиёт ва санъатга хос хусусият) қабариб кўрсатиб берди. Бусиз Навоий образи яратилмас, яратилса ҳам китобхон онига таъсир ўтказадиган образ даражасига кўтарилмас эди.

Йирик мунаққиднинг бу фикрлари 1955 йилда эълон қилинди. Демак, ёш танқидчининг мақоласидан тула икки йил кейин, партиянинг XX съезида шахсга ситиниш оқибатлари тула равишда фош этилгандан кейин.

Адолат юзасидан шунга айтиш керакки, адибга сафдош мунаққид «Навойий» романига нисбатан ўз қарашларини қайта кўриб чиқади ва баъзи фикрларидан воз кечади. Афсуски, унинг китобида X пленум (1952) асоратлари ҳали ҳам сақланиб қолган эди. У ҳақдан Ойбекни синфий қарама-қаршиликларни яратишга камроқ ўрин берган ҳисоблайди. У ёзади: «...Эксплуататор синфлар томонидан эзилган, хонавайронларга, очяланғочликка дучор қилинган деҳқонлар, қосиб-хунармандларнинг машаққати, оғир аҳволини, синфий зиддиятнинг ёрқин лаҳзаларини батафсил чизиб бермади» (Ойбек», Ташкент, 1959 йил, 102-бет).

Курясизки, «суртқоқ» ҳамон ўз вазифасини адо этмоқда. Ҳамон уша ёндошиш, уша баёи!

Хайрият, 30-йилларнинг кулфатин кезлари қандай ўтиб кетган бўлса, 50-йилларнинг ағов-далғовлари ҳам анчагина из қолдириб ўтиб кетди. Ёш мунаққид учун «Навой» романига нисбатан тухматни узоқ кўтариб юриш мушкул бўлди. У Ойбек номига кечирим сўраб қатор хатлар ёзди. Мана, улардан бири:

«Мусо ака, мен Сизнинг «Навой» романингизга ўз мақоламда бир томонлама ёндошдим. Асарингизнинг умумий говий йўналишини ифодаламайдиган бир элементни топиб олиб, Сизга катта айблар тўнқадим. Навой образини помешчик сифатида ақс эттирмадигиз, деб айоханнос солдим. Роман архаик сўзлар билан тўлиб-тошганини қайд қилдим ва ҳоказо. Уму-маш, менинг уша 16.V.53 йил «Қизил Узбекистон» газетасида асарингиз ҳақидаги мақола билан чиққани Сизга жуда катта зарба бўлганини бутун вужудим билан ҳис қилдим. Мен подонлик қилдим. Уша му-ҳаббат мақолам билан ҳатто ўзимни-ўзим ҳам бепичоқ суйдим» (Ойбек уй-музейи фонди, КП 597, 2-3 бет).

Ҳаёт шуни кўрсатдики, ҳақиқий бадиий асарнинг йўлига тўғоноқ қўйиш мумкин эмас экан. Анжуманларда, матбуот саҳифаларида рўй берган бу ҳодисага Навой романининг йўлини тамом тўсиб қўя олмади. Асар дунё бўйлаб кенг тарқала борди.

Роман чех, словак, француз тиллариغا таржима қилиниб, Оврпугога кенг тарқалди. Кейин уйғур тилига

таржима қилиниб, шарқий Туркистон халқлари орасида машҳур асарлардан бири бўлади.

Шундай қилиб, «Навой» фақат ўзбек халқи маданият хазинасига қўшилган дурдона асар сифатида эмас, балки дунё бадиий хазинасининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб қолди.

Ойбекнинг хориждан олган хатларидан бирида шундай сатрлар бор: «Мана, куп йил бўлдики, ўқилган асарлардан (ваҳоланки, куп ўқиганман) Сизнинг «Навой» романингиздан олганчалик ҳақиқий ҳузур, катта қониқиш... бахтининг сезмаган эдим. «Навой»ни Навойга ўхшатиб ёзиш учун Навойдек бўлмай ёзиш мумкин эмас. «Навой» менинг ҳаёт китобимдаги бир саҳифа...» (Ойбек уй-музейи материалларидан).

Бутун бу асарнинг говий ва бадиий қиммати ҳақида ҳеч ким баҳс қилмайди. Эндиликда бу асарнинг ёзилиш тарихи, эстетик қиммати, ўзбек романчилигида унинг ўрни ҳақида тадқиқот ишлари олиб бориш мумкин. Қисман бу ишлар қилинган ҳам. Уларни давом эттириш ўзбек адабиётшунослиги олдидagi факрлий вазифадир. Жаҳон ва рус адабиётшунослиги тарихида китоб ҳақида китоб яратиш тажрибаси бор. Бу тажриба алақачонлар ўзини оқлади. «Навой» романи ҳақида ҳам шу йўналишдаги, ҳатто унинг баъзи томонларининг таҳлилга бағишланган тадқиқотлар яратиш вақти алақачонлар етиб келган. Бу билан биз улуг адиб меҳнати олдидagi, адабиёт ва бадиият олдидagi бурчимизни бажарган бўлар эдик.

#### (Боши 26-27-28-29-бетларда)

«Кутиш»да халқ ривоятларида зикр этилган воқеа тасвирланади. Болаларга тушунтирилгандай, гўё зурриётни аёлларга осмондан учиб келган лайлақлар ташлаб кетар эмис. Бу афсона рассом картинаси мавзу этиб тапланади ва асоциатив рамзийлик руҳида ҳал этилади.

Рассом ўз картиналари моҳиятини очишда фақат тасаввур лавҳаларига суяниб қолганда ёки ният мазмуни билан машғула бўлганда унинг картиналаридаги шартлилик ва жумбоқ орғиб кетади. У миллий замин ва халқ бадиий-эстетик, диний-фалсафий меросига ҳамон қайфият йўлидан борганда асарларида шарқона ва ўзбекона рух жонлиб кетади. Бу икки йўл орасидаги рассом гоҳ у сўқмоққа, гоҳ бу сўқмоққа қадам босади. Бу — хайри ижод чорраҳасида ўз йўлини қидираётган рассомнинг сидқидидан олиб бораётган интилиши ва интиқлигининг натижасидир.

«Алла» «Хўкис шоҳида», «Шпирин туш», «Иссиқ тандир», «Қўғирчоқ» сингари картиналар ҳам рассомнинг Шарқ афсоналари ва эртаклари, латифа ва дostonлари, хуллас, Шарқ халқлари поэтик маънавий меросининг тасвирий рамзлари. Унинг картиналарида яхшилик, эзгулик, муҳаббат, поклигин, улағиш ва юксалиш каби умуминсоний маънавий қадриятлар шарқона тафаккур тарзида асосий ўрин эгаллайди. Унинг мураккаб фалсафий мушоҳадаларида оммавий тасаввур лавҳалари,

содда ва оддий тасвирларида маънавий-эстетик анъаналар акс этади.

1990-1993-йилларда Акмал Нур изланишларини давом эттирди ва ўз ишларида образлар силсиласидан кўра кўпроқ маънолар қўламини, мақсад тафсилотида аҳамиятини кўчайтирди. «Тож-маҳал», «Йўқолаётган замин», «Мароқаш сўдаликари», «Ҳиндистон», «Кеча ва кундуз», «Гидирак устидаги шаҳар» каби картиналарда рассом нияти яланғочлиниб қолди. Бу картиналарда аввалги асарларга хос яхлитлик ва маънавий чуқурилик сўзлашди. Уларда бадиий образ йиғма рамзийликдан нарига ўтмади. Рамзийлик — мақсад, рамзийлик — восита, рамзийлик — мезон бўлиб қолди.

Лекин худди шу даврда яратилган «Қушон фили», «Риқшадаги севинганлар», «Муҳаббат боғи» сингари «Ҳиндистон туркуми»га кирган асарларда Акмал Нур ўзининг катта истеъдод имкониятини кўрсата олди. Бу картиналарда чуқур тарихий қадриятлар залвори билан баробар («Қушон фили»), тиниқ романтик кайфиятларни («Муҳаббат боғи», «Риқшадаги севинганлар») бера олиш соҳаюғияти намён бўлади.

Рассомнинг айрим картиналарида учрайдиган мангикан туланган сочлиқ образлар тарзи эмас, маънавий-эстетик яхлитлик кўчайди.

Истеъдодли ёш рассом Акмал Нур нафосат водийсида узоқ-узоқлардаги нури тоғ сари илгарилар бораётган файласуфона дарвишга

ўхшайди. Бу тоғ чўққисига бировларга эргалиб, бировларнинг соясида қиқиш ҳам мумкин, узлигини намён этиш учун ўзи тирмашиб-тирмашиб етиши ҳам мумкин. Гап ўзини бу нафосат ичра тасдиқлаш асосида дарвишдек ҳаётдан этакини қоқиб кетмаслик, узлигини топиш ва уни бетакор тасвирий қўшиқларда қолдиришдан иборатдир.



Акмал НУР. «МАЖНУН».



**Н. Латипов — Абдулатиф ролида (М. Шайхзода «Мирзо Улугбек»).**

Наримон радиода қўйган бир спектакlining номи «Чақмоқ» деб аталар эди. Бу йилнинг ўзи ҳам чақмоқ каби бир зум пайдо бўлиб, оламга куч-қудратини намойиш этди-ю, қоронғилик ва сукунат оламда тоғиб бўлди. У осмону фалакда ёниб ер юзисни ёритган уша куч каби эҳтиросини, ноёб истеъдодини бир дақиқагина оламга намойиш эта олган эди. Баъзилар у «Виждон амри билан» (1965 йил) фильминин суратга олини пайтида Сирдарёга чўкиб кетган» дейишадди. Бошқалар эса «чўкиб кетмаётган икки қизин кўтарган-у, ўзи ҳалок бўлган» деб фожияли ҳикояни эслашадди...

Наримон Латиповни экранда ёки сахнада бир кўрган киши дарров ёмда

## ЧАҚМОҚ

сақлаб қолади. Мана, ҳозир ҳам унинг портретини саҳифада кўриб эслаётганимиз... Ҳа, уша нигоҳи ўткир, бир оз маънос қайғидага юрувчи йилнинг қаҳрамони «Сен етим эмассан» фильмининг сунгги кадрларида фронтдан поғирон ҳолда қайтган. Яққа ўзи қайтмайди. Ота-олиснинг хонадонига яна бир уруш етими — немис боласини бошлаб келади. Эсладингизми уша эпизодни?

Бир оётидан ажралган, лекин чиңқакан, тобланган, она-юртинги соғиниб улоқ Омонидан йўл босиб келган Ботрининг маънавий дувёси биргина лавҳада, Н. Латиповнинг тасвирчан портретига, юрши-туришида, сўзида, меҳр ила хонадонига қарашда, ун икки нафар катта-кичик укаларини қўчоқлашида намойиш бўлади-қўяди. Яхлит эпизоднинг бош қаҳрамони ҳам Н. Латиповнинг Ботри билмади.

Бахта қарши Н. Латипов билан суҳбатдош бўлмаган эканман. Зеро, у ташилган 1962-1965 йиллари Тошкентда кам бўлганман. Лекин студия ёнидаги «Бўри жар» устига ташланган кўришк устида учрашиб қолиб «салом-алик» қилганимиз. Маънос бир қиёфада, кўзлари ўткир, шошиб қадам ташлайдиган, тиби-тичмайдиган йилги бўлиб кўришган эди у. Қайфиятин яхшилаш учунми, ташвишнин яшириш учунми, ҳақ қалай, қўлинича назаримда ширакайф ҳолда рубурў бўларди менга.

Шу боис, Наримоннинг оналари Зулкамол аянинг уйлариини тоғиб суҳбат қурдим, сингиллари Валидахон, Раъноҳон ҳам кўзларига ёш-олоб, акаларини эсладилар. Урашув қизиқари бўлди. Шундан кейин Наримон кинода ўйнаган ролларин қайта кўрдим. Худди шу кезлари Валидахон авайлаб сақлаб келётган Наримоннинг қувдалитини менга кўрсатганида, тўқнашаиб кетдим. Уни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кўчирмалар қилдим. Ҳаяжон қўчди мени. Ахир 30 йил муқаддам Сирдарёнинг эҳтирс биамой побуд бўлган жонал, эҳтирсли сузлари (ён дафтари ёзилган сузалари) ўйлари, шингил ҳикоялари эди улар! Уша ўйнаган сузлар қулогимда жаранглаб тургандек бўлди. Наримон айтган қайтуғи, аламал сузлар эди, улар.

Наримоннинг ёзуварини унинг ушлаган ва ушлаганин орузларини, ҳаётининг турли ҳалқаларини, юрак итарибларини таърифлайди. Улар муаллифнинг ўзини, характерини тушунишга ёрдам беради.

«13 июль, 1960 йил. «Хоразм эртаги». Марат келмади. Мирзо саҳнасиз бўлмади. Айб менда. Яхши қарамаганман». Бу сузлар Муқимий номидати театрининг бир спектакли 1960 йилнинг ёнида қандай ўтгани, актёр (Марат) келмагани сабабини у иштирок этини лозим бўлган саҳна уша кунин ўйналатганини эслатади. Театр учун фавқулодда воқеа — бу. Режиссёр Ёрдчилик — Наримон айбдор кишини таварак-атрофдан изамади. «Менинг айбим» деб ўзини койидаи.

Наримон битган жумлаларининг яна бир хусусиятин таъкидлашнинг истардим. Воқеалар тафсилотларини айтишини, дейишса, ўзининг ижоди билан боғлиқ бўлган рақам, йил, ой, кун, соатлар бекаму қуст келтирилаган: тўғки юрти қисқангани билан шахс ўзи ҳақида аниқ маълумот қолдиришга интилагандек. Лекин Наримон ўзининг ҳаётини театр фаолияти, саҳна заҳматкани таъсирини турмуш билан боғлиқ ҳолда тасаввур этганини қулданқандан дарҳол сезиш мумкин.

«13 июль, 1963 йил. Шанба. Маргилон. Эртаלב соат 10 да етиб келдик. Кеча М. Узоқов вафот этдилар. Бутути дилар маросимига қатнашдим. «Улутбек» спектакли бўлди».

«19 июль, 1963 йил. Жума, Бэла (Наримон севган қиз ҳозир Чилнозорда истиқомат қилади — Ҳ. А.) келди. Бирга киностудияга бордик. А. Файзиёвни кўрдик. Пул оламоқчи эдим. Бўлмади. Пулим йўқ. Қаҳҳордан 10 сўм олдим. Озодадан — 5 сўм. (Қаҳҳор ва Озода — Наримоннинг қариндошлари — Ҳ. А.) Билет олдим уша пулсиз қолдим. Йўлдан Дилбар ва Арсенникига кирдим. (Ғап Ҳамза номидаги театрининг артисти Дилбар Исмоилова ва Ҳўйр лониди қайта институтнинг ўқитувчисига Арсен Исмоилов ҳақида келтипти — Ҳ. А.) улардан 5 сўм олдим. Тошкент — Наманган поезидига утирганимда ёлпимда 3 сўм бор эди. Бўетги нима бўларкин?! Болка яхши қиз. Уша уйла-намани. Розига ухшайди... Спектаклар: «Гамлет», «Товуш...» (уша кунин Ҳамза номидаги театрининг «Тобутдан товуш») спектакли қўйилган бўлса керак — Ҳ. А.)

Қулданқанди бу сузлар изох талаб этмасада, муштарийлар диққатини икки масалага қаратишин истардим: актёрнинг ҳаёти анча оғир келган. Мод-

дий қийинчиликлар бўлган. Худди шундай дамба у ишқ ўтида ёнган, оила кўришдек ширин хаёллар билан юрган. Аслида фалокат, фожиа рўй беришига савоқли ойллар қолган эди... Шундай пайтда у театрини, В. Шекспир, А. Қаҳҳор асарларининг саҳна талқини ҳақида ҳам ўйлаб юрган экан-да!

«15 август, 1963 йил. Пайшанба... Бэлаин севиб қолдим, шекилли. Севгининг ўзи нима? Ҳеч тушунириб бўла-майми? Жуда ҳурмат қилсангиз, ушиз ҳаётининг тасаввур ҳам эта олмасангиз. Шу бўлса керак-да севиш... Кечкурун «Ганг суви оқайтган ерда» фильмининг кўрдим. Зўр! Айниқса, Раж Кашур. Кеч ётдим. Соат 3 да. Фильм фикри-зикринини чулаб оладим».

«19 август, 1963 йил. Душанба. Эртаלב студияга бордим. «Самолётлар қўномади» фильминин кўрдим. Дуруст. Яхши асар. Озгина афсусландим ҳам: қачан-қачна меҳнатини зое келтипти. Афсус... «Рус мўъжизаси» дубляж қилганимиз. Уйга кеч қайтдим».

Бу уринда гап режиссёр З. Собитов 1962 йил суратга олган «Самолётлар қўномади» картинаси ҳақида келтипти. Бош роля Юсуфнинг ижросини бўлимин Н. Латипов тайёр асарини икк бор кўриб, эпизодлар монтаж даврида қисқариб кетганидан ранжиганин сезилади. «Рус мўъжизаси» деб аталган оламни бадий публицистик фильминда Наримон суҳбатдога ёзилган мати устида ишлаган ва кадр ортда ўқиган.

«3 сентябрь, 1963 йил. Сешанба. Эртаלב соат 11 да студияда астрономиядан лекция бўлди. «Улутбек» гурӯҳидан ҳам келишди. Бутути бадийи кенгаш бўларкан. Ролларин тасдиқлаган экан. Ҳаяжондаман. Нима бўларкин!? Студияда ўтиришга юратгим бўлмади. Чойхонага бориб ўтирдим. Мен ҳам бошқалар сингари япаниш мумкин-ку! На тизилк жонимга теғди. Ки мен севи-са, хурмат қила, мен уни икки барабар кўришқ севаман, ардоқлайман. Умр бўйи. Менга теккан қизга ваъда қилма-ман: умрбод уша содиқ бўламан. Менга ишонса, менги тушуса бас... Сипов масаласига келасан, мени бўлишини билмайман, жуда-жуда ҳаяжондаман. Шу ролини ўйнагани келтипти да. Ишқилиб тасдиқлашини-да!»

Бу уринда қуйидаги тафсилотларин келтириш зарур кўринади. Режиссёр А. Файзиёв Наримонинг Абдулатиф ролига таклиф этган ва синиб кўриш. Сўз «Улутбек қолдўзи» фильми ҳақида, студиянинг бадийи кенгаши ролларин тақдирини, тасдиқлашнинг керак эди. Уша кунин Наримон киностудияга келган, бадийи кенгашининг қарорини кўтиб ўтиришга тоқат қилолмай, кетиб қолган.

«4 сентябрь, 1963 йил. Чоршанба. Ура! Ҳамма мени табрикляпти! Абдулатиф роли! Қандай бахтли одамман! Бундай ролини ўйнаиб катта бахт-ку! Ишончли оқайман... қўчим етди. Қойиб қиламан. Ў. П. Файзиёвларга раҳмат. Умрбод уларлар мишадор бўламан. Айниқса, Лиотиф акага ташаккур дейман. Менга ишонганига ташаккур. Энди театрдан рухсат олсам бўлди...»

«12 сентябрь, 1963 йил. Пайшанба. Театрда машқ. Сўтра киностудияда дубляж. «Она-Ҳиндистон»нинг иккинчи сериясидати Биржува овоз бердим. Кейин навбалига кирдим. Ш. Вурӯновини синиб қўриганини (Улутбек ролига — Ҳ. А.) Яна бир актёрин (Ҳошим Гадоевни Абдулатиф ролига — Ҳ. А.) синиб қўриганини. Қайфиятим ёмон. Умидим пучка чиқадатила ухшайди. Кечкурун «Гамлет» бўлди».

«17-26 сентябрь, 1963 йил. Мени тасдиқлашмади. Гадоев уйганини. Буниси

# ЯНГИ МАСАЛЛАР

## ТИШ ҚҰРТИ


Огрикнинг зарбидан зирқирайдир  
 Тиш,  
 Нақ омбир тушгандек қиладир  
 нолиш:  
 «О, мунча қомирди курт қуғур  
 таним,  
 Ҳзимдан чиққан бу балойи азим!!!»

## ҲАЙКАЛ

«У-у, куйлар чиқмишдир йуриқдан,  
 Диндан,  
 Чиқмиш нақ заҳарли илолар  
 пидан!!»  
 «Хуш-хуш, ҳимм, нима гап,  
 тинчликми, Жура,  
 Тукилган қуринур шуринпта  
 шурва?!»  
 «Э, йуқ.» «Унда нега сочларинг  
 гаданг,  
 Бешпиктербатдақа чайқалу  
 каламп?»  
 «Эҳ, Бектош, одамлар кетибди  
 айтаб,  
 Қилиқлари, воҳ-воҳ, ёндирар асаб!!  
 Десанг, маҳалламиз раисн Турғун  
 Ҳисобот йилгини утжади бутун.  
 Унинг қусурлари булди хуп танқид,  
 Аямасдан қолди патини Ҳамид,  
 Найзага илаб, де, тирт савъангини,  
 Ногора этди суғп порабозлигини.  
 Лек Турғун узини тутди денг  
 қандай?»

Қузичоқ огзидан чуп олмагандай...  
 Унга ёп босишди баъзилар аммо  
 Отган деворга қуш тирговчинома.  
 Ҳамидга эса, де, пурқашиб пичинг,  
 Дейишди: муз ютти ачгаса ичгинг...  
 Бора-бора қочиб бетларидан раиг;  
 Қоқдилар унинг пок нуфузига чапг.  
 Ҳамма жим, тош қотган гүеки тани.  
 Ҳамидни қулар зот топила қани!!  
 Ёлғизлик қилди-да бир узи, хулаас,  
 Талов, маломатта келомлади бас.»  
 «Ахир сен нега жим турдинг-а, нега,  
 А, нега дарзига бўлмадинг чега!»  
 «Битта мен нима ҳам қила олардим,  
 Турдим, ҳа, бошқалар қаторида  
 жим.»  
 «Э, ҳайф-е сендақа биродаримга,  
 Итган гад экансан мисал баримга.  
 Ким ҳақу ким ноҳақ, турсанг-ку  
 қуриб,  
 Миҳ этмай утирсанг шўртрак курт  
 суриб!!  
 Наҳот қайнамаса бу ҳолга хуиниг;  
 Тирик мурдалиқдан фарқи не  
 булинг!!  
 Ахир, булганида гар сенда мардик,  
 Ҳеч кимдан ҳеч қачон қилмасдинг  
 ҳадик.  
 Тутиб ноҳақларни виждоний уққа,  
 Қулардинг ҳақгүйни кутариб  
 кукка!»

«Уйда на қази бор, на пешноб, па  
 бол.  
 Ҳамма тўқ, биргина биз  
 бечораҳол.  
 Эр деган рўзгорни бут қип  
 қуяди,  
 Ойда бир таками, қучқор сўяди!  
 Сиз эсангиз, мисли қуриган  
 КУАУҚ,  
 Номияптиз улуғу супрангиз  
 қуруқ!»  
 «Қуширма, топарим озмас-ку,  
 ахир!  
 Узинга сийлов бу ноурин таъбир!  
 Не топмай, медамас, сенда-ку,  
 бийлик,  
 Оласан қоқиб нақ қоққандек  
 илик.  
 Эҳ-эҳ-эҳ, мунча ҳам оғусан, огу!  
 Ойма-ой минг-минглаб  
 тутамингда-ку!!  
 Хуш, қани ушалар? Не зарур,  
 харжла,  
 Тувоқдан чирк излаб чиқармай  
 гала!»  
 «Сизнинг эсингизга келмагач  
 мутлоқ,  
 Олдим бир жуфттина гуҳар куз  
 бадаоқ.  
 Ахир, бу менгамас, сизгадир  
 обру,  
 Ҳар қурганда сизни алқар  
 куча-қуй.  
 Кимсан, фалончининг бопуси,  
 дерлар,  
 Жамоли офтобдек йипуси, дерлар.  
 Ҳа, айтганча, қурипг, келгач  
 ҳавасим,  
 Марваридли тукис буддим,  
 дадаси!»  
 «Э, менга галвирни, тез бул, олиб  
 кел,  
 Айтган ашуланган булиб кетдим  
 сел!»  
 Галвирни келтиргач, сув сўради  
 Эр,  
 Бодроқдек бодраб, денг  
 манглайда тер.  
 «Қуй», деди галвирни тутиб  
 туриб у,  
 Қуйилса ҳамки, у-у, челақ-челақ  
 сув,  
 Галвир дим тулмади, тутмади бир  
 дам.  
 Хотинда қолмайин бардошу  
 чидам:  
 «Ахир, бу на қилиқ — деди  
 бобиллаб.—  
 Чамамда қолганга ухшайсиз  
 айнаб!!  
 Ахир, галвирда сув тута олинш  
 ким?!»  
 «О, балли, — деди Эр этибон  
 таъзим.—  
 Галвирда сув турмас, сув турмас  
 тақир.  
 Режасиз аёллар бамисли галвир,  
 Эрлари давлатин сувдек этар  
 сарф.  
 Эҳ, кимга алам бу, кимларгадир  
 кайф!!»



Н. Латипов — Юсуф ролида («Самолётлар қунолмади» бадийий фильми, 1962 йил).

ҳам майла-я — чидаса бўлади. Тирикман-ху! Ҳади қиладиган ишим кўп. Бозани айтмайсизми!? Тоқатим тоқ бўди...

Қундалиқдаги бу қисса жумлааларни изоҳлаб берайлик. Наримошнинг ёзишича, 1963 йилининг июль ойида унга Абдуллатиф роинин беришмоқчи бўлишган. Фото ҳамда киносипловлардан утказишган. Наримон умидвор бўлиб юрарган. Лекин пировардида Душанбадан Хошим Гадовени тақриф этишган-у, уни суратга ола бошлаган. Улуғбекнинг фарзанди, отанинг жалаоли образини яратинди ўз имкониятларини кўрсата олишини тушулган Наримон бир неча ой ширин орзуумид билан яшаган-у, роль тегмаган.


Иккунга ўтди. «Улуғбек юдузи» ўзбек кинос тарихида қолди. 1994 йилининг ёз куйлари режиссёр А. Файзиев билан учрашганимизда ўша 1963 йилининг саретонида Наримонни раияжиган, унга зарба берган воқеани эсладим. «Нега Н. Латипов эмас. Ҳ. Гадовета Абдуллатиф роини бергасиз?» деб сўрадим. Латиф ака бир оз ўйлаб қолдилар. Кейин менга диққат билан қараб, таппинг очигини айтдилар: «Биласиз, раҳматли Шуккур ака (яъни Улуғбек роинга тасдиқланган актёр) балад бўли, қомати келишган йилгилардан эмас эдилар. Наримон ҳам. Уларнинг иккисини (Улуғбек — Абдуллатиф) ёзма-ён тасаввур этиб қурипг, дедилар бир оз қизишиб. Сўнгра хонанинг у четидан бу четига юриб, ўша дақиқаларни эсладилар, шекали, қўшиб қуйдилар: «Хошим Гадовен ижро, бўйан-бастги жиғатидан шу рола ҳам, Шуккур акага шерик ижрочи бўлиши жиғатидан ҳам жуда мос келди, чамамда.»

Наримон ҳақидаги бугунги ҳикоямиз шу. Унинг кўп орзулари ушаммади. Лекин у ижро этган роалар ҳануз мухлислари қалбиди, ёдиди.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

## ГАЛВИР

Қила бошлади, денг, эргинасин  
 хит,  
 Асаб толаларин узибон чирг-чирг:



Абдулла ҚОДИРИЙ.

узун лозим билан қолди. Махсум тегишиб:

— Узун иштондан ҳам бор экан-да, а? — деган эди Қодирий:

— Уйнимизда қовушмн ҳам бор. Ботинкани кучага чиққанда, ўлган

Хотира муаллифи Аҳмадрафиқ ака Қамбаров Андижон вилоятида узоқ йиллар шўроларнинг давлат идораларида масъул вазифаларда ишлаб, халқпарварлиги, ижодкорларга гамхўрлиги билан ном қозongan. Ўзбекистоннинг таниқли ижодкорлари Гафур Гулом, Собир Абдулла, Ҳабибий, Тухтасин Жаллолов ва бошқалар Андижонга борсалар, албатта Аҳмадрафиқ ака, у ердаги мумтоз ижодий давра вакиллари — Имомиддин Уфат, Омопила Валихон — Боқир, Восит Саъдулла, Ҳошимжон Раззоқ, Анисий, Боқий, Сайфий, Хуррам домла ва бошқалар билан кўришиб, бир неча кун меҳмон бўлиб, гурунглашиб кетар эдилар. Мазкур хотирада устоз адиб Абдулла Қодирий шўро амалдори Махсумовнинг уйда рус қизи хизматкор бўлиб ишлаётганини кўриб, ўзбек зиёлаарининг ҳар бир қадами назоратда жаплагилини сезган ва Тошкентга кетиш олдидан амалдорнинг уйига бормай, чойхона ҳужрасида оддий одамлар билан қаторини — поездни кутиб утирган. Аҳмадрафиқ Қамбаровнинг хотиралар китобида яна бошқа ажойиб одамлар ҳам тилга олинганки, уларни ҳурматли журналхонларга кейинроқ ташиштирамиз деб умид қиламиз.

Аҳмадрафиқ ҚАМБАРОВ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ УЧҚҮРҒОНДА

(«НАВОДИРУЛ-ВАҚОЕ» ЁХУД ЗАМОНАМИЗ ФОЗИЛЛАРИ ҲАЁТИДАН)

Абдулҳамид Хуррам шундай ҳикоя қилган эди:

— 1935 йили биз Учқўрғонда яшадик. Укам Абу Али темир йўл бекатидаги колхоз қизил чойхонасида той кўяр, мен унга ёрдамлашар эдим.

Баҳор келиб, кунлар исган, чойхўрлик энди авж ола бошлаган пайт эди.

— Қуруқ чой тугай деб қолди, кечқурунга етмай қолармикан, — деб қолди укам. Мен кўпроқ чой келтириб қўйиш нијатида дарё бўйига жойлашган Ўзбекторига қарашли дўконга кирдим. У ерда бизга доимо мурувват қўлини чўзиб турадиган Қамбарали ака мудир эди.

Гапим чала қолди. Дўконга шопиланганча, район раҳбарларидан Махсумов кириб келди. У ичкари кириб:

— Қани, ҳалиги ош қилиб берадиган одамнингиз? Шу чоққача келмади-ку! — деди-да, мудирнинг ёнига бориб, пештахтага қўлини қўйди ва қовоғини ўйди. Шунда Қамбарали ака қўли билан мени кўрсатиб, ошпаз шу ерда эканлигини айтди. Махсумов мен томонга ўтирилиб:

— Бизнинг уйни биласизми? —

деб сўради ва тасдиқ жавобини олгач:

— Бўлмаса, ҳозир бизникига борасиз, уйда хизматчи ўрис қиз бор. У ошга кетадиган ҳамма масалиқни тайёрлаб, қозонни ювиб беради. Сиз зирбак тайёрлаб, бизни кутасиз.

— Ҳайрон бўлманг, — деди Қамбарали ака Махсумов чиқиб кетгач. Бугун қишлоғимизга Абдулла Қодирий келяпти. У Махсумовникида меҳмон бўлади. Фарғонача паловга уста одам тошиб беринг, деб кеча айтган эди. Яхшиямки, ўзингиз келиб қолдингиз. Мадраса паловга устасиз, уларни бир хурсанд қилинг.

Чой олмишни кейинга қолдириб, Махсумовникига етиб бордим. Хизматчи қиз керакаи масалиқни кутилгандан ҳам зиёда қилиб тайёрлаб қўйган экан, сабзи-пиёзни қовуриб, ўтني пастлатдим-да, гурунч солишга тайёрлаб қўйдим. Кун бошига яқин мезон Абдулла Қодирийни бошлаб кириб келди. У кишини дарров танидим. Тоғмил бўйича салом бердим. У самийли кўришиб, даҳлизга кирди ва устани кийимларини очиб, оқ куйлак,

нинг кунидан кияман. Ҳовлига келаман-у, уни ечиб ташлайман. Жу-да оғир, устига оғим қизийди. Ота-боболаримиз кийимнинг энг ихчамларини топишганди.

Шу гапдан сўнг меҳмон ташқари чиқди. Қўлига сув қўйдим.

— Нориннинг суви роҳат, а? Муздайлигини айтмайсизми? Раҳмат, овора бўлдингиз.

Жавоб қайтаришга ўзимни йўқотиб қўйдим. Меҳмон ичкари кириб кетди. Мен ошга гурунч босдим. Урта эшик очиб бўлганлигидан, ичкаридаги гаплар эшитилиб турар эди. Қўлимда калпир, қўлигим ичкарида, Қодирийнинг бирор сўзини қолдирмай эшитгим келади.

— Йулларда қийнамадингизми? — дея меҳмоннаволик қиладиган мезон. — Тошкентдан бу томонларга машина билан келиш... осон иш эмас.

Ичкаридан Абдулла Қодирийнинг эшитган кишини ўзига мафтун этувчи ширали овози эшитилди:

— Йўқ, Унчалик қийналмадик. Бир райондан иккинчи районга раҳбар урғоқлар машиналарини бердилар, баъзилари, унамасам ҳам, ишларидан қўлиб кўзатдилар.

Машина билан келганим яхши бўлган экан. Куп ерларни кўрдик, куп одамлар билан суҳбатлашдик, таниш-билиш орттирдик. Поезда келсам бундай бўлмас эди. Кишлоқма-кишлоқ юриб, деҳқонларимизнинг донолигига, ишбилармонлигига қойил қолиб, тахсинлар ўқиб келдим. Асакага кирай деганимизда бир колхоз ерига чигит экилаётган экан. Экишга тайёрланган ерни кўриб, ёқа ушладик. Тупроқ қаламуш уядан чиққандай дона-дона қилинган. Азаматлар! Ишни қотиришибди!

— Гапларингиз ҳақ,— деди Махсумов. Пахтачиликда водий одамларига таш бермай илож йўқ.

Суҳбат анча вақтга ҳақ деҳқончилик ҳақида бўлди. Кейин гап мавзуну Тошкентга, дўстлар даврасини у ердаги янгиликларга кучди.

Махсумов асли тошкентлик бўлиб, бир неча йиллардан буён партия тошриғи билан Фарғона водийсига келган, совет ташкилотларида масъул лавозимларда ишлаган, айни чоғда, Учқўрғон район ижроия қўмитасининг раиси эди. Суҳбат асосида Махсумов андақ ушқалганнамо:

— Кишлоққа, ишга кетиш билан аста-секин дўстларнинг эсла-ридан ҳам чиқиб кетар экансан,— деди. Абдулла ака эътироз билдирди.

Мезбон адибнинг ижодий ишларига қизиқди. Абдулла Қодирий самимий жавоб берди:

— Сизга маълумки, «Утган кунлар»ни беш йилда, «Меҳробдан чаён»ни уч йилда ёздим. Баъзан фикр чуваллашиб, чигали топиш учун ўзлимни унутганман, ҳатто богни айланиб юриб, билмай кўчага ҳам чиқиб кетганман. Фикр-чаёлим бутунлай қаҳрамонлар билан бўлиб, барча муаммоларни ушлар билан ҳал қилганман. Сал ўзимга келиб, қаерда юрганганимни сезиб қолардим-да, сўнг боққа қайтардим. Мана шундай вақтларда мен билан учрашган таниш-билишлар саломга тезгина алик оларканман-у, кейин индамай ўз йўлим

га кетарверар эканман. Аммо тўтри тушунилса, менда ҳам айб йўқ. Шундай бўлса-да, мендан хафа бўлган ёр-дўстларни билиб қолсам, уэр сўрайман. Махсум ака, балки Сиз билан ҳам ана шундай ҳолатда тўтри келиб қолган бўлишимиз мумкин.

— Бу ёгини билмаган эканмиз,— уз «хато»сини тушуниб қолган Махсум ака узр оҳангига давом этди:

— Мана бизни йўқлаб уйимизга келдингиз, бошимиз осмонга етди.

— Нима сабабдан қишлоқма-кишлоқ Фарғона водийсини кезиб юрибсан? — деб сўранг, Махсум ака,— дея Абдулла Қодирий кўшмача қилди:

— Утган йили Москвада бўлган Иттифоқ ёзувчиларининг Қурултойида Максим Горький бир гап айтиб эди: «Ҳар бир қалам соҳиб, агар ўзида шунга қувват сезса, йирик бир асар ёзсин. Утмишни тасвирласин, уни ўқиб, халқимиз ўз тарихини билсин. Бизга ана ушундай асарлар керак. Уша ерда менда яна бир тарихий асар ёзиш иштиёқи тутилган. Шуну рўёбга чиқариш мақсадида хон даврини кўрган одамларни излаб, шуларнинг хотираларини тартибга келтириб юрибман. Эпитизимча Учқўрғонда Амиркон чол деган бир билалон қария бор экан. Ана ушанин суҳбатини олиш мақсадида бу томонга келдим. Уни биладиган одам бўлса, мени у кишининг ҳузурига олиб борса.

— Ошпаз ака, у... мулло,— уй эгаси мени чақириб қолди. Ҳузурларига кирдим.

— Меҳмонимиз Амиркон чол билан кўришмоқчи экан, бирга борсангиз бўладими? — деб сўради мезбон. Мен «жоним билан», дедим.

Палов ҳам пишди. Ошни чинни лаганга солиб олиб кирдим. Мени ҳам бирга утиришга таклиф қилдилар. Таклиф самимий бўлганлигидан, гап қайтара олмадим. Минг андиша билан уларнинг даврасига қўшилдим. Хайрият, меҳмон иш-

таҳ билан овқатланди ва «Лаззатли таом бўлибди»,— деб мени хурсанд қилишди.

Дастурхон йиғилгандан кейин мениннг кетишим учун рухсат бўлди. Эрта билан келишга ваъда қилиб, манун ҳолда ҳужратга жунадим.

Эртаси саҳарлаб Учқўрғонда қилаётган шоир Сайфиёнинг уйига кирдим ва кечаги воқеаларни унга гапириб бердим. Сайфий бизга ҳамроҳ бўлиш истагини билдирди. Биргалашиб, Махсумовникига келдик. Кейин Абдулла Қодирий, Сайфий ва мен учаламиз биргалашиб, Норин дарёси бўйлаб пиёда кўприк бошига жунадик. У ерда яқка уй бўлиб, уни қоровулхона дейлар, Амиркон чол ўша ерда яшарди.

Қоровулхона олдидаги ёғоч сўрида оппоқ яктаги устидан қора лас тўн кийиб Амиркон чол ётарди. Етиб бориб, таомил буйича салом бердик. Чолнинг олдига аввал Абдулла ака бордилар ва унинг пахтадек юмпоқ кўларини ушлаб, елкаларини силаб, зиёрат қилдилар. Биз ҳам у кишига эргашдик. Амиркон чолнинг оёқлари шол бўлганлигидан тикка бола олмаст, доимо ўша сўрида ётгани-ётган, совуқ тушса, сўри билан кўтариб ичкари киритишадан, иссиқ кунлари яна ташқарига олиб чиқар эдилар.

Амиркон чол янги чиққан садафдек оппоқ нозик тишларини кўрсатиб, бизни ёнидаги сўрига утиришга таклиф қилди. Нон-чой келтиришди. Абдулла Қодирий Амиркон чолдан ҳол-аҳвол сўради, ўзининг Тошкентдан келганлигини айтди. Чол ўзига ярашган бир табассум билан меҳмонга боқди.

— Ота, ўзингиз асли қаерди буласиз? — сўради Қодирий.

Кўприк хизматчиларидан бири отаниннг қулоғи ваэминлигини, қаттиқроқ гапириш лозимлигини айтди. Савол яна такрорланди.

— Ҳўжандлик.

— Ешингиз нечага борди?

— Бир юз йигирма олти.

— Хонлардан қайси бирини кўргансиз?

— Мадалихонни.

— Мадалихонни қачон ва қайси жойда кўргансиз?

— Мадалихонники? Кўрганман. Ушанда ўн икки-ўн уч ёшлар чамаси бола эдим. Уйдан чиқсам, дупур-дупур товуш эшитилиб қолди. Қарасам катта қора от устида хон утирган экан. Атрофи тўла мулозим. Ушанда кўрганман.

— Хон қанақа одам экан? — Абдулла ака масалага аниқлик киритишга, Амиркон чол шу гапларни айтаётиб, ёшлик йиллари эсига тушиб кетдим, харқалай жонланиб, гавдасини андақ тикладди.

— Тарих китобларида Мадалихонни кичик, нимжон, қоратури-



Абдулла Қодирий. «Утган кунлар». Офтобойим — Марям Ёқубова, Отабек — Уламас Алихужаев.

дан келган кўримсиз киши эди,— деб ёздилар-ку,— Қодирий биз томонга қараб кўйиб, яна чолга нигоҳини қаратди.

— Йўқ, йўқ, йўқ,— деди Амиркон чол ва қўлини олдига чўзди-да, ҳаяжонланиб давом этди,— Сизни кўргандек кўриб турибман... юмилаган кўз, пир-пирлаган лаблар яққол кўзга ташланарди. Мана рўпарамда хон турибди, отнинг тепасида... йўгон, сариқ соқолли, ба-савлат одам.

Амиркон чол уша тобда хонга қуллақ бажо келтиркандай, қўлини кўкрагига олиб борди, кейин бир фурсатга жим бўлди. Анча вақт ўтиб, яна овозини баландатди.

— Хужандала, пайшанба бозорида болахоҳлар турибдими? Ана ушалаб бизники эди-да!

Шу гапларни айтиб, Амиркон чол чарчаб қолди. Мадалихонни аниқ кўрганлигини исботлайман деб қувватидан кетди, анча бушашиб қолди. Бошини ёстиққа қўйди, кўзини юмди. Абдулла Қодирий бизга қаради:

— Мадалихонни ростдан ҳам кўрган экан. Мадалихон Хужандалага юриш қилганда кўрган экан. Мана ушанга ҳозир юз йил бўлди. Демак, чол бир юз юз учга кирибди.

Меҳмон уни яна саволага тутди:

— Бу ерга, мана шу кўприкка келганингизга қанча бўлди?

— Кўприкка қоровула бўлиб келганимга роса тўқсон йил бўлди.

Биз бу ерда бир чойнак чой ичилгудек вақт тўхтадик. Абдулла ака суҳбат учун Амиркон чолга миннатдорчилик билдирди. Эски қадронлардек самийий хайрлашдик ва Учқўрғонга қайтиб келдик.

Поезд келгунча чойхона ҳужрасида ўтирдик. Менинг ҳаётим ҳақида саволлар берди, ёзувчи. Укам Абу Али билан шу чойхонада тирикчилик қилишимизни, кичик укам Муфавваз Фаргона пединститутида ўқишини айтди.

— Тошкентга келинглр, босма-хонага ишга жойлаб қўяман, ҳам кечки мактабда ўқийсизлар,— деди-да адиб вагонга чиқа бошлади.

Илтифот учун адибга миннатдорчилик билдирдим. Абдулла Қодирий поезди жилаётганда:

— Тошкентга борсангиз, бизнинг ҳовлига марҳамат қилинг, Самарқанд дарвозасида тураимиз,— дея яна бир бор бизни такиф қилиб қолди.

Орадан уч йил ўтгач, тақдир тақозоси билан, Тошкентга бориш nasib қилди. Афсуски, у кишини кўриш имкони бўлмади. Адибни қамоқда дейишди.

#### Наширга тайёровчилар:

Абдулазиз АБДУЛҲАМИДОВ,  
филология фанлари номзоди,  
Анджон давлат  
Тиллар педагогика институту.

# САИД ОЛИМХОННИНГ

Раҳимберди амаким гавдали, огир-босиқ, кишиларга меҳрибон, ўртақол кун кечирувчи инсон эдилар. Улар аввал дурадгорлик, кейин ошпазлик ҳунари билан шугуллангандилар.

Турмуш огир кечаётган уруш йиллари. Бир кун аёллари — Робия ойим (биз у кишини «ойи» дердик — М.А.): «Чол, рўзгор қилиб келинг», деб амакимнинг қўлларига ақча, тўрхалта тутқазиб, бозорга кузатибдилар. Содда амаким бозорга тушиб, ҳамёнини, тўрхалтани киссавурларга олдириб, уйга бушашиб, кириб келибдилар. Робия ойим: «Ҳа, чол тушмагур! Бозордан ҳеч нима харид қилмай қайтибсиз?»— дея сурабдилар. Амаким бамайлихотир ўтириб: «Чилимини олиб кел, кейин сўзлаб бераман»,— деб буюрибдилар. Тутатиغان чилимини «хўр-хўр» тортиб хумордан чиққач: «Э, Роби! Дон бозорига тушдим. Дон сероб. Лекин чунонам тўрва халта йўқотганлар кўпки... Мен ҳам донни нимага солишни билмай, гаранг бўлиб қуруқ қайтиб келавердим», дебдилар. Робия ойим эса кулиб: «Ҳа, чолим тушмагур», дея ачинган бўлибдилар. Амаким кейинги сафар яна бозорга тушиб келиб: «Роби-Роби, қаердасан, бери кел» деб чақирибдилар. Бозорга тушсам, ҳамён йўқотганлар чунонам серобки... Мен ҳам индамай қайтиб келавердим»,— деган эканлар.

Эсимда уша қийинчилик йиллари: пул бўлса — мол йўқ ёки акси. Бечора амаким амаллаб шишада зигир мойи, бир-икки қадоқ гўшт олиб келиб, Робия ойимга эҳтиётлаб сарфлашни тайинлардилар. Робия ойим эса: «Ҳа, Сизни қаранг-а! Олиб келганингиз 3-4 марта овқат қилишга етмайди-ку? Буш қоп тик турармиди?»,— деб зорлансалар, амаким кулиб: «Сабрнинг таги раҳмон. Йаши кушлар ҳам келиб қолар. Сен кўп қайгураверма. Учоққа оловни ёққин-да, қозон қизиши билан, шишадаги

ёғни қозонга ағдармай, атрофида икки-уч марта айлангириб олгин. Сўнг сув қўйиб хоҳлаган қуюқ-суюқ таомингни пиширавер»,— деб ҳазил-мутойиба қилган эканлар.

Раҳимберди амаким дадамнинг буш вақтларида бог ҳовлимизда бирга бўлиб, суҳбатлашаркан. Дадам амакимнинг қизиқ-қизиқ ҳангомаларини эшитиш учун гапга соларканлар ва шу орқали узоқ-яқин қариндошларини ёдга олишаркан.

Абдулла мен пиширган ошларини мақтаб ердан-да, хурсанд бўлиб: «Ака, ошпазлик ҳам ноизи ҳунарлардан ҳисобланади. Ошингиз қанча ширин бўлса, халқ сиздан шунча хурсанд бўлади», дерди. Амаким баъзан ўқсиниб: «Дадамиз бизларнинг ҳосилимизни кўрмай дунёдан ўтиб кетдилар ва кўпинча мени ҳайит арафаларида янги кийим-бош билан сийлардилар. Рўзгоримиздан ёрдамини аямасди», дея хотирлардилар.

Раҳимберди амаким Робия ойим вафотидан сўнг анча ўзларини олдириб қўкиб қолдилар. Мен амакимнинг юришларини кузатиб, ҳазиллашиб: «Оп-поқ дода! Қадам ташлашингиз мастларга ўхшайди-я»,— дердим.

— Ҳа, ўғлим. Мен ҳам Қодир дадамни Эшонгузардан боғимизга жинкуча орқали етаклаб келар эдим. Дадам худди мендек, мастлардек қадам босардилар. Сен кели саволимга: «Менинг ёшимга етсанг, жавобини ўзинг топасан,— дегандилар,— Ҳозир мен 80 ёшдаман. Қодир бобонг ушанда юз ёшни қоралаб қўйгандилар»,— деб кулиб жавоб берардилар.

Назифа ошам амакимни жуда хурматлар, ҳар ҳафтада уйга олиб келиб ювинтириб, уст-бошларини алмаштириб, овқатлантирардилар. Кеч бўлиши билан биз амакимни уйларига олиб бориб қўярдик.

Раҳимберди амаким шундай деган эдилар: «Уша пайтларда сен қақалоқ эдинг. Дадангни ҳеч

# ГИЛАМИ

сабасиз қамашди. Сенларнинг оху зорларинг худога бориб едими, орадан уч ой ўтгач, даданг оқланиб келди. Даданг руҳан эзилганди. Қамалиш сабабини ўзи ҳам тушунмасди. Орадан бир-икки ой ўтиши билан Қирғизистон томонга дам олишга кетди. Дам олиш ёқди шекили, у ердан анча тетик қайтди. Лекин камгап, тажангайги яна ҳам ошганди. Ҳукумат ишига ҳам қатнамай қўйди. Кўчага кам чиқадиган, узоқ-яқинлар билан бурунгидай гаплашмайдаган бўлиб қолди. Яхши ният билан олган ерининг иши ҳам ўлда-жўлда. «Мен қарашай» — деса, «Йўқ», дейди. Мен унинг бу ҳолатини бегуноҳ қамалгани учун деб ўйлаб юрдим. Доим, бог ҳовлайдаги ҳовуз четига қаравот қилиб ёзиш-ўқиш билан банд. Ҳатто болаларнинг шовқини ҳам ёқмайди. Келди-кетди билан иши йўқ. Гоҳида 5-10 кун қаерларгадир гойиб бўлиб қолади. Раҳбардан сўрасам: «Укангиз Фаргона томонга кетдилар», — дейди. Жосият оймидан сўрасам: «Укангни жини кўзгаб қолганга ўхшайди. Мен билан ҳам гаплашишга ортқ хуши йўқ. Абдулланинг бундан 4-5 йил бурун ҳам шундай жини кўзгагани эсимда. Ўзига келиб қолар», — дедилар. Дадангнинг бундай ҳолати бир-бир ярим йил давом этди.

Богдаги ҳовуз атрофида сариқ гул, гулсапсар, атиргуллар қийғос очилган, булбуллар хониши мулла Абдулланинг тинчини бузади. Абдулла супа атрофига оқ чойшаб (суруп)дан қапа тутиб, ичига кириб олиб ёзгани ёзган. Ойинг чой ва овқатни олиб келиб беради.

Уша кезларда қўшнимиз — Собир бойваччанинг қайниси Шогурсун қори келган экан. Дадангнинг олдига чиқди. Анча суҳбатлашиб ўтиришди. Мен уларнинг олдига бориб саломалик қилдим. Абдулла ниманидир ўқиб бераётган экан. Қулоғимга Анвар, Раъно деган номлар эшитилди. Кейинчалик бил-

сам «Меҳробдан чаён»даги Анварнинг қайлиги Раънога хон томонидан совчи юборилган жойини ўқиган экан.

Орадан бир неча ой ўтгач, даданг ёзишдан чарчади чоги, унча-мунча богга қарайдиган бўлди. Кузга келиб ҳосили унумли бўлгач, мен ва Қудратилла билан суҳбатлашадиган бўлди. Ёзуви ҳам камайди. 1928 йилнинг қиши бошланаётган кезларда дадангнинг кайфияти кундан-кунга яхшилана борди. Богдаги мевали дарахтларнинг ҳосилини йиғиштириб олди. Қишлоқ рўзгор бут бўлди. Боққан гунажини етилиб, сўйди, гўшт ҳам мул бўлди. Даданг ҳамир овқатни хуш кўргани учун, норин қилиб мен ва Қудратни норихўрликка чақирди. У дастурхон атрофида ўтирганимизда хурсанд бўлиб:

— Ниятимга етдим. Ўйлаган романимни кўнгилдагидек тугаладим. Худо хоҳласа яқин ойларда китобим босмадан чиқади, — деганди.

1929 йилнинг бошларида «Меҳробдан чаён» босилиб, ўқувчилар қўлига, қўлигагина эмас дийга тушди. Уша йили шийпонни ва ичкари ҳовлини тиклашга усталар келишди. Инсоннинг бели бақувват бўлса ақли ҳам тиниқлашади. Ниятлаган иши тез амалга ошади. Мулла Абдулланинг китоби босилгач, руҳи тетиклашди. Ҳукумат ишларига ҳам аста-аста аралаша бошлади. Аммо буга қолди дегунча шийпон атрофини гулзор ва мевазорга айлантириш учун ҳаракат қиларди. Бог аста-секин кузга кўринди. Одамлар отзига тушди. «Жулқунбой боги» деган овозалар тарқалди. Шийпонга келаётган меҳмонларнинг кети узилмай қолди. Дадангнинг шоир, ёзувчилардан ташқари Холмат машиначи, Раҳим сартарош, Раҳматилла гиламфуруш, Усмон гаранг тегирмончи, Олимхон дўппифуруш — хуллас, ҳар хил касб-кордаги дўстлари буларди.

Олимхон дўппифуруш — асли андижонлик бўлиб, Чулпоннинг қайнагаси экан. Олимхоннинг Эски шаҳарда дўппи дўкони бўлиб, шоиртабиат, сўзга уста, ҳазил-мутўйибга берилган, қачон шийпонга меҳмон келса, у ҳам ҳозир эди. Бир кун даданг: «Олимхон ака бериб юборди», — деб менга, ўзига, Қудратиллага бир хил мошпанг дўппи олиб келганди.

Уша йилларда Раҳматилла гиламфуруш катта гилам ташлаб

кетди. Гиламнинг бўйи 7 метр, эни 4 метр бўлиб ниҳоятда чиройли, қирмизи рангда эди. Бу гиламнинг уйга келиш тарихи қуйидагича эди: Даданг Раҳматилла акадан яхши гилам олиб беришини илтимос қилган экан. Раҳматилла ака уша вақтда Жумҳурият ташқи савдо идорасида гиламлар билан шугулланадиган мутахассис бўлиб ишларкан. Уша кезларда халқдан олинган ноёб гиламлар, жумладан бойлардан, ҳатто Бухоро амири Саид Олимхон қароргоҳидан тортиб олинган гиламлар савдо ташкилотига келиб тушаркан. Шу тариқа энг ноёб буюмлар чет мамлакатларга олтин баҳосида сотилар экан. Абдулла сотиб олган гилам Амир Олимхонга тегишли экан. Гилам Туркменистоннинг Ахалтекин деган шаҳрида 200 йил бурун тўқилган экан. Шунинг учун номи «Ахалтекин» деб аталаркан. Даданг бечора «ноёб гиламлик бўлдим» деб жуда хурсанд бўлган эди...

Дадангни олиб кетишгач, уша гиламни ҳам мусодара қиломоқчи бўлишди. Уни бировлар уйда узоқ муддат беркитиб сақладик. Омон сақладилар шекили 50-йилларда путурдан кета бошлади. Сунг қариндошлар маслаҳати билан арзон баҳода сотиб юбордик. Энда ачиниш бефойда. Бироқ, топилиб қолса, дадангнинг уй-музейида ноёб ёдгорлик тариқасида турармиди?..»





«ЧАВКИ» ансамбли.

Муҳаммадали  
ҚУШМОҚБОВ

## ЎЗИ ТИЛ УЧИДА ТУРГАН «ЧАВКИ» БАҲОНАСИДА АЙТИЛИБ.

«Муҳаббат ул эски нарса, лек ҳар бир кунгли они ёнғорта».

Дарвоқе, муҳаббат маънавиятнинг тимсолларидан бири. Улуғ шоир ҳақ: ҳар бир юрак муҳаббатни, маънавиятни ёшартиради. Юрагида муҳаббатни ёшартира олмаган насл бандида сулган гулдай ному нишонси кетади. Ҳар бир авлод ўз юрагидаги муҳаббатнинг кунглига бую бастига мувофиқ тарзда оламни қайтадан тузайди.

80-йилларнинг ўрталари биз, ўзбеклар учун туш уйқуси — куш уйқусидай бўлди. Гўё қурий деб қолган булоқ кўзларига, одамларнинг қайсидир ноҳақ ишларидан аразлаб, юз ўтириб кетган сувлар қайтиб келиб, ҳаёт қосалари тула бошлади. Деҳқон ернинг соғлигини қайтариши кераклигини англади. Чорвадор тулпорларнинг туёқларини — Чамбил зотли отларни эслади, узор ичидан уларни таниб, ажратиб олиб, парваришига туғинди. Оролни асраш ҳақ ҳаракати қувватга кирди. Байини гойибдан келган илҳом ёшу қари оромини ўйгради. Юртимизнинг турли вилоятларида, туманларида, шаҳарларида ҳақ фольклор-этнография ансамбллари — худди маслаҳатлашгандай, бир пайтнинг узида ташкил этилиб, ишга тушиб кетди. Онахонларимиз ташаббуси билан Бустоналикда «Г'улёр» тузилиди. Бустоналикликлар ўзбек халқ қўшиқ-

ларининг хазинабоналаридан бири Раҳимахон Мазоҳидовани чақириб, у билан сирлашишди. Қўқонда, Раҳимахон Мазоҳидова атрофида, онахонлар, опахонлар, уларнинг қизлари, неваралари уюшиб, «Омонёр»ни гуркиратишди. Раҳимахон опа урган чинадирманинг гиж-бадабанги гулбарглари орасидан бутун бир симфониялар дарёдай шарқираб чиқаётгандай туюлар эди. Бени маҳкам боғлаб, аскиячилар ҳам даврага кирдилар. Зайнобиддин ака етовидаги Маргилон қизиқчилари Юсуфжон қизиқ тўнни кийиб, ўз бўйларига ўлаб кўрдилар. Муҳиддин Дарвеш хангомалари эл оғзига тушди. Бахшилар кўпайди. Хунармандлар халқ амалий санъатининг тугма феълларини хотирада ва амалда тиклашга киришдилар. Дугор, дўмбира, сибзига, упулақ ясайдиган усталарнинг қўли қўлга тегмай келди. Бешиксозлар ҳам ишга бошлари билан шўнғидилар. Меъморчиликнинг беназир обидаларини таъминлашга қобил усталарнинг меҳнати қадрланадиган бўлди. Илгари сичқоннинг ини минг танга бўлса ҳам биқиниб олган фолбинлар, бахшилар, башоратчилар қайтадан тилга кирдилар. Бадиий ижодкорлар ўзбек халқи тарихининг қаҳрамонона воқеаларини, миллий қаҳрамонларни йирик бадиий полотнолар орқали тасвирлашга киришдилар. Бу пайтда

Юнус Ражабий «Шашмақом»ни йиғиб, нотага тушириб, китоб қилиб чиқариб улгурган эди. Матнӣз Юсупов Хоразм мусиқасини қайта бошдан гулдаста ҳолига келтирмоқчи эди. Розия Каримова рақсларимизни хатга ўтказиб, сира ўчмайдиган қилиб кўз унгимизга келтирмоқда — китобларга битмоқда эди. Булатовга меъморчиликимиз асрорлари намён бўмоқда эди... Буларнинг бари бежиз эмас. Яъни дунёни илмий, ахлоқий, эстетик, ноилмий билиш имкониятларини ўз урнида истифода этиб, бу оламдаги ўз мақомимизга ярашқили фаолиятларга чоғланди. Балки гайришуурий тарзда... Хуллас, халқнинг кунглига бир илҳом тушди... Манқуртларга айлантириш мақсадида бошимизга кийдирилган тосқулоқ ситилиб, суқилиб бораверди... Миллат ўз маънавий қадриятларининг мукамал, асл ҳолига тиклаш, ўз қадрига муносиб равишда тараққий эттириш ҳаракати тушди.

Сиртдан қараганда, ҳар бири ўзича мустақил бўлиб кўринадиган бу ҳудудлар замиран бир-бири билан боғланади, ягона ижтимоий-маънавий ҳодисани ташкил этади. Унинг моҳиятини халқнинг маънавий яшариши, янгидан ўзигини таниш жараёни, деб таъсирлаш мумкин. Бу ерда бир қарашда қизиқ, балки эриш кўринадиган

ган бир нарса бор: шу ишларнинг бошида қарилар — кекса авлод вакиллари — турда, ичганини ичиб, еганини еб, ёшларни олқаб ўтириши керак бўлган муҳтарам зотлар ишбоши, сарқор бўлиб турдилар.

Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, бу нуруний отахон, онахонларнинг танглайини аңғанайин миллий турмуш тарзи кутарган эди. Уларнинг қулоқларига, кўнгаларига алаалар, дostonлар, қушиқлар қуюлган эди. Уларнинг кўллари халқ амалий санъатининг ҳамма турларини давом эттиришга қобил эди. Уларнинг кўзлари бутун ажодларни меҳри сингиб қолган, урганманган кўз кура олмайдиган Гузалликнинг қадрига етар эди. Ҳаётнинг қонуни шундайки, омонатга хиёнат қилиб бўлмайди. Хиёнат зулмдир. Зулм қилган жисман одам суратида юриши мумкиндир, бироқ у аслида инсонийлик қимисини йўқотди. Шу тариқа кекса авлод ўз кўксига омонат танжинани яйратиб-яйратиб, ҳаётга қайтариб, ўз эгаларига тошириши кераклигини ҳис қилди. Гуёки, илоҳий бир иш одам ёшу қарининг кўнглини бир вақтда бирваракайга жўш-хурушга киритди. Ҳеч қанча муддат ўтмай,

Мақсуд Шайхзода таржимаси:

*Тингла найдин, чун ҳикоят айласун,  
Айрилқардан шикоят айласун.*

Най найстонидадн ёки таъбир жоиз бўлса, одам Яратгандан узлагани — айриликда бўлгани учун нола чекмоқда. Яратганга етишиш унинг матлабидир. Узулдан кечиш ўзлугни топшидир. Биз юқорида эслган барча мисоллар ўзбек халқининг ўзига жуда муносиб қўрган қамолотга муяссар бўлишга ва ўзининг ёрут дунёдаги бунёдкорлик бурчини ўташга масъуллигини тула-туқис ҳис қилганлигини кўрсатади. «Чавки» фольклор-этнографик дастасининг фаолияти шу уриқда яна бир маънавий далил бўла олади.

Хўш, юқоридаги мулоҳазалариниз ўзанида давом этайлик: Худо олам мулкни уз ҳуснини тажжал қилиш, уз ҳуснини қуриш учун яратган, дейдилар. Филология фанлари доктори, профессор Муҳаммадҷон Имомназаров Наҳмиддин Доянган «Мирсод» асарига бағишланган тадқиқотида бу улут мута-саввунфинг: «Инсон вужудидан мақсад кўзгудир. Ҳар икки жаҳонда диққатга сазовор

(назар солишга арзигулик) нарса кўзгудир.

Инсон кўнгли кўзгудир, унда шоҳлар шоҳи (борлик ҳукмдор)нинг жамоли акс этади. Ва бу икки олам ушбу кўзгунинг гиофидир...» мазмунидаги рубойисини келтириб, шундай деб давом этади: «Демак, Инсон вужудда Ҳақ маърифати акс этуви тазво — кўнгли кўзгусидир. Ҳақ таоло — жамолини қуриш иштиёқида мавжуд бориқнинг гултожи сифатида инсон яратилди, икки олам унинг хизматига қўйилди. Инсонга эса кўнгли кўзгуси ато этилди. Мақсад — ушбу кўзгуда Олий ҳақиқат тисмонли акс эттириш эди». Бу ерда, илоҳий ҳодисаларга заррача шак келтирмаган ҳолда, бир эстетик масалага жавоб топишга уриниб қурайлик.

Биру Борга олам мулкни уз ҳуснига кўзгу қилиб яратиш эҳтиёжи уз илоҳий кудратини рўбга чиқариш билан баравар эди. Бу нарса барча Муқаддас китобларда аён-дир. Мақсадли ҳаракат, бунёдкорлик инсоннинг ёрут дунёдаги асосий бурчларидан биридир. Зеро, Инсон Яратганининг халифасидир.

Инсоннинг ҳам худо яратган олам мулкни, ундаги илоҳий тажжалини ва ўз ҳуснини қуриш учун илоҳий бир иноят ёрдамида яратган кўзгуси бор. Таъбир жоиз бўлса, у ўша кўзгуга илмий нуқта назардан қараса: Ҳақиқатни, Ахлоқий нуқтани назардан қараса Хулқни, эстетик нуқтани назардан қараса Бадийи образни кўради. Булар ўз асосларига кура, мазмунан бирлашадилар ва ягона ҳодисани ташкил этадилар. Шу тариқа Ярат-

ганининг ердаги халифаси — Инсон ўз эгасига тақдир қилади ва у берган куч-қудрат, салоҳиятнинг ҳосиласини намойиш этади, билвосита ўзини танийди, тасаввурга келтиради, ўзланини топади. Демак, илм-фан, санъат, ҳунар инсоннинг туғма фазилатларини рўбга чиқаришнинг дунёвий воситаларидир.

Ҳар бир халқнинг тарихий тақдир, аңғанавий турмуш тарзи билан узвий боғлиқ бўлган бадийи хотираси ҳам мавжуд. Бу бадийи хотирада муайян бадийи образ муҳассамлашган. Бу бадийи хотира, бадийи образ гуёки қондан ўтиб, суяк суриб амал қилади. Сиз билан бизга тушуниш ноўнғай бир образнинг мазмуни бир неча асрнинг нарётидаги муайян андозабадийи образ қоди сифатида очилиши мумкин. Яъни «Чавки» ўйинига муайян бадийи образ сифатида ёндашадиган бўлсак, унинг келиб чиқиш сабабларини, гоят қадим даврлардан ахтаришимиз жоиз.

Биламизки, ажодларимиз чорвачилиқда, деҳқончиликда катта ихтиролар қилганлар. Таъкидлаганимиздай, буюк давлатларни қурганлар ва бошқарганлар. Бундай эзгу ишлар эса улут заковат, қаҳрамонлик билан рўбга чиқарилади. Модмики, шундай экан, маълум мақсадларга бўйсундирилган тафаккур жасорати, руҳ жасорати шунга мувофиқ равишда қайнаб чиққан куч-қудрат орқали амалга ошади. Ва бу ҳаёт ҳақиқати бадийи ҳақиқатда — «Чавки» сингари мардонга ўйналар кўзгусида ўз аксини топган.

«Чавки»ни ягона бадийи образ сифатида тасаввуримизга келтирсак, унинг ижросига узвий қуйидаги шартларни эслашимиз керак бўлади:

Бу ўйин бошланишидан аввал, албатта, гулхан ёқилади. Кейин олов атрофидиғи майдонда юртнинг дондур полволлари беллашадилар. Кураш давомида полволларнинг, томошабинларнинг қони қизийди, эҳтирослар жўш уради. Умумий бир жўш-хуруш жамоатни ақдид қилади. Кураш қанчалик паҳлавонлик мусобақаси бўлса, шуначалик эстетик заъф манбаи ҳамдир. Шу тариқа «қуриш» ясалди: реал воқеадан эстетик воқеаликка табиий бир ўйинида кўчилади. Лапарчилар, байтчилар, аскиячилар, қизиқчилар селдай тошадилар. Полвин йигитлар рақс тушадилар. Бу — йигитлар рақси. Мардик, қаҳрамонлик ихзори, ифодаси. «Чавки» ўз хусусиятларига кура полифоник ўйин. Бир гуруҳ йигитлар қарсак уриб қуйиладилар. Уртада бир неча ёвқур азаматлар ўйнайдилар. Уларнинг ҳаракатларида ер ҳайдаб, экин экиб, хирмон кўтарайтган деҳқоннинг, минималан олган юввоштириб катта пойгадларга тайёрлаётган чавандозларнинг, йўлбарста бас келаётган овчиларнинг ҳаракатлари бадийи инъикосини топади.

## ГАПЛАР ЭДИЮ, ҚОЛДИ

халқ фольклор-этнографик ансамблларининг сони 300 га етди, балки ундан ҳам ошди. Етти ёшли бола кўлига думбрия олиб, дoston айтиб даврага кирди. Бир оқдан дарё яна оқди. Халқнинг дехкони қайта қувватга кирди. Ўзбекистон тарихининг ўзига энг унғай дақиқасида гоят донолик билан иш тутиб, бир қатра қон тўкилишига имкон бермай, мазмуни асрлар давомида очилиб ва аңғалиниб, бойиб борадиган улут бир галабини қўлга киритди. Мустақиллигига эришди. Ажодларни буюк давлатларни қурган ва ўз ижодкорлик истеъдоди билан бошқаларни ҳайратга солган халқ яна миллий давлатчилигига асос солди. Катта Фаргона каналини — бутун бир дарёни бир нафас билан қазиган халқ бундан кура минг чандонроқ мураккаб ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, мафқуравий, фалсафий, диний ва бошқа умуммиллий, умуминсоний масалаларни доҳиёна бадиҳа ила ҳал қила олади. Бу ҳақиқат вақт ўтган сари ўз чинакам қадрини топа боради. Иншооллоҳ.

...Бундай умумлашмалардан кейин «Гулёр», «Омонёр», «Шалола», «Чавки» сингари фольклор-этнографик ансамбллари ҳақиқиди мавзуга қайтсак, сизга эриш туюлмасин. Бишнавот най, чун ҳикоят

мекунаид,

Гыз ҳижронидо шикоят мекунаид,  
(Жалолиддин Румий)

Улуғ ўзбек халқ шоири Фозил  
Йўлдош ўғли қуйлаган эдики:

Достон айтадм машқ учун деб  
мен ҳам тўйда,  
Гулухан ёқиб «Чавки» булаган  
дала жойда.

Шундай қилиб, достончи «Чавки» ўйинининг шартлари сифатида тўйини, гулуханны, дала жойини эслатиб ўтади, яъни «Чавки» қудратли, бепойён ҳиссиётларнинг, чексиз чегарасиз кенгликларнинг бадиий ифодасидир. Бу ўйиннинг шартларидан бири сифатида оловнинг мавжудлиги унинг тарихий илҳизлари қадамият китобининг илк саҳифаларига — оташпарастлик давралига бориб улашишдан далолат бераётганга ўхшайди. Раққослар хатти-ҳаракатларининг маънолари ҳам шу қадамият изларини ўзларида сақлаётгандай. «Чавки»нинг Булуңгүр, Галлаорол, Фориш ва шу ўрамдаги бошқа туманларда тарқалганиги ва ўйин ифодаларидаги ҳолатлар Фориш тоғларида сақланиб қолган кўҳна одамлар сувратларидаги хатти-ҳаракатларга уйқашлиги ҳам «Чавки»нинг тарихий ёшнини аниқлашда асқатса, ажаб эмас.

Санъат кўзгуси бир халқнинг турли насллари ақсларини ўз хотирасида сақлайди. Таъбир жоиз бўлса, аждолар ақси неча пушт кейинги наслларга содда, тўпори кўришни мумкин. Ана шунда навқирон наслнинг кўзларидан нимкулгу ярқ этиб ўтиши мумкин. Бу нимкулгу юмронинг даракчидир. Юмор эса ақлнинг, ҳар томонлама баркамолликнинг меҳр-муҳаббатга тўла ҳамроҳидир. Унда кулгу объекти билан кулаётган ўртасидаги босиб ўтиб бўлмас узққ масофани кўздан яшира оладиган шафқат мавжуд. «Чавки» ўйинининг ажралмас йўлдоши бўлиши кўпиқларнинг ҳажвий рўҳданлиги бу бобоқалон ўйинни ижро этаётган навқирон йигитларнинг аёвли муносабатини аён қилиб тургандай...

Ўзбекистон — эр йигитлар рақслари ҳам яратилган юрт. Зеро, «Чавки» юртимиз мардона ўйинларга бойлигини яна бир марта эслатади. Ҳа, шу нарсани унутмаслик керакки, йигитлар рақслари ўз қўҳрамонлик рўҳи билан халқимиз кўксини ҳамisha балаңд кутариб келган.

Маҳмуд Қошгарий «Девону луготит турк» асарига келтирган халқ кўпиқлари оҳанглирида мардона рақсалор ойина жаҳондагидай кўриниб туради. Алишер Навоий ўз даврининг тенги йўқ раққослари номагарини гурур билан айтади.

«Чавки» ҳақидаги ўйларимиз халқимиз ҳар жиҳатдан баркамоллигининг тасдиғи билан тугалланса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

# ҲУНАРМАНДЛИК ҚАНТО ЁЙМОҚДА

(ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ УСТАЛАРИДАН  
НИМАЛАР КУТАЁТГАНИМИЗ ҲАҚИДА  
ШОХАЛИ ШОЁҚУБОВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ)

Иқтидорнинг турли қирраларини ўзида мужассам этган Шохали Шоёқубов каби инсонлар ҳаёлда камдан-кам учрайди. У моҳир наққош, уста ганҷкор, истеъдодли санъатшунос, ишнинг кўзини биладиган раҳбар ва аjoyиб лафзи ҳалол инсон. Муҳтарам ўқувчимиз, муболага ҳам эми билан-да, дейишлари табиий. Аммо гапларимизда ҳеч бир муболага йўқ.

Ўзбекистонда халқ амалий санъатининг қайта яратилишига сабаб бўлганларнинг бири Шохали Шоёқубовдир. Халқ амалий санъатининг усталари, уларнинг ноёб санъат дурдоналари, анъаналарнинг сир-синоатлари, бой тажрибалари йўқолиб кетаётганини кўрган Шохали Шоёқубов бундай ноҳил санъат дуру гавҳарларини эъзозлаб-асраш мақсадида атрофида ўзи каби куюнчақ санъат фидойиларини тўплади. Халқ амалий санъати анъаналарини давом эттириб, сир-асрорларини чуқур аңлаб етган устоздаларнинг бошларини қовуштириб, бирлашма тузишга киришди.

У республикамизнинг энг узоқ гушаларигача ҳам етиб бориб халқ санъати усталарини қидириб топди. Тобора йўқолиб бораётган халқ амалий санъати марказларини аниқлади. Еддан чиқаётган технологияни тиклашга, усталарни хом ашё билан таъминлашга ёрдам берди. У ташкил этган «Устоз» бирлашмаси Ўзбекистон халқ амалий санъати тақдирига лоқайд бўлмаган ҳар бир кимсани оҳанграбодек ўзига тортиди.

Шохали Шоёқубовнинг доимо атрофида қобилиятли, ўз ишига фидойи кишиларни тўплай олиш истеъдоди, ҳозирги кунда тобора ривожланиб бораётган «Мусаввир» фирмасини ташкил этишига унинг гуриқираб камол топишида жуда кўл келди. Фирмада уч юздан ортиқ мусаввир бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз соҳасини мукамал билади. Улар халқ амалий санъати анъаналарига риоя қилган ҳолда, фақат ўзларига хос услубдагина иш оқди қилади.


Яқинда «Мусаввир»нинг бош директори Шохали Шоёқубовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди. Шохали Каримовични фахрли унвон билан табриқлар эъланмиз,

унинг халқ ижодиёти келажағи, мусаввирлар олдига турган муаммоларни ечиш йўллари хусусидаги фикрлари ҳурматли ўқувчимизни ҳам бефарқ қолдирмас керак, деб ўйлаймиз:

— Уймакор усталарнинг ёнғоқ ёғочга анъанавий «паргори» ва «ислими» услубларида ўйиб ишлаган гузал нақшларидан ниҳоятингизни ўзломлайсиз. Нафосат бобидаги беназир кулоччилик, қандақорлик санъати асарлари, бадиий каштачилик ва гилемларнинг камалақдек товланишига нима дейсиз. Бундан ўн йиллар илгари бу санъат асарларини биз фақатгина музейларда ёки кўрғазмаларда кўришимиз мумкин эди, холос. Ўзимизга ёққан бирор маҳсулотни сотиб олиш, хонадонимизни безатиш ҳақида-ку, ўйлаб ҳам бўлмасди. Яқин-яқинларча халқ амалий санъати таңг аволага тушиб қолган эди. Аммо жамоатчиликнинг, халқ усталари санъати ва келажағига бўлган катта қизиқиши тугайли бу соҳада туб бурилиш ясади. Эндиларда Ўзбекистон ва бошқа кўҳгина хорижий мамлакатларда ташкил этилган кўрғазмаларда халқ амалий санъати усталари яратган аjoyиб асарлар тобора кўпроқ намоиш этилмоқда.

Баҳрейн, Бангкок, Будапешт сингари чет мамлакатларнинг пойтахтларидаги расомларимиз асарлари намоиш этилган кўрғазмаларида томошабинларнинг заъфи хитобларидан сўнг, албатта «Шартнома» тузасизларми? — деган доимий савол берилди. Мусаввирларимизга шўҳрат, республикамизга эса валюта келтирувчи бундай шартномаларни тузмай бўладими? Аммо халқ амалий санъати асарларига нафақат хорижда, балки Ўзбекистонда ҳам талаб катта. Хонадонини Бухоро гилами билан безатишни истаган, байрам кунлари Чуст дўпписини бошига кийишни истаган ҳар бир киши, ёки нозик дид билан ишланган зебгардон тақийини истаган ҳар қандай хотин-қизларимиз учун «Мусаввир» фирмасининг имкониятлари бисёр. Фақат бунинг учун кенг қуламдаги маҳсулотлар зарур.

Албатта, ҳозирги кунда ҳам аjoyиб маҳсулотларимиз кўп. Аммо биз ҳали ҳам халқ усталаримиздаги мавжуд имкониятлардан



## Шоҳали ШОЁҚУБОВ.

тўлиқ фойдалана олмаёмиз. Ташкент, Самарқанд, Хоразм, Фарғона vodiysi усталаридан уч юз нафар rassomни ўзида бirlаштирган «Мусаввир» ҳалқ амалий санъати ривожининг мисолида нафақат ижодий, балки салбий йўналишларини ҳам қўришимиз мумкин. Бир томондан, унутилаёзган амалий санъат анъаналарининг қайта тикланиши — мисол учун жиздон — яъни нақш қадаб беэак берилган теридан ишланган китоб муқовалари, қулдоқчилик асарлари, тиламлар, нақшинкор ўйинчоқлар, рўмолар, табиий ипак матолар, зардўзи либослар, кичик шаклдаги ҳайкалчалар, сандиқлар, ёғоч ўймакорлиги, журабилар, мусиқа асбоблари, пичоқлар — эҳ-ҳе, санайверсанг кети узилмайдди. Буларнинг барчаси қимматбаҳо асарлардир. Уларга борган сари талаб ошиб борапти. Биз Ҳиндистон, Бельгия, Исроил, Испания, Марокаш каби хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилишни, қўрғазмалар ва қўлма дўконлар очилишни тақайф қилишгапти.

Иккинчи томондан эса маҳсулдорликни сусайити, ҳал қилинмаган ижодий ва ташкилий муаммолар...

Мени қийнаётган нарса шуки, баъзи бир раҳбарлар интилаётгандек, ҳалқ амалий санъати маҳсулдорларини умумий ишлаб чиқаришга қўйиб бўлмайди. Улар фойда кетидан қувиб, энг асосий нарса — санъат асарининг бетакрорлиги хусусида қайғурмайдилар ҳам. Фақат мусаввирнинг қўллари ва заковатига бир нарча ёғоч ёхуд темирини шоҳ асарга айлантира олишдек мўъжизавий кучга қодирлигини наҳот билмасалар?! Мен

ҳар бир маҳсулдорнинг бадий-сифат даражасига етказишни ягона мезонимиз деб биламан.

Республикамизнинг турли гушаларида бўлганимда ёшларнинг расомликка бўлган қизиқишига эътибор бердим. Ҳар бир ҳавасманд ҳам моҳир ёғоч ўймакори ёки доғи кетган заргар бўлмаслиги мумкин. Аммо биз қанчалик кўп йигит ва қизларни ҳалқ амалий санъати сирларига ошно этсак, шунчалик кўп истеъдодларни кашф этиш имкониятига эга бўлмаймизми?

Топкент вилоятининг Сижжак қишлоғида яшовчи машҳур уста Анорқул Усмонқулов мени кўп марта қишлоғига тақлиф қилган эди. Устанинг айтишича, мактабни битирган, армия хизматидан қайтган кўшгина ёшлар ишсиз юрган эканлар. Иш топшир анча мушқул. Бекорчиликдан эса бошқа йўللarga кириб кетиш ҳам ҳеч гапмас. Биз билан учрашувга уч юз нафардан ортиқ йигит-қиз келди. Уларнинг аксарияти ёғоч ва ганч ўймакорлигини урганишини истар экан.

Ушанда «Мусаввир» фирмаси ҳисобидан ўқув ташкил қилишга шартнома тузилганди. Кўзга кўринган тажрибаи усталар Сижжакка келиб, ҳар ҳафта мобайнида ёш усталarga ҳалқ амалий санъати ботида сабоқ бера бошладилар. Ёшларни қанчалик завқ ва чанқоқлик билан янги ишга киришганларини бир кўрсангиз эди!?

Утган қишда ўқув машғулотларини вақтинча тўхтатишга тўри келган бўлса-да, ҳозир яна сабоқлар давом эттириляпти. Энг истеъдодли болаларни Ташкентда ишлашга қабул қиламиз. Агар уларнинг ҳар ўнгасидан биттаси моҳир ўймакор ёки ганчкор уста бўлиб етишадиган бўлса, қанчадан-қанча санъат асарлари яратилади. Айниқса, ҳозир ҳалқ амалий санъати, меъморчилик ва жамоат биноларини бешашга иштиёқ кучайиб бораётган бир вақтда бу қувончи ҳол эмасми? Алишер Навоий номи Академик қатга Давлат театридан тортиб, «Ҳаво йўллари» республика авиакомпанияси зали ҳам «Мусаввир» усталарининг яратган нақшлари ва ўймакорлик санъати дурдоналари билан безатилганини кўриб, меъморчилик ва ҳалқ амалий ижоди нақадар гўзал суратда уйғунлашиб кетганлигига амин бўламиз. Бу уйғунлик эса янги шакл ва мазмун касб этадики, натижада янги-янги мусаввирларга тобора эҳтиёж ушиб боради.

Мени сўнги пайтда асосий «вазифаси» фақат чўнтақ қанпайитириш бўлиб қолган санъат соҳасидаги баъзи бир ишбилармон кимсаларнинг пайдо бўлаётганини қавотирга солади. Улар узоқ вақтгача уз таровати ва сифатини йўқотмайдиган пигмент билан ишлаш ўрнига бундай хусусиятлари бўлмаган сувбўёқ ва гушадан фойдаланишдаги Ҳатто республикамизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга ҳам бундай асарларни со-

тишга муваффақ бўлишади. Узбекистондан ўз юртига совга билан қайтган хорижлик асарининг бугеги кўчиб кетаётганини қўргач, расомларимиз ҳақида яхши фикрда бўлмаслиги аниқ. Бунинг устига баъзи ишбилармонларнинг мусаввир дўконларидан сотиб олган асарларини икки, баъзан эса уч баравар қимматга сотишини ҳисобга оладиган бўлсак, ноқулай аҳволда қолаётганимизга гувоҳ бўламиз.

Ва ниҳоят энг асосий масала хусусида. Республикамиз ҳалқ бадий анъаналари ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Улакамизда юксак маҳоратли усталар сафи тобора қупайиб бормоқда. Бир пайтлар йўқолаёзган ҳалқ ижодиёти марказларини қайта тиклаш, ҳалқ ҳунармандчилигининг янги шакллари ривожлантириш борасида олиб борилган йўналишларни мен давлат миқёсидаги дастур, деб атаган булар эдим. Бунда нималарга эътибор бермоқ лозим? Ҳалқ санъати маҳсулдорлиги қўламини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни қупайитириш, замонавий шахарсозлик проблематикасига усталарни жалб этиш, маҳсулотни сотиш ва реклама қилиш масалаларининг ижодий жараёнини ташкил этиш, булар эса ўз навбатида ҳалқ ҳунармандчилигининг истиқболларини таъминловчи асосий далиллардир.

Эндиликда ҳалқ усталари ўзларининг уюшмаларини тузишлари вақт етди, деб, ўйлайман. Агар улар ўз ижодий уюшмаларига эга бўладиган бўлсалар, муаммоларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса биз «Мусаввир»чилар учун авваламбор маҳсулот ишлаб чиқаришни: яъни, (ганч ўймакорлиги, бадий нақшошлик, қулдоқчилик, папе машие оқ қозоғда миниатюра, эма тасвирий санъати, каштадўзлик, тиламдўзлик ва ҳоказолари) ривожлантириш демақдир. Аммо бунинг асосий шартин ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот устанинг ўзига хос бетакрор ижодини намоён этиши лозим. Мен ҳозирданқо эамалий санъат маркази имкониятларини қурайлман, фақат уни тезда ташкил этиш лозим, деб ўйлайман.

«Мусаввир» мамлакатимизнинг хоҳлаган шахрида ўзига хос ягона лойиҳалар буйича ўзбек анъаналари йўлида чойхона қуриши ва унга беэак бериши, миллий ресторан ёки бар, ёхуд ҳунармандларимизнинг асарлари сотиладиган дўконларни бунёд этиши мумкин. Узбекистон деб аталими ажойиб ўз-кў туғрисида одамларда тўшунча ҳосил қилиш учун қўп янгиликлар, кашфийотлар яратса бўлади. «Мусаввир»да расомлар сони тобора қупаймоқда. Агар малакаларини баҳоламоқчи бўлсак, уларнинг ҳар бири энг юксак маҳорат эгаси, деган номга муносибдир.

Сўхбатни Сурайе НАЗАРХУҲАЕВА уюштирди.

••• Таниқлаи олим ва ёзувчи Гайбулла ас-Салом узининг «АРМОН» деган фалсафий-публицистик китобини ёзиб тутатди. Унда муаллиф ўзи кўрган, билган воқеа-ҳодисалар хусусида бадиий мушоҳада юрятади. Қуйида ана шу асарнинг бир бобини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

БИР КУНИ, саксонинчи йилларнинг урталари бўлса керак, уйимизга аспирант шоғирдим Гулом Хужа келиб қолди. Ўзи рангпар, ориқ, касалманд йигит. Ҳар гап уни кўрганимда ичим эзилади. Асли шахрисабзлик. Қарши педагогика институтида олмон тилан домласи бўлиб хизмат қилган. Уч-тўрт йилдан бери Тошкентда. Аммо имга жуда чанқоқ, билагон, тиришқоқ. Пешонасининг тиришлари, кўзининг маънос боқишидан, икки гапнинг бирида чуқур хўрсиниши, бот-бот оғир нафас олиши, «уф» тортишидан бошига қандайдир ташвиш тушганини сезиб турсам-да, дабдурустдан сўрашга ботинолмадим. Ниҳоят, гап орасида луқма ташлаган бўлдим:

— Қани, оғайни, бахайр? Бизга қандай хизматлар бор? Сал ҳоргин кўринасизми? Елкангиздан нафас олапсиз?

— Ҳа, тўй қилишимиз керак, дома! — деди шу заҳотиёқ портлаб.— Тўй... Уфф...

— Нима, тўй?! Қанақа тўй? Қачондан бери тўй... мусибатта айланган? Менимча, ҳамманим тўйга етказин, бу инсон ҳаётининг гултожи-ку! Барча замоналарда шундай бўлган. Бунинг учун қайғуриш эмас, қувониб керак, бутам. Нақ утакамини ёриб юбордингиз-е. Бирон қор-қол бўлибдими, деб ўйлабман-е. Об-бо, хужамей!

Гуломжоннинг чиройи очилмади. Ҳамон ҳайкал янглиг менга маъносиз қараб турар эди.

— Ҳей, нима гап ўзи? Бундай тушунтириброк гапиринг, афанди?

— Уфф... Тўй...

— ???

— Э, тақсир, Сизга «тушунтириб» бўлмайди-да, буни! — деди у ҳасрат билан, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб, чертиб.— Бу дунё ташвиш билан ишингиз йўқ. Эл ичиде эмассиз. Фақат китоб билан гаплашасиз. Шу билан бахтасиз. Бу ёқда, пастанда, авом орасида нималар бўлаётганини кошқийди билсангиз.

«Эспирай, тинчликми ўзи? Эси жойидими бу йигитнинг? Ё тоби айнаб қолдимикан, а?» деган шубҳага бориб, унга синчи назари билан сарасоп солиб қарадим. Йўқ, ҳаммаси бинойидай.

— Бу гапларни қўйинг, Гуломий, — дедим парвойи фалак бўлиб.— Қачон ишингизни ҳимоя қиласиз? Мирзо кутиб қолдилар-а? Гуломжон Бобур асарларининг оломчона таржумалари юзасидан бир яхши илмий рисола ёзиб, номзодлик диссертациясини ёқлаш тарафдарида эди).

— Иложим қанча... Тўйни ўтказмай туриб...

— Э, қўйинг, шу тўй-пўйингизни. Узингизам, рости, пича вос-вос бўлиб қолибсиз,— дедим дашном бериб.

Йигит бор кучини йиғиб, жилмайган бўлди.


— Ростдан ҳаёлим паршон. Соғалим узингизга матулам. Онам ҳам ботоблар. Ешлари бир жойда. Укам, Сизга бир марта айтубдими чоғи, юк машинаси ҳайдар эди. Йул фалокатида бир болани босиб кетиб, икки йилдан буён ҳибсда. Елгиз қўлак. Бу ёғи... тўй.

— Ҳим... Дарвоқе, қанақа тўй ўзи?

— Уғилчамнинг қўлини ҳаёоллаш керак. Суннат тўйи.

— Ие, шунга шунча отагўри, қозихонами? Туртта одам. Битта мулла. Бир уста. Тагин икки-уч холис киши. Қаридош, қўшни дегандай. Бориники, ўзингиз билан ўн киши. Битта тўн. Бир лаган ош. Устага ун сўм пул. 100-150 сўм билан ора очиб. Вассалом.

Гуломий бирдан жонланиб, чеҳраси очилиб кетди.



# АРМОН

Кўларини ишқалаб, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Чакаклари очилиб, узини ичдан вулқондай қайнаб-портлаб келаётган кулгидан сира тўхтатолмасди. Чамамда, уриналаримиз алмашгандай эди. Энди у менга афанди-чалаш одам деб қараб, завқ билан куларди.

— Бунақада элинг маломатидан чиқмай кетадию бошим, домлажон,— деди у завқ билан.— Қанийди, жон дердим. Жўдани мураккаб, чалкаш, зиддиятли муаммони ҳамирдан қил сугургандай осонгина ҳал қиласиз-қўясиз. Ҳамма ҳам Сиздай ўйласа, олам гулистон бўларди-ку? Ҳолбуки, иш чигадан-чигал. Тўйни гултож дейсиз. Э, чақир тиканак! Ўзбекнинг ушгани — туянинг тегиши. Унинг тўйи билан азасини худо кўрсатмасин. Одамни кафангадо қилади...

Гулом Хужа билан мен баайни икки миллат киши-сидай, бошқа-бошқа тилда гаплашаётгандай, бир-биримизни асло тушунмаётган эдик.

— Саккиз-ун киши билан тўй бўладими, отагинам? Камида беш-олти юз киши келади. Эл-юрт, қаринодош-уруғ, ёр-биродар, тенг-тўш, қўни-қўшни чақирган бизниям. Элинг тўй-издиҳоми, маъракаси, йигини, худойисига борганман. Ошини еганман. Еган оғиз уялар. Мен ҳам катта дастурхон ёзмасам бўлмайди. Ўзбекчилик.

Ўзбекчилик... Раҳматлик дадамнинг билса ҳазил, билмаса чин қабилда айтган сўзлари хотирамга келади: ўзбекчилик бошга бало!..

— Хўш, бу «ўзбекчилик» неча пулга тушади Сизга?

— Пулни ки ҳисоблаб чиқибди дейсиз! Энг қақадигани — ароқ. Бу зормондан камиде ўн яшиқ олма-са тўй қизимайди. Артист ёки отарчи деганингиз ҳам шунча пул! Кунгил етарларга бунча тўн. Яна бир хит қиладигани — гўшт.

— Ҳади қўй ҳам сўзсиз бу кетишда?..

— Қўй-ку нақд. Маслаҳат опининг узига битта қўй урвоқ ҳам бўлмайди. Мол сўйилади. Бука!

Одат бўлиб кетгани учун балким ўзимизга унчалик билинмас. Барча мусулмон халқлари орасида тахна тўйини бу қадар довруғ билан ошириб-тошириб юборадиган бошқа бир эл-юртини топиш қийиндир. Ҳамма ёқда жарчи қўйилади. Карнай-сурнай чалинади. Той безатилади. Бир хил жойларда купкари берилади. Қисқаси, бутун оила бир неча йил мобайнида тўйга «бюджет» тўпалайди. Кафтга жун чиқишига ишонши мумкин-дир балким. Аммо ўзбегимнинг боши йил — ун икки ой тўйдан чиқмайди. Тўй бор жойда аза ҳам бор. Тўй-аза-тўй-аза... Қанчадан-қанча кули қисқа одамлар бир кунлик тўй деб тиззасигача қарзга ботган. Ишда тағидан камомад чиқади. Ҳибсга олинби, қамалаб, кетган одамлар қанчадан-қанча. Тўй-ку бир кунда утади-кетди. Аммо серфарзанд ўзбек хонадониде тўй кетидан тўй келиб туради. Кети узилмайди. Ўзбек хо-

надоли умр бўлиб туйинг сарф-харажатларини тўлайди. Надири қарзини узолса...

Инсоннинг бахти, балогати, фарогати, камолоти йўлида қилинадиган ҳар қандай сарф-харажатлар охири-оқибатда узини қоплайди ва оқлайди. Углингизни бирон хунарга ургатмоқчисиз, дейлик. Харажатсиз иш битмас. Қилинг иш ишни. Қизингиз бирон хорижий тилини эгаллашга иштиёқманда. Муаллим ёллаш керак. Шаштини қайтарманг. Харажатдан қочманг. Жиянингиз, дейлик, Олмонияга ёки Америкога бориб ўқимоқчи. Кумакашинг. Уч-тўрт сум харажатдан қочманг. Укангиз бирон корхона очмоқчи. Майли, оддий мих ишлаб чиқазсин. Қарашиб юборинг. Қимтинги турманг.

...Лекин... Лекин мана бу хатна туйига тупунмайман. Қуръони каримнинг қайси сурасининг қайси оятига ёки Ҳадиси шарифининг қайси фасида, қай бир шариатда ҳукм қилинибди ёки ини берилайбиким, Аллоҳ таоло ё бўламса дини ислом номларидан бундоқ ношаръий, номатлуб ишлар қилинсин, хонадон вайрон бўлсин деб? А?

Хоҳ куд, хоҳ уа! Масаланинг моҳияти нимада ўзи? Боланинг этидан бир бўгин тери кесиб ташланади. Вассалом. Мусулмонлар билан яҳудийларда бор шундай урф. Бу иссиқ иқлимда яшовчи халқларда, табиий эҳтиёж натижада келиб чиққан. Дин пешволари шунга ҳисобга олиб, изи берган, шаръий қилинган, суннат қаторига қўшилган. Қизиқ. Бирон сабаб орқасида шундай «ташмир» (операция) қилинмаган тақдирда ҳам, киши ўлиб қолмайди, аслида. Бироқ агар, дейлик, кўр ичак (аппендицит) сингари инсон вужудига ҳеч бир керакисиз ортиқча усимта касалланганда, масалан, йирингланганда, вақтида кесиб ташланмаса, одам ҳалок бўлиши ҳеч гапмас. Дейдиларки, Гарб давлатларида гудак тугилиши биланок аппендицити олиб ташланаркан. Чунки, ким билсин, бир кун вақти келиб, у ҳаёт учун хавф тугдирши, инсонни ҳалокатга дучор қилиши мумкин. Шуниси ҳайратангезким, инсон кўр ичкадай бир фалокатдан халос қилинганда лоақал кичикроқ бир зифат ташкил этиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Худди шундай бир нарса — хатнанинг намуна «обрус» балад, даҳмазаси кўп бўлмаса! Ҳолбуки, хатнани дин фарз (мажбурий) эмас, суннат (урф, анъана, ихтиёрий) деб эълон қилган. Йўқ-йўқ. Алҳазар. Мен суннат қилишга, боланинг қўлини ҳалоллашга асло қарши эмасман. Бу жуда ҳам зарур. Туй қилишга ҳам эътироз йўқ. Юқорида айтганимдай, узимча, ута мураккаб бир муаммога айлиниб қолган хайрли ишни ута жун ҳал қилишга ҳам мойил эмасман. «Аршин мол-олондаги қўрумсоқ бой сингари, «битта мулла, бир калла қанд, уч сўм пул...» қабилида...

...Гулوم Хужа бу мулоҳазаларни чурқ этмай тинглади. Эътироз ҳам билдирмади.

— Эҳтимом, мен муаммони ута жун тушунарман. Лекин Сиз ҳам, ҳужам, ута мураккаблайгирагирсиз.

— Мен эмас.

— Ким бўламаса?

— Халқ.

— Халқ? Қайси халқ?

— Шу, узимизнинг халқ-да.

— Халқ ҳар хил бўлади, бўтам: авом, оломон, тўда, гуруҳ, фуқаро бор. Сиз катта бир олийгоҳнинг домласи бўла туриб, тўйга онамининг соғиб ичиб турган сирини сўяман, дейсиз. Уша Сиз айтган «халқ» шунга фатво берадими? Сиз шундай десангиз, бошқадан нимани куттиш мумкин? Ахир, эл мусулмон, халқ мусулмон дегандай, одамлар кўр ва оварс эмас, айтадимики, шодон-ку шодон, ўтри-ку ўтри, аммо манави туппа-тузук, ақли расо олийгоҳ домласининг қилаётган ишини қаранг деб? Сўф-е сендақа олимга, дейдими? Бирон жойда эшитганмисизки, фалончи бергина ҳалол маоши билан дангиллама туй қилибди, деб? Профессор, академикнинг ҳам қўлидан келмайди. Унутманг: катта қарз кутариб, соғлигидан айрилай, огриниб, малол келиб қилинган туй — дин, шариат тили билан айтсак, ҳаром, қонун ва ақд тили билан айтсак — жиноят. Ҳеч қим, айтилайки, ҳовлисин билан сўйб ёки оила, бола-чақасининг риқзини қийиб, туй қилиш у ёқда турсин,

ҳатто Маккайи муқаррамага ҳажга ҳам бормайди. Ҳаж қилиш нақадар муқаддас ва зарурий аҳком бўлмасин, у гайри имконий бўлмаслиги, оила бу ёқда таъминланган бўлиши шарт.

Қисқаса, шундай қатъий тўхтама қелдик. Аспирант Гуломий углининг қўлини ҳалоллайди, албатта. Баҳоли қудрат, дегандай. Туй-пуй қилмайди. Ишлари ўнглиниб, ўзи тузалиб, укаси озодликка чиқиб келганидан сўнг, номзодини диссертациясини эсон-омон ёқлаб олгач, «чорғок бир туй қилса қилар. Башарти, ушанда ҳам фуржаси келишмаса, кейин, мавриди билан бир гап булар. Аммо «қозир», шу аҳволда, туй ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мабоодо, утинги нобатта омай, «ўзбекчилик» деб ўзини даврага урса — ора очик. Илмий раҳбарликдан воз кечаман, деб дағдага қилдим. Бошқа бир шогирдим, бухоролик Мамаражаб Сулаймоний билан ҳам орамизда худди шундай ҳужбат бўлиб утган эди. Ҳар иккала тадқиқотчи ҳам ҳозир фанлар номзоди, доцент. Мен уларни катта хижолатдан чиқарганини ҳақиғача айтиб адо этишмайди...

Бизнинг одамларга жуда раҳимин келади. Узини, соғлигини ўйламайди. Бола-чақа ташвишда ёнади. Ҳар битта боласини тишида катта қилади! Дунёда бизнинг одамларчалик болалож халқни топиш қийин. Фидойи, меҳнатқаш, меҳрибон ва меҳмондўст халқ бизнинг халқимиз. Айни вақтда ёш авлодга энг... бепарво халқ ҳам биз бўламиз.

Ҳар бир миллат ўз қавми тақдирини ўйлаши керак. Томчида қўёш ақс этгани сингари, алоҳида олинган ҳар бир шахсда миллат яшайди. Шахснинг уй-фикрлари, хатти-ҳаракатлари, қилаётган ишлари, қилаётган ишлари, юриш-туриши, хатто қандай кулиши, изтироб чекиши, йилгалишга қараб унинг қандай миллатга мансублигини бехато айтиб берса бўлади. Айни вақтда ўзини ҳурмат қиладиган, қомил инсон деб биладиган ҳар бир шахс миллатни ўйлаши, унинг тақдирини, равнақи, келажак ҳақида қайгуриши лозим. Олайлик, мен ҳар гал дорилфақнда биринчи дарсимни, иак сабоқни шундай бошлайман:

— Сиз билан биз ўзбекмиз. Ота-боболаримиз, етти пуштими ўзбек бўлган. Ҳали «ўзбек» деган сўз дунёга келишидан илгари, кейинчалик, эл-юртимизга шундай ном берилаган кезларда ҳам ҳатто ўзбекларни ўзининг ганими деб билган баъзи улуг инсонлар, шоҳлар амирлар, султонлар, лашкарбошилар, не-не донишмандлар ҳам... ўзбек бўлишган. Бу улуг алломаларнинг номи билан халқимиз фахрланади. Мен, катта-кичиклигидан қатъи назар, дунёдаги барча миллатларни ҳурмат қиламан. Одатда, шахс миллат танламайди. Шахсни миллат тугади. Бас, биз, ҳар биримиз Аллоҳ-таолонинг иродаси ва марҳамати билан дунёга келганмиз. Бизни тугдирган ва туққан ота-онамизни қанчалек севсак, узимиз мансуб бўлган миллатимизни ҳам шунчалик ардоқлашга бурчалимиз. Ўз миллатини, унинг шаън-шавкатини, салоҳияти ва қадриятларини оёқ-ости қилган, унинг дардига малҳам бўла олмайдиган киши қандай мавжудот бўлса бормир, аммо инсон эмас. Сиз ўзбекисиз ва, аввало, шу билан бахтлисиз...

Сунгра мулоҳазаларимни давом эттириб, асосий мудавога кўчаман.

— Ўзбек деган номни баланд кутаринг. Ўзбек деган номни ифтихор-ла ўзингизда «ташинг». Миллатинг нима? деб сурасалар, «Ўзбек» деб айтишдан уялманг. Ҳа, бир умрга ўзбек бўлиб қолинг, Аммо... яҳудий бўлинг!

Гап манга шу ерга келганда, тингловчиларим портлаб кетади.

— Нечук?! Бу гапда мантиқ йўқ, «Ўзбек бўлинг... Аммо яҳудий бўлинг!» Буни қандай тушуниш керак?

Сунгра мен шавкатли миллатимизнинг, халқимиз, эл-улусимизнинг оёғини кишанлаб турган, унинг ўзига муносив бир тарзда кенг қанот ёзишга, юксак-юксакларга парвоз қилишга монелик қилаётган нуқсонлар, қусурлар, бязан айнан одамохуналик, беназир, мислсиз бағри кенглиги, қули қадоқчили, меҳмоннавозлиги ва бўлак инсоний фазилатларидан келиб чиқётган... қусурларидан куйиб-пишиб гиришаман. Мана,— дейман,—...Сиз! (талабалардан бирига ишора қиламан). Отангиз ким бўлиб ишлайди? Ҳа, фалончи.

Онаниз? Уй бекаси. Онанизга нечта фарзанд бор? Дейлик, еттига. Онанинг даромади?... Ва ҳозир. Хўш, Сиз мусиқа чаалишни биласизми? Мабодо танбур чертмайсизми ёки пианино чалмайсизми? Йўқ. Шоҳмот уйнашга қалайсиз? Йўқ. Шашка уйнашдан унча-мунча дейсизми? Хўп, шунигина ҳам шукур. Спортнинг қайси тури билан шуғулланасиз? Бокс? Кураш? Гимнастика? Теннис? Самбо? Чавандозлик? Чағни? Турниқда неча марта гавдангизни кўтара оласиз?... Хуллас, даяран ҳамма саволларга — нол. Ана холаст! Энди — Сиз (бошқасига бармоғини ниқтайман). Таржиман ҳолага доир ўша таниш оилавий сўроқлар: ота-она, касб-кор, даромад манбаи, рўзгорингиз катта-кичиқлиги ва ҳоказо тафсилотлар... Ўзбекчадан бошқа қайси хорижий тилларни биласиз? Лаббай, урсичанча? Яхши. Яна? Елка қисилиб, жим қолинади. Арабча? Инглизча? Форсча? Олмонча? Французча? Балким япон тилини биларсиз? Қайқад! Мусиқа чаалишдан хабарингиз борми? Ашулаҳонликка қалайсиз? Лоқақал киргойи қалайсиз? Дарвоқе, киргойи нима, биласизми? Билмайсиз? Ие. Балким яхшигина рассомдирсиз? Театрга тушиб турасизми? Лаббай, телевизор кўраман дейсизми? Пазандликка тобингиз қалай? Айталай, палов пишириш, нон ёпиш, қандолатчилик қўлингиздан келар? Сигир согиб кўргансизми? Сигир соғиш аёлларнинг иши дейсизми? Ҳим... Унгадан тўққизта сўроқ (агар ҳаммаси бўлмаса ҳам) жавобсиз қолади.

Тарс ёриланан. Хўш, нимани биласиз ўзи, буталарим? Биров ёлган номни ейиш, биров айтаган қўшиқни тинглаш, биров соққан сугни ичинг ҳар кимнинг қўлидан келади. Э!..

Хўп анови, бурчакда кўзларини яшириб ўтирган бир қизга муржолат этаман. Хўш, Сиз қаерансиз? «Ха, Тошкент шаҳриданман». Навбатдаги саволларни кутмасдан оқ гапира кетади: роаял чаалишни биларкан. Унча-мунча расм чизаркан. Тожик тилида тушпа-тузуқ гашлашаркан. Таңдирда нон ёпа оларкан. Дилим ёришиб кетади. «Офарин! Дадагизни ким бўлиб ишлайдилар!» «Шу ерда, Тошкент дорифунунида Ўзбекистон тарихидан дарс берадилар». «Ҳай-ҳай! Ойингиз-чи?» «Аям табиб, ҳам экстрасенс. Бемор кишиларни даволайдилар». «О, ноёб мутахассис эканлар». «Ҳайрият-е» дейман, ўзимча, мамнун бўлиб. «Қайси маҳаллада турасизлар? А. Авичена кўчасида? Галат... «Авичена» ким ёки нима узи?» «Билмадим». «Дадагиз ёки аянгиздан сўрамагансизми?» «Сўраганман. Билгимас экан. Бу нима эканини кўчамизда ёшу қари ҳеч ким билмайди...» Ёпирай! Бир чеккадан тушунтирга бошлайман: нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки Урта ва Яқин Шарқ, алахурус, бутун Шарқ, Оврупо ва Осиё қитъаларида доғти чиққан, бордингки, дунё яхши танийдиган узимизнинг уағ аломма, беназир табиб, улкан мутафаккир олим Абу Али ибн Синонинг табаррук номлари-ку бу? Оврупода ул этни қандай атайдилар, биласизларми? Ўша қизинг ўзи жавоб беради: «Авиценна». Баракалла. Ана шу урсича талаффуз ва ёзува — «Авиценна». Лотин ёзуви ва талаффузда эса — «Авичена» бўлади. Мени ҳайрон қолдираётган нарса Тошкентнинг бир кўчасига шундай ном қўйилгани эмас, балки Ибн Сино бобомизнинг исм-шарифлари ул мутафаккир зот таваллауд топанг узимизнинг Бухорой шарифдан эмас, балки нечук тақдир ила узоқ Овруподан, лотинча талаффузда кириб келганидир! Фараз қилинг: агар ҳозирги Юнонистоннинг Афина шаҳридаги кўчалардан бирига... «Афлотун» деган ном берилса, бу ким эканини греклар қаёқдан ҳам билсин. Улар Платонни билдишади. Бу ул уағ ҳақимни Шарқда, арабча алфозда «Афлотун» аташларидан улар беҳабар бўлиши ажабланарди эмас.

Мени тинглаётганлардан бири, ниҳоят «узипи кўрсатмоқчи» бўлади. Тош кўтаршиб, кураш тушиш, кўчари бизнинг илшимизмикин, домла? Мана, махсус бадан тарбия институти, ҳарбий мактаблар бор... Ҳим. Яна бири тилга қиради: ашулаҳонлик, дойрасозлик, рубоб чаалишга, сурат чизишга, консерватория, театр-рассомчилик олийгоҳи, махсус билым юртлари бор... Уларни ўша ерда ўқитадилар. Шундайми? Ҳим! Тагин бирови ўтирган жойида лўқма ташлаган бўлади: нон ёпиш, ош дамаш, сигир соғиш ҳам иш бўладими!

Уларни саводсиз бўлсалар-да, бувимиз ҳудудирадиалар бундай ишларин... Ҳим!!

Ундай бўлса, сизлар билан ҳеч қачон умумий тил топа олмаст эканмиз. Хўш, қани, айтинг-чи, дунёвий спорт турларидан ва мислсиз санъат бўлмиш шоҳмот Ҳиндистон, Эрон ёки Марказий Осиёда кашф қилинган, деб ҳисобланади. Не ажабким, бу гузал ақлий спорт турини бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз кашф этишган бўлса-да, биронтаи ўзбек жаҳон чемпиони бўлмаган? Йўқ. Жаҳон совридорлари нари турсин, юзлаб гротмейстерлар орасида биронтаи ўзбек ёки турк, форс ёки ҳинд йўқ. Ҳеч кимга сир эмас: яхудиалар биринчи ўринда! Сизнинг мантиқингизга кура, қачон Тошкент жисмоний тарбия институтидан жаҳон чемпиони чиқишини кутиб ўтиришимиз керак экан-да, а?... Кимни айтади бизни Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Маалик, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайбонийхондай номлари бутун дунёни титратган машҳур фотиҳ, жаҳонгир, саркардаларнинг ворислари деб? Маршал ҳақида гапирмайман, Собир Раҳимовдан узга, ўзбекдан нечта жанговар генерал бор? Уларнинг, лоқақал, номларини биласизми?... «Нон-ош бувимизнинг бўйнида», деди кимдир. Баали. Сиз бувингизнинг бўйнида утирибсиз. Фалокат шунда-да. Узингиз буви бўлганда кимнинг бўйнида турасиз? Нон-шудсиз. Фикрингиз палағда. Шунинг учун дейманки: Ўзбек бўлинг, ва... яхудий бўлинг. Алхамдулиллоҳ мусулмонимиз. Аллоҳга шукур, туркий қавм, ўзбекмиз. Аммо бу кифоя эмас. Бутун биз дини, ирқи, миллатидан қатъи назар, дунёнинг барча илгор халқларидан ўрганишимиз, узимизга керак бўлган нарсаларни улардан олмишимиз даркор. Масалан, дунё фани, техникаси, санъат, спорт, тил билгичлики, савдо-сотих ва молиявий сийёсатда уларнинг олдига тушадигани кам. Яхудий даставвал нима қилади? Бола тарбиясига жуда катта эътибор билан қарайди. Емаса эмас, ичмаси ичмас, киймаса киймас (ваҳоланки, ейишни ҳам, ичини ҳам, кийинишни ҳам билади...), боласи — ўғил-қизини тарбиялайди. Узига, динига мустақкам. Қорни тўқ, уст-боши бут бўлишини таъминлайди. Соғлом қилиб ўстиради. Биринчи тада керакли тилларни ўртадади. Мусиқавийликка алоҳида диққат қилади. Ана ундан кейин — спорт. Ёнидан қўшимча харажат қилиб бўлса ҳамки, фан асосларини, аввало, табиий-риэзиюн ҳамда техника фанларини эғлалашга қўшиш қилади. Уз ҳақ-ҳўққунини яхши танийдиган қилади фарзандини. Яна бир муҳим фазилати: бу ақил миллат. Уз диндингнатига садоқатли. Яхудиалар қапшоққ, тилангична-дадо чиқишига асло тоқат қилолмайди. Буни бутун миллати инсон деб тушунади. Арзиманг нарса учун уз қавминни сотмайди. Умирида бир-бирини кўрмаган икки яхудий бир-бирини бир қақирим масофадан туриб танийди! Табиий, уларда ҳам олий ва паст ирқлар бор. Лекин муомала ва оқибатда энг паст яхудий ҳам улар учун бошқа миллат кишиларига қараганда устун ҳисобланади. Эҳтимол, минг йиллар давомида узинг тубжой ватани бўлмай келганиданми ёки бошқа сабабдан, улар ҳар қандай миллатни ичдан эмирадиган маҳаллийчилик иллатидан холи. Бу гапларни айтишим уларни қандайдир олий ирк, идеал миллат деб билишимдан ҳам эмас (ҳар бир миллатнинг ўз олийжаноб хислатларини, нуқсонлари, қусурлари бўлади, бундан яхудиалар ҳам холи эмас), аини шундай фазилатларни мен уз миллатимда ҳам кўришни жуда-жуда истардим.

Инглизалар билан финлар, фаранглар билан араблар, омонлар билан турклар, японлар билан афтонлар, испанлар билан италийнлар, урсилар, латишлар ва бошқа миллатлардан ўрганадиган нарсалариниз жуда кўп. Шак-шубҳасиз, ўзбекининг ҳам жаҳон халқларининг инсоний-миалий ҳазинасига инпом этишга арзилгулик (бағрикенглик, саховатпешалик, меҳнатсеварлик, тугрусўзлик, ялангўшлик...) ажойиб-ғаройиб сифатлари мул.

Ўзбекистон — келажати буюк давлат деб шобён қилган эканмиз, бу келажакни таъминлайдиган, уни чинакам буюк қиладиган омиллар нимаалардан иборат? Бу бир қарра буюклик шохсупасига олиб чиққан муаззам, заълорай тарихга эга бўлгансизми. Дарё бир марта оққан узандан яна оқадди. Оққанда ҳам қўдарати қуч

ва саддам билан тўлиб-тошиб оқади, иншоолоҳ. Мамлакатнинг жугрофий маъқеи (Марказий Осиёнинг қоқ маркази бўлиб турганлиги), катта табиий бойликлари ҳам бунга далил бўла олади. Айниқса, халқнинг салоҳияти. Тинчликсеварлиги, ўзаро фуқаровий ҳамда миллий тотувликка мойиллиги, атроф билан яхши қўшничилик муносабатлари урната олгани, бағри кенглиги, ҳалоллиги ва нияти тўғрилиги ҳам шундан далолат беради. Минг йиллар мобайнида аждодлари қўриб-кечириб келган халқ бу. Катта табиий ва яхтимойий имкониятларга эга бўлган эл-юрт. Бироқ имконият, ўз номи ўзи билан, имконият. Қўлай фурсат етмаса, имконият амалга ошмай қолиши ҳам мумкин. Ёки, аксинча, айтарли табиий бойликларга эга бўлмай туриб, мамлакат кўтарилиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Айтايлик, шуврий воқелик шароитида халқимизнинг миллий салоҳиятини таъминловчи идиллар қирқиб қўйилди. У бошқа эл-юртларга, Марказга бус-бутун қарам бўлиб қолди. Уни юксакликларга олиб чиқаётган қанотлари қайрилди. Дейлик, Японияда бунинг акси содир бўлди. Уруш талафотлари ва урушдан кейинги отир асоратлардан ўзини ўнглаб, Амриқо ҳамда Ғарб оламининг уқан ёрдами ва ўз халқининг мисасиз гайрат-шижоати натижасида ўзини ўнглаб, жаҳондаги энг кучли етти давлат қаторидан ўзига тўла муносиб ўринни эгаллади.

Ўзбекистоннинг, ўз ўтмиши сингари келажаги буюк давлатга айлиниши учун бугун амалга оширилаётган бир қанча ишлар кишини хурсанд қилади. Булар: кексаларга жуда яхши моддий мурувват курсатилиши баъробарида, ёш авлод тарбиясига алоҳида гамхўрлик қилинаётгани. Ёш истеъодларга кенг йўл очилаётгани. Хорижий мамлакатларга бориб ўқиш, ўрганишнинг ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани. Иқтисодий-хўжалик, илмий-техникавий, аграр ва молиявий соҳалардаги қайноқ фаолиятларни айтмай қўя қолай. Таълим-тарбия, билим, маънавий ишларни яхшилаш соҳасида тагинам бир қанча тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ўйлайман. Чунончи, энг сертармоқ маориф хўжалигининг барча йўналишларини (болалар богчасидан — мактабгача...) тўдан-тўдан қайта қуриш керак. Олий таълим соҳаси ҳам худди шундай тўдан қайта қуришга муҳтож. Барча ўқув дастурлари, дарслик ва қўланмаларнинг мундарижасини ҳам, мазмунини ҳам синчковлик билан қайта қўриб чиқиш лозим. Соғлом миллийлаштириш майлига кенг йўл очилгани даркор. Зеро, эркин ҳаётга юзланган фуқаро кечаги ҳуқуқсизлик, қўллик ва мутеълик мафқурасини ўзида, онгида ва аъмолида минбаъд «ташмислағи» керак.

Мен бугун мамлакат бўйлаб чиннакам илмий-техникавий тафаккурнинг яратилиши, барқ уриб ривожланиши ва чуқурлашувини жондилим билан орзу қиламан. Замонавий саводхон техниклар, муҳандислар, конструкторлар, алоқачилар, компьютерсозлар, йўл қурувчилари ва бошқа юзлаб касб-ихтисос эгалари ўзимизнинг қора кўзлардан булишини хоҳиш этаман. Бунинг учун мамлакатнинг барча шаҳар, туман, қишлоқларини ёш техниклар клублари, муҳандислар уюшмалари қўллаб-оқибат иштиёқига ёнмам. Йирик заводлар, қонлар, қўшма қорхоналар қошида ёш-яланларга хунар ўргатувчи махсус бўлим ва лабораториялар ишлаб туришини кўргим келади.

Ва ниҳоят, диний тарбия масаласига тамом бошқача муносабат таини этилмоғи зарур, деб ҳисоблайман. Олий мактабларда «дин тарихи», «диншунослик» ниқоби остида, ҳайлан шаръийга қўра, моҳият-этибори билан кечаги атеизм ёхуд ундан ҳам баттарроқ турфа «диний қориншма»лар тарихи ўқитилаётганига чек қўйиш керак. Дин асосларини сохталаштириб талқин қилиш ва бу билан ёшларни баттар чақаштиргандан қўра, бундай таълим-тарбиядан тийилиб турган маъқулоқ, дин бошқа, хурофот бошқа, Маърифат бошқа, бидъат бошқа. Буларни чалқаштириш гуноҳи азим ва жиноят. Хурофотдан, нопоқликдан, мунофиқликдан халос бўлишнинг йўли битта. Олий мактабда соф динни, ислом дини, тарихи ва асосларини ўқитиш ҳамда ибодат учун талабаларга шароит яратиш вақти етди.

Бахтли одам фитна-фасодлардан чегалаб юрвчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир.

Ғалларнинг ёмони — бу ёлгончиликдир, ёлгонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота-ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўймасин! Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатта. Ёлгончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлгончи одамга ёмон баҳо берадилар. Ростгўй одам чин сузи билан бориб-бориб Тангри ҳузурида сидиқ (сузида содиқ) деб ёзиб қўйилади. Ёлгончи ҳам бориб-бориб унинг ҳузурида каззоб (ёлгончи) деб ёзиб қўйилади. Чақимчилик ҳам ёмон иллатдир, чунки у туйфайи одамлар уртаси бузилади.

Тиламчилик қўйидаги уч тоифадан бирлигига жоиздир:

1. Хун тўловчига.
2. Оғир қарздорга.
3. Мискин-қашпоқ кишига.

Бир мўмин бемор ётган мўмин биродарини қургани борса, босиб ўтган йўларида жаннат богларида юргандек бўлади.

Умнатларим ҳеч қачон залолатга ишга бирлашмайдилар. Қачонки одамлар уртасида ихтилофни сезсаларинг, купчилик томонга ўтиб олинган.

Имонли одам ваъдага вафодор бўлади.

Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бош оғригиданда бамсоли бутун тана оғригани кабилар.

Кишиларнинг молини ноҳақ ейишга уч одамлар қиёмат кунини дузахга маққумдилар.

Кишилар уртасидаги низо ва муаммолар хусусида тўғри фикр берадиган ва одилона ҳукм чиқарадиганлар яхши одамлардир.

Сенда Тангрига ва Унинг расулига маъқул ва маъқуб икки хислат бор: мулойимлик ва оғирлик.

Қурмаган тушини кўргандек гапириб бериш — ёлгоннинг ёлгонидир.

Бахтсизлик уч нарсададир: отда, хотинда ва ҳовлида.

Ҳадиси шарифдан.


# СЕРҚИРРА САНЪАТКОР

Мустақиллик шарофати билан истеъдодли созанда-ларимизга булган эътибор кучайди.

Моҳир ижрочи созандаларимиз Қобил Усмонов, Тоҳир Ражабов, Ҳалимжон Жўраев, иқтидорли созанда ва бастакор Қаҳрамон Комиловларга бултур «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берил-лиши фикримизнинг яққол далилидир. Созандалик-нинг айна кундаги аҳволини кўздан кечирадиган бул-сак, унинг ўзбек ижрочилик маданиятини юқори да-ражага кўтарайтганига гувоҳ бўламиз. Талантлар ҳар кунни тугилавермайди. Олий мусиқа даргоҳларининг ҳамма битирувчиларидан эса ҳар доим чинакам созан-далар қўчавермайди. Олий ўқув юрти фақат бошлан-гич сабоқнигина беради, чинакам иш эса уни битир-гандан сўнг бошланади. Ёш созанда ўз устида тинмай ишлаши, изланиши лозим, шундагина унинг истеъдо-ди барқ уриб яшнаши мумкин. Созанда бирдан шакл-ланмайди, балки у меҳнат ва фақат меҳнат орқали йиллар мобайнида камолга етади.

Истеъдоди кун сайин яшнайётган созанда ижрочила-римиздан бири Ўзбекистон Телерадио компанияси қо-шидаги Д. Зокиров номи халқ чоғу асбоблари орке-стрининг яккахон ва концертмейстери Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабовдир.

Тоҳир Ражабов 1946 йили Тошкентда, санъаткор ои-ласида дунёга келди. У ўзбек санъатининг сўнмас юл-дузларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъ-ат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат муко-фоти лауреати, академик Юнус Ражабийнинг фарзанди-дир. Академик Юнус Ражабий хонадониди адабиёт ва санъатимизнинг улуг даргалари бўлиш Гафур Гу-лом, Етим Божоқ, Турғун Каримов, Ортиқхўжа Имом-хўжаев ва бошқалар тез-тез йиғилишиб, ўзаро ижодий мулоқотда бўлишарди. Улар ижросида янграган куй ва қўшиқлар ёш Тоҳирнинг мусиқага булган қи-зиқишини яна ҳам опириб, уни 1958 йилда Глиэр номи мусиқа мактабига етақлади. Бу ерда у моҳир педагог Буривой Мирзааҳмадовдан қашқар рубобида чалиш сирларини ўргана бошлади. Талабалигидаёқ ўзи-нинг сергайратлиги, мусиқага булган чанқоқлиги ва берилган вазифаларни тез ўзлаштириши билан у ус-този назарига тушди. Б. Мирзааҳмадов Тоҳиржон ила янада жиддийроқ шугуллана бошлади. Бу ижодий меҳ-натлар Тоҳир Ражабовнинг ҳақиқий созанда бўлиши-да муҳим урин тутди. Т. Ражабов 1964 йилда М. Аш-рафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси-нинг халқ чоғу асбоблари бўлимига ўқишга кирди. Бу ерда унга профессор Ф. Н. Васильев устозлик қи-лди. У консерваторияда ўқиб юрган кезларидаёқ ранг-баранг барномаларга эга бўла бошлаганди. Тоҳир Ра-жабов ўз маҳоратини ошира бориб, нафақат ўзбек мусиқасини, балки рус ва Ғарбий Оврупо классикла-ри, Чайковский, Рахманинов, Бах, Бизе, Лист, Пагани-ни асарларини ҳам ўзига хос моҳирона услубда ижро эта бошлайди. Консерваторияни тугатгач эса, Ўзе-бекистон телевидение ва радиоси қошидаги Д. Зокиров номи ўзбек халқ чоғуларди оркестрида иш бошлади ва айна кунда оркестрнинг етакчи созандаси сифати-да обрў-эътибор қозониб келмоқда. Тоҳир Ражабов ўзбек санъаткорлари билан нафақат собиқ Иттифоқи-мизда, балки хорижий мамлакатлар — Сурия Араб Республикаси, Ироқ, Германия Демократик Республи-каси, Польша, Чехословакия, Болгарияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларида иштирок этиб, ўзи-нинг серзавқ ижролари билан мухлисларнинг сами-ий олқишларига сазовор булган. Ўзбекистон радио жамгармасида Т. Ражабов учун махсус яратилган бас-такор Қаҳрамон Комиловнинг қашқар рубоби ва ка-



Суратда: Тоҳир РАЖАБОВ.

мер оркестр учун ёзилган «Дўстлик пьесаси», Саутов-нинг «Қўшиқ ва рақс», М. Бафоевнинг «Поэма», С. Ҳайитбоевнинг «Баллада», З. Мироимовнинг «Поэ-ма», С. Александровнинг «2 концерт»лари бор. Улар тез-тез эфир орқали янграб туради.

Мухими шундаки, Т. Ражабов ҳеч қачон эришган ютуқлари билан чегараланиб қолмайди. У ҳамisha из-ланади, ижод қилади, бу, аввало, унинг меҳнатсевар-лигидан, ўзбек созандачилик санъатига булган чуқур ҳурматидаан нишонадир. Тоҳир Ражабовни қўпчилик созанда сифатида танийди. Лекин кейинги вақтларда у хонандалик бобида ҳам тааай ютуқларга эришмоқда. Бунга радио орқали янграётган «Гиря», «Баёт 1», «Баёт 2», «Чапандози қаландар», «Ушпоқ», «Дугоҳ Ҳусайн» ва бошқа ашулалар ёрқин мисоқдир. Унинг хонанд-лик фаолиятида акиси — Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳас-ан Ражабийнинг хизматлари катта. Ака ва ўка қўп йиллардан буйн биргаикда сермахсул ижодий муло-қотлар олиб боришқад.

Ҳа, Тоҳир Ражабов серқирра санъаткор. У куй ва қўшиқ ижро этганда, одамларни сел қилиб юборади. Ҳар бир ижроси эса чашмадай сержило, самодай ти-ниқ ва мусаффоидр.

Шухрат ЗИЁЕВ,  
М. Ашрафий номи Тошкент Давлат  
консерваторияси ўқитувчиси.



**Т**УРКИСТОН хақларининг миллий истиқлоли, Ватанимиз ҳуррияти ва шарафи учун бекиёс хизматлар қилган аллома ва давлат арбоби устоз Алихон тўра Соғуний Ўзбекистоннинг тарихий мустақилликка эришган кунларигача, афсуски, етиб келолмади. Аммо ул зотнинг Шуролар тазйиқи остида ҳам буюк аждодимиз соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузуқлари»ни юза-

Хақ таолога ҳамду саподин сунг айтурманки:

Сўзларнинг энг тўғриси Қуръон сузидир. Инсоннинг энг ишончли (охират учун зарур) бисоти — унинг иймони-дир. Динларнинг яхшиси — Иб-

Ёмон қўшиқлар айтиш шайтон сурнайду. Чағир (ароқ) ичиш барча бузуқлик онасидир. Хотунлар (ёмонлари) шайтон тузоғидур. Ёшлик телбаликнинг бир бутоғидур.

Касбларнинг энг ёмони суаҳурлиқдур. Шақкий онасидан туғилгандаёқ шақкий туғилур. Ҳар бир кишининг борар жойи тўрт газ ердур. Ҳар ишга охирида асои берилур. Барча ишнинг асоси тутанчисидур. Тушларнинг ёмони ёлғоччининг тушидур.

Мусулмонни сўкмоқ гуноҳдур, унга қурол кутармоқ қуфрдур, уни гийбат қиломоқ улугъ ёзиқ — айбдур. Мўъминнинг қонини тўкмоқ ҳаромдур. Анинг молларини тортиб олиш ҳам ҳаромдур.

Бир ишни қилурман деб қасам ичганлар уни қиломайду, Аллоҳ уни ёлғончи қилур. Кишининг хатосини кечирганни Аллоҳ кечирур, уни афв қилганни Аллоҳ афв қилур. Аччиғини ютган кишиларга Аллоҳ улугъ ажр (мукофот) берур. Мусибат кўриб, сабр этгувчиларнинг урнини (Аллоҳ) тўлдирур. Риё қилувчи кишиларга Аллоҳ ҳам «риё» қилур. Қўлаб сабр қилгувчиларга савоб қатма-қат бўлур. Амрини тутмаганларни Аллоҳ азоб қилур.

Расулуллоҳ хутба охирида:

«Эй, бори Худоё, менинг ва умматларимнинг гуноҳини кечирги», — деб уч марта айтдилар. Сунгра халққа қараб: — узим учун, сизлар учун Аллоҳдан афв утинман, — деб сўзларини тўхтатдилар..

Нашрга тайёрловчи  
Маҳкам МАҲМУД.

## РАСУЛУЛЛОҲ ХУТБАСИ

га чиқаргани ва бошқа фидокорона ижодий ишларини софидил мўъмин-мусулмонлар, Ватан фарзандлари сира унутмайди.

Биз, адабиёт, тарих, фалсафа соҳасида баҳоли қудрат қалам тевратган адиблар ва уламолар устознинг маърифатидан вақтида етарли баҳра ололмадик. Аммо, миллий истиқлол тўфайли, алҳамдулиллоҳ, диний-маънавий маърифатга йўлларимиз очилди. Бугунги кунда халқаро ислом тарихи ва маданиятини ўрганишга аҳд қилган олим Алихон тўра Соғуний билан Сайид Маҳмуд Тирозий — Олтинхон туранинг теран асарларига мурожаат қилмасдан иложи йўқ.

«Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Табуқ газотида, ғалабадан сунг ўқиган ажойиб хутбаларини Алихон тўра Соғуний гоёг юксак баҳолаб, бундай ёзади: «Агар биз мусулмонларга шу хутбадан бошқа ҳеч сўз Расулуллоҳдан қолмаган тақдирда ҳам, ёлғиз шу хутбанинг узи икки дунёда бизга раҳбарлик учун етарлик бўлур эди. Бу қутлуг хутбани ҳадис илмининг алломаларидан бир неча зотлар ўз китобларида келтирмишлар» («Тарихи Муҳаммадий»).

Шундан сунг муаллиф Расулуллоҳ хутбасининг арабча асл нусхасини, сунг ўзининг туркийча таржимасини келтиради. Биз барча авлодларга етук инсонлар бўлиб яшашнинг қонун-қоидалари, йўл-йўриқлари берилган бу табаррук хутбани Соғуний домла таржимасида тақдим қилоқдамиз.

роҳим Халилуллоҳ тутган ислом динидир. Йўларнинг яхшиси — пайгамбар йўлди. Сўзларнинг энг шарофатлиси Аллоҳнинг зикридир.

Эргашмоққа энг лойиқ китоб — Қуръондир. Дин ишларининг улутидин фарзларидир, энг ёмони анинг қўшимчаларидир.

Раविшнинг яхшиси пайгамбар равишларидур. Улимларнинг яхшиси шаҳидлар улимидур. Қўрларнинг кўри ислом динидан чиққанлардур. Ишнинг яхшиси охирагда фойдалиқдур.

Бошланишининг яхшиси эргашилганидур. Қўрликнинг энг ёмони дил кўрағидур. Оз бўлиб етарлик бўлса, йўдан оздирган қўлдан яхшидур. Узрларнинг энг ёмони — улим етганда айтилганидур.

Баъзи бир киши ихлоси йўқ, намозга кеч келур. Қайси билари ёлғондан Аллоҳ зикрини тилади қилур. Дил ёлғони гуноҳларнинг зуридур.

Бойликнинг энг яхшиси — кўнгил бойлиғидур. Озуқларнинг энг яхшиси — тақводур. Барча яхшиликларнинг боши Худодан қўрқмоқдур. Кўнгил хазинасида энг яхшиси — Аллоҳга ишонмоқдур. Дин ишларига гумон қиломоқ қуфрдур.

Ёқа йиртиб, соч юлиб йнгламоқ — жоҳилият одағларидур. Яширпн хиёнатлар тамут тошларидур.



Жаброн ХАЛИЛ ЖАБРОН

# «КЎЗ ЁШЛАР ВА ТАБАССУМ»

ТУРКУМИДАН

*XX аср араб адабиётининг йирик вакили, Лубнон (Ливан)да туғилиб, АҚШ ва Францияда яшаб таҳсил олган Жаброн ХАЛИЛ ЖАБРОН ижодида сўз билан ифода-лаш қийин булган руҳий олам манзаралари, тасаввуфий оҳанглар кучлидир. У мусаввир, мусиқа зарғари сифати-да ҳам машҳур. Адиб асарлари фақат бадий адабиёт хазиналари бўлибгина қолмай, балки руҳий, фалсафий, ахлоқий, маънавий изланишлар борасида ҳам қимматли-дир. Шоир, адибга АҚШ ва Оврупода олган билим маъри-фатидан ташқари қалбига илоҳий билимлар ва ҳис-туйгу-лар ато этилгани унинг руҳий кашфиётларидан сезилиб туради.*

*Адиб, шоир жуда кичик майдонда, сўзларни тежаб-тергаб кенг мазмунни, руҳ суврагати тасвирлай олади. Бу фазилятни унинг куйдаги мансуралари — нас-рий шеърларидан ҳам кўришингиз мумкин.*

Маҳкам АНДИЖОНИЙ,  
таржимон

## ОҲАНГ

Қалбимнинг туб-тубидан қайнаб чиқаётган оҳангни ифодалашга сўз бойлиги етишмайди. Оҳанг қалбим даласига сеппилган урт, у унинг яш-наб ҳосил бера олармикин? Бу уруғ сийё бўлиб, қоғозга тўкилгиси келмайди. Оҳанг қалбимни ҳа-рир пардага чулган ва у ҳеч қа-чон тилимдан сувдай тўкилишини хоҳламайди.

Мен бу оҳангни қандай оламга ипонаман? Ахир уни ҳаводаги гард-губорлардан ҳам асрагим келади. Оҳанг ҳам қалбим уйда яшашга ўр-ганиб қолган ва у ёғун дунёга чиқай деса, қўпол, кар тинглаовчиларга дуч келишдан қўрқди.

Кузимда оҳанг суратининг соя-си, бармоқларим учида оҳанг тит-рогининг садоси кўринади.

Тиниқ кўз юзасида юлдузли са-мо акс этгандай, қўлларим титро-гидан самовий оҳанг таралади. Кўз ёшларимда эса саратон сувҳидами-да тебранаётган гул уза қалтираб турган шабнамлар ялтирайди.

Бу оҳангни сукунат гиламдай ёй-ди, шовқин яна йиғинтириб ола-ди. Бу оҳангни тушлар такро-рлайди, уйғоқлик уни япирди.

Бу севги оҳанги, эй одамлар, Уни янграшга ҳазрати Исҳоқ қа-

ни? Уни жаранглатишга ҳазрати Довуд қани?

Бу оҳанг суман гулбаргидан муат-тарроқ, бундайнинг нозик атрни ким-ларнинг қўпол димоғлари хи-длайди? Бу оҳанг қим бола дилида асраган сир-асрор, бу сирларни қайси нозик тор қилгуси ошкор?

Денгиз суронларини булбул «чаҳ-чаҳ»ига уйғун қила олмай ким? Бўрон гулвашини чақдоқ нафаси-га эш қила олмай ким? Бу оҳангни Яратганнынг ўзидан бошқа ким ҳам куйлаша олади.

## МАВЖ ҚУШИГИ

Мен — денгиз мавжи билан со-ҳил бир-биримизга етишолмаётган ошиқ-маъшуклармиз. Бизни Эҳти-рослар яқинлаштиради, маконлар узоклаштиради. Кўпиқларим кумушларини соҳнанинг тилла кум-ларига қориб, унинг қалб ора ота-шига таскин берай деб, ложувард тонг ортидан келаман.

Тонг — сахарда севги аҳд-наймо-нини дўстим — соҳнанинг қулоғи-га шивирлайман, у мени бағрига босади. Оқшомлари соҳил гузал-лигини куйлайман, у мендан буса-лар олади.

Мен — денгиз мавжи асов, сар-кашман, маҳбубим эса сабр-бар-дошга, сабот-мадонатга пойдор.

Денгиз тўлғониб, соҳилга урил-ганда мен ўзимни соҳил бағрига отаман, тўлқинлар қайтаётганида соҳил пойига бош ураман.

Юлдузли тулларда денгиз туб-ларидан чиққан сув парилари — қояттошларда ўтирволиб, чарақла-ган осмонга қараб чексиз хаёл сур-ганларида неча бор улар қошида рақсга тушганман. Севгилисита етишолмаган ошиқ йиғит оҳ ва но-ла чекиб ўтирганида унинг юрак мавжларига неча бор ҳамоҳанг куйлаганман. Совуқ қоялар билан неча бор сўхбат қурдим, аммо улар соқов эдилар, неча бор уларга ҳа-зиллашиб, лутф қилдим, аммо улар кула олмас эдилар. Неча бор ден-гиз қарьларидан чўкканларнинг вуж-удларини ёғун дунёга олиб чиқ-дим, аммо улар жонланмади. Ден-гиз тубларидан неча бор дуру жа-воҳирларни олиб чиқдим, аммо улар муҳтожларга насиб этмади.

Борлиқ мавжудотлар ором олаёт-ган ярим тулларда ҳам мен бедор-ликда жонсарак, олам сирларини куйлайман. Уйқусизлик мени ҳол-дан тойдирди, аммо ҳорғиналик ҳам менга ҳузур беради, ахир ишқ маъносини бедорлик, беҳаловатлик эмасми?

## ЁМГИР ҚУШИГИ

Биз ёмғир томчилари — фариш-талар осмондан тушираётган куму-ш ипақлармиз. Табиат биз бил-лан водийларни базайди.

Биз — гузаллик маликаси Аш-тарга (Иштар)нинг гултожидан тў-килган ажиб марваридлармиз. Би-зни тонг қизи ўтираб, далаарга селиб юборади.

Мен кўз ёш туксам қир-адир-лар кулади, ерга сингиб кетсам — гуллар уни очилади.

Булул ва дала — ошиқ-маъшук-лар. Мен улар ўртасиданги меҳр эл-чисиман. Муздай томчиларим би-лан бирининг қалб ташналигини қондираман, бирининг дардига ши-фо бераман.

Момақалдироқ гумбури ва яшин чакмоғи менинг келишимдан дарак беради, осмоннинг қамалак гумба-зи менинг сафаримга яқун ясайди. Қаҳҳор эгам осмонда менга ҳаёт бахш этади, гузал қамалак фариш-таси кучоғида жон бераман.

Мен денгиз бағрида туғилиб, ҳа-вонинг ҳарир қанотларинда чарх уриб, яшил гулзорлар, боғ-роғлар-ни курганимда тўқилиб, гуллар-нинг гунча лабидан ўпаман, да-рахтларнинг новда ва барглари-ни кучиб, ардоқлайман.

Булутли, осуда дамларда биллур-дай томчиларим билан деразалар-

нинг ойналарини ногора қилиб ча-  
ламан, бу зарблар нозик кунгил-  
ларда қўшиқдек жананглайди.

Хаво ҳарорати булутларни эри-  
тиб ёлғирни ёғдиради, биз эсақ,  
қасдимизни олгандек, муздай сал-  
қинимиз билан хаво ҳароратини  
удирамиз.

Мен, денгиз нафаси, само кўз  
ёши, даладар табассумиман. Севги  
— ҳам шундай — ҳиссийатлар ден-  
гизининг нафаси, изтиробан ке-  
чинималар осмоннинг кўз ёшлари  
ва кунгил даладарининг табассу-  
мидир.

## ГҶЗАЛЛИК ҚҶШИГИ

Чирой — севги етакчиси, кун-  
гил атри, жон озуқасидир.

Чирой — бахт манзили, қувонч  
манбаи, ором бешиги.

Чирой — қиз лабидаги ханда,  
ийгит чиройни курса чарчогини  
унутади, умрининг сувсиз саҳро-  
си — ширин тушлар гулзорига  
айланади.

Гузаллик — шоирлар илоҳими,  
мусабирлар ва созандалар раҳна-  
моси.

Гузаллик — қақалоқнинг бегу-  
бор нигоҳи, она бу нигоҳини кўри-  
б, тиз чўкиб, Яратганга шукр-  
лар айтади.

Гузаллик — Одам Ато кўз олди-  
да Ҳаввога айланади. Сулаймон-  
нинг ҳабибаси бўлиб, уни шоир  
ва донишмандга айлантдири.

Гузаллик Елена Табассуми бў-  
либ, Илон (Троя) шаҳрини бар-  
бод қилди. Кулбатрога гултож бў-  
либ, Нил водийсини байрамгоҳга  
айлантдири.

Гузаллик — Раҳшонак бўлиб,  
олам фотиҳи Искандар қалбини  
забт этди.

Гузаллик — тақдир эркаси. У  
бугун куради, эртага бузади.

Гузаллик — Тангри қиличи ва  
ҳаёт томчиси, хоҳлаганини ўлди-  
риб, хоҳлаганига жон ато қилади.

Гузаллик — бинафша нафаси-  
дай нозик, бўрондек кучли.

Гузаллик — Ҳақ-Таолодир, Эй  
одамлар, Гузаллик — ҳақиқатдир.  
Биланларингиздан энг муҳими шуд-  
дир.

## ҚҶВОНЧ ҚҶШИГИ

— Мен инсонни севаман, унинг  
Содиқ йўдошман. Мен унга тал-  
пинаман. У мени соғинади. Аммо,  
хайотки, менинг мол-дунё деган  
ёмон кундошим бор. Биз инсон бил-  
дан қайта борсак, у бизни жосу-  
дай таъқиб қилади.

— Мен севганимни даладарда,  
дарактлар остида, кул соҳиллари-  
да излайман. Аммо, мол-дунё уни  
мафтун этиб, эс-хушини олиб, ша-  
ҳарга оломон орасига, бахтсизлик  
ва фалокатлар сари етаклайди.

Мен Инсонни Билимлар саройи-  
да, Ҳикмат қасрларида кутаман, ле-  
кин Мол-дунё уни худбиллик ва ба-  
хилилик, татмағирлик ва ноинсоф-  
лик сўқмоқларига бошлайдики, у  
бағритош қояларда бузуқлик алаф-  
лари говлаб ўсади.

Мен — Инсонни сабр-қаноат да-  
ласида кутаман, лекин Мол-дунё  
ишқи уни очкўзлик, қизганчқлик-  
нинг тубсиз жарликларига бош-  
лайди.

Шарқда тонг шафаги билан бе-  
занганимда Уни қақираман, аммо  
у, Мол-дунёни уйлайивериб чарчаб,  
тонгда ҳам ухлаб қолади.

Инсон мени севади, аммо, у йўқ  
жойлардан қувонч излайди. У,  
ёмон ишларида мени кўришни ис-  
тайди, аммо қувонч савоб ишлар-  
дадур. Инсон мискин, гариблар-  
нинг гам-қулафати эвзига келган  
олтин-кўмушларга қурилган шон-  
шўҳрат қасрларида мени излайди,  
мен эсам худ севаган камбағаллар-  
нинг кулабларида, меҳр-шафқат  
жилгаларининг буйларида Уни кут-  
аман. У мени гаддор ва қотиллар  
қийёфасида излаб, тазъим қилади,  
золимларнинг қўлларини ўпадади,  
аммо мен мусаффолик, ҳаё ва ибо  
чананларида уни ёлғиз кутаман.

Инсон менга Айёриликни совчи  
қилиб юборади, аммо Қувонч учун  
воситачи керак эмас, у фақат ҳо-  
лол, завқан меҳнат сурури билан  
мени топади.

Инсон менинг кундошим —  
Мол-дунёдан бақириж-қақириж,  
шовқин-сурон кўтаришни ўргана-  
ди. Мен эсам унга дилдан қўйнаб  
чиққан қувонч ёшларини тўкиш-  
ни, оромбахш чўқур нафас олиш-  
ни ўргатаман.

Мен дустимни излайман, у эса  
мени.

## ГУЛ ҚҶШИГИ

Табият гул тили билан сўзлаша-  
ди, унинг сўзлари хушбўй, муат-  
тар. Бу сўзлар тўкилагач, табият яна  
сўзлайди. Табият қалбидан чиқади  
бу хушбўй сўзлар. Биз — гуллар,  
ҳаворанг осмондан Ернинг яши  
гиламига тўкилган олуздорлармиз.

Мен, табият қизини қиш ҳоми-  
ладор бўлиб сақлайди, баҳор туга-  
ди, ёз етилтиради, куз эса ухлата-  
ди.

Мен — ошиқ-маъшўқларга ҳаё,  
тўйларга гулдастаю, гултож, инсон  
дунёдан кўз юмганда охирги дунё-  
вий мукофотдирман (абадий олам-  
да ажрини Ҳақ-таоло берур).

Саҳар вақти шабада билан бир-  
га тонг отганидан хабар бераман,  
оқшомлари қушлар билан бирга-  
ликда одамлар-ла хайрлашаман.

Водийларни ясантриб, ҳавоси-  
га атрлар сепаман. Ярим тунда ке-  
чанинг минглаб кўзлари мудроқ  
ичида менга қараб ором олади.  
Мен эсам, кундўзнинг бедор ниго-  
ҳини кутаман.

Тонг шабнамларини ичиб, май-

на, кўмирлар қўшигини тинглаб,  
майсаларнинг чапақларига уйни ту-  
шаман. Ҳамиша нурга боқаман,  
шунинг учун ҳеч қачон ўз соямни  
кўрмайман. Менга насиб этган бун-  
дай ҳаёт ҳикмати инсон ҳам ўр-  
ганса яхшийди.

## ИНСОН ҚҶШИГИ

*Айтинг (Эй Муҳаммад): Улик та-  
напизга жон берадиган, кейин  
улим берадиган, сунгир яна тирил-  
тирадиган, кейин ўзига қайтажа-  
нгитиз — Оллоҳни инкор қиласиз-  
ларми?*

(Куръони карим. 2-сура, 28-оят).

Аввал чексиз маконда Рухим су-  
зиб юрарди, тахаюл осмонда учу-  
рдим ва Арши Аълога яқинлашар-  
дим, энди эса жисмга қулдирман.

Бир замоналар Конфуций тазъи-  
мотини тинглади, Ба-Раҳман ҳик-  
матларига қулқ солдим, Билим да-  
рахти остида Буада билан сўхбат-  
лашдим, Маккаю Мадинада иймон  
шарафига эришдим, энди хоҳил  
ва мурутдалар билан курашмоқда-  
ман.

Тури Синода ҳазрат Мусога Та-  
нгри таоло кўринганидек, Ердан  
(Иордан) соҳилларида Назориялик  
Исо мўъжизаалар кўргизганида Ма-  
динада расулуллоҳ хутбалар ўқи-  
ган чоғларда ҳозир нозир эдим,  
эндиликда шакийлик (шубҳа) ту-  
рига асирман.

Боби қудратини, Миср шон-  
шўҳратини, Юнонистоннинг улгу-  
вор маҳобатини кўрдим, уларнинг  
барча қилмишлари — ожизликдан  
эканини, замоналар ўтиб хорла-  
нишини сездим.


Эндора сизгарларари, Оссурия  
коҳинлари, фаластин набийлари-  
нинг сўхбатларини тингладим. Э-  
нди эса мен ҳақиқат излайман.

Мен Ҳиндистонга ато этилган  
донишмандликни дилимга жо қил-  
дим. Араблар жазирасида қўйилиб  
келган Имруа Қайс ва Абул Аъло-  
дай шоирларнинг шетърларини ёд  
олдим, Фарб мусиқаси, Бах ва Бег-  
ховен яратган илоҳий садаларини  
тингладим, аммо ҳамон сўқирман,  
ҳеч нени кўрмайман, гарангман,  
карман — ҳеч нени эшитмайман.

Очофат истиглочлар босқинини,  
ёвуз ҳўқмдорлар ноҳақлигини, ёвуз  
қуддорлар жабр-зулминни бошим-  
дан синиб кўрдим, аммо ҳамон ақ-  
лим кирмади.

Шуларнинг ҳаммасини болалик  
чоғларимда ҳам, йигитлик фасли-  
да ҳам, қариганимда ҳам уйлаб, му-  
шоҳада қиламан ва охиратда Ҳақ-  
таоло даргоҳига қайтаман.

Мен қайта-қайта бу дунёга ке-  
лавераман, аммо доимо келган  
жойимга қайтаман... Нодонлигим-  
ча кетамани ва ё Ҳақни танибми  
— мана шуниси жангу муаммо-  
дир...



Галина ПУГАЧЕНКОВА.

...Мажлиста раислик қилувчи: «Суз Президентимиз маслаҳатчисига», деганида ҳамма энтикиб, нима гап экан, деб кутди.

«Кўп йиллик фидокорона меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академик Галина Анатольевна Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 февраль», деган Фармонни ўқиб эшиттириши билан зални гулдурос қарсақлар тутиб кетди...

«Эҳ-ҳе, бу дамларга етиб келгунча не-не воқеалар, машаққатли дамлар кечмади», — деб эслайди устозимиз Галина Анатольевна Пугаченкова. Бу кун Галина Анатольевна ҳаётида бир умрга унутилмас бўлиб қолади.

Бундай эсдан чиқмайдиган кунлар оз бўлганми... 1921-30-йиллар мактабда ўқиб йиллари; 1938 йил илк бор Михаил Евгеньевич Массон (кейинчалик бир ёшиққа бош қўйган умр йўдоши) билан Термиз комплекс археологик экспедициясига келиб мустақил иш бошлагани;

1941 йил архитектура фанлари номзодлигига;  
1959 йил фаң доктори номзодлигига диссертация ёқлагани;

1962 йили профессорлик унвонини олгани;  
1964 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби унвони билан тақдирлангани;

1966 йил Ҳамза номлидаги Республика Давлат мукофоти совриндори;

1968 йили Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси ва ниҳоят 1984 йили ҳақиқий аъзоси қилиб сайланиши. Қўриб-сизки, Галина Анатольевна тинимсиз, сермашаққат, аммо завқли-суррури, ўз улкан меҳнатлари звизига фаннинг энг юқори чуққиларини эгаллади.

# АРМОНИ ЙЎҚ АЁЛ

(АКАДЕМИК Г. А. ПУГАЧЕНКОВА  
ПОРТРЕТИГА ЧИЗИЛАР)

«Урта Осиё ҳудудида тугилганим учун ҳам (1915 йил 7 февраль Олмаотада) унинг еру замини тагида яшириниб ётган бой меъморчилик ва бадийи маданият тарихи излари Тошкентдаги Урта Осиё Политехника институтининг студентлик давримдаёқ мени ўзига ром қилди ва бутун умримни унга бағишладим», деб эслайди олаима.

Унинг архитектор бўлиб етишишида албатта отаси Анатолий Александровичнинг архитектор ва онаси Софья Петровнанинг педагогик фаолиятлари ҳал қилувчи роль ўйнади.

Галина Анатольевна 1938 йилда эндигина архитекторлик касбини эгаллаб ўша пайтдаги энг йирик экспедициялардан бири бўлмиш Термиз археологик комплекс экспедицияси составига қабул қилинганида додираб қолмади, балки ўтмишга бўлган муҳаббат туфайли биринчи синовдан муваффақиятли ўтди. Мана, элик йилдан зиёдроқ у Ўзбекистоннинг деярли ҳамма бурчагида, Туркманистон, Қирғизистон ва Афғонистоннинг кўпчилик туманларида археологик экспедицияларда қатнашди ва айримларига раҳбарлик қилди.

Лекин шунга айтиш керакки, Галина Анатольевна илмий ишни даставвал педагогик фаолиятдан бошлади. У Урта Осиё Давлат университетига (ҳозирги ТошДУ) таниқли археолог М. Е. Массон ташаббуси билан ташкил қилинган тарих кулиётининг археология кафедрасига (1941 йили) тақлиф қилиниб, у ерда ёшларга «Урта Осиё архитектураси», «Қадимги дунё архитектураси ва санъати» фанларидан лекциялар ўқиди (1960 йилгача). Ундан ташқари талабалар билан ҳар йили практикага чиқиб, жойларда архитектура фанининг барча соҳалари бўйича машғулотлар ўтказди ва ўз тажрибасини ёшларга ўргатди. Каминга ҳам ўша пайтларда муаллимдан қимматли лекцияларни эшитганимни бир умрга мамнун бўлиб эслаймиз ва биз ёзиб олган конспектлар ҳанузгача ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Уша талабалик даври муаллима билан ўтказган битта практика менда жуда катта таассурот қолдирган.

1958 йил. Туркманистоннинг шимолий туманларидаги Устюрт платосининг нақд ўртасида жойлашган Девкескан деган шаҳар харобаси ва у ердаги икки-учта архитектура ёдгорликлари қолдиқларини ўрганиб келиш учун 15 кунлик маршрут текширишига жўнаётган Галина Анатольевна бошлақ гуруҳга экспедиция раҳбари М. Е. Массон мени ҳам қўшиб қўйди. Менга, эндигина иккинчи курс талабасига, ёдгорликни ўлаш пайтда рулетка ва рейкаларни ўшлаб туриш, керак бўлиб қолса, ерли халқ билан учрашганда таржимонлик қилиш, ошпазлик ишларини бажариш ва ниҳоят шаҳар харобасида учраган археологик топидиқларни йиғиб келиш юклатидади.

Эски «ГАЗ-51» машинасида Галина Анатольевна, ҳайдовчи Четвергов Алексей ва мен қўл орқали узоқ сафарга жўнадик. Қум уюмлари орасидан ўтиб борар эканмиз, назаримда, бу ерларга ҳали одам оёқ босма-

гандек туяларди. Саксовулар ўрмони ичидан, Устурт платосининг қир ёқасида жойлашган Девкесчан деган шаҳар харобасига ҳам етиб келдик. Мен, ишни нимадан бошлар эканмиз, деб зориқиб кутиб турардим. Шу пайт Галина Анатольевна машинадан тушиб, «ну, голубчик, пошла!» деганини эшитиб қолдим. Керакли асбоб-анжомларни олиб ишга киришиб кетдик. Атроф жимжит, биздан бошқа бирорта кимса атрофда йўқ, фақат кечкурун бизнинг машинамизга яқинлашган чия-буриларнинг увиллашгани эшитилади, холос. Шу боис, кечаси биз машинанинг кузовида тунадик.

Бир зумда у ердаги иккита ёдгорликнинг тарихи, бизгача етиб келган хароба қолдиқлари оқ қозғога туширилади. Галина Анатольевна шундай чаққонлик билан ишлар эдики, у бир пайт ёдгорликнинг иккинчи қаватида пайдо бўлса, бир зумда бошқа бинонинг хужра-лари ичига кириб йўқ бўлиб кетар эди. Йул-йўлаккай ўлаш сирларини менга ҳам айтиб турар ва баъзан ёдгорликка, айниқса шундай катта шаҳар харобасига келиб қолганда археолог ишни нимадан бошлаш кераклигини, у ердаги ер устида социали ётган сопол синиқлари ва бошқа топилмақдари авайлаб йигиб олиш зарурлигини, одимлаб юриб планшета қотирилган ватман қозғога шаҳарнинг топографик планини тушириш йўллариини ўргатди.

Кечкурунлари эса дастурхон атрофида кунлик ишимизга яқун ясардик ва келгуси кунга қиладиган ишларнинг режасини тузиб олардик. Айниқса устоз ёдгорликларнинг мохиятига тўхталиб: археолог ҳеч вақт бизгача етиб келган ёдгорликларни ҳар хил тоифага, яъни буниси яхши, униси ёмон деб ажратмаслиги керак, ҳаммасини синчковлик билан ўрганиш керак, ҳаммаси ота-боболаримизнинг ақл-заковати, кўл кучи меҳнати билан яратилган, уларда асарлар муҳри ётади, деб тушунирар эди. Тўғри, археология фани тасодиқларга бой фанлар, кутилмаганда энг нобў топиламарлар учраб қолиши мумкин, аммо ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак — археология фани лотерея эмас, баки узоқ ва машаққат изланишлар талаб қиладиган фан эканлигини уқтирар эди...

Бу воқеага салкам қирқ йил бўлиб қолаётган бўлсада, ҳамон уша биринчи мартаба катта ёдгорликда орттирган тажрибам ва мустақил, иш олиб борганим бир умрга эсдан чиқмайди.

Галина Анатольевна археологик қазимша ишлари билан мукамал шугулланиб ва Жанубий Туркистон археологик комплекс экспедицияси составида тулган бой манбалари асосида 1959 йил докторлик диссертациясига асос солган «Жанубий Туркманистоннинг қулдорлик ва феодал даври архитектурасининг йўллари» мавзюдаги капитал монографиясини яратди.

У аста-секин педагогик фаолиятини илмий иш билан боғлаб боратуриб қадимий санъат обидаларини ўрганиш ўз-ўзидан бўлавермаслигини ва уларни аввал археологлар топиб, ўрганиб, сўнг архитекторлар ва санъатшуносларга олиб келиб беришини тушуниб етди. Шу боис, эндиликда бу ёдгорликларни узи текширишга аҳд қилди ва Ўзбекистон ФАнинг қарамогидари (1963 йилдан Мадааният ишлари вазирлигига қарайди) Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига иш бошлаши билан бирга (1959 йил) шу институт қошида Санъатшунослик экспедициясини (УзСЭ) ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди (ўзи УзСЭнинг бошлиғи бўлиб 1974 йилгача, сўнгра то 1984 йилгача илмий раҳбар бўлиб ишлади). 1960 йилда тузилган экспедиция тезда ҳамма олимлар ўртасида кўп шов-шувуларга сабабчи бўлган Денов туманидаги Холчаён ёдгорлигини қазиб топди. У ерда ур йил мобайнида олиб борилган ишлар Ўзбекистон антик маданиятининг ёрқин саҳифаларини очиб ташлади ва кейинчалик бой фактик материаллар асосида Галина Анатольевна «Холчаён» ва «Холчаён хайкалтарошлиғи» деган монографияларини эълон қилди.

Орадан 8 йил ўтиши билан яна битта илмий кашфиёт юз берди. Шурчи тумани ерларидан Давларзиптепа деган шаҳар харобаси ёнида будда ибодатхонаси топилди ва натижада у ерда кенг кўламда қазимша ишлари бошлаб юборилди.

Шу иккала топилмалар асосида камина муалима

билан биргаликда Душанбе шаҳрида утказилган Купшон маданияти тарихига бағишланган халқаро симпозиумда маъруза қилдик. Бир неча хоржий мамлакатлардан келган йирик олимлар экспедициямизнинг бу топилмаларига юқори баҳо бериб, Давларзиптепа эса уша, ҳозирча тарихи чигал бўлиб турган Буёк Купшон империясининг дастлабки пойтахти бўлган эди, дейилган фикрга қўшилдилар. Давларзиптепада шу кунгача олиб борилаётган ишлар уша, 1968 йилда Душанбеда айтилган тахминлар қанча тўғри эканлигини тасдиқлади (иккинчи будда ибодатхонаси ва у ердан топилган нобў хайкаллар, бой-зодагоннинг уйдан топилган бир кўза олтин ва дунёдаги энг қадимги шахмат доналари мисол бўла олади).

Галина Анатольевна куп археологик экспедицияларда қатнашиб тарихнинг барча даврларига оид ёдгорликлар билан тўқнашган бўлсада, аммо унинг айтишча, Урта Осиёнинг антик даври санъат тарихи ва теуририлар даври, яъни бошқача ибора билан айтганда, «Урта Осиё Ренессанси» даврига унинг илмий фаолиятида алоҳида ўрин эгалайди. Шу боисдан ҳам ҳозиргача устознинг эълон қилган 600 дан зиёдор мақола ва монографияларнинг кўпчилигини шу даврларни ўз ичига олади. Айтиш мумкинки, шунинг ўзига Галина Анатольевна Гиннес рекорди китобидан ўрин олганиниги биддиради. Чунки ҳисоб-китобларга кўра шу кунгача у кишидек дунёда бирорта аёл илмий мавзуда шунчалик кўп мақола ва монографиялар эълон қилмапти.

Олиманинг 60-70 йиллардаги илмий ишлари айниқса сермахсул будди, қадимий ўзбек санъатшунослигига қатнаш ҳисса бўлиб қўшган йирик монографиялар яратди: «Ўзбекистоннинг архитектура ёдгорликлари», «Ўзбекистоннинг тасвирий санъат ёдгорликлари», «Ўзбекистон санъат тарихи» (булар А. И. Ремпель билан ҳамкорликда ёзилган), «Араб ота мақбараси», «Холчаён», «Холчаён хайкалтарошлиғи» шулар жумласидандир. Бундан ташқари «Туркманистон санъати», «Афғонистон санъати», «Андаҳара санъати», «Купшон даври Бактрия санъати», «Урта Осиё миниатюра санъати» ва бошқа монографияларини китобхоналар зур қизиқиш билан кутиб одилар. Бу ва бошқа китобларнинг бир нечаси чет тилларда ҳам нашр қилинган. Дарвоқе, агарда олима ижодига умуман назар солсак, элик ёшларида 152 та асар яратганлар, олтинчи ёшларида 258 та, 70 ёшларида 473 тага етган, мана энди 80 ёшларида эса 600 га етибди. Бундай сермахсул ижод ҳаммага ҳам насиб қилавермас керак.

Галина Анатольевна изланиш самараларини фақат йирик монографиялардагина баён этмасдан, балки улар асосида илмий-оммабоп асарлар, кенг китобхоналарга маъзур буладиган қўлланмалар ҳам яратиб туради. Республикамизнинг тарихий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хева, Термиз, Шахрисабз ва Марвдаги обидаларнинг довруги муаллимининг ўзбек, рус, инглиз, француз, араб ва бошқа тилларда ёзилган ҳамда бир неча марта қайта нашр қилинган йўл курсаткичлари билан янада машҳур бўлиб кетди.

Олима ўзбек тарихий санъатшунослигининг ютуқларини фақат собиқ СССРда ёки Ўзбекистондагина эмас, балки хоржий мамлакатларда ҳам тарғиб қилиб келаётди. У ўрта ва Марказий Шарқ қадимий санъати ва археологиясига бағишлаган собиқ СССРдаги барча илмий кенашларда ва симпозиумларда қатнашиб қатор маърузалар қилди, университетлар ва илмий тадқиқот институтларида лекциялар ўқиди, У Венгрия ва Франция, Болгария ва Италия, Афғонистон ва Эрон, Германия ва Англия, Сурия ва Япония каби мамлакатларда илмий сафарларда будди. Айниқса Галина Анатольевна француз ва инглиз тилларини яхши билганлиги учун чет эл олимлари билан яқиндан мулоқотда бўлади ва лекцияларни шу тилларда ўқиди. Айниқса Франциянинг Париж ва Страсбург университетларидаги маърузалари тингловчиларда катта таассурот қолдири. Страсбург университети маъмурияти Галина Анатольевнани ўз университетларининг фахрий доктори қилиб сайлаганлиги ҳақидаги дипломни топширди (1976 йил).

Галина Анатольевна узи хизмат қилаётган касбини



Галина ПУГАЧЕНКОВА халқаро симпозиум минбариди.

удлаш, унинг серкирра томонларини тарғиб қилиш учун озгина имконият туғилса, бас, ундан юз фоиз фойдаланади. Бунинг учун радио ва телевидение, дала шийпонлари ва мактаб синфлари ёки бир неча суҳбатдош бўлса, кифоя.

Ҳали-ҳали эсимда, 1970 йилнинг баҳориди Сурхондарё вилояти Шурчи туманидаги Миршоҳи қишлоғиди бордик. У ердан бизга жамоа хўжалиғи ерларини узоқтиратган пайтида сопол ва алақандай тош буюмлар чиқибди, деган хабар келган эди. Галина Анатольевна тақлифи билан уша қишлоқдаги 20-урта мактабга бориб, тўппа-тўғри директорнинг хонасига кириб, бизга катта танаффусда мактаб болаларини ҳовлига ййигиб беришларини ва профессор маъруза қилмоқчи эканликларини маълум қилдим. Бундай имконият, яъни Иттифокда машҳур бўлган Пугаченковадай профессорнинг уз оёғи билан мактабга келиб қолишидан боши кўкка етган мактаб директори бажонидида илтимосимизни бажарди.

Домла маърузани бошлади, мен эса ўзбек тилига ағдариб турдим. Сузларини охирида: «Болалар, бизга бир тепаши трактор сурганида, у ердан сопол идишлар чиққанлигини ким айтиб беради, деганларида уқувчилардан Эргаш Худоев ва Эсон Абраевлар: «Биз биламиз» деб қолишди. Ҳаммадан ҳам 5-синф ўқувчиси Офтобхон Абдураимова: «Баҳодир ака, менда бутбутун сопол коса бор, ҳозир момойга олиб келаман», деб уйига югуриб кетди. У қизалоқ бир зумда чиндан ҳам бут-бутун, чертсангиз жаранлайдиган сопол косани олиб келса бўладими?

Галина Анатольевна қизалоқ олиб келган идишни қўлига оларкан: «Баракалла, қизим, биласанми, бу идишга салкам 4 минг йил бўлган-ку», — деди ва уни кучоқлаб пешонасидан ўлиб қўйди. Болаларни машинамида утиргизиб, суриланг тепалик томон жўнадик. Манзилга бориб ҳангу манг бўлиб қолдик, чор атрофда қадимий сопол идиш синиқлари сочилиб ётарди. Кейинчалик у ерда олиб борган қазимиша ишларимиз натижасида бронза асрига оид қадимий маданият излари топиди, унинг номини кўп археологик китобларда «Муллоали маданияти» ва «Миршоҳи топидақлари» деб учратиш мумкин.

Галина Анатольевна яна Ўзбекистон ёдгорликларини муҳофаза қилиш «Ёдгорлик» жамияти Президиуми аъзоси, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси аъзоси, ЮНЕСКОнинг ёдгорликларини сақлаш Халқаро кенгаши аъзолари сифатида ҳормай-толмай жуда кўп лекциялар ва доклады ўқитган.

Салкам 15 йил давомида мен устозим билан чўнға машҳур бўлган Далварзентепа ёдгориғини қазиб ургангани борганман. У ердагилар ҳамма вақт экспеди-

циямизнинг илмий раҳбари Галина Анатольевнани сабрсизлик билан кутардилар. Айниқса бир қария чўпон бор эди. У мендан: «Катта она» қачон келади», деб сураб қоларди. Чунки «Катта она» — Галина Анатольевнадан у узини қизиқтирган барча саволларга узил-кесил жавоб оларди ва узи топиб ййигиб қўйган бир неча антиқа буюмларни онга кўрсатиб шарҳлатишни яхши кўрарди.

Халқимизда: «Шоғирдсиз олим — мевасиз дарахт» деган нақд бор. Бу жиҳатдан Галина Анатольевна шоғирдларга бой олимлардан, десак бўлади. Унинг кўп сонли ва ҳар хил миллат вакилларидан иборат издошлари фан номзодлари ва фан докторлари илмий даражаларини эгаллаган ҳолда Урта Осиё ва МДХ давлатлари шаҳарларидаги илмий муассасаларда иш олиб бормоқдалар. Қизиги шуки, устозимиз доимо бизларга ёзиб берган уз дастхатларида «етиб-узиб кетишингизни кутиб», деб ёзади. Бу албатта чин олиманинг дилдан изҳор қилган истакларидир.

Ҳа, шундай ҳам бўлаяпти. Галина Анатольевна 1984 йилда Ўзбекистон ФАга ишга ўтиб кетаётган: «Мен экспедицияни ишонган шоғирдларимга топшираётirman», деб хотиржам бўлган эдилар. 1988 йилда экспедициямиз Далварзентепада толган учта ноёб будда ҳайкаллари билан Япониядаги халқаро кўргазмада қатнашди. Бир йил ўтиб бу ҳайкалларга мафтун бўлган япон олимларининг бир гуруҳи Далварзентепада ташриб бўлирди. Натижада олти йиллик илмий ҳамкорлик ишлари уз самарасини берди. Япон олимлари экспедициямиздаги ҳамкасабалари билан биргалиқда будда ибодатхонасини қазидилар, бир-бирлари билан иш услубларини бойитишди. Уларнинг ёрдамида экспедициямиз ўзининг бутун фаолияти даврида толган барча осори-атиқаларини жамлаштириб инглиз, рус ва япон тилларида катаалоглар эълон қилди. Ҳадемай ҳамкорлик натижаларини акс эттирувчи иккинчи китоб ҳам ўзбек ва япон тилларида чоп этилиш арафасида турибди.

Ватан олдидаги катта хизматлари учун Галина Анатольевна Пугаченкова муносиб тақдирланди. Унинг Л. И. Ремпель билан ҳамкорлиқда яратган «Ўзбекистон санъати тарихи» монографияси республика Ҳамза Давлат мукофоти лауреати билан тақдирланди, собиқ СССР пайтида «Улуг Ватан урушида самарали хизматлари» медалди, Туркманистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи ва 1975 йил 6 февралдаги СССР Олий Совети Президиуми Фармонида мувофиқ «Меҳнат Қизи Байроқ» ордени билан мукофотланган.

(Давоми 58-бетда).

# Хонбанди

1000 йиллик иншоот

Тарихдан маълумки, IX аср охирида Урта Осиёда пойтахт Бухоро бўлган мустақил феода давлат ташкил топган ва уни Сомониёлар сулоласи идора қилган. Уша даврдан бошлаб, ишлаб чиқарув кучларини ривожлантириш учун имконият тугилган. Янги-янги каналлар, тўғонлар, сув ombорлари қурилиб, минглаб гектар ерлар ўзлаштирилган, мамлакат чегаралари мустаҳкамланган. Деҳқончилик, хунармандчилик, темирчилик, тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик ва мистарик анча ривожланган. Шарқ мамлакатлари, Рус хазарлари, Волга бўйи халқлари ҳамда Хитой ва Ҳиндистон билан қизгин савдо-сотик ишлари олиб борилган. Савдо ишларида Охририйлар ва Сомониёларнинг кумуш дирҳамлари ишлатилган. Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кеш, Урганч ва Марв каби шаҳарлар хужалик ва маданиятнинг йирик марказларига айланган. Бу шаҳарларда ажойиб олимлар, файласуфлар, рассомлар, табиблар, маданият ва фанининг буюк ижодкорлари яшаганлар. Булар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (780-874), Аҳмад Фаргоний (870-950), Абу Райҳон Беруний (973-1043), Абулқосим Фирдавсий (934-1005), Абу Али ибн Сино (980-1037) сингари олимлардир. Шаҳар ва қишлоқларда яшган ота-боболаримиз ўзларининг меҳнатлари билан қуркам миноралар, мақбаралар, мечитлар, мадрасалар ва карвонсаройлар қуриб, жаҳон маданиятини бойитган ва лол қолдирган.

Мана, ҳозир Ўзбекистон мустақиллик йулидан дадил қадам ташламоқда. Бу борада шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан кўпгина ёшлар чет элларда таълим олмақдалар. Бу ҳол биз, ёшлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Биз ўқинида, ишда тинмай изланишимиз, ахлоқда, юксак маданиятга, миллатимизга лойиқ ёшлар бўлишимиз зарур. Бунинг учун, аввало, ўзимиз яшаб турган жойдаги тарихий-маданий ёдгорликларни урганиш ҳозирги кун талаби ҳисобланади. «Банд» шаҳарчаси Жиззах вилоятининг Фориш тумани марказидан 10 км. шимолда жойлашган. Шаҳар олд шимоли-шарқда қараб қўзилган Хонбандитог, Бакинтог, Писталитоглар билан, жанубда текислик ҳамда Нурота чўллари билан, шимолда катта ва кенг Айдаркўл сув ombори билан чегарланади. У қончилар шаҳарчаси ҳисобланади. Шаҳар қурила бошлаганига эндигина 10 йилдан ошди. Унинг биринчи гиштини қўйишда хурматли П. Р. Рашидов иштирок этганлар ва у киши

нинг ташаббуслари билан шаҳар қурилиши бошланган. Бу ерда 30 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилишади. Шаҳарча кичик бўлишига қарамай, 720 уринли замонавий мактаб, 350 уринли бола-лар боғчаси, университет савдо маркази, ҳаммом, новвойхона, химиявий тозалаш хонаси, почта, телефон станцияси, ошхоналар, катта шифохонага эга.

Шаҳарчада ҳозир 5 мингга яқин киши истиқомат қилади. Урта Осиёнинг тоғ олдӣ районларида қулфаки (иккита оғзи очилиб ёпиладиган қувур) ховузулар кенг тарқалган бўлиб, улардан ҳозирги кунга сугориладиган деҳқончиликда фойдаланиб келинмоқда. Тоғлардан бошланувчи жиғга сувлари баҳорда тошиб, айни вегетация қизиган даврда қуриб қолган. Миришкор деҳқонлар бунинг ҳам иложини топишган — сойларга сув ombорлари қуришган. Меҳнаткан халқ мавжуд сув захираларидан оқилона фойдаланиш усулларини қидириб топган ва бир қанча ирригация иншоотларини бунёд этган. Ана шундай гидротехника иншоотлари қолдиқлари Зомин ва Фориш туманлари ҳудудидан топилди. Қадимий сув ombорларидан бири Хонбанди бўлиб, уни олимлар ҳар томонлама урганиб чиқилган. Ривоятларга қараганда, бу бандни қуришга Бухоро хони фармон берган эмиш, яна бир ривоятда эса бу банд халқнинг оғир меҳнати ва қони эвзига барпо этилган, дейилади.

Қадимий сув ombори Хонбанди, Банд шаҳарчасининг шимолий томонини кесиб ўтган Хонбандитог тизмасининг Пасттоғ дарасига жойлашган. Нурота тоғидан оқиб чиқадиган Осмонсой ва Илончисой сел сувларини жамғариш ва ёзда экинзорларни сугориш учун қурилган.

Тўғон махсус тараشلанган гранит тошлар ва мустаҳкам махсус қоришмадан ишланган (туя суги билан пиннига қорилган ганч).

Тўғоннинг узунлиги устки қисмида 51,75 м. асосида 24,35 м. баландлиги 15,25 метрга тенг. Сув ombорининг узунлиги 1,5 км. эни тўғон олдига 52 м. дара оғзида 200 м. га тенг бўлган. Сув ombорининг сизими 1 миллион 600 минг м<sup>3</sup>. ҳажмга баробар. Иншоот тўфайли Қизилқумнинг Мирзачўлу билан туташган чегарасида тахминан 1500 гектарга яқин ер ўзлаштирилган. Сув ombоридан 6 км. шимолда мустаҳкам работ қад кўтарган. (Калтепа). Сув чиқариш учун иншоотнинг гарбий теккасида ҳар чиқ биландикдаги 9 та қувур бор. Улар оқиб чиқадиган сувнинг динамик таъсирига қарши конуссимон қи-

либ ишланган ва монолит тошларга параллел қилиб қурилган. Фойдаланилгандан сўнг кубик шаклидаги сиажита тошлар билан беркитилган. Бу иншоотни қуришда X аср ирригаторлари тўғон олдига тўланадиган 16 м. чуқуракдаги сувнинг вертикал босим кучини, иншоотни ағдарувчи горизонтал кучни аниқ ҳисоблаб чиққанлар. Шунинг учун ҳам тўғоннинг асоси юқори қисмига қараганда 4 баравар қалин қилиб ишланган. Тўғон деворларининг қалинлиги юқорисиди 2 м., асосида 8 м. га тенг. Тўғондан 6 км. шимолда қад кўтарган работда асрлар давомидида минглаб одамлар яшаб, боғлар, узумзорлар яратганлар. Турли кийим-кечакалар тўқилган, ажойиб буюмлар ва асбоблар ясаган. Унинг харобаларини ҳозирги пайтда Катепна деб юртилади. Археолог олимларимиз А. Муҳаммаджонов, Я. Ғуломов ва бошқаларнинг текширишларига қараганда, бу кичик воҳа X асрларда обод этилиб, XII асрнинг охиригагача ҳаёт давом этган. Яна шуниси муҳимки, бу иншоотни қуришда уша давр учун илгор бўлган бир қанча усуллардан фойдаланилган, сув босим ва оқими қонуниятлари, зилзила кучлари инобатга олинган. Лекин сув ombори ичида тўланадиган лойқаларни ташқарига чиқариб ташлаш йулини топа олмаганлар. Шу сабабдан Хонбанди сув ombори аста-секин лойқага тўлиб, ишдан чиққан. Олимлар уни қайта таъмир қилиб, фойдаланишга топириш лойиҳасини тузиб чиққанлар.

Бу ердаги қилилар ҳам Буюк ипақ йуллари орқали дунёнинг жуда кўп мамлакатлари билан савдо-сотик ва маданий алоқада бўлганлар. Хонбандига ухшаган тарихий ва маданий ёдгорликларни урганиш биз учун жуда муҳим ва аҳамиятлидир. Утмишни билмай ватанимиз, келажакни қуриш қийин. Батини урганиш киши ўзи яшаб турган жойни урганишдан бошланади.

Иншоот ўзининг мустаҳкамлиги ва шишиқлиги билан шу давргача етиб келди. Лекин ҳозирги кунда нурой бошлади. Бунга об-ҳаво, зилзилалар, энг асосийси эса, тўғондан 400 м. нарида жойлашган Учқулоч қонидаги кучли портлашлар сабаб бўлмоқда. Асрлар давомидида минглаб одамларга ҳаёт бахш этган, минг йилдан бери қаддини ростлаб турган тўғоннинг аҳволи жуда ачинарли ҳолатга келиб қолди. Наҳотки, у индан-йилга харобалашиб борса. Ахир, иншоот ота-боболаримиздан қолган ёдгорлик, аждодаримиз меҳнати, илм-фани ва маданиятининг бир парчасидир.

А. БОЛТАЕВ,  
тарих фанлари номзоди,  
С. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
техника фанлари номзоди.

# «ЗАМАХШАРИЙ ХИРАДНОМАСИ»

Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган беназир инсон, улуғ алоома Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийни биласизми?

У Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Имом ибн ал-Бухорий, Имом ат-Термизий каби буюк зотлар билан бемалол беллаша оладиган маърифатпарвар донишманддир. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган устоз олим авлодларга бениҳоя бой илмий-адабий мерос қолдирган. Маърифат дунёсида диний имлаар, лутатшунослик, грамматика (наҳв) аруз, адабиётта ва мантиққа оид эликка яқин асарлари («Мақомоти Замахшарий», «Дори-дармон ва тоғ-тошлар номлари китоби» ва бошқалар), хусусан, Қуръони карим тафсирига бағишланган «Ал-Кашшоф» китоби маълум ва машҳурдир.

Улуғ алооманинг фалсафий, илмий, диний қарашларини имкон даражасида талқин қилган шоир Олимжон Бүриев хайран ишни амалга оширган.

«Замахшарийнома» манзумаси бутунги кунимизда истиқлол ва маърифат гоиларини элга ёйишда, ҳалқ қалбига жо этишда, маънавиятимиз тарғиботида янгича шакл ва мазмундаги асардир.

Олимжон Бүриев Абдураҳмон Жомийнинг «Осуф ва Зулайҳо», «Саломон ва Абсол», «Лайл ва Мажнун» дostonларини, Сайид Насафийнинг «Баҳорийёт» асарини, Низомийнинг ҳикоятлари асосида «Баққол ва тулки», «Чор китоб» таржималари ва «Ат-Тоир», «Ал-Ғиёс» шеърӣ китоблар муаллифидир. Шунингдек, аруз вазнида у Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», «Лайл ва Мажнун», Ҳотифийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonлари, Макнунга газалларини таржима қилган.

Шоир мумтоз адабиётта алоҳида меҳр билан қараб, «Жомийнома», «Низомийнома» туркумаарини ёзган.

Олимжон Бүриевнинг «Замахшарийнома» манзумаси эса 20 йиллик ижодий таҷриба туллаган шоирнинг нисбатан жиддийроқ қалам суриши ва катта муваффақиятидир.

1995 йилда 920 йиллик туйи нишонланиши мўлжалланаётган улуғ алоома Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг руҳи покига бағишланган бу асарнинг нашр этилиши улуғ меросимизнинг тарғибу ташвиқида яна бир олға қадам бўлади.

Убайдулло УВАТОВ,  
филологлар фаһнари номзоди

Маҳкам МАҲМУД,

## ШАРҚ АЛОМАСИ ҲИКМАТЛАРИ

Шарқда уч миғлат вакиллари: араблар, форслар ва туркийлар жаҳон маданияти, фани ва тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Араблар фақат ўз тилида, хусусан, «Нури музтаёл», «Қуръони карим» араб тилида Муҳаммад пайгамбар саллаллоҳи алаҳи васалламга но-

зила бўлгандан кейин ифтихорли саховат донишмандлари сифатида илм-фанга буюк ҳисса қўшганлар. Ундан илҳомланган форсийлар (ислом даври фалсафаси назарда тутилмоқда) араб ва ўз тилларида жаҳоншумул илмий ва адабий обидалар яратганлар, шеърятда ҳа-

ли-ҳанузга қадар улар билан тенглашадиган киромий зотлар кам топиладу.

Туркий улаомлар сулоласи эса арабча, форсча ва туркийда қалам суришиб, аввал шоғир, сўнг устоз даражасига кўтарилганлар. Арабчада араблардан кўра кўпроқ довруғ қозонган: Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ат-Термизий, Имом Бухорий ва бошқалар Урта асрларда Шарқ маданияти обидалари ва ислом маърифати тарғиботчилари сифатида ҳар соҳада қамолот тимсоли бўлганлар.

Улардан нисбатан камроқ кашф этилган Абулқосим Маҳмуд Замахшарий «Ал-Кашшоф» («Қуръони карим» тафсири) ва араб тили грамматикаси билан фикҳ ва адабшуносликда беназир устоз саналган. Туйнинг тулик исми Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда — Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467 йил сани ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршаба кунга (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартида) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда туғилган. (Убайдулло Уватовнинг «Ватаандошимиз абадияти» асари. 4-саҳифа).

Эликдан ортиқ жаҳоншумул асарлар ёзган улуғ алоома Замахшарийнинг 1995 йили 920 йиллик юбилейи нишонланиши истиқлол ва маънавиятимизнинг шаклланишида яна бир олға қадам бўлади.

Замахшарийнинг ҳикмат илми сифатида салкам минг йиллардан бери китобхонларга битмас-туганмас маънавий озиқ берадиган «Юзик иборалар» рисоласи 1992 йил атоқли арабшунос олим Убайдулло Уватов таржимасида «Камалак» нашриётида нашр этилган.

Қуйида эътибориңизга ҳавола этилаётган Дoston Байтларини шоир Олимжон Бүриев Замахшарий ҳикматларидан илҳомланиб ижод этган.



# ЗАМАХШАРИЙ ХИРАДНОМАСИ

(ДЕБОЧА)

Бу ҳикмат соҳиби Аз-Замахшарий,  
Донишманд олимуним сарвари,  
Жоруллоқ лақабли ҳазрати инсон,  
Арабу Аҷаму машҳури жаҳон,  
Туғилган макони қадим Хоразм,  
Нозик иборасин айладим назм,  
Олим Убайдулла фарзанди Мурад,  
Каминиға дусту биродар устод,  
Этиб арабчадан туркий таржима,  
Бордир услубида насрий

Ундан илҳомланиб, келиб хуш  
Мадад бер, кучингни кўрсат  
Ҳикмат магзи эрур

«Аввал пайгамбарни яратган худо,  
Кейин шоирларни айлаган пайдо».  
То элга ёйсин деб улар сўзини,  
Очсин деб, то мудроқ ҳалқинг

Мен улуг бир ишга айладим  
Мадад бер, қўллағил илоҳий  
Ҳар бир сўз отилиб қалбим  
Ёдгорлик қолсин бу Олим Бўридан

## АЛЛОМА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АЙТУР:

Сенга туғишганинг қилас ёмонлик,  
Худодай тилағил унга омонлик.  
Адоват утидан ўзингни тийғил,  
Шайтонмас, Раҳмоннинг тунини

Ўзингни ҳимоя қилганда асло,  
Ғолиб келсанг берма ортиқча  
Янги ҳийласидан бўлиб бохабар,  
Яхшилик қил, ёмон ниятдан  
Куп бўлас дустларинг йўқдир  
Душмандан ҳазар қил, эй,

Наслу насабини мақтаса пасткаш,  
Эшитган одамнинг кўнгли булар  
Сув деб етанида ҳар ташна хароб,  
Сув эмас, кўзига кўринса сароб,  
Ҳовучига тўлас қизиб ётган қум,

Эҳтимол кўздан ёш тўкар юм-юм.  
Пасткаш мақтаганда наслу  
Саробдай бузғайдир чанқоқ  
Сув дея саробин дилим этма гаш,  
Худоё, ҳам этма мақтанчоқ,  
Майли, доноларнинг этма сарвари,  
Ҳақиқий доно эт, аз- Замахшарий,

Аввал қилган бўлсанг хайру  
Бу ишни ўзингга доим қил одат.  
Эзгулик йўлида бўлсан абадий,  
Сени қўллағайдир Аллоҳу Набий.  
Кўшнинг қанотининг ҳар кичик

Катта патларига бордир мадади.  
Мабодо патлари тўқилса бир-бир,  
Кўш парвоз қилолмай қолади  
Яхшиликни айла қанотга қиёс,  
Дилингда сунмасин оташин

Кўп савоб ишларни айласанг  
Охири бергуси жаннатидан жой.  
Сунмай ҳаётингни порлоқ ахтари,  
Кўёшга яқин бул, эй, Замахшарий.

Ўз ога-инингни мақтабон ёд эт,  
Хушбуй сўзлар ила кўнглини  
Бўлас ҳам у сендан узоқ шаҳарда,  
Номини унутма бу бахру барда.  
Мушки анбар янғил бўлсин

Шунда яхшилик-ла эсланар  
Ога-инисига сочмас атрин,  
Ул одам йўқотар оламда қадри.  
Энг яқин қариндош, инсон жиғари.  
Уни қадрлағай эл, Замахшарий.

Ёмонга эргашсанг ҳақри юқади,  
Ҳалок айлағувчи заҳри юқади.  
Бўлсан душманларни сафида агар,  
Ундан сенга етмас ҳеч хавфу

Огу заҳматидан буласан халос.  
Ёмондан узоқроқ юрмоқинг соз.  
Шунда ёмонларнинг хавфу хатари,  
Бошинга тушмағай, эй,

Тўғри ва ҳақ йўлда ташласа қадам,  
Шердан ҳам даҳшатали кўринар  
Шу боис ҳақ йўлни ихтиёр айла,  
Ўзингни доимо бахтиёр айла.  
Доимо интиғил саодат сари,  
Ҳақ санга ёр бўлсин, эй,

Сўзланса агарда бўхтону ёлгон,  
Диққат-ла тинглағай тағи

Таралса башарти ҳақнинг каломи,  
Том битар қулоғи нодон авомнинг  
Ким бўлас фосяку шайтанангга  
Куйиб жаҳаннамда охир булуру  
Етмай ҳар кимсанинг қазо-қадари,  
Кирсин ҳақ йўлига, эй,

Арслон болалари булуру каму тоқ,  
Мушук болалари эса бесаноқ,  
Урмонда бўлас гар битта бола шер,  
Юзлаб мушукчани тутиб олиб ер.  
Мушук куп тугса ҳам ялоқи бари,  
Шер битта тугса ҳам шер,

Тилингни тийишга топмасанг  
Унда билки, ҳолнинг бўлади ёмон,  
Тизгин жиловини шайтонга бериб,  
Юрасан ибليسдек қададингни

Тилинги суяги йўқ, буш қўнма,  
Вадираб гап сотма, ишни қил,  
Бўлмаса инсоннинг илму ҳунари,  
Рўзғори бут бўлмас,

Сахийлар ҳар доим саналар азиз,  
Ярамас расвоси кўзи оч, халос.  
Уларнинг ичида яқови пасткаш,  
Сўзлашсанг доимо дилинг булар

Қаерга бормағил Туркистонми,  
Ҳамдамнинг доимо бўлсин доно,  
Тасаввуф имамининг тушса сафари,  
Сейга пир бўлғувчи,

Бўлмасанг иффату виқорга соҳиб,  
Сени йўлдан урса бирорта роҳиб,  
Бир кетса қайтмағай номусинг

Умрбод буласан билғил, хору зор,  
Буа софу бегубор ҳаёт дилбари,  
Сенга бахт тилағай,

Бир-бирингиз ила дусту иноқсиз,  
Мисоли кўш данак, битта  
Ҳолбуки етмаган сизга муҳтожлик,  
Хасталик, мусибат, қаҳатлик,

Бўлсангиз энг оғир дамда ҳам  
Сизга раҳматини ёғдирар эгам.  
Кимнингки куп бўлас  
У одам бахтадир, Аз-Замахшарий.

Эй, ҳийла-тадбирда ягона одам,  
 Бошингда мол-дунё фикри  
 мужассам.  
 Юритиб сен кучли ўю тахайюл,  
 Йигиб зебу зарни, унга булдинг  
 қул.  
 Эвоҳ, омонатини яратган олгай,  
 Йиққан молнинг беванг эрига  
 қолгай.  
 Емай йиғмоқликнинг кўпдир  
 зарари,  
 Гар насиб қилмаса,  
 Аз-Замахшарий.

Мол-мулкнинг закоти туланса  
 Доим,  
 Хайру баракот ҳам бергай илоҳим.  
 Мулки тўлиб-тошиб бермаса закот,  
 Охири ул одам булади қасод.  
 Тўплаб чиритишдир хасис ҳунари,  
 Унга ҳайфи қалом, Аз-Замахшарий.



Бир гуруҳ одамлар ҳақдан  
 йироқдир,  
 Улар даъволари ўчган чироқдир.  
 Узаро берилиб турал-туман тус,  
 Шайтонга эргашиб бир тўп  
 галамус.  
 Айтган сўзлари ҳам гийбагу  
 бўҳтон,  
 Улардан тўғри сўз чиқмас ҳеч  
 қачон.  
 Муъмин-мусулмоннинг рўзи  
 маҳшари,  
 Юзи ёруғ бўлар, Аз-Замахшарий.

Энг азиз одам гар бўлса оламда,  
 Билинар қайгули, ташвишли дамда.  
 Гуёки гам-гурбат уларга қардош,  
 Ҳамдамнинг булшиб, тўкишар кўз  
 ёш.  
 Доимо саналур азиз, муқаррам,  
 Ким қўйса эзгулик йўлида қадам,  
 Уларга Аллоҳнинг тушиб назари,  
 Оқибати неқдир, Аз-Замахшарий.

Ҳайвонни меҳр-ла парварип  
 қилсанг,  
 Семириб айлағай аҳволингни танг.  
 Буқага айланиб кичкина бузоқ,  
 Эгасин сузади улгайгани чоқ.  
 Ё боқиб хутикни айласанг эшак,  
 Эгасин тепади улгайиб бешак.  
 Шу боис ҳайвонни сийлама  
 зинҳор,  
 Ҳаётнинг ўзининг қонунари бор.  
 Одам боласи ҳам ўсса эркатой.  
 Охири бугуси аҳволига вой.

«Улгайиб бир кунни ошиб тушиб  
 том,  
 Қўшписи қизини айлағай бадном.  
 Ё ичиб дўстлар-ла тунлари шароб,  
 Отаси ҳолини айлағай хароб.  
 Миршабининг қўлига тушса у агар,  
 Отадан сўрашар халта-халта зар,  
 Фисқу фуҷурларга айлағай ружу,  
 Одаммас, ҳайвондан баттар  
 бўлар у».  
 Шу боис ёшлиқдан насиҳат керак.  
 Одам — одам ахир эмасдир терак.  
 Улгайғач на уни кесиб булади,  
 Фарзанддан на охир кечиб булади.  
 Бешикдан болага лозимдир таълим,  
 Бу қалом магзини чақсин муаллим.  
 Булмасин десанг гар шўҳ ва  
 жангари,  
 Ёшлиқдан таълим бер, дер  
 Замахшарий.



## АРМОНИ ЙЎҚ АЁЛ


(Боши 53-54-55-бетларда)

Мана, энди олима, мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан ҳақди равишда тақдирланди. Шу кечада қатнашган Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Пол Везиан жаноблари француз эркакларига хос жозибадор маъруза қилиб, Галина Анатољевнага Франция ҳукумати номидан тадқиқотчиликдаги буюк хизматлари учун олимларнинг фахрий мукофоти — Палма Академияси зобити белгисини тошпирди.

Бир кун устоз билан шоғирдлар учрашиб қолганимизда биз улардан: «Сизни «Отин ойи» дебми ёки

«домла» деб атайликми» деганимизда Галина Анатољевна уйланиб туриб «Менга мактабларда лекция ўқитганимда болаларнинг «муаллима» деб мурожаат қилишлари ёқадим», деган эди. Шундай экан, биз Муаллимизни 80 йиллик тўйи муносабати билан яна бир бор муборакбод қиламиз.

Бу кўҳна дунёнинг ҳали ошкор этилмаган сир-асрорлари, жумбоқлари фазода ҳам, заминда ҳам жуда кўп. Шу боисдан ҳам серҳаракат Муаллимимиз Галина Анатољевна Пугаченковага сидқидидан мустаҳкам сихат-саломатлик, ижодда барака тилаймиз!





Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокиржон СУЛТОНОВ.

## ЗОКИРЖОН АКАНИНГ ДАВЛАТИ

БУ ДАВЛАТНИ УМРНИНГ МАЗМУНИ ҲАМ  
ДЕГИМИЗ КЕЛДИ

Олтмиш беш ёш... Унча оз мудат эмас. Кимдир шунча яшаб узига ҳайкал ўрнатишга улгурса, кимдир...

Зокиржон ака маълум маънода триклингида узига ҳайкал яратган инсон. Ҳам санъаткор, ҳам унинг фидойиси. Аслида тақдирни азалинг бир тасодифи боис... Келинг, бу ҳақда у кишининг узлари сузласинлар. Зокиржон Султонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, биринчи ўзбек филолониисти...

— 1939 йилнинг 83 ойлари эди. Бизлар — 9 ёшли мактаб болаларини пионерлар лагеридадан катта Фаргона канали қурилишига олиб боришди. Давр тақозосига кура байналминвал руҳдаги қўшиқлар айтишимиз лозим экан. Уша кунни менга Усмон ота (Юсупов) билан учрашши насиб эди. Оқсоқол: «Қўшиқ биласанми?», — дедя сурадилар. Билганимча қуйиб бердим. Навоийнинг «Айлағач»идан бир шивити, уша даврда «Айлағ сенга» деган яшула буларди, ундан... Кейин ота-намани суриштиришди. Отам Султон полковни билмайдиган одам кам эди. Падари бузрукворим ҳам шу ерда канал қазирдилар. Ушанда Усмон Юсупов менга омад тилаб, 20-25 тача лапшак билан бир патефон совга қилдилар. Бу ҳаётимда муайян йўналиш ясаган,

орзу-ниятларимга асос булган унутилмас воқеа эди. Сунг...

Сунг уша давринг улкан ҳофизлари, фидойи санъаткорлар Зокиржонни пойтахтта чорлашди. Аввал «Тошсовет» (ҳозирги Муқимий номидаги) театрида иш бошлади. 1943 йилда Камтар Отабоев, Жураҳон Султонов, Абдуллажон Охунов, Санджон Калоновлар тавсияси билан ёш Зокиржон санъатнинг сеҳрли оламга қадам қўйди. Бугун устоз санъаткорга айланган Зокиржон ака узини минг чандон бахтли санайди. Сабаби, у ўзбекининг манаман деган буюк санъат даргалари қўлида қўшиқчиликдан сабоқ олди. Улар билан жуrowоз, ҳамнафас бўлиб қўйлади, ижод қилди.

Муҳиддин Қориеқубов, Юнус Ражабий, Етим Бобожонов, Комижон Жабборов, Ҳожихон Болтаев, Маҳрақим Ёқубов — Шерозий, Ориф ҳожи Аллмаҳсумов, Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Турғунбоева, Комижон Отаниёзов, Ҳалима Носирова...

— Уттанларнинг охиригаги обод, ҳаётларининг умрларини узоқ қилсин, — дейди Зокиржон ака. — Ўзбек мусиқа, хонақадлик, рақс санъатининг устунлари булган шу устозлардан Фаргона йулидаги мақомларни, Хоразм яллаларини, мумтоз ашу-

лаларин йиглаб эшитардик. Уларга интилиш, ҳавас биз (Фароғат Раҳматова, Эргаш Йуддошев, Абдуллажон Охуновлар бирга иш бошлаганмиз) кабиларни ижода, изланишга тинимсиз ундаётгандай буларди.

Бугун санъатимизга қўйилаётган мезонлар, ажабки, уларнинг улчовлари олдда гариб, бақанадек туюлади кишига. Бугунги, айрим «юлдузларимиз» асл ўзбекча мусиқани чаклаштириб, аралаш-қуралаш қилиб ташлаёттирлар, «замонавий»лик бизни миллийликдан узоқлаштираёттир. Биз-у сиз «севган хонақда» илгариги мезонлардагидек мақомда қуйлаб, юракларни сел қила олмайпти. Юраклар ҳам сел бўлишининг маъносини бошқача ҳис қиладиган бўлиб қолганмией. Устоз эса андишамий, ўзбекчилик дебми тортинди.

— Улар ҳам касбдошларимиз. Ризқу насибаси шу йўлга сочилган, мен уларга эътироз айтмас бўлмасов...

Камтарликмикан, йўқ, ўзингиз ўйланг, бу борада биргина санъатчининг ўзидамикан хато. Айб эшитувчидам, унинг савияси, билими, дунёқарошига ҳам болғиқ эмасми? Энди бу гапларни ҳофиз ўзингизга ҳавола қилиб қўя қолади.

Зокиржон Султонов... Уни ҳам ҳофиз, ҳам санъатнинг фидойиси дедик. 1939 йилги патефон ва 25 донга лапшак қайсидир маънода унинг умрига мазмун олиб кирган, десак бўлади. Бугун Зокиржон аканинг бисотида 25 минг лапшак сақланмоқда. 25 минг!!! Олтин хазина Бухоро амрининг шахсий қўшиқчиси Левича Бобохонов, Ҳожи Абдулауиз, Тўйчи Ҳофиз, Мулла Шожалии, «Содирхон Ушшоғи»нинг муаллифи Содирхон Бобошарипов, Ўзбекистоннинг биринчи санъаткор депутати Михаил Толмасов, домла Ҳалим Ибодов, Уста Шоди, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним... Улар жуфта кўп. Зокиржон Султонов сақлаётган олтин жамғармада ава шундай буюк санъаткорлар овози, меҳнати, ижоди муҳрланган бўлиб, қанчалик тинглаган сайин, шунчалик ҳаёт ناشидасини бахшида этиб, яшаб келмоқда. Мана, уларнинг йиғилаётгани, асралаётганига ҳам ярим асрдан ошди...

Умр! Хуш у нима билан улчанади, мазмун-маъносини нимада? Узун-қисқалиғи-чи? Зокиржон ака Умаржон Отаев, Абдуқодир Юсупов, Рўзимат Қайомов, Эргаш Қодиров каби санъаткорларининг устози, Жураҳон Султоновни эса узига биринчи устоз санайди. Москваликлар суратга олган «Бугун умр давмида», Ўзбекистон телевидениесини ижодкорларининг «Санъатимиз фидойиси» фильmlарининг қаҳрамони, унинг умри, умрининг мазмунидан бир-икки чизига-лар келтирдик, холос. Зеро, яшаб ўтилаган олтмиш беш йилда ҳақи билан излаган, истаган марғуб туйгулар кўп ва хул...

Аллоҳ устоз санъаткорга узоқ ва баракотли умр ато этсин, Омин.

Хусан ЭРМУҲАММАД

КАРҚУЛОҚ



Суратда: Юсуфқизик Шакаржонов фарзандлари Зайнобиддин ва Мадаминжон билан.

Саъятимиз юздузи, машҳур қизикчи, аскиячи, раққос, созада сифатида халқимиз меҳрини қозонган ажойиб инсон Юсуфжон қизик Шакаржонов 1869 йили Марғилолда таваллуд топди. Болаликдан ҳамма шарсага синчков ва қизиқувчан бўлиб ўстаган бўлажак саъяткор кўпроқ одамларни кўлдиришга, уларга хурсандчилик улаштиришга ҳаракат қилди. 1884 йили Марғилолда Мирхалима маддоҳ келди. У киши Юсуфжондаги истеъдод учқулларини кўриб, бу ўсиришни ўзи билан бирга олиб кетди. Юсуфжон бир печа йил бошқа шахарларда сафарда бўлди, кўп кишилар билан учрашди, маддоҳлар ва аскиячилар билан бирга Қўқон, Ташкент, Самарқанд, Хоразмни айланиб, воизга шогирда тушди ва Бухорога келди. Шу ерда Саид ака дерах суҳанчига алибаличчилик (ҳайбаркалалачи) қилди.

... Саид ака, одатига кўра, ўртада чидарма чалиб, халқни тўлаб, ҳикоя бошларди. У:

— Або Муслим олтинчи ботмон гурзи билан ападоқ урдики... деса.

Юсуфжон қизик Шакаржонов: — Ҳуйй... — деб юбораркан.

Саид ака:

— Реза-реза бўлиб кетди... деса.

Юсуфжон қизик Шакаржонов:


— Бай-бай-бай, — деб Саид аканинг гапини тасдиқлаб тураркан.

Саид акадан суҳанчилик саъятини ўрганган Юсуфжон қизик Бухородан Самарқандга, кейин Қўқонга қайтиб келади. Қўқонда анвал Зокир эшон (Зокир вуй) гуруҳида, кейинчалик, ўзи мустақил гуруҳга тузиб, томошалар кўрсатади.

Маълумки, қизикчилик саъяти арболлари муқаллабидикдан ташқари яхши раққос ҳам бўлганлар.

Бир кун қизик воқеа бўлганлиги ҳақида ака-ука Зайнобиддин ва Мадаминжон Шакаржоновлар шундай

эслагандилар: Юсуф қизикни Душанбе шаҳрига тўйга таклиф этишади. У бир қанча саъяткорлар билан шу кунга тўйхонага етиб боради. Аммо тўй бошқа кунга қодирланганини эшитиб, барчанинг руҳи тушиб кетади. Чунки саъяткорнинг шериклари уйга қайтишлари учун ёшларидея пуллари етмас эканда. Шунда Юсуфжон қизик дарров ҳаммани ошхонага пешма-пеш олиб кирди-да, овқат бузди. Биз ўтирбмиз, ошхона хизматчилари овқат келтиришяпти. Ҳамма ҳайрон. Бир маҳал Юсуфжон қизик Шакаржонов созандалардан бир куй чалишни сўради. Улар қалча ҳаракат қилишмасин уша куйни меърига етказиб чаала олишмади. Юсуфжон қизик унда бошқа куй чалишни сўради. Улар яна жим туриб қолишди. У кишининг жаҳди чиқиб кетди-да, оғзи-ларидея бир куйни гино усулида чалиб берди. Созандалар аста-секин бу куйга куй улаб кетишди. Юсуф қизик эса йўғалаб, рақсини шу даражада маҳорат билан ижро этдики, бир



зумда одамлар тўпланишди. Рақс тугагач, улар раққос ва созандаларга кўп миждорда пул ҳада қилишди. Шундай қилиб, Юсуф қизик дўстларини қийин вазитдан кутқариб қолди.

1923 йили Юсуф қизик Шакаржонов Москва шаҳрининг Қишлоқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қоривқубов бошчилигидаги ўзбек халқ этнографик ансамбли билан биргаликда иштирок этди. 1937 йили эса Москва шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва саъяти декадасида қатнашди. 1937 йили Юсуфжон қизик Шакаржонов ҳам Меҳнат Қаҳрамони, ҳам Ўзбекистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунга келиб, жумҳуриятимиздаги катта-ю кичик аскиябоз ва қизикчилар Юсуфжон қизик Шакаржоновнинг анъаналарини давом эттириб келмоқдалар. Булар машҳур Юсуфжон қизик Шакаржоновнинг ўғиллари Зайнобиддин (марҳум) ҳамда Мадаминжон, Мулла Тўйчи Тошмухамедовнинг фарзандлари Абулқосим ва Эркинжон, шунингдек, ёшлардан Обиджон ва Собитжон Асомовлар, Абдуллажон ва Аҳмадади Акбаровлардир.

Қуйида буюк саъяткоримизнинг ўғиллари Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуфовларнинг ўз оталари ҳаётидан олиган кичик ҳикояларини ўқийсиз.

Зайнобиддин ЮСУПОВ

Табиатнинг мўъжизаси таолжубли булар экан. Дадам чапақай эдилар, мен ҳам чапақай, ўғлим ҳам чапақай... набирам ҳам чапақай.

Ёй қўшимиз Ҳамдам ака карқулоқ, Хотини Мунисхон опа ҳам карқулоқ, уларнинг ўш саккизга кирган қизи бор, у ҳам карқулоқ.

Мен концертга кетаётган эдим. Ҳамдам ака уйимизнинг орқасидаги ҳоданинг тепасида чунқайиб ўтирарди. Унинг чўнтагида «Павел Буре» соатти бор эди.

— Ҳамдам ака, соатиниш неча бўлди? — десаам Ҳамма ака қовонгини солиб, уинга қараб кйриб кетди.

— Ие, бу карқулоқ нима деб тушундйркии? — деб орқасидан бориб қулоқ солиб турсам, Ҳамдам ака хотинига вайсапти.

— Қачон мен Зайнобиддиннинг ҳодасини ўтирлабман-а?

Хотиниям роса тушунган экан, қизига қараб вайсаб қолди:

— Қачон овқат қилсам, дадаиш ул турга ёкмайди-а.

Қизи эса ўчоқ одида йиғлаб юборди:

— Қачон мен сизларга: «Эрга тегман», дебман?..

ИТЛАРИ БЎЛАДИЛАР

Баъзи одамлар қизларни турмушга чиқарадилар-у, улар арзиманган баҳона сабабли эрлари билан жанжаллашиб, аразлаб, ўз уйларига қайтиб келадилар. Бу воқеага қизнинг ота-оваси юзани қараб, дарров кувё билан келини ажрим қилиб қўядилар. Натijaда қиз бахтсиз бўлиб қолади, кувё эса бошқага уланган.

Юсуфжон қизикнинг бошига худди ана шундай кўргүлук тушган икки дўсти бўлиб, бир кун улар борзorda учришиб қолишди. Дўстлари Юсуфжон қизикқа ўз дардларини сўйлаб турганларидея, уларнинг рўпарисидан катта ит ўтиб қолди. Юсуфжон ака дарров итга эғлиб, салом берибди. Дўстлари ҳайрон бўлиб:

— Ия, Юсуфжон! Нега итга салом берасиз? — деб сўрашибди.

Шунда Юсуфжон қизик:

— Қизимиз турмушга чиққан маҳаланинг итлари бўладилар, — деб жавоб берибди...

Мадаминжон ЮСУПОВ

ҲАММОМ

Юсуфжон қизик бир гурӯҳ созандалар, қизикчилар, масҳарабозлар билан бир шаҳарга саёҳатга борибди. Уша шаҳарда Кур ном деганинг овозиси кетган бир ҳаммоми бор экан. Юсуф қизик ҳаммомга тушиб буцай қарасак, овозиси кетган ҳам-



# БИЛИМЛАР ҲАФТАЛИГИ



момнинг аҳволи чатоқ, ўзи хароб, ичи совуқ, лой, балчиқ, сувиининг бетнда хас-хашак қалқиб юрганмиш. Қизик ҳаммомга тушганига минг пушаймон бўлиб, бир амаллаб чўмилибди-ю, аниқ-тапиқ кийинга бошланди. Ҳалиги Кўр имом ҳаммомчи югуриб келиб, Юсуфжон қизик акага деди:

— Биродар, Сизнинг шаҳрингизда ҳам шуваканиг яхши ҳаммомлар борми?

Хубоб бўлиб турган Юсуфжон ишчилик қилбди:

— Йўқ, бундай «шоҳона» ҳаммом тезда нима қиларди дейсиз? Ҳаммомингизни етти иккимдан топиб бўлмайди. Лекин унга олти нарсга етишмас экан.

— Э, нима етишмас экан? Айтипти, биродар, янаги келгулингизга қадар ҳаммасини муҳайё қилиб қўяман.

— Айтсам хаф бўлмайсизми?

— Йўқ, хафачилиқдан беш кун кейин туглаганмиз.

— Бўпти, эшитинг: биринчидан, бу ерга пўстин керак экан. Ҳаммомингизга кирган одам уни елкасига ташлаб кирса, ўзини совуққа олдирмайди. Иккинчидан, ёғоч ковуш керак — кийиб олса, балчиққа ботмайди. Учинчидан, ҳасса керак — қўлига тутиб кирса, ўзини у ер-бу ерга уриб, пешонасини гурра қилмайди. Тўртинчидан, фонуус керак. Еқвб кирса, адашиб гулаҳхонага кириб қолмайди. Бешинчидан, галивр керак — сувиини чуққасдан тозалаб, бошидан қўйган бўларди. Олтинчидан, ҳаммомга бир Каломулло керак экан, чиқаверишдаги дуняххонага қўйилса, чўмилиб чиқаётган одам уни кўзига суртиб, қасам чикари:

«Қайтиб шу ҳаммомга кирман, худо урсин», — деб.

— Эй, бор, бор-эй — деб бақириб қолбди бу даққиларни эшитиб, изза бўлган ҳаммомчи.

## ЧИРОҚ

1947 йили Маргилонга Ҳамза номидаги театр гастролга келди. Дадам билан кечки пайт ботга йўл олдик. Уйла пайтларда бизда чироқлар хира ёнар, бизни жойларда йўқ хисоси эди...

Дадамлар йўлда кета туриб, лампочкаси хира ёнаётган бир симёточининг тағида тўхтади. Бир оз тургач, электр станцияси бошлигининг уйига бориб, эшитини таққиллади. Уйдан бир бола чиқди.

Дадамлар:

— Утам, нарвоиларингиз бўлса, олим чикинг! Иш бор, — деди. Оз ўтмай, бола нарвоил олим чиқди. Дадам нарвоилнинг боғли симёточга қўйиб, теглага кўтарилса бошладди. Шу пайт уйдан боланинг отаси чиқди:

— Ҳа, Юсуфжон ака?! Нима, мотёрликдан ҳам хабарингиз борми? — деб сўради.

Дадам:

— Йўқ, мен шу ердан доим ўтаман. Нарвоилнинг шу ерда бир нарсга қизиб турди. Ҳозир ёшимда гутурт билан эчкиб кетганиман. Чикиб, бир чақиб кўрайчи, бу ерда нима турипти экан? — деб жавоб қилди.

... Бир қанча вақт ўтгач, биз томонларда ҳам чироқлар чарогон ёнаётган бўлди.

Нашрга тайёрловчилар:  
Абдулла АЛИМОВ,  
Мирбоҳодир БАДЛООВ.

Илм инсон кўзин очар, кўлогин очар,  
Фан миёга идрок билан ёруғлик очар.

(М. ШАЙХЗОДА).

Андижон вилоят болалар кутубхонаси болалар ва ўспиринларга мактаб дастуридаги фанларга ёрдам қилувчи адабиётларни тарғибот қилишда кўп йиллардан бери турли оммавий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Алмо ўтиш давридаги ҳозирги қийинчиликлар мактабларга бевосита таъсир кўрсатмоқда: ўқишга қизиқиш анча сустайди.

Болаларда одамларга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлишни тарбиялаш, бадиий адабиётдаги қаҳрамонлардан ўрнак олишга ўргатиш ҳар бир кутубхоначининг вазифаларидан биридир. Вилоят болалар кутубхонасининг китоб жамғармаси 120 минг нусхани ташкил қилади, улардан анчаси болалар ижодини ривожлантирувчи турли фан соҳасидаги китоблар — ёш табиатшунослар, математиклар, физиклар, кимёгарлар ва бошқа билим соҳаларини ташкил қилади.

Дарсада ўқувчиларнинг олган билимларини мустақамлаш мақсадида вилоят болалар кутубхонаси ходимлари «Билимлар ҳафталиги»ни ўтказдилар.

Ҳафталикнинг ҳар бир куни муайян фан соҳасига бағишланган бўлиб, халқ таълими соҳасидаги муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилади. Ҳаммаси бўлиб ҳафталик тадбирига Андижон шаҳридаги 7 мактабдан 34 та синф ўқувчилари қатнашди, 11 фан бўйича тадбир ўтказилди.

Ҳафталикнинг ҳар бир куни тузилган дастур асосида қизиқари утди. Шаҳардаги 1, 2, 7, 10, 14, 24, 37-мактаб ва 1-гимназия ўқувчилари турли фан соҳалари бўйича билимга интилишини, қизиқувчанлигини намойиш этишди.

Масалан, ҳафтанинг биринчи куни математика ва физи-

ка билимларига бағишланди. Кутубхонанинг ўқув зали ва бошқа залларида 4 та тадбир ўтказилди.

«Физика ва чой» мавзусидаги қувноқлар ва зукколар беллашуви қатнашувчиларнинг барчасида катта қизиқиш уйғотди. Беллашувда ҳаёт билан физика фанининг қаттиқ боғланганлиги турли тажрибалар орқали намойиш этилди.

24-мактабнинг ёш математиклари узаро беллашиб китобхоналарини билимдонликлари билан ҳайратга солдилар, бошқотирмалар, математик жумбоқларни ечиш, бошқотирмаларни тезда бажариш каби топириқларни қизиқари ва юқори савида ўтказдилар.

Кун давомида бошлангич синф ўқувчилари учун «Уйлашни ўрганамиз» мавзуси бўйича машгулот бўлиб, унда болалар математик қонунлар, қизиқари масалалар билан таништирилди.

Билимлар ҳафталигида барча фан соҳалари бўйича ўтказилган тадбирларда 1, 14, 24, 37-мактабнинг ўқувчилари ҳам фаол иштирок этдилар.

Кутубхона жамғармасидаги фан соҳалари бўйича китобларнинг кўргазмаси ва тавсиявий рўйхатлар тайёрланиб тарқатилди. Ўтказилган тадбирлар оз бўлса-да ўқувчиларнинг билим савиясини оширишга ёрдам берди.

Замира ИСМОИЛОВА,  
Андижон вилоят болалар кутубхонасининг директор уринбосари.



ИСКАНДАР  
ЗУЛКАРНАЙН  
ҚАЕРГА ДАФН  
ЭТИЛГАН?

САНЪАТИМИЗ ЖОНКУЯРПАРИ

## ФИДОКОР

Юнон қадимшуносларининг Мисрдаги кашфиёти жамоатчилик уртасида катта шов-шув уютди. Улар Лубнон (Ливия) билан чегарадош ерда жойланган Сива водийсидаги қадимги Миср худоси Амон-Ра ибодатхонаси харобалари ичидан эски қабрни тоқдилар. Уларнинг фикрича, бу қабр Искандар Зулкарнайнига тааллуқли. Буни уша ерда тошпаган иккита қўл-ёзма ҳам тасдиқлайпти. Унда ёзилишича, буюк жаҳонгирнинг жасади Сивадаги Амон-Ра ибодатхонасида кўмиган.

Тарихий ҳужжатларга кўра, Искандар Зулкарнайн Сивага 2326 йил олдин келиб, ибодатхонадаги қадимги мисрликларнинг қўш худоси Амон-Раининг улкан ҳайкали қаршисида соатлаб ҳайратланиб турган, шундан кейин мазкур тангрининг суратлари чизилган кийимларни кийиб юрган. Шу боис, мисрликлар улар саркардага меҳр-муҳаббат билан қараганлар, уни қўлаб-қувватлаганлар.

Қоҳирага кашфиёт ҳақидаги хабар етиб келгач, Миср маданият вазири Форук Ҳусни Сивага юнон қадимшуносларининг фикрлари қай даражада ҳақиқатлигини аниқлаш учун мутахассислар гуруҳини жунатди. Вазиrнинг аини чоқдаги шубҳаси ўринлидир: чунки талай мамлакатларнинг қадимшунослик экспедициялари Искандар Зулкарнайнинг дафн этилган сирларини очганликлари ҳақидаги эътирофлари ўзининг бирон марта ҳам тасдиғини топмаган.

Жамалак сочли қизалоқ мактабдан қайтгач, отасидан қолган дуторни олиб, янги урганган ашуласини айтар, завқи юрагига сигмай, гоҳо уйинга ҳам тушарди. Онаси Ҳожар хола эса бир зум чарчокларини унутиб, қизига меҳр билан қараркан: «Илоҳо умри узун бўлсин. Отаси урушга кетмаганда санъатга берармиди? Шундай оғир кунларда учта жонни қандай боқаман, сени қандай ўқитаман? Худодийм сента шундай истеъдод эту этибди. Агар бу йўлдан юрсанг одамлар нима дейди? Болаларини боқа ололмай, қизини артист қилбади, дейишмайдими? Йук, йук, Бизга артистик тугри келмайди. Саккизинчи тугатинг, пиллачилик фабрикасига олиб бораман... Ўзининг касбини ўргатаман», — деб ўйларди.

Бироқ, қизчага саккизинчи синфни тугатип шўм насиб этмади. Унинг ширалаи овози, нозик рақслари алақачон халқ озгиза тушган эди. Ҳаваскорлик тўғараги раҳбари Қодир Субҳонов онанинг истихосасини гўё пайқагандай Ҳожар хола билан узоқ сўхбатлашгач, қизининг истеъдодини авайлаш, уни ўстириш кераклигини ўқтирарди. Ҳеч иккиланмай уни 1953 йил театрга бошлаб келди. Уша йиллари С. Айний номи мусиқали драма ва комедия театрига Баҳодир Жамолов раҳбарлик қилар эди. Тажрибали режиссёр истеъдодини сездн шекили, сўзсиз жамоага қабул қилди.

Ҳали 15 ёшта тўлмаган Зевара Раҳмоновани ижодий жамоа ўз фарзандидек бағрига олди. Биров ака, бошқа биров опа ўрнида унга сахна сирларини ўқтирди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Ҳайет Нанмов талқин йўлларини эринмай ўргатиб, Зеварада театр санъатига нисбатан улкан меҳр-муҳаббат уютди.

Устозлардан олган сабоқлар ёрдамида аввал кичик, кейин катта ролларни берилаб ижро эта бошлади.

1955 йилда сахналаштирилган 1 пардали «Ўзи бошқа, сўзи бошқа» спектаклидаги Котиба қиз роли унга доврўк келтирди. Бу қизалоқнинг балагатга етганидан, актриса сифатида шакланганидан далолат эди. Ана шу илк муваффақиятидан сўнг бирин-кетин «Туй» мусиқали комедиясида Салтанат пошшо, «Бой ила хизматчида Гулбахор, Пошшо ойм, «Ревизор»да Ана Андреевна, «Лайли ва Мажнун»да Она, «Аршин мол олон»да Зеби, кейинчалик «Ибн Сино»да

Муҳаббат, «Нурафшон тонг»да Феруза, «Кутлимаган келинда Ҳожар ва бошқа кўпгина бири бирга ушамас тимсоллар сажиясини тақомилига етказди.

Зевара Раҳмонованинг 40 йил давомида уйнаган ролларини ёки турли сахналарда ижро этган рақсларини номма-ном айтиб, талқин қилиш қийин. Лекин санъаткор ижобий, салбий образ ҳамда рақслари билан томошабинлар қалбида ўчмас из қолдирди.


У ўтган йиллар мобайнида театрининг бош балетмейстери даражасига етди, муносиб шоғирлар тайёрлади. У вилоят ёшлар уюшмасининг совриндорлари Мўмина Назарова, Зулайҳо Раҳматова каби фахрланса арзигулик шоғирларини етиштирди. Санъаткорнинг кўп қиррали меҳнати ҳукматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилган.

Ҳа, йиллар шамолдек учқур, умр ҳам шиддат билан ўтаверади. Санъаткордан эса уйнаган роллари, ижро этган рақслари буюк хотира бўлиб қолади. Зевара Раҳмонова ҳам ўз фасоляти давомида сахнада ажойиб образлари, раққосага хос тимсоллари билан ажойиб хотиротлар яратди. Биз кўп сонли мухлислари номидан унга ижодий парвоз, сийхат-саломатлик тилаймиз.

Гулчеҳра ҚУЛДОШЕВА.



Комил Яшин. «Менинг Бухором». Ойхонбиби — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зевара РАҲМОНОВА.





# ДОИРА ВА КУЙЛАР ПАЙРОВИ

(АСКИЯ)

ТУРҒУН АКА: — Мана бугун улкан байрамлардан бири. Шу байрамда иккаламиз бир сўз уйини «Аския» қилишиб, сайлга келганларни қайфиятларини кўтармаймизми? Эки мен билан бир пайровда юролмай шу даврада «Доира»дан четга чиқи кетасизми-а?

ТУРОБ АКА: — Мен сиз айтган бир қолида юролмайдиган аскиячилардан эмасман, доимо пайровда юраман. Кўряписизми, чалаётган доирангизни гардиши даққи Юнусдан қолган кўринади, чалинавериб ҳалқалари ҳам «Занг»лаб кетибди. Асбобни қадрига ҳали ҳам етмас экансиз. Саҳнага чиқмасдан олдин сағал у ёқ-бу ёғини тозалаб чиқиш керак-да доирани!

ТУРҒУН АКА: — Тўтри айтасиз, уста. Чолгу асбобини созадан доим озода сақламоғи керак, албатта. Ушбу «тантана»га сиз келасиз деб шошиб келаверибман, тагин тезда кетиб қолманг, деб, узр. Одамлар кеча менга айтишувди, эртага Туроб акани олдида сайлга тезроқ бординг, сағал кечиксангиз борми, баҳона қилиб «Катта базм»га кетиб қоладилар, шу кунларда «Якан»га уч бўлганлар деб.

ТУРОБ АКА: — Агарда мени кутмай кетиб қолганда бормиди, сайлга келганлар сизни доира чалдирмай уртага олишиб «Катта уйин»га тортмоқчи эдилар.

ТУРҒУН АКА: — Бўлмаган гап. Мен ҳам анойи доирачилардан эмасман. Эл олдида ўзимга яраша обрўйим бор. Бирон халқ сайлига ҳеч кеч борган эмасман. Биласизку мен халқ сайлига олдинроқ бормасам созаңдалар, раққосалар, хонандалар мени кутиб қолишади.

Ахир мен кўп доирачиларга «Сарвоз» ман-а.

ТУРОБ АКА: — Бу сайлга сиз билан аския айтишаман деб, сизку Топкентда яшасиз, мен сизни олдида атайлаб «Олтин кўлдан» етиб келдим-а шу тобда.

ТУРҒУН АКА: — Халқ сайлига сапъаткорни кеч қолишига ҳеч ҳаққи йўқ. Санъатчисиз ҳар бир байрам файлиз утмайди. Нима бало, бу сайлга келаётганнингизда йўлда «Довула»да қолганмисиз дейман, гапизда туз йўқ.

ТУРОБ АКА: — Қандоқ бўлса ҳам етиб келдим-да вақтида. Энди мен доирани қаттиқ зарб билан бир чалай, сиз бир рақсга тушинг ҳар хил мақомлар қилиб менга. Худди «Шўх кизлар»га ўхшаб.

ТУРҒУН АКА: — Майли, чалинг, шахтингиз қайтмасин, уйнасам-уйнай қолай. Аммо мени ҳам бир шартим бор сизга айтадиган, айтмайми сизга? Мендан кейин сиз ҳам саҳнада уйнайсизда «Пилалачи»ларга ўхшаб рўмолизни қилпирати-йиб.

ТУРОБ АКА: — Ҳа, уйнасам уйнабман-да, уйинни билмай, купчилик олдида сизга ўхшаб ҳа деб «Садр» тушаётганим йўқ-ку, ахир. Сиз доирачимисиз ҳали. Ахир доирачи деган «ритмика»ни ҳам бишлии керак-ку.

ТУРҒУН АКА: — Мен сизни устоз эмасман-да, эссиз-эссиз. Бу нуноқлигизни олдинроқ билганим-да эди. Пешонангизга «Кўш қарс»ни уриб ақлизни киргизиб қўйган бўлар эдим алақачон.

ТУРОБ АКА: — Яхшиямки, менга устоз бўлмагансиз. Сизни нимайиз кўп — доира чалинингиздан ҳам, рақсга тушишиз кўп. Мен

сизни уста дейишга ҳам уяламан. Қачон қарасам, тўйларда қош қоқиб рақс тушаётганизни кўраман. Дўппингиз атрофида нуқул норгул йиғитлар қўстиришган 10 талик «Кўкочна»лар.

ТУРҒУН АКА: — Елгон ҳам эви билан-да. Мени маошим яхши. Рўзгорга, оилага бемаоло етади. Асло сизга ўхшаб ҳуда-беҳудага рақс тушмайман. Гапирётган гапиз баъзи бир у ёқ-бу ёққа «Бурилча»ларни гапини ўзи.

ТУРОБ АКА: — Нима, сиз менга гапирганизда мен ҳар доим жим туришим керакми? Сизни «резиз»га ўхшаб мен ҳам «доим соқов» бўлайми-а?

ТУРҒУН АКА: — Сизни гапингиз жа-а булакча. Қайси тилда гапиряписиз менга ҳа деб, гапирётган гапиз «Тожикча»ми, «Бухороча»ми, мен тушунолмаман.

ТУРОБ АКА: — Шунақа денг ҳали, эркакча гапга тушуномсангиз, мени тилимни бир «улсара»дан сўраи-а. Бир настрада сизга ҳамма гапим аён бўлади-қолади.

ТУРҒУН АКА: — Гап доира турисиди кетяптимми, сизни доирангизни қанча «қиздирсам» ҳам ҳеч садоси яхши чиқмапти. Териси худди ўзизни бетизга ўхшаб жуذا қалин-а. Ҳайронман.

ТУРОБ АКА: — Мени доирани териси энг яхши тери. Қиздирмасам ҳам бўлаверади. Терисига хол ҳам қўйилган яхшилиги биалинсиз деб. Энди сизни доирангизни ҳалқаларини кўпи тушиб кетибди. Устага олиб бординг-да, кўрсатиб қамида олтишга «ҳалқа» қиладириб олинг, тамоман ҳамма ҳалқани янгидан қўйдириб.

ТУРҒУН АКА: — Яхши маслаҳат бердиз, баали сизга. Доирани ҳамма ҳалқаларини янгилапти келгач, яхши парда қолсаб, чалиб бир сизни «Савти уфор»га уйна-тарканманда-а!!

ТУРОБ АКА: — Унда мен ҳам сизни «Дуланча»га тушпир эканман-да бир, олдимга солиб.

ТУРҒУН АКА: — Мана доира ва уни қуйларидан рос-са пайровлар қиладик. Айтверсак ҳали доира рақси қуйлари жуذا кўп. Айниқса, бирини бир қўлида, қолганини икки оёғиз уртасида ушлаб туриб, бир бармоғиз билан доирани айлантириб, чертиб чалаётган терма усуларизга борманда-борман.

ТУРҒУН АКА: — Устасига барибир-да ахир. Менга ҳарҳия гапларни айтиб мени ҳафа қиляписиз шу кунларда. Ана шуни учун ҳам сизни бир «Нохун» тақиб худди доирадек саватим бор. «Аския» билан савалағандек.

Абдулла ТОЛИПОВ.



# ТИЛСИМ


Эйлар буйича «занжир» ҳолида: 1. Самарқанддаги қадимий меъморлик ёдгорлиги. 2. Урта аср Шарқдаги шаҳарларнинг марказий қисми, ҳукмдорлар қароргоҳи, қаср. 3. XIX аср ўрталарида Хивада қурилган ёдгорлик. 4. Бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устулар билан безатилган кўркам қисми. 5. Тош, тахта каби қаттиқ жисмларни ўйиб, гул солишда ишлатиладиган асбоб. 6. Иморатсоз уста. 7. Бўяш учун ишлатиладиган модда. 8. Бинонинг кубба шаклидаги томи. 9. Зийнат буюмлари ҳунарманди. 10. Тасвирий санъат асари тури. 11. Мусаввирлик санъати соҳаси. 12. Туркиянинг ўрта аср меъморлик ёдгорликлари сақланиб қолган марказий шаҳри. 13. Марказий Осиёдаги даре буйидан топиладиган милоддан аввалги IV-II асрларга мансуб хазина. 14. Ёғду, нур. 15. Сопол идишлар ҳунарманди. 16. Миллий нақшларда қўлланиладиган гул тасвири. 17. Авлодан-авлодга ўтиб келган урф-одатлар. 18. Уч томони берк олд очик хона. 19. Ўйиб ёки буюк билан ишланган безак. 20.

Дурадгорлик ашёси, ёпишқоқ модда. 21. Тахминий ўлчам, меъёр. 22. Бинокорликда ишлатиладиган танаси қаттиқ дарахт. 23. Қизил тусли ранг. 24. Бир нуқтадан чиққан чексиз тўғри чизиқ. 25. Тасвирий санъат ижодкори. 26. Рузғор буюмлари ясовчи ҳунарманд. 27. Рангли металл. 28. Қотишмалар тайёрлашда ишлатиладиган маъдан. 29. Малака ҳосил қилиш учун қилинадиган ҳаракат. 30. Дуторсимон қадимий қолғу асбоби. 31. Миллий безак ишловчи санъаткор уста.

Эйлар буйича ўнгла: 32. Бадиий, илмий асар ёки моддий бойлик вужудга келтириш. 33. Ҳул мева тури. 34. Ҳусн, чирой. 35. Кундалик иш, фаолият. 36. Бирор нарсанинг энг муҳим, асосий қисми. 37. Оналар қўшиғи. 38. Ижод маҳсули.

Эйлар буйича чапта: 32. Пилла кўрти ҳосили. 33. Бинокорлик ашёси, ясси пиша. 34. Санъат тури. 35. Хупбўй суюқлик, пардоз ашёси. 36. Қўчма уй. 37. Шерий вазн. 38. Афсонавий катта қуш.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Тилсим

3

1995

Учредитель:  
Министерство по делам  
культуры  
Республики Узбекистан.

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир  
М. НАБИЕВА.  
Рассом  
А. САЛИМЖОНОВА.

Мусаҳҳиҳ  
М. АБДУЛЛАЕВОВА.

Муҳаррират тураржойи:  
700000, Тошкент — ГСП,  
Матбуотчилар кучаси, 32-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 36-78-90.  
Бош муҳаррир ўринбосари —  
33-07-94.  
Масъул котиб — 36-56-01.  
Санъат ва маданият назария-  
си — 36-07-94.  
Музыка ва ҳақ ижодиёти —  
36-58-69.  
Маданий-маърифий муассасалар — 36-58-69.  
Тасвирий санъат — 36-58-69.  
Рассом — 36-56-02.  
Мусаҳҳиҳ — 36-56-02.

Терипга берилди 29.03.95 й.  
Босишга рухсат этилди  
24.05.95 й.  
Қоғоз ҳажми 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>  
Офсет босма.  
Шартли босма тобоғи 7,64.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.  
Шартли буюқли нусха 18,5.  
Буюртма № 3535  
9.600 нусхада чоп этилади.  
Сотувда эркин нарх.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа  
концернининг босмахонаси,  
700083

Тошкент шаҳри,  
Буюк Турун кучаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 3, 1995.



Акмал Нур.

«ОИЛА», 1990 й.



Акмал Нур.

«АНОР», 1991 й.

73602  
ИНДЕКС 75233.

Баҳоси: чакана савдода —  
эркин нарҳда.

# Тулчилик



Нурдинур 91

Акмал Нур.

«ДАРВИШ», 1991 й.